

МАЖБУРИЙ НУСХА

Исҳоқжон НИШОНОВ

АФГОН ШАМОЛИ

РОМАН-СЕРИАЛ

ТУЗОҚ

4  
КИТОБ

«Наманган» нашриёти  
2013 йил

УДК: 821.512.133-3.

ББК 84(5Ўзб)7 - *Чж. агад*

Н-69

НГ 1076-3318,0-1561400 2013  
1077-(16,0)-(10)

ISBN 978-9943-328-72-3

- © И.Нишонов
- © Афғон шамоли - 4 Қайта нашри
- © «Наманган» нашриёти. 2013. 224 6.

2014/62	Alisher Navoiy
A	nomidagi
1018	O'zbekiston MK

10-37897/4  
2

## С А М А Н Г А Н

Судьянинг ўлими юрагини зулмат босган Эргаш учун байрамга айланди. У яна бир ғанимидан ўч олганидан хурсанд эди. Зудлик билан ўз раҳнамоларига хабар жўнатмоққа ошиқди. Бундай янгилик учун улар каттагина чойчақа тўлашарди.

- Баракалло, Эргашбой, сиз ўзингизни ҳали нималарга қодир эканлигингизни кўп кўрсатасиз! - деди раҳнамо хушхабарни эшишиб. - Менинг ҳисобимдан йигитларингизга зиёфат беринг!

- Марҳаматингиздан бошим осмонга етди, - ялтоқланди тўдабоши. - Ўйлайманки, йигитларим сизнинг бу совғангизни хурсандчилик билан қабул этиб, ҳаққингизга дуо қилишади.

- Буни совға, деб ўйламанг, иним, - деди Абдуллоҳ. - Йигитларингизни кийинтириш, озиқ-овқат билан таъминлаш каминанинг бурчидир! Совға эса алоҳида юборилади.

- Бизга бирни берсангйиз, Аллоҳ сизга ўнни берсин, оға!

- Сизга нозик бир гапни айтмоқчиман, Эргашбой.

- Буюринг, жанобим? Қулингиз бир оғиз амрингизга жонини қурбон қиласди.

- Гапимни буйруқ, деб ўйламанг, жаноб Эргашбой, - Абдуллоҳ атайин сукут ичиди қолди. Кейин мулойим, бироқ аламли оҳангда гапида давом этди.

- Сиз бизнинг энг яқин дўстимиз, ҳам биродаримизсиз. Сизга отилган данакдай тош бизнинг юра-

## «АФОН ШАМОЛИ» 4

тимизни парчалайди. Оёғингизга зирапча кирса, танамиз зирқирайди.

Эргаш бу мақтовдан ийиб кетди.

- Албатта, албатта, - деди шошиб.

- Одамларим куни кеча қўлимга рўзнома ташлаб кетишиди. Салкам икки бетда сиз ҳақингизда аччиқ ва аламли сўзлар битилган. Сизни иғвогар, юрт хоини, босқинчи ва қароқчига чиқариб кўйишган. Ўқиб, бетоқат бўлдим.

- Рўзнома қўлингиздами? - Эргашнинг овози қалтираб чиқди.

- Сизга жўнатмоқчи эдим, аммо раҳнамоларимиз ўша рўзнома билан қизиқиб қолишгани боис, уларга юбордим.

- Мақолани ким ёзибди? - сўради руҳи тушиб кетган тўдабоши.

- Андак сабр қилинг, - деди Абдуллоҳ ва бир муддатдан сўнг муаллифнинг исмини баён қилди.

- Илм даргоҳининг профессори Фарҳод Жамол экан.

Эргаш бундай номни эшитмаганди. Абдуллоҳ жанобларининг бўрттириб ва айни дамда ёлғон айтишидан муроди ўзгача эди. Аслида мақола Эргаш ҳақида эмас, балки Абдуллоҳ бошлиқ қилаётган оқим тўгрисида эди. Унинг мақсади мақола муаллифидан Эргашнинг қўли билан қасос олиш эди.

- Сиз у кишини танидингизми? - сўради Абдуллоҳ Эргаш жим қолганидан хавотирланиб.

- Афсус, танимадим, устоз, аммо мен борганимда унинг бўхтон ёзган қўлларини синдираман!

- Бу даражада ғазабланманг, муҳтарам Эргашбой. Шу ерда туриб ҳам ундан қасос олишингиз мумкин.

- Йўл кўрсатинг, устоз?

- Одамларингизга буюринг, улар рўзнома чиқарадургон идорани ўраб олишсин, ўша тухматчи ёзувчини топиб, ноўрин мақола ёзгани учун айнан шу рўзномада бизлардан кечирим сўрасин!

- Ҳақ гапни сўзладингиз, устоз, - Эргаш учун Абдуллоҳнинг маслаҳати маъқул бўлди. - Мен ҳозироқ одамларимга хабар жўнатаман. Улар албатта эрталаб исён кўтаришади.

- Бўш келманг, иним, бўш келманг! - деди муродига етган Абдуллоҳ.

Тўдабоғни зудлик билан Қамбарга хабар йўллади.

- Одамларимизга айт, эрталаб газета идораси олдида тўпланишсин. Намойиш ўтказинглар, биз тўғримизда мақола ёзган одамни топиб, кечирим сўрашга мажбур қилинглар!

Қамбар топшириқни бажаришга сўз берди. Эрталаб шаҳар газетасининг биноси олдида эллик нафарга яқин одамлар тўпланишди. Аммо улар нимани талаб қилишни билишмасди. Ўзларича бақириб-чақиришарди. Муҳими, ўзларини одамлар кўзигаadolatparvar кишилар қилиб кўрсатишга уринишарди. Бироқ Қамбарнинг тўдасига ҳеч ким келиб қўшилмади. Ўтган-кетганлар уларга нафрат билан қараб қўйишли.

Эргаш кечки пайт хонасидан чиқмай, «Озодлик» радиостанциясининг эшииттиришини тинглаб ётди. Янгиликларда элликка яқин одамлар шаҳар газетасининг биноси олдида намойиш қилишганини, шаҳар прокурори безорилик қилган уч нафар намойишчини қамоқقا олиш ҳақида санкция берганини айтиб ўтишди. Абдуллоҳга шу керак эди. Эргашнинг қўнфироғини кутмай, ўзи сим қоқди.

- Хабарингиз бўлдими, Эргашбой, - деди у аянчли овозда. - Прокурор одамларингиздан икки-учтаси-

ни қамоққа тиқибди. Бу қандай адолатсизлик!

Эргаш бу хабарни эшитгани учун ташвишга тушмади.

- Бу менинг ғалабам, устоз, юртда бўлмасам ҳам тарафдорларим борлигини, қўлимдан қандай ишлар келишини ғанимларим билишди.

- Сиз уларни бунданда кўпроқ даҳшатга солишингиз мумкин, иним. Одамларингизни қамоққа олган прокурор жазосиз қолиши мумкин эмас. Уни жазоламасангиз, эртага бошқа одамларингизни ҳам қамоққа тиқади. Ҳукумат одамларининг юрагига ғулгула солинг! Ўйлайманки, сиз бунга қодирсиз!

Эргаш шаънига билдирилган мақтовли гаплардан талтайиб кетди.

- Бу ишни узоққа чўзиб ўтирумайман, йигитларимга бир оғиз айтсан прокурорни гумдан қилишади.

- Менинг прокурорда адоватим йўқ, Эргашбой жаноблари, фақат сизнинг содиқ ва вафодор йигитларингизни ноҳақ қамоққа олганига тоқат қилолма-япман!

Абдуллоҳнинг мақсадини тушунмаган Эргаш бу гапни ўзига нисбатан ачиниш, деб қабул қилди.

- Бир ҳафта ичиде ўша ярамас прокурорнинг бошига итнинг кунини соламан! Шундай жазолайманки, ўлими олдидан одамларимни қамоққа олганига минг бор пушаймон ейди. Керак бўлса, бутун дунё олдида уларни ноҳақ қамаганини, адолатсизлик қилганини, менинг йигитларим қонунни бузмаганини айтиб, кечирим сўрайди!

- Бу ҳақиқий ўз йигитларига жонини фидо қиладиган қасоскор, эр мард кишининг гапи бўлди, иним, баракалло! - олқишлиди Абдуллоҳ.

- Қуллуқ, устоз!

Эртаси куни Эргаш Қамбарга шундай топшириқ берди.

- «Сим» операцияси амалға оширилсін!

## Ю Р Т Д А

Барно ваъда қилинган пулнинг қолган қисмидан умидвор эди. Ўша куни судьянинг хонасидан чиқиб кетди-ю бироқ ўлиб қолишини хаёлига келтирмаганди. Уйига боргунча Қамбарнинг одами «топшириқ нега бажарилмади?», деб сўраса не дейман», деган совуқ ўй хаёлидан кетмади. Топшириқни бажармагунча кўринмасликка қарор қилди. Кечки пайт маҳаллий телевидениеда суд раисининг инфаркт билан вафот этганилигини эшигандан сўнг, миясини оғритган саволлар юки елкасидан қулади.

Эрталаб айтилган манзилга борди, аммо ваъда берган одам келмади. Пул қизнинг юрагига тинчлик бермасди. Шу сабабли, ҳар куни манзилга келар ва керак бўлган одамни қутарди.

Қамбарнинг одами Барнони кўздан қочирмаганди. Изидан соядек эргашиб юарди. Кунларнинг бирида бола кўтарган аёл ёнига келиб, садақа сўради:

- Яхши тушга ҳам садақа, деганлар, хайр қилинг, синглим!

Барно ҳурпайиб кетган соchlарига тароқ тегмаган, кўйлагининг тугмалари узилиб, қорайган кўкраги кўриниб турган тиланчининг раъини қайтармади. Сумкасидан юз сўм олиб узатди.

- Илоҳим, муродингизга етинг, синглим, - аёл дуо қилди. Бирдан Барно ҳушёр тортди. Унинг овози қулогига таниш туюлди. Тиланчи йўл четида келиб борарди. Киз унинг ортидан қараб қолди. Икки-уч

дақиқа ўтиб, ёнига ўспирин йигит келди.

- Кечки пайт олдингизга одамларимиздан бири келади. Шу ерда кутинг!

Барно айтилган вақтда келди. Сариқ «Жигули» ёнида тұхтади.

- Машинаға чиқынг!

Аёл ҳайдовчини таниди. Топшириқ берган одам шу эди.

У орқа ўриндиққа ўтирди. Машина силжиди.

- Топшириқни аյло даражада бажарыбсиз, бошлиғимиз хурсанд бўлдилар! - деди ҳайдовчи.

- Бундай бўлишини кутмагандим, - деди Барно.

- Нима, сиз уни ўлдирмадингизми? - ҳайрон бўлди ҳайдовчи.

- Ярим тунда мазаси қочиб қолди. «Тезда уйдан чиқиб кет», деб мени ҳайдаб юборди.

- Сиз уни қийнаган бўлсангиз керак-да?

- Умрида аёл зоти билан ётмаган эканми, ўша тун ҳоли жонимга қўймади.

- Аниқроқ гапиринг? - қизиқди ҳайдовчи.

- Нимасини гапирай, - Барно ҳиринглаб кулди ва тўшакдаги воқеани очиқчасига сўзлаб берди.

- Сени адабингни берай деб, ҳирсни қўзғатадиган доридан тўрттасини сувга аралаштириб, ичириб юборгандим. Наша чеккан одамдай маст бўлиб, ёнимдан силжиёлмай қолди...

- Ҳунарингизга гап йўқ! Бундан ортиғи бўлиши мумкин эмас.

- Сиз ваъдангизни унутмадингизми? - бироз жимликдан сўнг сўради Барно.

- Унутиб бўладими, фариштам, бизда гап битта бўлади! - Ҳайдовчи тортмадан бир боғлам доллар олиб, аёлнинг тиззасига қўйди. Барно пулни сумкасига жойлади.

- Биздан олган қарзингиз қанча бўлди?
- Нима, буниям қарзга ётқизмоқчимисиз?
- Буниси ваъда қилингандан хизмат ҳақингиз, бироқ орамизда олди-бердимиз бор. Ҳисобли дўст айрилмас, деганлар, шунга сўраяпман-да!

Баронинг қарзи эсида эди.

- Олти миллион!.
- Раҳмат, унутмабсиз!
- Бошлиқ сўраяптими?
- Сўраганлари йўқ, аммо қарзим бор, деб сиз хижолат тортманг, пул лозим бўлса, айтаверинг!
- Энди, мени шу ерда қолдирсангиз, бир дугонам билан учрашмоқчиман. - Барно уйга қайтишни истаб қолди.
- Ўша учрашувни бошқа кунга қолдирасиз, - деди ҳайдовчи.
- Сабаб?
- Бошлиғимиздан янги топшириқ олдик. Шуни ижро этишингиз керак.
- Қандай топшириқ экан?
- Буни ўзлари айтишади.
- Ишқилиб аввалгидек эмасми?
- Кўнглингизга урдими?
- Сўрадим-да, - жилмайди аёл.
- Буниси нозикроқ, - жиддийлашди ҳайдовчи.
- Айтинг! - нозланди аёл.
- Бошлиқлар айтишади, дедим-ку. - Ҳайдовчи аччиклангандек бўлди.

Барно каттароқ улушдан умидвор бўлди.

- Ишқилиб, тўлайдиган пулингиз меҳнатимга арзийдими?
- Сизни ранжитмаймиз, агар айтилган топшириқни бажарсангиз, хўжайин қарзингизни кечиши мумкин!

Барно бажарадиган топшириқни билишни жуда-жуда истаса-да, ҳайдовчи айтмади. Машина түрт қаватли бино олдида түхтади.

- Етиб келдик! - деди ҳайдовчи ойнадан аёлга қараб.

Барно пастга тушди. Икковлари тепага чиқишиди. Түртинчи қаватдаги темир эшикни тақиллатишиди. Узун бўйли одам чиқди.

- Келдиларингми?

Ичкарига киришиди. Барнонинг димоғига ёқимсиз ис урилди. Хона ўртасидаги дастурхон безатилганди. Таомларга кўзи тушган Барно очиққанини эслади.

Овқатга ўтиришганда, Қамбар кириб келди.

- Сизни Покистонга жўнатмоқчимиз, - деди қизнинг олдига ўтирас экан.

- Покистонга, нега? - ҳам ажабланиб, ҳам қувониб кетди Барно.

- Тижорат ишлари билан ўтиб келасиз.

- Бир ўзимми?

- Шерикларингиз бор!

- Менда маблағ йўқ!

- Қарз берамиз, қайтганингизда узасиз!

- Бориб келишим учун қанча пул кетади?

- Нари борса беш минг доллар.

- Катта пул экан, бунча пулни топиб, узишга ақдим етмайди!

- Узишнинг йўли бор, буни бориб келганингиздан кейин айтаман. Муҳими, қарзни ўйламанг, ҳали ёшсиз, маза қилиб ўйнаб олинг!

- Қачон жўнашим керак?

- Шу ҳафта қўлингизга самолёт чиптасини берамиз. У ерда одамларимиз сизни кутиб олишади. Хозирча бу тўғрида ҳеч кимга оғиз очманг!

- Розиман, - деди қиз. Аммо юртидан чиқиб кетаётганидан юраги ғаш эди.

## ҚИРГИЗИСТОН

Қамбар Россияга жүнатған дүпвидай наша бир чамадон пул бўлиб қайтди. Даромаднинг бир қисмини Эргашга юборди. Қолган пулга одам топиши, «сим» операциясини амалга ошириши лўзим эди. Қолаверса, ўзи ваъда қилган бош учун ҳам одам ёллаши зарур. Вақт кутиб турмайди. Яна йигирма кундан кейин Эргаш калла солинган қутини кутади. Ўйламай айтган гапи учун Қамбарнинг ичини ит тирнарди. Кундуз кунлари ҳаловатини, кечалари эса уйқусини ўғирларди. «Нега ваъда бердим? Ким мажбур қилди мени? Бу иш қўлимдан келмайди, десам бўларди-ку», дерди ўзига ўзи. Фикри-ўйи бошни узуб келадиган одамни топишда бўлди. Кутилмаганда Ҳамдам каллани эслаб қолди. «Бу топшириқни ўша бажарали», деди ўзига ўзи. Пул деган савилга шу қадар кўнгил қўйган-ки, бир мири учун ҳар қандай қабиҳ ишларни қилишдан жирканмайди. У бир пайтлар Эргашнинг хизматида бўлган. Одам ўлдириб, қўлини қон қилмаса-да, ундан баттарогини қилган. Эргаш мамлакатдан қочиб кетганида, Ҳамдам каллани эсламади. У нима қилишини билмай, қишлоғида қолди. Шу одам кутилмаганда Қамбарнинг хаёлини ўғирлаганди. Яқин одамларидан бирини унинг олдига жўнатди. Эртаси куни топиб келди.

- Менга қандай хизмат, бой бола? - сўради Ҳамдам калла ичкарига киришганда. - Ҳар қалай мени бекорга эслаб қолмагандирсан?!

- Мұхим топшириқ бор.

## «АФОН ШАМОЛИ» 4

- Хўш? - юзига кулгу ёйилган Ҳамдам калланинг кўз олдига пул келди.

- Чўлга борасан. Шариф деган фермер бор, унинг калласи бошлиқقا керак бўлиб қолди.

- Калласи? Умримда қўлимни қонга беламаганман, бой бола!

- Лекин сен дарра билан урган одамларнинг кўпининг ўпкаси, жигари тугаб, аллақачон ўлиб кетишганини унутма! Калла узиб ўлдирдинг нима, уриб ўлдирдинг нима? Иккиси ҳам қотиллик, шундай эмасми?

- Берадиган пулингни айт? - Ҳамдам калла пачакилашиб ўтиришни истамади.

- Беш минг доллар, - Қамбарнинг чехраси бироз ёришиди.

- Бу камлик қилмасмикин, бой бола? Чўлга боришнинг ўзига камида минг доллар кетади!

- Нима, сенга пул топиш осонми?

- Пул топиш сенга чўт эмас, бизга ўхшаганларга азоб, бой бола!

- Қанча сўрайсан? - Қамбар у билан савдолашиб ўтиришни истамади.

- Яна қўшасан, бой бола!

Қамбар унга хўмрайиб қаради. Ақлинг жойидами, демоқчи эди, кўз олдига Эргаш келди, унга айтган гаплари қулоғида жаранглади. Ҳамдам калла аҳдидан қайтса, яна кимни излайди? Вақт эса тигиз. Рози бўлса, келгуси ҳафтада чўлга жўнаши керак.

- Каллани мен айтган жойга элтиб бориш шарти билан!

Ҳамдам калла қўлини кўксига қўйди. Бу билан ўзининг розилигини билдириди.

- Қачон ишга киришаман?

- Келгуси ҳафта шу ерда кўришамиз!

Қамбар темир сандиқдан беш минг доллар олиб, Ҳамдам калланинг олдига ташлади.

- Чой-чақа қилиб турасан.

Қамбар бошлиқнинг топшириғига асосан эски одамлари билан учрашувни тұхтатғанды. Атрофига янгиларини йиға бошлади. «Шундай қылсам изқуварлар мендан хитланмайды», деб үйлаганды. Бироқ «Сим» операциясини янгилар бажаролмаслигини ўйлаб, эски танишларидан воз кечмасликка қарор қилди. Улардан утасини чақыртирди.

- Шаҳар прокурорини тинчтиш керак, - деди у танишларига. - Хўжайнинг буйруғи шундай!

- Ахир уни эски уйидан бошқа ҳеч вақоси йўқ. Пора олмайди!

- Бизга унинг бойлиги эмас, жони керак. Пулни эса ўзим тўлайман!

Қамбар темир сандиқдан уч боғлам юзталик долларни олиб, стол устига ташлади. Хонадагиларнинг кўзи ўйнади. Яқин орада бундай катта пулни кўришмаганди.

- Хўжайнин шуни истаган эканлар, бугуноқ «есть» қиласизда, - деди улардан бири.

- Бир ўзининг жони керакми? - сўради иккинчи си.

- Гувоҳ қолмаслиги шарт!

Ўтирганлар бош ирғашди.

Қамбар сандиқ олдига борди ва уч дона йигирма беш сантиметрли симни олиб, уларнинг олдига кўйди. Симларнинг учи олмосдай ўткир эди.

- Мақсадимни тушунгандирсизлар? - деди уларнинг кўзларига боқиб. - Бирорта ўқ узилмасин, из ҳам қолмасин!

Уччаласи симларни қоғозга ўраб, чўнтакларига жойлашди.

## «АФГОН ШАМОЛИ» 4

- Ишни бажариб бўлғанларингдан кейин шаҳарни тарқ этасизлар. Бир-икки ҳафта қўшни давлатда яшаб турасизлар! Ойнинг охирида, сен Маъсуд олдимга келасан. Сизларга бошқа топшириқ бор. Келганларингда айтаман!

Ёлланган кимсалар пулларни ҳамёнларига уриб, хонадан чиқиб кетишли. Қамбар қўшни хонага ўтди. Эшик ортида юзини сепкил босган, бадбашара одам топшириқ олган кимсаларни кўзатиб турганди.

- Снайпер! - деди Қамбар унга қараб. - Ановиларни изига туш, қаёққа борали, кимлар билан учрашади, аниқла. Шубҳали одам билан кўришса, тинчит!

«Снайпер» диван остидан мусиқа асбоби-солина-диган сумкани олди.

- Бошқа топширигингиз йўқми, хўжайин?

Қамбар бир сония ўйланиб турди-да, «Снайпер-»нинг қонсиз юзига тикилиб деди:

- Қорасувни кечиб ўтишлари билан ҳунарингни ишга сол! Уларнинг афти-ангорини қайта кўрмай!

### С А М А Н Г А Н

Эргаш эрталабданоқ телевизорнинг олдига ёнбошлаб олди. Чегечининг топшириғи айнан бугун бажарилиши, Боқижон етимхонадан фарзандликка олган қиз одамлар гавжум жойда ўзини портлатиб юбориши керак эди. Бунинг учун яна бир неча дақиқа кутиш лозим эди. Операторлар мамлакатдаги ўзгаришлар акс этган лентани намойиш қилишли. Эргашнинг ҳар бир туки орасидан олов чиқиб кетгандай бўлди. Қишлоқ ва шаҳарлардаги ўзгаришлар, амалга оширилаётган оламшумул воқеалар уни олов ичига ташлаб

юборганди. «Наҳотки кўраётганларим мен яшаган юрт бўлса», деб ўйлади. Ниҳоят экранда байрам намойиш қилинаётган майдон кўрсатилди. Давлат бошлиqlари чиқиб келишди. Халқ уларни олқишилаб кутиб олди. Эргаш «мана ҳозир қиз ўзини портлатиб юборади, мана ҳозир оломон ўзини қаерга уришни билмай, бир-бирини тепкилаб қочади, ҳамма жой вайрон бўлади, ёнади, юраклари қувонч ва шодликка тўлган одамларнинг оғзидан қон келади», деб ўтиради. Бироқ у кутган воқеа содир бўлмади. Асабини босолмай, ташқарига чиқди. Одамларидан бирига сим қоқди.

- Нима гап? Боқининг қизи нега «рақсга тушмади»?!

- Хўжайин, хотини уни пичоқлаб қўйибди, - деди одами.

- Ўлибдими?
- Касалхонадамиш!
- Одамларингга тайинла, Боқи у ердан тирик чиқмасин!
- Тушундим, хўжайин!

Эргаш бир неча кунгача ўзини қўйгани жой тополмай гангис юрди. Бахтига Чегечи унга телефон қилмади. Нимадир қилиши, нима биландир юрагини ёндираётган оловни ўчириши лозим эди. Аламини кимдан олишни билмай юрган кунлари хаёлига яна бир фикр келди ва безовта юрагига андак таскин бергандай бўлди. Ўзининг содиқ одамларини хонасига тўплади.

- Тогу тошлар орасида яшаш жонга тегди. Бугунни эртага қўймай, юртга жўнайсизлар, - деди у нимадан бу қадар хуноб ва дилтанг бўлганини яшириб.

## «АФОН ШАМОЛИ» 4

- Яна водийгами? - сўради саросимага тушган одамларидан бири.

- Водийнинг дарвозаси бизлар учун аллақачон ёпилган. Ҳукумат одамлари бизни фақат водийда кутишаётганини биламан. Бу гал йўлни ўзгартирамиз. Тожикистон тоғларидан ошиб ўтасизлар. Биламан, бу осон иш эмас, бироқ ғалаба ҳам осонлик билан қўлга киритилмайди. Чидашларинг лозим. Менинг энг ишонган ва содик одамларим бўлганликларингиз учун ҳам бу ишни сизларга топширмоқдаман. Тоғдан ошиб ўтганингиздан кейин ўрмонзорда қўним топасизлар. Форлар сизларни ёмонларнинг кўзидан асрайди.

- Қандай вазифани бажаришимиз керак?

- Бир-икки ой давомида шаҳарни кузатасизлар, ўзларингизга ишончли одамлар топасизлар. Уларнинг қўли билан сув омборини портлатасизлар. Марказий электр станциясини ишдан чиқарасизлар. Милиция идораларига, ҳарбий қисмларга бостириб кириш йўлларини топасизлар. Кейин пойтахтдаги бир нечта муҳим объектларнинг кулини кўкка совурасизлар! Бу ҳақда ўзим сизларга кўшимча маълумот жўнатаман.

Эргаш йигитларининг қўлига ўн минг доллардан пул тутқазди. Шу куни ўн нафар жангари елкаларига озиқ-овқат ортилган халталарни илиб, Тожикистон тоғлари орқали Ўзбекистонга жўнадилар. Тоғлар совуқ, изғирин эди, куз охирламасдан қор тушганди. Муз қоплаган довонларга чиқиш азоб. Тошларга қўл тегса, чаён чаққандай жизиллайди. Ўн йигит йўл азобини тоғлар сари тирмасиб чиқишаётганда ҳис этишди. Бироқ энди орқага қайтиб бўлмасди, анча масофани босиб ўтишганди. Манзилга етиб олиш учун камида бир ҳафта юришлари

лозим эди. Лекин улар кутгандек бўлмади. Чўққига чиқишиганда ҳавонинг туси ўзгарди. Қор учқунлади. Совуқ шамол турди. Кўз очишга, бир қадам нарини кўришга имкон қолмади. Қорга қўшилиб, тузга ўхшаш майда нарсалар юзга уриларди. Жангарилар тўхташга, изгириннинг тинишини кутишга мажбур бўлдилар. Бироқ бу аёздан, бу изгириндан беркинадиган жой борми? Улар атроф-теваракдан фор қилиришди. Қор босганилиги учун пана жой топишолмади. Икки жангари ҳолдан кетди. Оёқларила ҳам тик туролмай, ерга йиқилишди. Ҳеч ким уларга эътибор бермади. Бирор билан бирорнинг иши йўқ эди, ҳамма ўз жонини ўйларди. Қор ерда ҳушсиз ётган жангариларни худди кўрпа тўшатгандек бир зумда кўздан яширди. Улар совуқ тошларга бошларини қўйиб, мангу уйқуга кетишли. Қолганлар ҳам астасекин ҳолдан кета бошлашди. Шунда кимdir тепаликнинг орқа томонида кичкинагина горни кўриб қолди. Ҳаммалари ўша томонга юришди. Бироқ улардан бирининг мадори қолмаганди. У қор устига тиз чўқканча, безгак тутгандай қалтираб, боши айланиб, кўзи тиниб, ҳаёт билан видолашди. Унга ҳеч ким аҳамият бермади. Шоша-пиша ўзларини фор ичига урдилар. Форнинг адоди кўринмасди. Ичкарига кирган сайин баданлари иссиқни ҳис этарди.

Икки кун ўтиб, қор тинди. Ҳаво очилди. Қор босган чўққилар, муз қоплаган довонлар кўзга ташланди. Ҳамманинг кайфияти тушиб кетганди. Нима қилиш керак? Уларнинг хәёлида шу савол айланарди ва ҳар киши ўзича йўл изларди. Орқага қайтсалар, Эргашнинг ишончи йўқолади. У бундай субутсиз одамларни кечирмайди. Жосусликда айблаб, оттириб ташлайди.

Ортда келаётган Рашид исмли йигит бирор билан гаплашмас, ичида Эргашнинг шаънига «Уйимиздан, Ватанимиздан жудо қилганинг етмагандай, энди бизларга бу азоб-уқубатлар ҳам бормиди», дей лаънат тошлари ёғдириб келарди.

Жангарилар амал-тақал қилиб тепаликка чиқиб олишди. Пастликда ям-яшил майсаларга бурканган кенгликлар, боф-роғлар ястаниб ётарди. Улар манзилга етиб келишганини шундан билишди. Бир ҳафталик дилхиралик ортда қолганди. Азоб-уқубатлар унүтилди. Фазаб тўнғиб қолган юзларга табасум ёйилди. Улар пастга тушишиди. Ҳаво айтарли совуқ эмасди. Яқин-йироқларда чўпон-чўлиқлар сурувларни ўтлатиб юришарди. Бироқ жангарилар уларнинг кўзларига кўринмасликлари лозим эди. Эргаш шундай топшириқ берганди. Ҳаммалари ўрмонзор томон юришди.

\*\*\*

Кечга яқин Эргаш Мирюнусни ҳузурига чақиртириди. Ичкарига кирганида Мирюнуснинг Чутирга кўзи тушди-ю нима гаплигига ақли етди.

- Хонимни зиндондан чиқариб юбор. Йигитларингга тайинла, уни тинч кўйишисин. Икки-уч кун Абу Толибнинг хонасида даволансин, кейин унга алоҳида хона ажратиб берамиз, - деди.

Мирюнус кўз қирини Чутирга ташлаб қўйди.

- Энди сенга оқ йўл, иним, Яратганинг ўзи йўлингни очсин, - деди Эргаш Чутирга юзланиб. - Тилингга эҳтиёт бўл. Дўст-душман олдидা бўлар-бўлмас гапларни сўзлама. Топшириқни бажарган заҳотинг изингга қайт. Худо хоҳласа, Олма-Отадаги ишларни ўзинг бошқарасан. Маҳмуд жазосини олди.

Кимки тузимни ичиб, тузлигимга тупурса, бошига итнинг кунини соламан. Аллоҳ бизларни яна учраширади, деган умиддаман!

- Дуода бўлинг, амирим, сизнинг обрўйингиз хурмати қўлимдан келган барча ишларни қиласман!

- Сендек мард, қўрқмас йигитларим борлигидан фахрланаман, иним!

Чўтири ўрнидан турди. Эргашни бағрига босиб, ташқарига чиқди. Хиёл ўтмай, машинанинг гуриллаган овози эшитилди. Бошлиқ туйнукдан ташқарига боқиб, сўнг Мирюнусга юзланди.

- Хонимнинг ёорнини тўйдир. Биз унга ортиқча зулм ўтказдик, чоги.

Эргаш камдан-кам ҳолда хатосини тан оларди. Мирюнус аччиқланди.

- Амирим, хонимни ташқарига чиқаришнинг ҳожати йўқ. Ҳозирча зинданда ўтиргани маъқул, - деди томоқ қириб.

- Нега? - ҳайрон бўлди тўдабоши.

- Боя Чўтирик иккисининг гаплари қулогимга чалинди.

Эргаш қаршисида қўл қовуштириб турган ёрдамчисига ялт этиб ўгирилди.

- Тушунмадим?!

- Хоним ҳам, Чўтирик ҳам бизга дўст бўлмайди.

- Нега бундай қарорга келдинг, ялоқ?!

- Хоним Чўтирга «Эргаш бизнинг яхшилигимизни, садоқатимизнинг қадрига етмади. Мени тезда бу ердан қутқариб олинг, бошимиз оққан юртга кетайлик. Қолган умримизни Аллоҳга ибодат билан ҳалол ва пок яшаб ўтказамиз», деди.

- Чўтирик нима деди? - шошиб сўради Эргаш.

- У ҳам унинг гапини маъқуллади. «Ҳисоб-китобли ишларим бор, бир-икки ҳафта сабр қилиб

туринг, ўзим сизни хоҳлаган томонингизга олиб кетаман. Бу ерда юрсак номимиз қаро бўлади. Ҳамма бизни босқинчи, террорчи, деб атайди», деди.

Эргаш бир сакраб, Мирюнуснинг рўпарасида пайдо бўлди. Паншахадек бармоқлари билан ёқасидан тутди. Қисилган кўзларида ўт чақнади. Фазабланганидан жисми титради.

- Ёлгон гапирияпсан, итнинг боласи!!
- Тепамда Худо, зинданда бандаси ётибли, сўроқлашингиз мумкин, амирим!
- Нега буни вақтлироқ айтмадинг?!

Мирюнус индамади. Нафасини ичига ютди. Уни ўз сўзларига ишонтирганидан мамнун бўлди.

- Лаънати, қанжиқ! Чўтири ни йўлдан урмоқчи бўлиб авраган. Ҳозироқ бориб зинданнинг қопқоғига иккинчи қулфни ос. Шариат ургур, ўша ерда ўлиб, чириб кетсин!

- Бир оғиз буйруғингиз, амирим, - қўлини кўксига босган Мирюнус орти билан тисарилиб, хонадан чиқиб кетди.

Зах ерда ўтирган хонимнинг елкалари ҳорғин эгилган, ориқлаган, қони қочган юзи пастга тўлқинланиб ёйилган узун, оқимтири соchlари билан чулғанганд эди. «Сув бўлса ичсайдим», деб ўйларди у. Болалигида, уйларининг шундоқ ёнида шарқираб оқадиган ирмоқни кўз олдига келтирди. Сув ерни чўлп-чўлп ўпиди, майса, гиёҳларни силаб-сийпалаб оқиб бораарди. Қулоқларига сувнинг шалдирагани чалингандек бўлди. Хоним ташналигини унутиш мақсадида яна хаёлини бошқа томонларга олиб қочди. Чўтирга айтган сўзларини такрор ва такрор ёдга олди. Умрининг қолган қисмини у билан ўтказишга, Яратган эгамга ҳамду санолар айтишга, йўл кўйган гуноҳлари учун тавба-тазарру

қилишга, бу қоронғу зиндан соғ-омон чиқса, Ватан чегарасигача әмаклаб боришга, қылған хатолари, гунохлари учун тавба-тазарру қилишга тайёр әди. Болалигіда ота-онаси қулогига құйған ҳамда муқаддас китобларни ўқиб, ёд олған дуоларни такрор ва такрор дилидан ўтказарди.

Червон хоним дуоларни тилидан қўймасди. Бошлиған дуосини ниҳоясига етказиши биланоқ яна ва яна уни қайтадан ўқишига тутинарди. Ҳар гал ўқиб бўлганидан сўнг, бадани енгиллашиб бораётганини ҳис этар, қоронғу қалбига қандайдир ёргулик инар, ўзини зиндан ичидә эмас, гўзал кошонада ўтиргандек ҳис этарди. У ёлғиз эмасди. Кўз олдида хурлар, малаклар ўтиргандек туюларди. Улар билан ғойибона суҳбат қуарди, кемтик юраги таскин топарди. Яратганга яна ва яна илтижо қиласарди.

Хоним бир неча кундан бери танасини кемириб, азоблаётган очликни унуглан, қақраб қолган томоқлари кўзи уйқуга илингандан мўъжиза туфайлими ёки Аллоҳнинг қудрати, инояти биланми, намланиб қоларди. Тушларида парилар, хурлар унга ошно бўлар, ширин таомлар келтириб тутишарди. У очликни, овқатни, қақраб қолган томогига ором бергувчи бир томчи сувни хаёлига келтирмасди ҳам. Бутун вужуди билан фақат ва фақат Яратганга тавалло қиласарди.

Эргашнинг чодиридан чиққан Чўтири зиндан тепасига келди-ю хонимга зарур иш билан кетаётганинги, тезда қайтишини, бошлиқ ҳозир уни зиндандан озод қилишини айтди.

- Оҳ, ёнимда сиз бўлмасангиз, озодлик менга татирмиди, азизим. Яхшиси, сиз келгунча шу ерда ётганим дурустмиди? - деди Червон хоним кўзларини ёшлаб.

- Бундай сўзларни сўзламанг, хоним, - зорланди Чутир. - Агар сиз ташқарига чиқишни инкор этсангиз, мен бу ердан ҳеч қаёққа сияжимайман.

- Йўқ, йўқ, азизим, асло бундай қила кўрманг, Эргашбойнинг дили оғрийди. Ахир у киши сизга ишонадилар. Мен сабаб бормаслигингиздан огоҳ бўлсалар, ул зотнинг қаҳрларига учрайман! Сиз қайтгунча кўзларимга уйқу пардасини ташлатмай, сафарингизни бехатар бўлишини, соғ-омон қайтишингизни. Тангри таолодан илтижолар қилиб сўрайдирман, азизим!

Хоним гапириб йигларди, зорланиб йигларди. Зиндан ичини ёритиб турган бир чимдим қуёш шуъласи юзига тушиб турарди. Чутир ўзини тутолмади. Упкаси шиниб кетди. Хонимнинг дилни ўртовчи сўзларидан қалби эриб, кўзларига ёш келганди. Яқин орада ҳеч кимдан бундай хуш каломни эшитмаганди.

- Сизни шу кўйга солиб қўйганимдан дилим ўртанадир, хоним! - деди ютиниб.

- Озор чекманг, азизим. Сиз айтганингиздек майли, мен ташқарига чиқай, қиблага юз тутай, кўларимни дуоларга кўтарай, келгунингизча тоатибодатда ўлтирай!

- Мени кутинг, албатта қайтаман!

Чутир ўрнидан турди. Истар-истамас қадам ташлаб, зиндандан йироқ кетди. Хоним Қўлларини дуога кўтарди.

- Худо йўлингизни очсин!

Кейин кулоқларига машинанинг гуриллаган овози чалинди. Хонимнинг қуруқшаган лабларидан «ой бориб, омон қайтинг», деган сўз учеби чиқди.

Кишининг дастлабки кунлари, икки кундан бери майдалаб ёғаётган қор тинганди. Шамол осмон

устидаги құрғошин тусли булатларни суріб ташлағанди. Кече ойдин эди. Юлдузлар марварид мисоли чарапқаб, ёниб турарди. Тиззасини құчоқлаб, со-вуқдан дилдираң үтирган Червон хоним түнни бедор үтказмоқда эди. Унинг қуруқшаб қолган лабларидан дуоларнинг муборак сүзлари учеб чиқарди. Үзи билған ва хотирасига ўрнашиб қолган оятларни такрорлаб, Чүтирганинг омон қайтишини Яратгандан сұради. Бирдан тиккага келған ва ўзининг кумушранг шуыласи билан зинден ичини гира-шира ёритиб турған ойнинг юзи түсилди. Хоним ҳүшёр тортди ва бошини күтариб юқорига боқди. Темир панжара устида оёқларини кериб, «сени бир кече құчогимда олиб ётмасам, отимни бошқа құяман», деб қасам ичған Мирюнус турарди. У бирор сұз айтмади. Бир мұлдатдан сүңг панжара күтарилди. Арқонга осилиб, пастыға түшди. Мирюнус ҳирс ўти ёнған күзларини аёлға қадади. Червон хонимнинг юрагига күркүв оралади. Увишиб қолған оёқларини зүрға ҳаракатта келтириб, ўрнидан турди.

- Сизга не керак, эй, Аллоқнинг яхши бандаси? - сүради аёл қаршисида пишиллаб нафас олаётган Мирюнусдан. - Бемағалда нечук ёнимга түпідин-гиз?

- Сизни қутқариш учун тушдим, хоним, - унинг юзида совуқ табассум ялтиради.

- Түшишингиз шартмиди, арқон ташласангиз кифоя эди-ку? - Аёл унинг мақсадини тушуниб етганди.

- Ташиқарига чиқиши олдидан иккимиз шу ерда бир шакарғұфторлик қиласын, дедим-да, хоним!

- Мен шакарғұфторлик қиласын, ёшдан үтиб кетганнын, эй яхши одам. - Юзини терс бурди хоним.

- Бу ердан чиқиб кетишнинг биттә йўли бор, бу

## «АФЕОН ШАМОЛИ» 4

ҳам бўлса, менинг шартимга кўниш!

Мирюнус уни сенсираб гапира бошлади.

- Мени тинч қўйинг, эй, Худонинг мўмин бандаси. Зинокор сўзларни тилингизга олманг, Аллоҳнинг нафратига учрайсиз, унинг газабидан қўрқайлик! - хоним ўзини четга олди.

Мирюнус қотиб-қотиб кулди.

- Қачондан бери сен зино ҳақида ўйлаб қолдинг, қачондан бери эркак зотидан юзингни яширадиган бўлиб қолдинг?!

- Яратган эгам кўнглимни ўзининг нурлари билан нурафшон қилган кундан бошлаб, - деди хоним қархисида турган эркакга қарамасдан.

- Нима, шу ерда ўлиб кетмоқчимисан? Ширин жонингнинг қадрига етмайсан чоги, дўндиқ?

- Менинг жоним фақат Яратган эгамнинг ихтиёрида. У биздан сўраб ўтирас, пешонамга ёзилган куни омонатини олади, ўз даргоҳига қабул қиласди, эй, яхши одам!

- Бу ерда ўтириб, дурустгина отин буви бўлиб қолибсан-да. Фар қариса, отин бўлар, деган гап чин эканда. Илгари ҳаммани пул билан қўрқитардинг, энди бизларни нариги дунё-ю гуноҳлар билан қўрқитмоқчимисан, алвасти? Чучварани хом санабсан. Мени лақиллатолмайсан!

- Тавба қилинг, Аллоҳга шак келтирманг, эй, Худонинг бандаси!

- Нима бало, ҳақиқатдан ҳам ақлдан озиб қолганга ўхшайсан, чоги! Кел, бу гапларни бир четта суриб турайлик. Ҳозиру ҳузуримизни ўйлайлик. Беш кунлик фоний дунёда ишрат қилайлик, давру даврон сурайлик. Ишимизни битирайликда, тезгина бу қоронгу зиндондан чиқиб кетайлик. А, нима дединг, розимисан, асалим? Қани, берироқ кел-чи.

Кексайиб, ёшинг ўтиб қолган бўлсанг ҳам фаришталаардек чиройлисан. Ҳар қандай эркакнинг ақлини шоширасан. Хотин зотини қўрмаганинг ҳам анча бўлди. - Мирюнус тўнини ечди, зах ерга тўшади, кўлларини олдинга чўзиб, хонимнинг белидан тутмоқчи бўлди. Бироқ аёл унинг кўкрагидан итариб ташлади.

- Эй, Аллоҳнинг нафратидан қўрқмаган банда, мени тинч қўйинг, сиздан ўтиниб, ёлвориб сўрайман. Мени гуноҳ ва зино ишларга тортманг. Акс ҳолда бақираман. Тепамга одам тўплайман. Шарманда бўласиз!

- Сен аллақачонлар зинонинг гуноҳига ботиб бўлгансан. Денгизнинг сувида чўмилсанг ҳам гуноҳингни юволмайсан!

Мирюнус ўз муродига етолмаслигини тушунди. Чопонини қайта кияр экан, яна ғазабкор қўзларини хонимга қадади.

- Кўрамиз, бу ерда яна неча кун очлик ва ташналийка чидаб ётаркинсан? Ҳалоскоринг кетди. Қачон қайтади - Худога аён. Балки қайтмас. Билиб кўй, энди сенга мен керакман. Ёнимда юрсанг, ҳеч ким сенга қўл теккизмайди. Иккимиз битта чодирда маза қилиб яшаймиз. Подшоҳнинг маликасидек керилиб юрасан! Хизматингда одамларим бўлади!

- Сизнинг шоҳона ҳаётингиз менга керак эмас, эй, яхши одам.

- Очликдан шишиб ўласан, алвасти. Бир томчи ҳам сув бермайман!

- Яратгандан куч, сабр-бардош тилайман!

- Унутма, бу ерда сенинг оху нолаларингни фақат мен эшитаман! Фақат мен!

Мирюнус хонимнинг суюклари иргиб чиқкан

## «АФОН ШАМОЛИ» 4

елкасидан ушлаб, уни ўзига қаратди.

- Кўлингизни олинг, - заиф овозда шивирлади хоним. - Тезда бу ердан чиқиб кетинг! Айтган гапларингизга тавба қилинг!

Мирюнус ўзининг жирканч муроди ҳосил бўлмагунча, зинданни тарк этишни истамасди. Хонимнинг «Кўлингизни олинг», деган сўзи унга ҳақоратдек туюлди.

- Кўлимни олмасам нима қиласан?! - жеркиб ташлади Мирюнус. - Бақирсанг бақиравер. Одам тўпласанг тўплайвер. Кўрқадиган жойим йўқ. Мени алдаб пастга туширди, ишрат қиласанми, деб бўйнимга осилди, дейман. Хўш, одамлар менинг гапимга ишонадими ёки сенинг чўпчагингами? Яна бир бор айтаман, монелик қилма, буларнинг ҳаммаси фойдасиз, оқибати ёмон бўлади!

- Тепамизда ҳаммасини кўриб тургувчи Аллоҳ бор, пешонамга битганини қўраман. Кеч бўлсада эсим кирди! Яратган эгам ўзининг пок нури билан дилимни нурафшон айлади!

- Нима, ҳали сен менга ноз қилдингми, қанжиқ? Бит босиб, ахлат иси уфуриб турган сендеқ алвастига ишқим тушибди-ю, фироқ қиласан. Кошки сенинг кимлигингни билмасам? Бир гар эдинг, бир мегажин эдинг. Ўтган-кетганинг тўрт тангасини шилиш пайида кўчада ўзингдан ўттиз ёш кичикларга ҳам қошингни учириб, кўзингни сузиб ўтирадинг. Кексайганингда отинбуви бўлиб қолдингми? Худонинг номи билан бизларни қўрқитмоқчи бўласанми? Бу ернинг Худоси менман!

- Тавба қилинг! Истиғфор айтинг!

Мирюнус бисотидаги энг ёмон сўзлар билан хонимни ҳақорат қилди, нафсониятига тегди. Бу билан юрагидаги алам ўти босилмади. Ҳирснинг

амрига бўйсуниб, зинданга тушганидан надоматлар чекди. Ширин орзулар ўрнини ўч олиш истаги эгаллади. Юраги алам ўтида қовурилиб, арқонга тирмашди.

Хоним енгил тин олди. Ҳолсизланиб ерга ўтирдида, кўллари билан бошини қаттиқ сиққанча, бутун вужуди билан дард, алам, хўрлик, камситишлардан ва айрилиқдан зор-зор йиғлай бошлиди. Йиғлагандага ҳам жон азобида, ларзага келиб, ўзига эрк бериб йиғлар, чексиз қайғуга берилганидан чўкиб борарди.

Мирюнус зиндан қопқоғига қулғ колаётганида, чодир ортига ўтиб кетаётган одам шарпасини кўриб қолди. Бироқ унинг кимлигини билолмади. Юрагида ғулгула уйғонди. «Хонимга айтган гапларимни эшийтмадимикин», деган хавотирли савол тинчини ўғирлайди.

Эртаси куни Мирюнус икки-уч бор зиндан тепасида пайдо бўлди. Хонимнинг ақли кириб қолгандир, инсофга келгандир, кечаги беҳаё сўзлари учун узр сўраб, таклифимга рози бўлар, имлаб ёнига чорлар, деган ўйда эди. У бир қўлида нон, иккинчисида сув идишни кўтариб олганди. Афсуски, хоним уни кўринши биланоқ худди ифлос нарсага назари тушгандай юзини терс буриб олди. Қорни очган, томоги қақшаган бўлса-да, ундан на сув, на бир тишлам нон сўради. Нафси йўлида ўз фурурини топтамади. Аксинча, хотинсираб қолган Мирюнус хонимнинг бир ишорасига, бир оғиз сўзига ҳамма нарсани муҳайё қилишга тайёр, ҳатто зиндандан чиқариб юбориши мумкинлигини яхши биларди. У қўлидан бирор иш келмагач, хаёлига келган ишни бажаришга қарор қилди.

Ағон дала-даштларида заҳарли илонлар бисёр.

Бироқ совуқ туриб, ер бетини қор қопғанлиги сабаб, улар инларига кириб кетишганди. Аёзли кунларда илонларни топиш амри маҳол. Аммо қора куртларнинг қаерда яшашини билса бўларди. Уларни топиш қийин эмасди. Мирюнус қора қурт топишга аҳд қилди. Эрталаб адирга чиқиб, куни билан қорни суриб, тошлар орасидан қурт яшайдиган тешикларни ахтарди. Икки соатдан кўпроқ вақтини шу ишга сарф қилди. Ниҳоят, ухлаб ётган икки дона қуртга дуч келди. Уларни илишга солиб, бағрида илитди. Баданига иссиқ юргурган куртлар кечга яқин ҳаракатга келиб қолишиди. Мирюнус ярим тунда уларни зиндан ичига ташлади. Кўзларини юмган ҳолда тоат-ибодат қилаётган хоним буни пайқамади. Пастга тушган куртлар ўзлари учун иссиқ ин излаб қолишиди. Бирин-кетин хонимнинг лозимига тирмашиб, сўнг қўйнига кириб кетишиди. Червон хоним буни кеч пайқади. Фашини келтиргач, қўлини кўйлаги ичига сукди. Бироқ танасига ёпишиб олган куртлар ўша заҳотиёқ хонимнинг баданидан қаттиқ тишлишади, баданига заҳарларини солишиди. Аёл овозининг борича қичқириб юборди. Унинг товушини Мирюнусдан ўзга ҳеч ким эшифтмади. У ўз режаси амалга ошганидан мамнун бўлиб, мийигида кулиб қўйди-да, кулбасига кириб кетди. Червон хоним оғриқ азобида тўлғаниб, жон олиб, жон бериб ётар экан, хаёлан Чўтирни эслади.

- Қайдасиз, аэзизум?..

### «СИМ» ОПЕРАЦИЯСИ

Шаҳар прокурори Жамолиддин Маҳкамов доимо ишдан кеч қайтарди. Ўша куни тоби қочиб, вақтироқ жўнали. Үғли билан келини қишлоққа кет-

ганди. Уйда аёли ва беш ёшли набираси қолганди.

- Мени ҳеч ким йўқлаб келмадими? - сўради Маҳкамов аёлидан.

- Электросетдан келишди. Ҳисоблагични янгилаш керак экан, шуни айтиб кетишиди, - деди Ҳанифа.

Прокурор очиқкан бўлса-да, овқатланишини истамади, ётоқхонага ўтди. Набираси Гулноза ухлаб қолганди. Маҳкамов унинг пешонасини силаб, жойига чўзилди. Ёстиққа боши тегиши биланоқ ухлаб қолди. Аёли алламаҳалгача идиш-товоқ ювиб, ошхонани тозалади. Эшик тақиллагандага тун ярим бўлганди. Жаҳонгир «иложини қилсак, қайтиб келамиз», деб кетганди.

- Ким? - сўради эшик олдига келиб.

- Биз келдик, - паст овозда жавоб эшитилди.

Ҳанифа эшикни очди. Очди-ю, бадбўй ис уфуриб турган латта оғиз-бурни аралаш юзига босилди. Аёл товуш чиқаролмади. Бехуш йиқилди. Ичкарига кириб келган никобли кимсалар эшикни беркитишиди. Улардан бири аёлнинг тепасида қолди. Иккитаси хоналарни айланаб, ётоқхонага ўтди. Прокурор набирасининг ёнида ухларди. Маъсуд чўнтагидан симни олиб, прокурорнинг юзига босди. Маҳкамов чўчиб уйғонди. Никобли одамларни кўриб, юраги орқага тортди.

- Кимсизлар? Нима керак сизларга?

- Сенинг жонинг керак? - нотаниш кимсалардан бири қўлидаги симни унинг кўзига яқинлаштириб деди. Прокурор буларни куни кеча таҳририят биноси олдида тўполон кўтарган кимсаларнинг шериклари эканлигини билди.

- Жоним керак экан, нега уйимга бостириб кирдинг? Айтган жойингга борардим-ку!

## «АФОН ШАМОЛИ» 4

- Юрагингга гап йўқ, прокурор, аслида шундай қилсак ҳам бўларди, лекин ўзинг биласан, ҳар ишда эҳтиёткорлик даркор!

- Уйимдан чиқ, истасанг, ҳозироқ айтган жойингга бораман!

Маҳкамов ўрнидан турмоқчи эди, жангарилардан бири унинг елкасидан босиб, бунга имкон бермади.

Ҳанифа ўзига келди. Тепасида турган кимсани кўриб, қичқириб юборди. Капгирдай қўл оғзига урилди. Аёл босқинчининг билагини тишлаб, иккинчи қўли билан ниқобини юлиб олди. Шунда уни таниди. Электросетданман, деб келган ва бир пиёла чойини ичib кетган чап қўзи филай кимса эди. Босқинчи Ҳанифанинг ўзига мушт солли. Аёлнинг кўзларидан ўт чиқди ва ерга йиқилди. Прокурор унинг олдига бориш учун ўрнидан турмоқчи бўлди. Маъсуд бунга имкон бермади. Иккала қўли билан елкасидан босди.

- Жонинг керак бўлса, қимиrlама! - деди қўлидаги симни кўзига яқинлашириб.

Фала-ғовурдан Гулноза уйғонди. Бобосининг елкасидан босиб турган бегона одамни кўриб, чинқириб, унга ташланди.

- Арзандангнинг овозини ўчир! - буюрди Маъсуд.

Прокурор ҳамон ўрнидан туришга, йиғлаётган аёлига ёрдам беришга уринарди. Шу пайт филай Ҳанифани сочидан судраб, ичкарига олиб кирди. Унинг юзи қонга бўялганди. Гулноза бувиси томон интилди.

- Бувижон... Бувижон! - дея бақирди.

Филай қизчанинг йўлини оёқлари билан тўсди.

- Дамингни чиқарма! - Босқинчи аёлнинг кекиртагига симни қадади. Тиф терисини шилиб юборди. Қон чиқди. Ҳанифа бунга парво қилмади,

набирасига ташланди.

- Гулноза, болам!
- Бувижон!!

Босқинчи боланинг оғзига оёғини қўйди. Қизча деворга тиравиб, ўтириб қолди. Ҳанифа чидаёлмади. Ўрнидан турмоқчи бўлди, Маъсуддинг шериги унинг юзи ерга теккунча елкасидан босди. Аёл дод солди. Шерикларидан бири филайга юзланди.

- Овозини ўчир!

Филай Ҳанифанинг бошини қайириб, соchlари тўсиб турган қулогини очиб, зарб билан симни тиқди. Сим қулоқ пардасини йиртиб, иккинчи қулогидан бир парча қонли эт билан оқ суюқликни олиб чиқди. Энди унинг овози чиқмасди. Аёлнинг боши гир айланиб, филайнинг оёғига йиқилди. Прокурор тоқат қилолмади. Босқинчини улоқтириб ташлади. Иккинчи босқинчи Маҳкамовнинг кўкрагига тепди. Бурнидан қон келган прокурор тўнтарилиб тушди. Жангари яна унга ташланди. Маҳкамовнинг кучи етмади. Босқинчилар прокурорнинг қўлини қайиришди.

- Нима учун уйингга келганимизни биласанми? - сўради улардан бири прокурорнинг бошини орқага қайириб. - Сен бегуноҳ одамларимизни қамоқقا тиқдинг! Адолатсизлик қилдинг!

- Адашдинг! - деди прокурор. - Мен қонун доирасида иш тутдим. Шерикларинг шу жазога лойиқ эди!

Гулноза ҳамон чинқираб, бобосига талпиниб йигларди.

Филай қизнинг елкасига оёғини қўйиб, ерга бошиб:

- Йиғласанг, бобонгни ҳам ўлдирамиз, овозингни чиқарма! - деди. Қалтираб, дилдираб турган қизча

бегона одамлар бобосини ўлдириб қўйишларидан кўрқди.

Прокурор босқинчининг чоти орасига мушт солди ва бутун гавдаси билан набирасига ташланди. Уни гилайнинг оёғи остидан тортиб олди ва бағрига босди. Ниқобли кимсалар яна прокурорга ташлашишди. Улар олишиб кетишли. Филай Гулнозанинг қўлларидан тортиб, уни прокурорнинг бағридан юлиб олишга жон-жаҳди билан ҳаракат қиласарди. Қизчанинг қўллари оғриқдан узилиб кетай дерди. У баланд овозда чинқиради.

- Бобожон! Бобожон!

- Қизим!

Маҳкамовнинг асаблари чидамади, набирасининг қўлларини қўйиб юборди. Бобо билан набира бир дақиқа бир-бирларининг қўзларига термулиб қолишли. Филай қизни юлиб олди. Босқинчилар яна уй эгасининг қўлларини қайириб, сочидан тортиб, ерга тиз чўктириши. Маъсуд оғзи-бурни қонга бўялган Маҳкамовнинг юзига мушт солди. Прокурор орқаси билан йиқилди. Учинчи босқинчи унинг қўлтиғидан олиб, тиз чўктирди.

- Ўзингга қийин қиляпсан, адолат посбони! - деди сочидан чанглаб олган Маъсуд. - Биз кўпчиликмиз! Бу ерда бизнинг қонунимиз ҳукмронлик қилади. Сен унга итоат этишга мажбурсан. Ҳокимият кимнинг қўлида бўлса, қонун ҳам ўшанинг қўлида, шундай эмасми?! Одамларимизни ноҳақ қамаганингни тан ол! Уларда айб йўқ де! - У қўлидаги диктофонни прокурорга яқин тутди. - Агар айтганимизни қиласанг, сени қийнаб ўтирумаймиз!

- Улар жиноятчи эди, муқаддас қонунларимизни оёқ ости қилиши. Мен уларга нисбатан адолат юзасидан чора кўрдим!

## Исроқжон НИШОНОВ

Прокурор юзига тушган муштдан йиқилди.

- Айтганидан қайтмайдиган қайсар одам эканлигингни билардим. Сени жазойинг ўлим! - ўзининг хукмини ўқиди босқинчи.

Гулноза филайнинг билагидан тишлаб, бобосига отилди.

- Бобомни урма!! Кўйиб юбор!!

- Овозини ўчир! - буюрди Маъсуд шеригига.

У қизни диванга улоқтириди. Қиз ўрнидан турди ва яна бобосига талпинди. Филай унинг кўз ёшдан намиққан юзига тарсаки туширди. Кейин бошини чанглаб тикилиб турди-да, хаёлига келган ўйдан fazab тўнғиган юзи ёришди. Шимининг тасмасини ечди.

- Овозингни ўчир!! - ўшқирди Маъсуд.

- Хўш, биз айтган гапни айтасанми?! - сўрали Маъсуд прокурордан.

- Улар жиноятчи эди, қонунларимизни оёқ ости қилишди. Мен уларга қонун доирасида адолатли чора кўрдим! - бояги гапини яна такрорлади прокурор.

Маъсуд уни тепди. Гулноза яна додлаб юборди.

- Бобомни урма!

Прокурорнинг кекиртагига сим тираб турган барзанги шеригига юзланди.

- Нафасини ўчир дедим, кармисан?!

Барзанги филайни туртиб юборди ва ўзи қизнинг олдига отилиб борди-да, пешонасига мушт туширди. Гулноза беҳуш йиқилди. Босқинчи қўлидаги симни қизнинг икки қоши ўртасига тиради.

- Хўш, адолат посбони, сендан сўнги бор сўрайман! Бизнинг топшириғимизни бажарасанми?!

- Прокурорнинг гапи битта бўлади, сен ўз саволингга жавоб олдинг!

## «АФГОН ШАМОЛИ» 4

- Набирангни яхши кўрмас экансан, айтганимизни қилмадинг, сенга сўнгги имконият, намойишчиларни беайб қамадим, уларда гуноҳ йўқ эди, де! Учгача санайман! Бир...икки...

Прокурор босқинчиларга эгилишни ор деб билди, номус деб билди, Ватан байробини ўпиб ичган қасамёдига хиёнат, деб билди. Босқинчининг сўнгги умиди ҳам сўнди. У уч деган сўзни оғзидан чиқаришга шошилмади ва ниҳоят айтди.

- Сен қайсар эмас, меҳрсиз ота экансан!! Хотинингга, набирангга ачинмадинг! Энди ўзингдан кўр!

Маъсуд шундай деб Гулнозанинг пешонасига симтираб турган шеригига қаради. Бунинг маъносини тушунган босқинчи қўлидаги симни қизнинг зулукдек қоп-қора қошлари ўртасига зарб билан урди. Сим унинг мўрт суякларини қирсиллатиб синдириб, орқа миясидан тешиб чиқди. Жон олиб, жон бераётган пайтда «бобо», деган сўзни айтди. Кейин бир-икки типирчилаб, таёқдай қотиб қолди. Прокурор эс-хушини йўқотаёзди. У бирдан қалтираб кетди. Ва шахд билан ўрнидан туришга уринди. Маъсуд унинг устига гавдаси билан ташланди. Прокурор қанчалик қийналиб, ҳолдан кетган бўлмасин, босқинчини устидан иргитиб ташлади. Шунда иккинчи жангари етиб келди ва филайнинг қўлидаги симни олиб, прокурорнинг юрагига санчди. У ҳамон қулогидан қон ва суюқлик оқаётган аёлининг ёнига йиқилиди...

Босқинчилар топшириқни бажариб бўлишганди. Улар хонадан тезда чиқиб кетишли. Юрагига сим санчилган прокурор ҳали жон таслим қилманди. У судралиб, иш столига келди. Бир парча

қоғозни олди, қалам тополмади. Юрагига санчилган симни сууриб, қон билан «F» ҳарфини ёзид, йиқилди...

## ҚИРГИЗИСТОН

Эргаш иккиланиб қолди. Чегечининг топширигини бажариш керакми ёки Баширнинг «дори»сини сотиб берсинми? Қайси бирини олдин бажаришни билмасди. Чегечи яширинча Вадим Вольфович билан алоқа қилаётганини билса, газаби қўзиб, ҳар томонлама қисиб қўйиши мумкин. Баширнинг топширигини адо этмаса, боши балога қолади. Нима қилганда ҳам унинг юртида яшаяпти. Истаган пайдада бирорта баҳона топиб, юртдан ҳайдаб чиқариши ёки одамларига айтиб лагерга қўққисдан ҳужум уюштириб қолиши ҳеч гап эмас. Эргаш бу масалани қандай ҳал қилишни билмай, боши қотди. Ниҳоят у бир қарорга келди. Ҳар иккисининг ҳам «дори»сидан қўшиб жўнатади. Шунда унинг пинҳона ишидан Чегечи хабар топмайди.

Эргаш Абдуллоҳга қўнғироқ қилиб, Вадим Вольфович катта миқдорда «дори» сўраётганини билдириди. Абдуллоҳ бу таклифни кўпдан буён кутаётган бўлса-да, сир бой бермади.

- Сизга асраб қўйган беш юз килограмм тоза «дори»м бор! - деди Абдуллоҳ. - Шуларни пуллаб берсангиз каминани хурсанд қилган бўлардингиз. Йигитларингизнинг қишки озиқ-овқати шунинг ҳисобидан!

- Рус биродаримиз бизнинг «дори»ларимизни азалдан хуш кўрадилар. Лекин орамизда андаккина тушунмовчилик бўлиб, алоқамиз узилиб қолганди. Одамларим шу алоқани тиклашга ҳаракат қилиш-

моқда!

- Айни муддао, ҳар қандай йўл билан ўрис биродарингизнинг кўнглини олинг. Беш-олти килограмм тозасидан жўнатаман. Буни совға тариқасида беринг! Вадим Вольфович билан Фофур алоқага чиқадими? - сўради у.

- Фофурнинг қўли қинғирлигини сезиб қолиб, ўйиндан чиқарганман!

- Ўрнига кимни тайинладингиз?  
- Қамбар исмли йигитни.  
- Ишончлими?  
- Вафодор йигитларимдан.  
- Демак, биз берадиган «дори»лар ўз эгасининг қўлига етиб боришига ишонасиз?

- Ташвишланишингизга ўрин йўқ, оға!  
- У «юк»ни қаерда топширади?  
- Қирғизистондаги «Аждар фор»да.  
- Ким қабул қилиб олади?  
- Ҳикмат исмли йигитимиз.  
- «Юк» эртага етиб боради.

Эшик ортидан турган соқчилардан бири мулоқотни эшишиб турганди. Алоқа узилиши биланоқ, у Фофурнинг чодирига кириб борди.

- Эргаш Абдуллоҳ билан гаплашди. «Дори» жўнатишини илтимос қилди.

- «Дори» қачон келаркан?  
- Эртага йўлга чиқади, деди Абдуллоҳ.

Фофур чўнтағидан юз доллар олиб, соқчининг қўлига тутқазди.

- «Дори» келиши билан менга хабар қил!  
Тонг ёришмай, Абдуллоҳнинг одамлари «юк»ни олиб келишди. Эргаш меҳмонларни кузатиб қўйгач, ўзига яқин йигитларини хонасига чақириб, «юк»нинг бир қисмини Қирғизистон орқали Россияга

жұнатиш тұғрисида топшириқ берди. Бу гап қанчалик сир сақланмасын, Фофорнинг қулогига етиб борди. Эргаш уни ўйиндан четлаттгани қаттық алам қилди. Юрагида тұдабошига нисбатан алам ўти ёнди. «Бу ишинг учун қон қусасан, ўша лаънати бошлиғинг олдода шарманданғни чиқараман. Бир-бириңгни итдай талатаман. «Юк» Россияға етиб бормайди», деб қасам ичиб, Эргашнинг хузурига кирди.

- Мен Эронга ўтиб келмоқчиман, - деди тұдабошига. - Ҳомиyllаримиз ой охирида озиқ-овқат жұнатишга сүз беришганди.

Фофор бу тұғрида икки кун аввал Эргашга айтганди. Шу сабабли унинг Эронга ўтишига розилик берди. «Юкни жұнатаётганимни билмагани маъқул», деб ўйлади.

- Қачон йўлга чиқасан?  
- Вақт тигиз, ҳозир жұнамоқчиман!  
- Бирор ҳафта турасанми?  
- Ишим битса қайтаман!  
- Шошилма, Нурбек жаноблари билан гаплаш, каттароқ пул жұнатсан! Қиши кириб келяпти, ақволимиз яхши эмас.  
- Унга илгари ҳам тушунтирганман.  
- Худо ёр бўлсин!

Фофор йўлга чиқди. Тұдабоши айғоқчисини чақиртириди.

- Изига түш, қайси сўқмоқдан кетганини аниқла!  
Фофор орқасига одам тушганидан бехабар бўлсада, гумони бор эди. Шу сабабли Эронга элтувчи сўқмоқдан юрди. Күёш ботди, қош қорайди, икки қадам нарини кўз илғамайдиган бўлганда, изига бурилди. Кузатиб бораётган айғоқчи унинг Эронга кетаётганига ишонч ҳосил қилиб орқага қайтди. Фофур бу ернинг йўлларини яхши биларди. Ўзига

янги сўқмоқ очиб, Қирғизистонга элтувчи йўлга тушиб олди. У «юк» олиб борувчилар «Аждар фор»да тўхташидан хабардор бўлиб қолмай, балки шу жойни унинг ўзи топиб берганди. Форга Эргашнинг одамларидан вақтлироқ етиб келди.

«Юк» орқалаган одамлар икки киши эди. Улар қош қорайганда, йўлга чиқишганди. Қопни орқалаб, бир-бирлари билан суҳбатлашиб боришарди. Шу сабабли форга Фофурдан кейин - тонг ёришар палласида етиб келиши. Фофур уларни кўриб, ўзини панага олди. Яқин келишганда таниди. Булар тўдабошининг содик ва ишончли йигитларидан Мирсодик билан Абдусамат эди. Улар билан тиллашиб бўлмасди. Айниқса, Мирсодикқа ишониш қийин. Иккиси фор оғзига келиб, ёнбошлишади. Чарчашгани билиниб турарди. Вақт тигиз, Қамбарнинг одами келиб қолиши мумкин. Фофур қўлига ханжар олиб, оёқ учида юриб, беркинган жойидан чиқди. Абдусамат ухларди, Мирсодик кўзларини юмиб ётарди. Фофур сас чиқармай, уларга яқинлаши. Мирсодикнинг оғзига кафтини босди. Унинг косасидан иргиб чиқсан кўзлари Фофурга тушди. Нимадир демоқчи бўлди. Жон ҳолатда типирчилади. Фофур унинг бўғзига ханжар урди. Мирсодикнинг қони тошларни қизил рангга бўяди. Абдусамат ҳамон ухларди. Фофур тошлар устида қонли из қолдириб, жasadни судраб, фор ичига олиб кирди. Қайтиб чиққанида ҳам Абдусамат ҳамон уйғонманди. Фофур оёғи билан тепгандагина, у кўзларини очди. Кекиртагига ханжар тираб турган таниш чехрани кўрди.

- Фофур! - овози титраб чиқди.
- «Юк»ни ким олиб кетади? - сўради Фофур.
- Қамбарнинг одами, - зўрга жавоб қилди Абдусамат.

- У қачон келади?
- Ҳали замон келиб қолса керак...
- Испми?
- Билмайман.

Фофур қон қотган ханжарни унинг кекиртагига ботирди. Териси шилиниб, қон чиқди. Абдусамат ингради.

- Худо ҳаққи, билмайман! Ким келишини бизга айтмаган!

Фофур ишонди.

Тошларга Мирсадиқнинг қони сараганди. Фофур ёнидан сув идишни олиб, Абдусаматга узатди.

- Бир дақиқа муҳлат, тошларда қон қолса, сеники ҳам шу тошларни қизил рангга бўйиди!

Абдусамат икки қўллаб тошларни ювди. Фофур соатига қараб турди. Эллик саккиз сонияда қон қолмади.

- Яхши! - олқишилади Фофур. - Сен билан ишласа бўлади. «Юк»ни кўтар!

- Қаёққа?

- Берган саволинг сени жаҳаннамга етаклайди, тушундингми?! Яшашни истасанг, буйруғимни сўзсиз бажар!

- Мени ўлдирмайсизми? - Абдусамат бу гапни илтимос тарзида айтди.

- Агар садоқат билан ишлассанг, жонингга қасд қилмайман!

- Қасам ичайми?

Фофур тўхтади.

- Қасам, нима деб ичасан?!

- Худо урсин, дейман!

- Худони тинч кўй, у сени аллақачон урган!

- Унда айтинг, мен такрорлайман!

Фофорни ўй босди, «қасам ичайми», деган одам нимадандир кўрқади. У бир фурсат ўтиб, дилига келган сўзларни айтди.

- Шу соатдан бошлаб, ўзимнинг янги бошлиғимга хиёнат қилсам, унга нисбатан кўнглимга ёмон ўй келтирсан, айтган топшириғини бажаришдан бўйин товласам, ўртамиздаги сирни бегоналарга ошкор қилсам - Яратганинг қаҳрига учрай!

Абдусамат унинг сўзларини такрорлади.

- Биласан, қасам муқаддас нарса, бузадиган бўлсанг кечирмайман. Бошингта итнинг кунини соламан. Дунёга келганингга пушаймон бўласан! - деди янги бошлиқ.

- Хотиржам бўлинг, шу соатдан бошлаб туғишганингиздай хизматингизда бўламан! - Абдусамат қўлини кўксига қўйди.

Улар бир-бирлари билан маъноли кўз уриштириб, Бишкек томонга йўл олиши.

## САМАНГАН

Воҳид шом қоронгусида лагерга кириб келди. Аянчли қиёфада эди. Афтини кўрган одам танимасди. Юзи шилиниб, кўкариб кетганди. Худди ит талагандай эгнидаги кийимлари йиртилганди. Сорани олиб келаётганини Қирғизистондаги одамлари тўдабошига етказишганди. Эргаш тоқатсизланиб, йўлга кўз тикиб ўтиради. Тахминича Воҳид кеча оқшом ёки бугун тонг ёришганда, лагерга кириб келиши керак эди. Кун кеч бўлса-да, ҳамон дараги бўлмаётганидан ташвишланётганди. Ниҳоят қораси кўринди.

- Қани, Сора? - кўзлари ёниб сўради тўдабоши

унинг ёлғиз келганини кўриб.

- Бошимизга кулфат тушди, амирим! Мен итни кечиринг! - Воҳид ерга тиз чўкиб, ҳўнграб йиглаб юборди.

- Қандай кулфат тушди, ит?! Тушунтириб гапир, хотинталоқ? - қути ўчган тўдабоши аччиқланди.

- Довонга қор тушган экан, ўтаётганимизда Сора сирпаниб, жарга қулаб тушди, амирим! Қутқаришнинг иложи бўлмади!.

- Сорани ўлдирдингми, қанжиқ?! - қичқириб юборди Эргаш ва бир сакраб Воҳиднинг гирибонидан олди. Темирдек бармоқлари йигитнинг бўйнига санчилди.

- Шундай, амирим, - йигитнинг тили зўрға айланди.

Эргашнинг кўзларидан ўт чақнарди. Вужуди қалтирасди. Воҳиднинг кўйлагини чанглаб, шу қадар қаттиқ силтадики, мато йиртилди.

- Сен уни атайин ўлдиргансан, хунаса? Номусига тегмоқчи бўлгансан, итдан тарқаган!

- Амирим, амирим... - Воҳид Эргашнинг оёгини маҳкам қучоқлаб олди. Боягидан қаттиқроқ йиглади...

- Айт, қанжиқ, қизни нима қилдинг? Ростини айтмасанг, каллангни узиб, ўтга ташлайман! Гапир, Сорага нима бўлди?!

- Чин сўзим, йўл сирпанчиқ... - Воҳид гапирмоқчи бўлар, бироқ тўдабоши унинг бўйнидан бўғиб, гапиришга имкон бермасди.

- Сўқмоқ музламаган, ҳаво илиб, музлар эриб кетган, сен айтган йўлда одам тойиб, тушиб кетадиган жар ҳам йўқ, ҳароми!

- Сўзларимга ишонинг, амирим, ёлғон айтсам энам хотиним бўлсин...

У ичган қасам Эргашни қаҳр отидан туширмади. Баттар аччиқлантириди, Воҳиднинг кўкрагига телиб юборди.

- Соқчилар!

Тўдабошининг сўзи тугамасдан икки соқчи унинг тепасида ҳозир бўлди.

- Буюринг!

Эргаш Воҳидга жирканчли қаради.

- Бу итнинг қўл-оёгини боғлаб, пешонасидан совуқ сув оқизинглар! - амр қилди соқчиларга.

Соқчилар Воҳиднинг қўлтиғидан олиб, ташқариға судраб чиқишиди ва яйлов ўртасига ўрнатилган устунга боғлашди. Бу устун Эргашнинг буйруги билан ўрнатилган, тартиб-қоидаларни бузган, юртини соғинганлар, айғоқчиликда гумон қилингандар шунга боғлаб жазоланарди. Атрофни бекорчилар ўрашди.

- Оёгини ҳам боғланглар, - деди соқчилар бошлиғи Жалол ўз одамларига қаратса. - Қимирламасин! Бўшаниб кетса, ҳамма ёқни расво қиласи! Баракалла, янайм қаттиқроқ боғланглар! Ҳой Нозим, жонинг борми, арқонни қаттиқ торт! Жонинг ачимасин, аяманглар! Ҳой, Турсун, эркакка ўхшаб боғласанг-чи?Faффор, нега бир четда писиб турибсан, пақирни топиб кел!

Faффор чодир ортига ўтиб кетди ва хиёл ўтмай тешик пақирни кўтариб келди. Турсун уни тутқуннинг боши тепасига ўрнатди. Сўнг ичига совуқ сув қувишди. Кичкинагина тешикдан томчилар тушарди.

- Пақирни бироз қийшайтирглар. Сув миясингининг қоқ ўртасига тушсин, - ўзича топшириқ берарди соқчилар сардори. - Ҳой, Турсун, томчини секинлат. Чакиллаб тушсин. Шунда асабига таъсир қиласи. Бунақада сув тезда тугайди-ку, аҳмоқ!

Турсун хатосини тузатди. Томчилар Воҳиднинг миясига мих мисоли уриларди. Асабига шундай қаттиқ таъсир қилдики, бетоқатланиб, бошини у ён, бу ёнга ташлаб, арқонни узиб юборадигандек ти-пирчиларди. Бироқ унинг қўл ва оёқлари маҳкам боғлаб ташланганди, қимирлашнинг имкони йўқ эди. Арқонни узишга эса кучи етмасди. Жангарилар халқа шаклида атрофини ўраб олишганди. Қўллари билан шўрлик Воҳидни кўрсатиб, масхараалаб, ичаклари узилгудек қотиб-қотиб кулишарди.

Эргаш ташқаридаги воқеани туйнукдан кузатиб турса-да, хаёли Сорада эди. «Воҳид унинг номусига теккан ва атайин ўлдирган», деган қарорга келганди. Бу ишни текшириб кўриш мақсадида яқинларини тоққа жўнатишга қарор қилди. Ҳузурига Мирюнусни чақиртирди.

- Воҳидни нимага жазолаганимни билдингми? - сўради у остоноада қўлларини кўксига қўйиб турган Мирюнусга.

- Сизни ранжитадиган ва гуруҳимиз манфаатига зид иш қилганлиги учун-да, амирим!

- Ер остида илон қимиirlаса биласан, тулки! - Эргаш ўзидан ўн ёшлар катта бўлган Мирюнусни аллақачонлар сенсирашни, Мирюнус эса бошлиғини сизлаб гапиришни одат қилганди.

- Илондек ҳушёр бўлиш керак, амирим! - қўлларини кўксига босиб таъзим қилди Мирюнус.

- Воҳиднинг гапига қараганда, Сора музда сирпаниб, жарга қулаб тушганмиш.

- Астағфируллоҳ! - бош силкитди Мирюнус.  
- Сўзларига шубҳам бор!  
- Хўш?  
- Бу нонкўр нафсининг гапига кириб, қизни бузган!

## «АФГОН ШАМОЛИ» 4

- Гапингизда жон бор, амирим!
- Текшириб кўриш керак!
- Буюринг!
- Ҳозироқ уч-тўртта ишончли йигитларни олиб, довонга борасан, Соранинг жасадини топиб, номуси бузилганми, йўқми, шуни аниқлаб қайтасан!
- Бир оғиз фармонингиз, амирим!
- Ҳозироқ йўлга чиқ!

Мирюнус эшик олдига етганида ортига қайрилди. Тикилиб турган Эргашга шундай гап айтди:

- Амирим, зинданда ётган Червон хоним бандаликни бажо келтирибди. Кечадан бери ётган жойида қимиirlамаяпти!

Эргашнинг бадани чумоли чаққандек жимиirlаб кетди.

- Йигитларингга буюр, чеккароқ жойга олиб бориб кўмиб келишсин!..

\*\*\*

Мирюнус ташқарига чиққанида ҳамма унга қарди. Бошлиқ уни бекорга ичкарига таклиф қилмаганини билишарди. Аммо у кўзларини ўқ мисоли қадаб турган йигитларга аҳамият бермади. Дастлаб тўқнашган жангариға:

- Тезда зиндандан Червон хонимнинг жасадини олиб чиқиб, жарнинг ортига кўмиб келинглар! - деди. Кейин ёғочга боғланган Воҳиднинг олдига борди. Унинг ҳоли хароб эди. Пешонасига томаётган совуқ сув тинка-мадорини қурилганди. Асабларини шу қадар қақшатганди-ки, у ўлимига минг бор рози эди.

- Сора жарга йиқилиб тушгани ростми? - сўради Мирюнус юzlари ва эгнидаги кийимлари шалаббо

бўлиб кетган бандининг иягидан кўтариб. Воҳиднинг назарида Мирюнус уни қийноқдан кутқариш мақсадида келгандек туюлди. Боя бошлиқقا айтган гапини такрорлади.

- Кулаб тушди, ушлаб қололмадим!  
Мирюнус кулди.  
- Алдаяпсан, ҳароми!!  
- Энам хотиним...  
- Қасам ичма, даюс! Гапинг ёлғон бўлса, энангни қайдан топаман? Ё ўзинг билан ётаманми?! - Мирюнус хандоң отиб кулди. Атрофда турган йигитлар ҳам кулишди.

У Воҳиддан бошқа гап сўрамади. Уч-тўрт нафар йигитни олиб, тоққа жўнади. Зинданбон Червон хонимнинг жасадини тепага олди.

Хоним ўзини қора қурт чаққанини, заҳарли бу жониворни Мирюнус ташлаганини ҳам биларди. Таклифини рад этгани боис, шу ишни атайин уюштирганини оғриқлар азобида эслаганди. Ҳушидан кетаётганида яна бир бор Яратганга тавалло айлади. Магфират қилишини чин дилдан сўради.

- Ўзинг асрарин, омонатингни шу ватанфурушлар қўлида, ўзга тупроқда олмагин. Юртимни бир бор кўрай, муқаддас тупроғини кўзимга суртай, кейин жонимни олсанг армоним йўқ!

Шу сўзларни айтиб, калимасини ўгираётганида, ҳушидан айрилди. Хонимнинг томирларидағи хайрул умрнинг суви ҳали тўхтамаганди. У билинрабилинмас оқарди. Хаста юраги зўрга тепарди. Белига арқон боғлаб, тепага тортишайётганда, танаси тошга текканда, оғриқни ҳис этди. Бироқ қўзларини очолмади. Кулогига элас-элас одамларнинг овози чалинарди. Тириклигини изҳор айлашга, нам қочган, тарашадек қотган лабларини қимирлатишга

## «АФГОН ШАМОЛИ» 4

куч тополмасди. Уни зиндандан сал нарига ётқизиб күйишди.

- Қаерга күмамиз?
- Жарга ташлаймиз!
- Сасиб кетади!
- Яхиси күмайлик!
- Қабрни ким қазиди?
- Бу ерда қабр қазиш ҳам азоб!

Уни ўлди, жони узилди, деб ўйлашаётганини хоним билди. Ўзининг тириклигини билдиргиси келди, аммо на қўлларини, на лабини қимирлата олди. Бутун диққатини бир нуқтага жамлади. Кучларини йиғди. Ёпишиб қолгандек туюлган киприкларини аранг кўтарди. Осмон гўё туман ичидаги қолгандек кўринарди. Тепасида турган одамлар оқ булатга қўшилиб, кўқда учиб юришаётгандек эди. Унга ҳеч ким эътибор бермасди, ҳамма ўзи билан ўзи овора эди. Хонимнинг биринчи кўрган ва таниган одами Воҳид бўлди. У шундоқ ёнида - ёғочга боғлаб ташланган ҳолда бошини осилтириб турарди. Пақирдан томаётган томчилар пешонасига чакиллаб тушарди, сўнг ялпоқ юзини босган соқоли ичига сингиб кетарди.

- Сизга не бўлди? - хоним юрагининг тубидан чиқаёттган бу сўзни овоз чиқариб айтишга ҳар нечук уринмасин, барибир қуруқшаб қолган лабларини қимирлатишга ўзида мадор тополмади.

Уни зиндандан тортиб олган йигитлар аёлнинг қўлларидан ушлаб, судраб кетишиди. Хонимнинг кўйлаклари тошларга илиниб, йиртилиб, баданлари очилиб, шилинди. Чодир олдига етганда ўзга бирор деди:

- Жарга ташланглар, бўрилар еб кетсин!
- Тишини қоқиб оламиз! Шунча тилла увол кетадими?

- Ярми меники!

Тепасига кимдир келди. Жағидан ушлаб, оғзини йириб очди. Хоним ўзининг тириклигини билдириш мақсадида танасидаги бутун кучни тўплади. Тилла тишларини суфураётган йигитнинг бармогини тишлади. Йигит қўрқиб, ўзини орқага ташлади.

- Тирик! Тирик экан! - у арвоҳга дуч келгандай бақириб қочди.

Жалол бошлиқнинг хонасига кирди. Хонимнинг ўлмаганлигини маълум қилди. Айни чогда тўдабошининг юрагида Мирюнусга нисбатан шўбҳа уйғотишга уринди.

- Ўрталарида сиз билмаган сир борки, уни тириклай кўмдиришга буйруқ берган, - деди.

- Гапингда жон бор, - қувватлади Эргаш. - Эшишимча, бир ҳафтадан бери унга нон-сув бермабди.

- Хоним очликдан бу аҳволга тушмаган, - деди Жалол. - Мен унинг баданида кўкарган ва шишган жойларни кўрдим.

- Калтаклабдими?

- Асло, уни қора қуртга чақтирган! - паст овозда деди Жалол.

- Итдан тарқаган, ҳароми! Ҳали менинг рухсатим-сиз шундай қилибдими?

- Ўрталарида бир гап бор, хўжайин. Хоним хушига келганда сўраб билайлик!

Жалол кўпдан бери Мирюнуснинг ўрнига кўз тикиб юрганди. Уни йўқотиш пайида эди. Ўч олиш мавриди келганди.

- Хонимнинг қўлида бир жуфт тилла узуги бўларди, ўша ҳам йўқ, хўжайн!

- А?

- Кеча тунда зиндонга тушган, ўз кўзим билан кўрганман!

- Ўша ифлос келиши билан мени хабардор қил!  
Жалол қўлини кўксига қўйди.

- Хонимни нима қиласай, зиндонга ташлайми?

- Алоҳида чодирга ётқизинглар! Табибга айт,  
парвариш қилсин...

### Ю Р Т Д А

Жалолиддин Маҳкамовни, хотини ва набирасини дафн этиш учун бутун шаҳар аҳли таъзияга келганди. Учта тобут ортилган гуллар билан ўралган автомашина шаҳарнинг шоҳ кўчасидан қабристон томон астагина кетиб борарди. Йўлнинг икки четида мактаб ўқувчилари саф тортишганди. Ҳарбийлар шаҳдам одим ташлаб, машина билан ёнмаён боришарди. Одамларнинг поёни кўринмасди. Йўлдаги автомашиналар ҳаракатдан тўхтаганди. Ҳайдовчилар, йўловчилар ҳам халқقا қўшилиб, тобут ортидан боришарди. Номаълум шахслар прокурор ва унинг яқинларини ўлдириб кетишгани бутун шаҳар аҳлининг фазабини келтирганди. «Бу қотиллик одамзод томонидан эмас, балки икки оёқли махлуқлар томонидан содир этилган», деб баҳо беришарди. Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, «қотилликда Эргашнинг қўли бор, бу ўшанинг иши», деган гапларни ҳам айтишарди.

Халқнинг унга бўлған ҳурмати баланд эди. У икки муддат шу лавозимда ишлади. Бирорта одамнинг бурни ноҳақ қонамаган, бирорта одам беайб темир панжара ортида ўтиргмаган. Маҳкамов оддий халқнинг иссиқ-совуғидан қолмаганди. Ёшларга алоҳида ҳурмат билан қарабарди. Тадбиркор, ишбилармон,

фермерларни доимо кўллаб-қувватлаб келарди. Тобут ортидагиларнинг кўпчилиги ёшлар бўлиб, яқин кишиларидан ажраб қолгандай, бошларини қўйи солиб боришарди. Жасадлар юкланган машина қабристонга кириб келди. Вилоят ва шаҳар раҳбарлари қабр тепасида адолат посбонининг фожиали ўлимига ҳалқ ва юртнинг душманлари бўлган террорчилар сабабчи эканлигини қайд этишди.

Одамлар тарқалиб кетишгандан сўнг, Жаҳонгир яқинларининг қабри тепасида узоқ турди.

- Дадажон, онажон, жондан азиз, фарзандим Гулноза! - Йигитнинг кўзларидан оқиб тушаётган ёш, юрагини ўртаётган қасос ўти, ҳаяжон уни гапиришига имкон бермасди. - Тирик эканман, албатта қотилларни топаман, улардан қасос оламан. Улар бу дунёда яшашга ҳақли эмас!..

Жаҳонгир қўйнидан ханжар олиб, қабр устига санчди. Бу унинг қасамёди эди.

\*\*\*

Жаҳонгир отасининг қабрига ханжар санчиб, юраги ўт-оташда ёниб, қасам ичган кунининг эртасига қотилларнинг изига тушди. Экспертиза қон билан ёзилган «F» ҳарфини таҳлил қилиб, «бу жиноятчилардан бирининг исми», деган хулоса берганди. Изқуварлар номи «F» билан бошланадиган жиноятчиларни сўроқ қила бошлишди. Қассоскор изқуварлар билан ҳамкорликда ишлашни истамади. Отаси саводли эди. Одамларнинг исми-шарифларини ёзишга жиддий эътибор берарди. Қотилнинг исми «F» билан бошланганда, албатта уни катта ҳарфда ёзган бўларди. «Отам қотилнинг лақаби ёки танасидаги белгига ишора қилган бўли-

ши мумкин», деган хулосага келганди. У шаҳардаги кўзи ғилай кимсаларни излади. Шифохоналарга, кўз қасалликлари бўлимига кириб, ҳисобда турувчи хасталарнинг рўйхатини олди. Ҳаммасини жамлаб, уларни тўрт гуруҳга ажратди. Ўттиз билан қирқ ёшлардагиларга кўпроқ эътибор қаратди. Қотил шу ёшдаги одам бўлиши мумкин, деб тахмин қилганди. Излаган кишисини шаҳардан тополмагач, туманлардаги поликлиникаларга ўтди. Камол исмли шахс Жаҳонгирнинг эътиборини тортди. У муқаддам икки бор судланган, ҳозирда туғилган жойида яшамаётганини аниқлади. Жаҳонгир уни таниш-билишларидан сўроқлади.

- Шаҳарга кўчиб кетган, Холдор исмли йигитнинг уйида яшаётган бўлиши мумкин, - дейишди улар.

Жаҳонгир Холдорни шаҳар четидан топди.

- Меникода уч-тўрт ойча ижарада турди, кейин кўчиб кетган. - деди Холдор.

- Бунга кўп бўлдими?
- Ярим йил.
- Ярим йилдан бери кўрмадингизми?
- Кўрдим, адашмасам бир ойча бўлди!
- Қаерда туришини айтдими?
- Кўришингиз шартми?
- Омонати бор, топширишим керак!
- Пулми?
- Шунга ўхшашроқ!

Холдор шеригининг қора «дори» билан шуғуллашишини биларди. Рўпарасидаги кимсани «дори» олиб келган бўлса керак», деб ўйлади.

- Омонатни ўз қўлига топширишингиз шартми?
  - Албатта!
  - Унда кутасиз, узоги билан бир ҳафтада қайтади.
- Жаҳонгир Холдор ёлғон гапирганини, кўп нарса-

лардан хабардорлигини билди.

- Узоққа кетганими?
- Мен айтганимни айтмайсиз, келишдикми?
- Гап бўлиши мумкин эмас!
- Ҳозир Янгиободга ўтасиз, Усмон деган йигитни топасиз. Лақаби «уста». Камолнинг қаердалигини ўша билади.

Жаҳонгир Усмонни икки кун излаб топди.

- Камолни кўришим керак! - деди унга.
- Нима ишинг бор?
- Муҳим гапим бор, - газабини ичига ютиб деди Жаҳонгир.
- Бир ҳафтадан кейин келасан!
- Қаерга кетган?
- Сен кимсан? Нега уни суриштириб қолдинг?

Жаҳонгир асабларини жиловлай олмади. Усмоннинг ёқасидан тутди.

- Қаерга кетган деб сўраяпман сендан! Гапир, қаерга кетди у?!

Усмон унинг қўлини силтаб ташлади.

- Бир дақиқа муҳлат, даф бўлмасанг, абжагингни чиқариб ташлайман!

- Мен сен ўйлаган қуёнюраклардан эмасман!

Усмон залворли муштини нотаниш йигитнинг жағига солди. Жаҳонгир тўнтарилиб тушди. Бурнидан қон келди. Чўзилиб ётмади, ўрнидан турди, яна унинг қархисига борди.

- Қичифинг босилмадими? - тиржайиб сўради «уста».
- Саволимга жавоб олмасдан кетмайман!
- Шундай де? Мана жавоб! - Усмон бош бармоғини икки бармоғининг орасидан чиқарди. Бу гал унинг зарбаси нишонга тегмади. Оёғи осмондан бўлганини ўзи сезмади. Юз-кўзига тепки ва муштлар тушарди.

- Гапир, ит, Камол қаерда?!

«Уста» шеригини сотиши мумкин эмасди. Кутуриб кетган Жаҳонгир уни тепарди. Усмон калтакларга парво қилмасди, гужанак бўлиб ётарди. Юзи қонга беланиб, кийимлари йиртилиб кетганди. Шунда ҳам гапирмади. Жаҳонгирнинг кўзи ёғоч тиладиган аррага тушди. Усмонни узун ёғочга боғлади. Токни улади. Аппа ишлади. Унинг ялтираб турган тишлари ёғочга қўшиб, Усмонни домига тортарди. Шунда кўзига ўлим кўринди. Тепасида кўзлари ёниб турган Жаҳонгирни биргина сўз қайтариши мумкинлигини билди. Боши арранинг тишларига тегишига бир қадам қолганда:

- Ўчир! - дея жон ҳолатда қичқирди.

Жаҳонгир унинг косасидан иргиб чиққан кўзларига тикилди.

- Қаерда?!

- Қирғизистонга ўтиб кетган!

- Қачон?

- Бир ҳафта бўлди.

- Қачон қайтади?

Кўз илғамас тезликда пастга-тепага тушаётган арранинг эпкини «уста»нинг юзига уриларди. Бир сониядан сўнг арра бошини, кейин гавласини иккига ажратиб ташлаши аниқ эди. Усмон яна чинканди:

- Ўчир! Ўчир!!

Арқон билан ёғочга боғлаб ташланган Усмон қимиirlай олмасди. Жаҳонгирнинг кўз олдига отонаси ва қизи келди. Ўлим олдидан улар ҳам шундай аҳволга тушишгандир? Раҳм-шафқат сўрашгандир? Онаси сўраган бўлса сўрагандир, бироқ отаси ўлимга тик боқадиган одам эди. Қизи-чи, у додлаган.

Жаҳонгир тутмачани босди.

- Кимлар билан кетди?
- Иккита шериги билан...
- Исми?
- Бири Маъсуд, иккинчисини танимайман.
- Нима учун кетди??
- Шаҳар прокурорини, хотинини ва набирасини ўлдиришганди. Мелисалардан қочиб кетишиди.
- Буни уларнинг ўзи айтдими?
- Гаплашиб ўтиришганда қулоғимга чалиниб қолди.

- Сен уларнинг гуруҳиданмисан?

Усмон индамади. Жаҳонгир тутмачага қўл чўзди.  
«Уста» сирини айтмаса, арранинг остига кириб кетиши мумкинлигини билиб, дод солди.

- Тўхта, айтаман!!

Жаҳонгир устанинг олдига ўтирди. Қасоскорнинг асаблари қақшаганди, вужуди безгак тутгандан баттар қалтиради.

- Уларнинг гуруҳига қўшилганимга икки йил бўлди.

- Сенга қандай топшириқ беришган?
- Бой-бадавлат одамларнинг рўйхатини тузишни, машина заводини портлатишни! Лекин қўлимни қонга бўямаганман!
- Шаҳар прокурорининг ўлдирилишидан хабардормидинг?
- Буни кейин эшитдим.
- Рўйхатни кимга берардинг?
- Маъсадга!
- У кимга берарди?
- Бундан бехабарман! Эшлишишмча, у хориждаги бошлиқларига топшиаркан. Афғонистондан ҳам ўтишади.

- Улар сенинг уйингда тўпланишадими?
  - Аввал шу ерда йиғилишарди. Ҳозир жойларини ўзгартиришган!
  - Тўдабоши ким?.
  - Қамбар исмли йигит, лекин ўзини кўрмаганман!
  - Қаерда у?
  - Қирғизистонда яшайди. Вақти-вақти билан Андиконга келиб туради. Ундан каттаси ҳам бор!
  - Исли?
  - Эргаш дейишади, эшитгандирсан?! Афғонистонда туриб, бу ердаги одамларига топшириқ беради.
  - Кўп нарсаларни биларкансан, нега мелисага айтмадинг?
  - Қўрқдим, энди мени қўйиб юборасанми? - сўради Усмон.
  - Ватан хоинларига уйингдан жой берганинг, уларни ҳалқимизнинг душмани эканлигини била туриб ҳукуматга хабар бермаганинг, мамлакатимизнинг номини дунёга таратаётган автомобиль заводини портлатмоқчи бўлганинг учун сен олий жазога лойиқсан! Сендай ифлос кимсалардан ўчилишга қасам ичганман!
- Жаҳонгир тутмачани босди. Аппа ишга тушди...

### МОСКВА

Фофур билан Вадим ўртасида андак келишмовчилик содир бўлганди. Аслида у мафия отаси билан алоқани узишни истамасди. Эргашнинг тагига сув кетганини, куни битганини Фофур яхши биларди. Шу кунга қадар уни кўллаб, ҳолидан хабар олиб турган кимсаларнинг ҳафсаласи пир бўлгани бошқаларга қараганда Фофурга кундек равшан эди.

Абдурашид Дўстум аскарлари Мозори Шариф ва унга кўшини бўлган вилоятларни ўз тасарруфига олганлиги, лозим бўлган пайтда Эргаш эгаллаб турган водийни осонгина кўлга киритишлари мумкинлигини биларди. Тўдабошининг саросимага тушиб, умидсизланиб қолганининг боиси ҳам шунда эди. Бир хавф тугиладиган бўлса, йигитларини ташлаб, бу ердан қочиб қолиши ҳеч гап эмасди. Фофур осойишта, бехавотир макон топиш фикрига аллақачон келганди. Бунинг учун пул зарур эди. Маблағ топишнинг ягона йўли Афғонистондан жўнатилаётган «дори»ларнинг ҳақидан қайириб қолиш, рус мафиясининг отаси билан алоқани узмаслик, унинг ҳурматини қозониш, бу ишда йўлига гов бўладиган тўсиқларни янчиб, «дори» олиб борадиган одамни пинҳона йўқотиш эди. Эргаш ҳам, мафия отаси ҳам ундан шубҳаланмаслиги лозим.

Шу мақсадда Абдусаматни ёнига олиб, кетиш олдидан Пономарёвга қўнғироқ қилиб, душанба куни етиб боришини маълум қилди. Айтилган куни Москвада бўлди. Абдусаматни меҳмонхонада қолдириб, Вадим Вольфовичнинг қароргоҳига жўнади. Олиб келган «дори»ни ҳозирча унга топширмасликка қарор қилди. Вазиятга, кекса «дори»фурушнинг раъйига қараб иш тутишни ўйлади. Жўнаш олдидан ханжарини болдирига боғлаб олди. Асқотиб қолиши мумкин, деб хаёл қилди.

Мафия отаси меҳмонни кўл бўйида кутарди. Шом қоронгулиги тушганди. Анчадан бери у бу ерга келмаган, тимсоҳларини соғиниб қолганди. Соҳил бўйига курси қўйиб, бўғизланган қўйнинг гўштини нимталаб, йиртқичларга едириб ўтиради. Тимсоҳлар этни ҳаводаёқ илиб, ўзлари билан сув тубига

олиб кириб кетишарди. Уларнинг овқатланишини хуш кўрадиган Вадим Вольфович этни едириб бўлди. Бироқ меҳмондан дарак йўқ. Гўшт тугаган бўлса-да, тимсоҳлар қирғоқдан кетишмасди. Бошлигини сувдан чиқариб, юмалоқ кўзларини Вадим Вольфовичга тикиб туришарди.

Машина келиб тўхтади. Фофурни кўриб, қариянинг дилидаги гашлик тарқади. Меҳмонни бағрига босиб кўришди. Фофурнинг хаёли ўзида эмасди. Мафия отаси ўрмонда кутиб олаётганидан хавотирланди.

- Ўтири десам афсуски, курси битта, - деди Вадим меҳмонга. - Хўш, ишлар қандай кетяпти, қарогим? Эргаш жаноблари бизга қанча «дори» ҳозирлаб қўйди?

- Бу йил ҳосил яхши эмас, Вадим Вольфович, - деди Фофур. Бу гап қариянинг шубҳасига мой сепди. Ҳикмат ҳосил мўл бўлганини, Эргаш керагича «дори» билан таъминлашини айтганди.

- Шундай де, - газабини ютиб жилмайди мезбон.  
- Демак, бошлиғинг бизни алдабди-да?

- Бундай демоқчи эмасман, Вадим Вольфович, «дори» кам бўлгани учун унинг нархи кўтарилиб кетди. Пулига чидасангиз бас!

- Ақлинг кириб қолибди, - қария кўзларини бақрайтириб турган тимсоҳларга қараб қўйди. - Унда қанча тўлашим керак?

- Ўн фоиз кўшсангиз бас!
- Ўн фоиз! Кўплик қилмайдими, қарогим?
- Назаримда, инсоф доирасида қўйилган нарх!
- Доно фикр!

Вадим ўтлар устидаги конъякни олди. Қадаҳга куйиб, меҳмонга узатди. Фофур унинг қўлини қайтармади.

- Эргаш бизга бошқача хабар жўнатганди, сен эса

унинг гапига зид фикрни билдирияпсан?

Фофур бу ерга Эргашнинг одами келганига амин бўлди. Кимлигини билишни истади.

- Қандай фикр билдирган экан?

- Мен сен билан эмас, Эргаш билан савдо қила-ман. Шу сабабли унинг фикрини билишинг шарт эмас! - жеркиб берди қария. - Сен ўз вазифангни унутиб қўйяпсан! Бошлиғинг биз жўнатган пуллар-нинг ҳаммасини олаётганмиди?

- Олган! - дадил жавоб қилди Фофур.

- Назаримда, у биздан хафа. «Мол»ни жўнатмай қўйганининг сабаби шунда...

- Бундай бўлиши мумкин эмас.

- Эшитишимга қараганда, сен орқали жўнатган пулларимнинг ярмини олмаганмиш!

- Мени ранжитманг! - кўнгли қандайдир нохуш-ликни сезган Фофур ўзини қўлга олишга, ҳаяжони-ни босишга қанчалик уринмасин, барибир типир-чилаб қолди.

- Шундай де, ишонч билан гапиришингнинг сабаби нимада?!

- Берган пулларингизни унинг қўлига ўзим топ-ширганман-ку!

- Хиёнат қилмагансан, шундайми?

Фофурнинг юраги патиллади. «Наҳотки, Эргаш билан гаплашган бўлса», деган совуқ ўй кўнглини зими斯顿 қилди.

Мезбон чўнтағидан бир парча қоғоз олиб, F офорга узатди. Хатга кўзи тушган заҳоти ранги оқариб кетди. У тўдабошининг дастхатини танирди. Шу сабабли «бу хўжайиннинг хати эмас», дёёлмади.

- Кимdir ўртамизга нифоқ солиш мақсадида бу мактубни сизга жўнатган, - деди Фофур ўзини қўлга олишга уриниб.

Мафия отаси ўрнидан турди.

- Ўзинг биласан! Мен сенга эмас, кўпроқ Эргашга ишонаман. Бизнинг ишимизда хиёнаткор ва соткинларга раҳм-шафқат қилинмайди.

Фофур бу ерга бежиз олиб келишмаганини тушуниди. Кўркув акс эттан кўзлари сувдан бошини чиқариб турган тимсоҳларга тушди. Ортидаги соқчилар қуршовини ёриб қочишни ўйлади. Оралиқдаги масофани чамалади. Бир ярим қадам. У орқага одим ташлади. Шу заҳотиёқ иккинчи қадамини ён томонига қўйди. Соқчига яқин келди, аммо унга қайрилиб қарамади. Фофур бармоқларининг учини тугиб, билагини орқа томонга букиб, рақибининг кўкрак қафасини мўлжаллади. Бармоқлари соқчининг ошқозонига, тирсаги эса жағига тегди. Баланд бўйли соқчининг оёқлари ердан узилиб, ерга чалқанчаси билан йиқилди. Бироқ Пономарёвга зарба беришга улгурмади. У ўзини четга олишга, Фофурнинг орқа томонидан қучоқлашга улгурди. Йиқилган соқчи ўрнидан турди ва Фофурнинг юзига мушт туширди. Вадим Вольфович «бас», дегандек, қўлини кўтарди. Соқчилар меҳмоннинг қўлларини қайриб, мафия отасининг оёқлари остига тиз чўқтиришиди. Унинг бурнидан оқаётган қон чакиллаб, кўйлагига томарди.

- Мен ўзимнинг адолатли ҳукмимни ўқидим! - тантанали овозда деди мафия отаси. - Сувдаги жониворлар уни ижро этишади. Тимсоҳлар анчадан бери одам гўштини татимай қўйишганди. Қара, ўлжа келармикин, деб бизга тикилиб туришибди. Шу кунга қадар сенга ўхшаган олтита хиёнаткор бу маҳлуқларнинг қорнига жой бўлган! «Мент»лар уларни бедарак йўқолганлар рўйхатига тиркаб қўйган. Ахир тилсиз жониворлар ўз оғизларини инсон

қонига бўяғанларини кимга ҳам айтишарди?

Фофур нима дейишни билмай турарди. Мафия отасининг қўлида ўлишни истамасди. Ахир бу ерга ўлиш учун келмаган-да!

- Меҳмонни тимсоҳларга совға қилинглар! - деди Вадим Вольфович йигитларига ва ўзи машина томон юрди.

Соқчилар шу ондаёқ унинг қўлтиғидан олиб, оёғини ерга теккизмай, қирғоққа олиб келишди. Фофур қаршилик кўрсатишга ўзида куч тополмади. Соқчилар бешикдай тебратишиб, уни сувга улоқтиришиди.

Фофур бир пайтлар сув остида қўл жангига билан мунтазам шугулланганди. Сув тубида беш дақиқагача қолиб кетарди. Бундан ташқари, чапдаст ва чаққон эди. У ҳаводаёқ шимининг этагига қўл солиб, болдиридаги ханжарни олишга улгурди.

Тимсоҳлар бирданига ўлжага ташланишмади. Узун думларини қайириб, бирин-кетин сув остига шўнгышди. Улардан бири емишга аҳамият бермади, тўйқ эди. Иккинчи тимсоҳ сув остига чўкиб бораётган одамнинг ортидан қувди. Фофур оғзини очиб келаётган йиртқични кўрди. У бир ҳамла билан белини тишлаб, гўштини нимта-нимта қилиб юбориши мумкин эди. Фофур балиқдай буралиб, ўзини ёнбошга олди. Катта тезликда келаётган тимсоҳ ўтиб кетди ва буралиб орқага қайтди. Фофур ханжарни унинг елкасига санчди. Оғриққа чидаёлмаган тимсоҳ қочди. Сув юзи қип-қизил қонга беланди. Йиртқич яна ўлжага ташланди. Ханжар елкасида қолганди. Фофур чап беришга улгурмай, қутурган ва айни дамда ҳолсизланиб бораётган тимсоҳни ўtkазиб юборолмади. Жагини икки томонга қайирди. Қон йўқотиб бораётган йиртқич душмани билан олишишга ожиз-

лигини ҳис этди ва қочди.

Сув қизил рангга бўялганини кўрган соқчилар бир-бирлари билан кўз уриштириб, машина томон юришди.

Вадим Вольфович орқа ўриндиқда ўтиради. Машина жойидан қўзғалганида Пономарёв соҳилнинг нариги томонида турган одамни кўриб қолди ва ҳайдовчига «тўхта» деди.

- Хўжайин! - Пономарёв худди ажина кўрган одамдай ажабланди. - Фофур!

Вадим Вольфович қўзларига ишонмади, машинадан тушди. Фофур тирсагини киндигига тираб, мушт бўлиб туғилган қўлларини силкитиб, мафия отасига қаратса қичқирди:

- Вольфович, гўштингни тимсоҳларингга едирмасам, эркак эмасман! Эшишиб қўй, бу менинг қасамим!

У бошқа сўз айтмади ва ўрмон ичига кириб кетди. Ортидан қувиш фойдасиз эканлигини билган соқчилар нима қилишни билмай қолишли...

\*\*\*

Эргаш одамларининг қайтиб келмаганидан хавотирда эди. Қамбар билан алоқа ўрнатишга кўп уринди, бироқ натижа чиқмади. Ташвиш ва шубҳа уммони тўдабошини дақиқа сайин комига тортарди. Ўт бўлиб ёнаётган қалбига таскин-тасалли берувчи юпанч йўқ эди. Бир ёндан Вадим Вольфович, иккинчи томонда Абдуллоҳ қўзига кўринарди. Бугун бўлмаса эртага, уни қисти-қафастга олишади. Бири «дори» келмаяпти» деса, иккинчиси «пулни тўла», дейди. Бундай совуқ хабарни эшитиш Эргаш учун чўққидан ўзини жарга улоқтириш билан бара-

вар. Ахир Қамбарга ишониб, озмунча «дори» жүннатдими? «Юк Вольфовичнинг қўлига етиб бормаган», дея ўзига ўзи таскин изларди Эргаш. Одамлари қўлга тушиб қолганда, Қамбар ўша заҳотиёқ хабар жўнатарди. Вадим Вольфович эса хиёнат қилмайди. Ёки Қамбар алдадими? Юк етиб борганида, ҳозиргача пули чўнтағида бўларди. Мирсадик билан Абдусаматга нима бўлди? Эргаш бошида айланётган ваҳимали ўй-хаёлларга жавоб тополмай юрган кунларнинг бирида Қамбар хабарчи жўнатди.

- «Юк» етиб келмаяпти, хўжайин! - деди хабар келтирган одам.

Эргаш игна устида ўтиргандай, сапчиб турди.

- Нега етиб бормайди? Жўнатганимга бир ҳафта бўлди-ку!

- Бир ҳафтадан бери Қамбарбек йўл пойлаяпти!

Эргаш тўлғоқ тутган аёлдай ўзини қаерга қўйиши ни билмасди. «Дори»нинг етиб бормаслиги унинг учун катта йўқотиш эди. Кўз олдига ҳамиша силлиқ гапириб, ора-сира заҳрини сочадиган, бир ғазаб отига минса, қондан бошқа нарса кўзига кўринмайдиган Абдуллоҳ келди. Гўё қаршисида туриб «Пул қани?», деб сўраётгандай туюлди.

Эргаш одамларининг етиб бормаганига сабаб топди. Йўлдан адашган, бирор жарга қулаб тушиб ўлган ёки қашқирлар еб кетган! Аммо «дори» йўқолмаса бас, деб ўйлади. Шу куни ёқ тоғ йўлини яхши биладиган одамларидан бештасини чақириб, Мирсадик билан Абдусаматнинг изидан «Аждар ғор»га боришни буюрди.

- Ҳар бир жарни, ҳар бир горни, синчиклаб қўздан кечиринглар. Жарга тушган бўлсалар ҳам, қашқирлар еб кетган бўлса ҳам «юк» қолади. Топ-

магунча орқаларингга қайтманглар!

Изқуварлар ўзлари билан болта, арқон ва бир ҳафталик озиқ-овқат олиб йўлга тушишди. Тўдабоши одам ҳидини яхши биладиган Санжарни ҳам уларга қўшиб берганди. У йўл бошловчи бўлиб олдинда борарди. Бурни ерга теккудай энкайиб, ўт-ўланларни, тошу тупроқларни исказ, тудай лўкиллаб чопарди. Унинг димоги бир ҳафта аввал юрган одамларнинг исини ололмасди. Икки кун аввал ёқкан ёмғир ҳидни кўтарганди. Шундай бўлсада, ҳар бир хандақни, ҳар бир жарни кўздан кечиришарди. Жарларга арқон ташлаб тушишарди. Ниҳоят, «Аждар фор»га этиб келишиди. Шунда Санжарнинг димогига қўланса ҳид урилди. Шериклари исини пайқашмаганди. У қўлини кўтариб, орқадагиларга «тўхташ» ишорасини қилди.

- Ўлган одамнинг иси келяпти, - деди бурни билан ҳавони исказ.

- Ўлган одамнинг? - ҳайрон бўлишди шериклари.  
- Қаердан?

Санжар қўли билан горни кўрсатди.

- Икки чақирим наридан!

Жангарилар бир-бирларига ҳайрон қарашди. Бурунлари билан ҳавони қанчалик ҳидлашмасин. Санжар сезган исини олишолмади. Улар эҳтиёткорлик билан йўлда давом этишди. Форга саноқли қадам қолганида бирдан ҳаммалари хушёр тортишди. Санжар сезган ҳид энди уларнинг ҳам димогига урилганди. Ҳаммалари саллаларининг учи билан оғиз-бурунларини тўсишди. Санжар фор оғзида тўхтади.

- Ҳид ичкаридан келяпти, - деди горни кўрсатиб.

Ичкарига киришга ҳеч кимнинг юраги бетламади. Ноилож Санжар жазм этди. Агар жасадлар

ҳақиқатан ҳам ўз одамлариники бўлса, «юк»ни топиб боришса, тўдабошидан нафақат мақтов, балки мукофот олишлари аниқ. Фор ичи қоронгу эди. Ҳеч нарса кўзга кўринмасди. Бир неча дақиқадан сўнг Санжар ичкаридан сасиб, куртлаб кетган жасадни судраб чиқди. Бўғзидаги жароҳат уни қасдан ўлдирилгаңлигини билдиради.

- Шериги қани?
- Ичкарида бошқа жасад йўқ, бир ўзи экан! - жавоб қилди Санжар.
- «Юк»чи?
- Тополмадим!
- Қайтиб кир! - маслаҳат беришди шериклари.
- Мен ҳамма ёқни тинтиб чиқдим, ишонмасанг-лар ўзларинг киринглар!

Ичкарига киришга ўзгаларнинг юраги чопмади.

- Абдусамат қаерда қолдийкин?
- У Мирсадикни ўлдириб, «юк»ни олиб қочган!

Улар Мирсадикнинг ёнидаги қуролни ва хорижда тайёрланган қалбаки паспортини салласига ўраб, орқага қайтишли. Буни Эргашни ишонтириш учун кўрсатилидиган далил, деб билишди.

Тўдабоши «юк»нинг йўқолганлигини, Мирсадикнинг ўлдирилганини эшитиб, олов ичидаги қолгандай типирчилади. Унинг қотилини Абдусамат, деб билди. Ишонган одами Мирсадикни ўлдириб кетганига чидаёлмади. Абдуллоҳга нима деб жавоб қилишни ўйлади. Ўз оғзи билан «юк»ни жўнатдим, деб ўша куни кулогини қиздириб кўйганди. Бир йил итдай ишласа-да, қарзини қайтаролмайди. Эргаш на хонасига, на ташқарига сифарди. Қани энди ўша сотқин Абдусаматни ушлаб, оёғининг остига келтириб ташлайдиган бир мард топилса! Тириклай терисини шилиб, бошини қозонда қизиб

турган мойга ташлаб, худди этни қовурғандай қовуриб, хуморидан чиқарди. «Йўқ, мендан қочиб кутулмайсан, ерга кирсанг қулогингдан, осмонга чиқсанг оёғингдан тортиб оламан. Тирик эканман, ер юзида яшаётмайсан!» Қасос ўти юрагини ёндираётган Эргаш энг ёмон сўзларни тилига олиб, қасам ичди.

### Ю Р Т Д А

Сарви хола қизини Воҳидга кўшиб, Афғонистонга жўнатганидан сўнг, кўнгли бозорга чиқиши тусаб қолди. Эргаш томонидан совға қилинган пуллар унинг юрагига шайтон мисоли жойлашиб, кўчага судрарди. Яқин орада қўлига бу қадар катта миқдорда пул тушмаганди. Ҳар куни қўни-қўшниларига бели букилмаган долларларни кўз - кўз қилишдан эринмасди.

Сарви хола Эргаш билан дастлаб шаҳарда ўзининг жинойи гуруҳини ташкил этган кезлари танишганди. У мелисаларнинг кўзидан яшириниш мақсадида бу хонадонга кириб, бир-икки кун тунаб кетарди. Ҳар келганида опани қуруқ қўймасди. Чўнтағидан пул олиб, қўлига тутқазарди. У пайларда Сора ўн ёшли қизча эди. Мактабга қатнарди.

- Иним Эргашбой, сиз бизга кўп яхшилик қиляпсиз. Мендан қайтмаса, Худодан қайтсин. Бу яхшиликларингизни вақти келгандан узаман. Узолмасам, мана Сорахон бор! Шу қизим сизники! - деганди.

Сарви холанинг ўшандаги гапи Эргашнинг миясига кўрғошиндай қуюлиб қолди. Ҳар гал келганида, қизга бошқача кўз билан боқарди. Унга кийимлар, тақинчоқлар совға қиларди. Булар Сарви холага ваъдасини эслатиб турарди. Ниҳоят, Эргаш

қизнинг қучогига киришга аҳд қилди. Кечки пайт бир құчоқ совға-саломлар күтариб, Сарви опаникіга кириб келди. Бирга овқатланиши. Үй эгаси тұдабошининг мақсадини тушунғанды. Уни зориктирмади. Үй ичига жой қилди. Ортидан оқ күйлак кийдириб, қизини киритди. Соранинг бүйи күёвнинг күкрагидан ҳам келмасди. Эргаш унга ачинмади, балки шундай гүдакни қучогида олиб ётишдан завқланды. Юраги энтикиб кетди. Чүнтагидан тилла узук чиқарди.

- Кўлингизни беринг!

Қиз қўлини узатмади. Эргашнинг ўзи унинг қалтираб турган қўлидан ушлади. Бармоғига узук солди.

- Муборак бўлсин! - У Соранинг ёниб турган юзидан муччи олди. Дадилланиб, кийимларини ечди. Кўрпага кираётиб, Сорага деди:

- Сиз ҳам ётинг, тун ярим бўлди!

Қиз тақдири отаси тенги шу одамнинг қўлида эканлигини, қачондир қовушишларини биларди. Онаси қулогини кўп қиздирганди. Киришидан аввал «акангни хафа қилма, кўнглини ол», деб тайинлаганди. Сора келмади. Эргашнинг ўзи ёнига борди. Бошидан рўмолини олди, кўйлагини ечди. Қизнинг оппоқ бадани ой нурида ялтиради. У Сорани күтариб, кўрпага ётқизди. Чироқни ўчирди. Тўдабоши оқ чойшабда соchlари ёйилиб, ярим ялонгоч ётган қизнинг қучогига кирди. Бағрига тортмоқчи бўлганида, эшик тақиллади. Сарви холанинг овози келди.

- Эргашбой, сизни ташқарида бирор чакирияпти! - деди.

Эргаш оҳ урди, ўрнидан турди. Кўчага чиқди, келгувчини таниди. Ўз одами Саттор эди.

- Нима гап, нега келдинг? - аччиқланиб сўради тўдабоши.

- «Мент»лар идорамизни босди, сизни излашяпти!

Эргашнинг ичига муз кирди, қўрқувдан титради. Ичкарига қайтмади. Шу кетганича бу хонадонга қайтмади. Одамлари орқали Сарви холадан хабар олиб турди. Пул ва бошқа совға-саломларни жўнатди. Эргаш Афғонистонга ўтганида, Сора ўн уч ёшга тўлганди. У мактабга қатнамай қўйганди. Қачондир Эргашнинг одамлари келиб, олиб кетишини кутарди. Тўдабоши қизни олиб ўтиш тўғрисида бир-икки ўйлаб кўрди. Одамлари Сарви холанинг уйига тез-тез келиб, қурол-аслаҳа ва ўқ-дориларни ташлаб кетишарди. Бундан бир ой аввал келган одам бир неча дона граната олиб келган, яқин кунларда Сорани олиб кетишини айтганди. Сарви хола ўша одамнинг йўлига кўз тикадиган бўлди. Воҳид келиб, ўн дона гранатани ташлаб, қизини олиб кетгандан кейин елкасидан тоғ қулагандек бўлди.

У энди Воҳид айтган одамнинг келишини кутарди. Унинг гапига қараганда бир ҳафта ичидаги ўша одам уйдаги граната ва қуролларни олиб кетиши лозим эди. Шу сабабли Сарви хола кўчага камроқ чиқар, чиққанда ҳам тезда қайтарди. Эшик тиқ этса, юраги бир қалқиб тушарди. Ниҳоят, ўша кимса келди.

- Эргашбойдан сизга салом опа, - деди нотаниши киши остонаян кириб келиши биланоқ.

- Сораҳон етиб олдими?

Келгувчи Сораҳоннинг кимлигини билмасди. Бу ҳақда унга бирор гап айтишмаганди. Нима дейишни билмай қолган одам бир оз ўйланиб деди:

- Етиб бордилар!

- Йўлда қийналишмадими?
- Хавотир олманг, ҳаммаси жойида!
- Илоҳим, тинч бўлишсин.
- Мен «юк»ни олиб кетгани келдим, опа!
- Жуда яхши-да, қани сўрига ўтиринг, йўл босиб келгансиз, бир пиёла чой ичинг!
- Раҳмат, қайтишим керак. Тошкентда дўстларимиз кутишмоқда.
- Шунақамий? Ишингиз зарур бўлса нима ҳам дердим, укажон!

Сарви хола уй ичига кириб кетди. Бели букилиб, иккита сумкани кўтариб чиқди.

- Оғиргина экан, қийналиб қолмайсизми?
- Йўлга чиқиб олсан, у ёғи бир гап бўлар, опа!

Йигит сумкаларни очди. Уларнинг бирида гранаталар, иккинчисида портлатгич мосламалар жойлаштирилганди.

Шу пайтда кўча эшик тақилладб қолди. Сарви хола эшик томон юзланди. Йигит гранаталардан бирини қўлига олди-ю сумканинг оғзини беркитиб, уларни сўри остига яширди. Бу орада эшик яна тақиллади. Сарви хола меҳмон билан кўз уриштириб олгач, эшик томон юрди.

- Мана ҳозир, кетяпман!

\*\*\*

Телефон қўнғироги эшик тутқичини ушлаган подполковникни орқага қайтишга мажбур қилди.

- Бу милицияданми? - гўшақдан нотаниш одамнинг паст, айни дамда ҳаяжонли овози келди.
- Эшитаман, - деди Абдураҳмон Холиқов.
- Мен Воровский кўчасиданман. Қўшнимизнинг уйига нотаниш одам келди. У шубҳали кўриняпти.

- Бир ўзими?
- Шундай.
- Ҳозир етиб борамиз!

Абдураҳмон Сарви холанинг уйига Эргашнинг яқинлари яширинча келиб-кетиб туришидан, қизи Сорани яқинда олиб кетишганидан хабар топганди. У маҳалланинг ишончли одамларидан бирига уйни назоратга олишни, зарур пайтда қўнғироқ қилишини тайинлаганди. Подполковник ёрдамчисини олиб, манзилга жўнаб кетди. Кўча бошида қўнғироқ қилган одам уларни кутиб олди.

- У қачон келди? - сўради Холиқов.
- Яқиндагина, қарашлари шубҳали. Бу ернинг одамига ўхшамайди.

Абдураҳмон кўча эшикни тақиллатди.

Ховлида икки нафар қизалоқ аргамчи учиб, қўшиқ айтиб ўйнашарди. Улар ичкарига кириб келган милиция ходимларига аҳамият беришмади. Абдураҳмоннинг хаёли болаларда эди. Уларни ҳовлидан чиқариб юборишни ўйлади. Жангари безовталашиб, типирчилай бошлади. Бошлиқлари унга катта ишонч билдириб, Сарви холанинг уйига яширилган «юқ»ни олиб, керакли одамларга етказиб беришни тайинлашганди. Ўқ-дорилар билан қўлга тушиши мумкин эмасди. Тутиб олишса, бошлиқларининг кирдикорлари, мана шу «юқ»ни қабул қилиб оладиган кимсаларнинг шахси ҳамда уларнинг режалари барбод бўлиши мумкин эди. У шундан хавотирга тушиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Жангарининг олдida биргина йўл - рўпарасидаги милиционерларни ўлдириш ёки қизлардан бирини гаровга олиб, қочиб қолиш эди. Афсуски, ёнида қуроли йўқ. Уни халтага солиб қўйганди. Милиционерларнинг яқинлашиб келаётганини кўриб, бир

дона гранатани қўлига олди. Милиция ходимлари меҳмоннинг ёнида граната борлигини хаёлларига келтиришмаганди.

- Яқинлашма! - Меҳмон икки сакраб, қизалоқларнинг ёнида пайдо бўлди ва улардан бирини маҳкам қучоқдаб олди. - Яқинлашсанг, ҳаммангни портлатиб ташлайман!

Жангарининг қучогида қолган қизча чинқириб йигларди.

- Йўлдан қоч! - яна қичқирди жангари милиционерларга.

- Гранатани ташла! - буюрди Абдураҳмон.

- Йўлдан қоч, дедим сенларга, акс ҳолда ҳаммангни портлатиб юбораман. - Жангари қизалоқни судраб, юк халтаси томон юрди. Унинг важоҳати шу қадар хунук ва даҳшатли элики, қўлидан ҳар нарса келиши мумкинligини билиш қийин эмасди. Қизчанинг нафаси бўғилиб, овози чиқмай, ранги кўкариб, кўзлари тепага битиб қолди. Ўлиб қолиши ҳеч гап эмасди.

- Болани қўйиб юбор! - Абдураҳмон қандай қилиб бўлса-да, қизни унинг чангалидан қутқаришни ўйлади. Бироқ кўзи қонга тўлган жангари унинг талабини бажармади. Подполковник шеригига қаради. Улар бир-бирларини кўз қарашларидан нима қилиш лозимлигини тушунишди. Абдураҳмон орқага чекинди. Эшик очиқ эди. Беш-олти қадам юрса, кўчага чиқиб олиши мумкин. Лекин бунга йўл қўйиб бўлмасди. Икки халта ўқдори, граната билан кўчага чиқиб, бирорта машинага ўтириб, кўздан яшириниши ҳеч гап эмасди.

Жангари халталарни олиб, эшик томон юрди. У қизчанинг соchlарини билагига ўраб олганди.

Бошлигининг мақсадини тушунган сержант яшин

тезлигига жангариға ташланди. Гавдаси билан ита-риб юборди. Қизнинг бир тутам сочи унинг чанга-лида қолди. Жангари қўлини граната халқаси томон чўзди, аммо етмади. Икки қадам нарига бориб йиқилди. Аммо ўзини йўқотиб қўймади. Мушукдай сакраб, ўрнидан турди. Сержант яна унга талпинди. Икковлари олишиб кетди. Жангари бақувват эди. Милиционерни тепиб юборди. Бу орада Абдураҳ-мон болаларга «қочинглар», деб уларни кўча эшик томон суриб юборди. Афсуски, қўрқиб кетган болалар нима бўлаётганини тушунмай, деворга су-яниб, дағ-дағ титраб туришарди. Сарви хола эс-хушидан айрилган одамдай турган жойида қотиб қолганди. Кейин ўзининг кимлиги ёдига тушиб, тандир томон чопди. Йўғон таёқни олиб келиб, милиционерлардан бирининг бошига урмоқчи бўлди. Бу орада Абдураҳмон жангарининг остида ти-пирчилаб ётган шеригига ёрдамга ошиқди. Под-полковник унинг устига ўзини отганида, жангари халқани тортишга улгурганди. Абдураҳмон унинг қўлини қайиришга ва гранатани гавдаси остига жойлашга улгурди. Граната портлади. Даҳшатли овоз еру кўкни титратиб юборди. Ўйилган тупроқ том баробар кўтарилиб, атрофга сочилди. Портлаш тўлқини Сарви холани келган жойига улоқтириб ташлади. Болалар ерга йиқилишди. Портлаш жойида одамнинг қулочи етмайдиган ўра ҳосил бўлганди. Уч одам унинг ичида тўнтарилиб ётарди. Жангарининг бир қўл-оёғи танасидан ажраган, узил-ган оёқ эса кўча эшик олдига бориб тушганди. Қўл тупроқ остида қолганди. Сержантнинг қорни ёри-либ кетганди.

Абдураҳмоннинг бундай ҳолатга биринчи туши-ши эмасди. Тўрт йил Афондаги урушда бўлиб,

бундан-да даҳшатли воқеаларни бошидан кечирган, бир неча бор оғир жангларда яраланиб, тирик қолганди. Шу сабабли, ўзини йўқотмади. Граната-нинг бир парчаси қорнининг пастки қисмини йиртиб ташлаганди. Тери остидаги чарв бутунлиги сабабли, ичаклар ташқарига чиқиб кетмаганди.

Сержант эндиғина йигирма беш баҳорни қаршилаганди. Граната икки қўлининг тирсагидан теса қисмини узиб ташлаганди.

- Ўзингни қўлга ол, Искандар! - Абдураҳмон кўйлагини йиртиб, шеригининг ярасини боғлаб, ўрадан олиб чиқди. Бу орада қўни-қўшнилар ҳовлига кириб келишганди.

### МУЛЛА УМАРНИНГ ЎТМИШИ

Менинг пойқадамим тегиб турган бу юртнинг ўзига хос удумлари, урф-одатлари мавжуд. Афғон хонадононларида ўғил бола туғилса, катта байрамга айланиб кетади. «Яна бир жангчи қўпайди», дейишади. Инглизлар Афғонистон тупроғига қадам қўйган кундан бошлаб, ҳозирга қадар бу удум сақланиб келинмоқда. Бола туғилганлигини эшитган эркаклар чодир атроғига тўпланиб, милтиқ ва автоматлардан осмонга қаратса 60-70 маротабадан ўқ узалилар. Ўғил туғилганлигини эшитган қўшни қишлоқдан ҳам эркаклар муборакбод этиш учун келишади. Янги туғилган чақалоқлининг чодири ёки уйи олдига келиб, худди байрамлардагидек бир-бирларини қутлашни, милтиқлардан ўқ узишни ўзларининг муқаддас бурчлари, деб ҳисоблашади. Афғонлар ўз фарзандларини ҳеч қачон қўрқитмайдилар. Уларнинг мард ва жасур бўлиб ўсишлари учун ҳаракат қилишали. Болалар қўғирчоқлар ўрнига ханжар,

тўппонча ва милтиқ ўйнаб, катта бўлишади. «Катталар йўли кичиклар учун кўприк», қабилида иш тутишади.

1947 йил ёз кунларидан бирининг тонг қоронғусида Қандаҳор яқинидаги Сангзар қишлоғининг кўримсизгина бир хонадонида янги фарзанд дунёга келди. Туни билан бесар бўлиб, уйқусизликдан кўзлари қизариб кетган йигит энага ичкаридан чиқиши биланоқ юраги бир қалқиб тушди. Кампир йигитга боқиб, мийигида кулиб, бир зумгина тек турди. Бу сукунат йигитнинг баданини япроқдек титратиб юборди. У фарзандининг ўғил бўлишини жуда-жуда истарди ва энаганинг оғзидан «ўғил», деган хабарнинг чиқишини кутарди. Бироқ унинг сабри чидамади, ҳаяжонини босолмай сўради:

- Ўғилми?!

Аёл бошини силкитди, хўрсиниш ва шодлик билан «ўғил», деди.

Йигит токчада турган милтиқни олди ва ташқарига отилди. Ҳовли ўртасига келиб, юз маротаба ўқузди. Овоз атроф-теваракни ларзага келтиргандек бўлди. Бир зумда бу хонадон қўшни йигитлар билан тўлиб кетди. Улар ўзлари билан милтиқларини ҳам ола келишганди. Йигитлар кўкка 50 маротабадан ўқузишди. Отанинг қувончи юрагига сифмасди. Уйига сувдек оқиб келаётган ҳар бир танишини бағрига босиб кўришарди. Ниҳоят, икки қиздан сўнг ўғил кўрганлиги уни шу қадар қувончларга тўлдириб юборган эдики, буни сўз билан ифодалаб бўлмасди. Меҳмонларни кузатиб бўлгач, ота фарзандини кўриш учун аёли ётган хонага кирди. Чакалоқнинг буғдойранг, юмaloқ ўзлари ўзига жуда ҳам ўхшаб кетарди. Унинг тиним билмай типирчилаши шўх ва ҳаракатчан йигит бўлиб ўсишидан далолат берарди.

Умарни тенгдошларидан аввалроқ мадрасага беришди. У бошқа дўстларидан ўз овози ва зеҳнининг ўткирлиги билан ажralиб турарди. Фарзандининг тиришқоқлиги отанинг қувончига қувонч қўшарди. Бироқ бу узоққа чўзилмади. Зурриёдининг камолини кўриш насиб этмади. Хасталикка чалиниб, тез орада вафот этди. Мана шундан сўнг оилани боқиши, рўзгорни тебратиш Умарнинг чекига тушди. Шароитнинг оғир бўлишига қарамай, у Майванд шаҳарчасидаги мадрасада олаётган ўқишини ташлаб қўймади. Мадрасини битириб, қишлоққа қайтиди. Ёшларга илм бериш билан машғул бўлди.

1979 йили Афғонистонга собиқ иттифоқнинг чекланган қўшинлари бостириб кирганида, мулла Умар ўз ишларини бир четта суриб қўйди. Қўлига курол олиб, мужоҳидлар сафига қўшилди. Ўн йил давом этган урушда мулла Умар тўрт маротаба яраланди. Ўнг кўзидан айрилди. Бошига оғир савдолар тушган бўлишига қарамай, мужоҳидлар сафини тарк этмади. Уруш уни чинакам қасоскорга айлантириди. Юрагидаги меҳр-муҳаббатни қаҳр-ғазабга алмаштириди.

Урушдан сўнг мулла Умар яна мадрасага қайтиди ва ёшларга таълим бера бошлади. Қўл остидагиларни қаттиқ интизомга риоя этишга мажбур қиласарди. Талабалар худди ҳарбий ўқув юртида таҳсил олаётгандек, мулла Умарнинг барча талабларига сўзсиз итоат этардилар.

Кунларнинг бирида у сабоқ берадиган Санѓзар қишлоғидаги мадрасага бир нечта ўспирин йигитлар югуриб келишди. Наша чекиб, кайф қилган мужоҳидлар ёш қизларни зўрлик йўли билан олиб кетишаётганлигини айтишди. Бундан қаттиқ ғазабланган мулла Умар ўз толибларини эргаштириб,

мужоҳидларга қарши чиқди, қизларни қутқариб қолди.

Кичкинагина бу воқеа мулла Умарнинг обрўсини ошириб юборди. У ҳалқ ҳалоскори сифатида шуҳрат қозонди. Қўл остида ўқиётган толиблар сони кескин даражада кўпайиб кетди. Мулла Умарнинг йигитлари нафақат ўз қишлоқларини, балки атрофетваракни ҳам мужоҳидлар хужумидан ҳимоя қиларди. Унинг олдига ёрдам сўраб келаётган одамларнинг сони кундан - кунга ортиб борарди.

Мана шу воқеалардан сўнг Мулла Умар толибонларнинг раҳнамоси сифатида нафақат Қандаҳорга, балки қўшни вилоятларга ҳам танилди. Мужоҳидларга қарши тишини қайраб, улардан ўч олиш истагида юрган Исломобод маҳсус хизмат маҳкамаси раҳбарларига мулла Умарнинг ганимларга қарши олиб бораётган кураши ёқиб қолди. Уларда толибонлар ёрдамида мужоҳидлардан ўч олиш фикри уйғонди. Маҳсус хизмат маҳкамаси ходимлари Умар билан алоқа ўрнатишиди. Икки ўртада шартнома тузилди. Мулла Умар мужоҳидларга қарши курашадиган, улар эса уни қурол-аслаҳа, озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаб турадиган бўлишди. Ҳақиқатан ҳам Исломобод маҳсус хизмат маҳкамаси икки мингдан зиёд толибонларни шакллантиришда унга ҳар томонлама ёрдам берди. Мулла Умар уларнинг бу ҳаракатлари Афғонистонни қайтадан истило этилиши ва Навоз Шариф хаёл қилган Ислом давлатлари федерациясини ташкил қилиш билан боғлиқ эканлигини яхши тушунарди. Аслида Мулла Умар Навоз Шарифнинг мақсадини қўллаб-қувватлади. Чунки, мамлакат тепасидан мужоҳидлар кетгач, режалаштирилган янги Афғонистонга ўзи раҳбар бўлиб қолишига ишонарди.

Ҳар томондан моддий рағбатлантириб турилган толибонлар дастлаб Спин Болдак чегара ҳудудини босиб олишди. Орадан кўп ўтмай, Қандаҳорни эгаллашди. Бир йил давомида толибонлар бутун мамлакатнинг ярмида ўз ҳукмронлигини ўтказа бошлишди. Жадал суръатларда олга интилиш бир қатор хорижий мамлакатларнинг маҳфий хизмат маҳкамаларини қизиқтириб қолди. Улар мулла Умарни қўллаб-қувватлаб, ёрдам кучларини ҳам юборишиди. Ташқи кучларнинг аралашуви Исломобод, Навоз Шарифнинг қитиғига тегса ҳам, уруш бир ёқли бўлгунча тишини-тишига қўйиб туришга мажбур этди.

Толибонларнинг мамлакат пойтахтига яқинлашиши Бурҳониддин Раббоний ҳукуматини ҳам ташвишга солиб қўйди. Ҳукумат қўшиналарининг мулла Умарга қарши уюштирган ҳужумлари ҳеч қандай ижобий самара бермай қўйганди. Раббоний аскарларини толибонларнинг кун сайин ортиб бориши, тўсиқларни янчидан ўтиши саросимага солиб қўйганди. Кўплаб хоинлар бир неча минглаб аскарларни толибонлар томонга олиб ўтди. Раббоний толибонлар устидан ғалаба қозонишнинг бирдан - бир йўли Гулбиддин Ҳикматёр билан музокаралар олиб бориш, деб билди. Икки томонлама шартнома имзолангандан сўнг Гулбиддин Ҳикматёрнинг қуролланган аскарлари Қобулга кириб келишди.

Пойтахтда вақтинчалик ўзларининг мустаҳкам қўрғонларини ўрнатишиди. Орадан йигирма кун ўтиб, яъни 25 сентябрда тиш-тирноқларигача қуролланган ва бир қатор хорижий мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланган мулла Умар аскарлари Қобулни бир ҳамла билан ишғол қилишди. Раббоний ҳам, Гулбиддин Ҳикматёр ҳам пойтахтни таш-

лаб чиқишига мажбур бўлишиди. Толибонлар ўзлари ҳукмронлик қилаётган жойларда янги тартибларни жорий этишиди. Собиқ давлат раҳбарларини, амалдорларни, унга қарши чиқишида гумон қилинган кимсаларни тутиб келишиди. Уларни инсон хаёлига келтиролмайдиган азоб ва қийноқлар билан жазолашди, бўйин эгмаган ҳамда толибонларни тан олишни истамаган кимсалар отиб ташланди, дорга осилди.

Нажибуллони қўлга олган толибонлар уни сўроқсавол қилиб ўтиришмади. Шаҳар ўртасидаги майдонга катта дор ясашди ва эр-хотинни бошқаларга ибрат бўлсин, деган мақсадда осиб қўйишиди. Мурдалар бир ҳафта мана шу дорда осиенлиқ турди. Уларнинг бўйнидаги арқонни узиб ташлашга ҳеч ким журъат этолмади. Бу билан толибонлар омма ўртасида қўрқув, ваҳима уйғотишни исташган ҳамда ўзларининг шафқатсиз эканликларини ошкор этишганди. Мулла Умар шаҳардаги тарихий обидаларга, кинотеатрларга, мактабларга ўт қўйдирди. Қобул олов ичиди қолди. Аёллар, қизларнинг кўчага чиқиши ман этилди, соқолига тиф теккизган эркаклар янги қонунга асосан дарра билан саваланди. Мулла Умар жуда кўп маротаба омма ўртасида толибонлар нотўғри йўлдан кетаётган мусулмонларга ва дахрийларга қарши кураш олиб боришини таъкидлади. Дарвоҷе, унинг томирида ўзларини эркесвар ва мағрур халқ, деб ҳисоблайдиган пуштунларнинг қони оқарди. Отаси ҳам мана шундоқ ғазабкор ва ўта кекчи инсон бўлганди.

Пуштунлар ўзларига моддий ёки маънавий зарар етказган одамни ҳеч қачон кечирмайдилар. Эртами-кечми, ҳар қандай йўл билан ундан ўч олмай қўймайдилар. Бу соҳада улар қонга қон, жонга жон

қабилида иш юритишиди. Бу одат не замонлардан бери қабилавий низолар, хун олиш, қуролли түқнашувлар манбай бўлиб келган. Мулла Умар отабоболаридан қолган ана шу удумни пойтахтда яна бир бор такрорлаганди. Унинг барча қонун ва талабларини қўллаб-қувватлаган уламолар Афғонистонни Ислом Амирилиги, мулла Умарни эса «Амир ул мўминун» деб атай бошладилар.

Пойтахт ҳамон олов ичра ёнарди. Толибонларнинг янги тартиблари минглаб тинч аҳолининг оху - зорига сабаб бўлганди. Ҳалқсевар ва тинчликпарвар кимсалар бундай аянчли аҳволга чидаб туролмадилар. Бурҳониддин Раббоний, Аҳмад Шоҳ Маъсуд, Абдурашид Дўстим ёниб кулга айланәётган пойтахтни толибонлар қўлидан тортиб олиш мақсадида 11 август куни Мозори Шарифда тўпланишиди. Уларнинг мақсади зудлик билан Қобул шаҳрини толибонлардан тозалаш режасини амалга ошириш ва давлатни бошқара оладиган сиёсий ташкилотни шакллантиришдан иборат эди. Шимолий гуруҳ раҳбари Аҳмад Шоҳ Маъсуд пойтахт учун қонли жангларнинг олдини олиш мақсадида Покистондан ташқарии, ҳар қандай ерда ва исталган вақтда толибонлар раҳбари билан музокаралар олиб бориш учун ҳозир эканлигини айтди. Бироқ аниқ бир тўхтамга келолмаган гуруҳ бошлиқлари пойтахт томон юриш бошлашга қарор қилдилар. Уч ҳафта Қобулнинг шимолида оғир жанглар олиб борилди. Маъсудга қарашли бўлган кучлар шаҳар атрофини кўлга олиб, пойтахтга яқинлашганларида имкониятни бой беришди. Улар кутимаганда ҳар томондан ёпирилиб келган толибонларнинг қақшатқич зарбаларига учрашди.

Тиш-тирногигача қуролланган толибонларнинг

бу ғалабаси уларнинг шуҳратини янада ошириб юборди. Мулла Умар билан алоқа ўрнатадиган мамлакатларнинг сони бир қадар кўпайди. Энди ёрдам кучлари тинимсиз етиб келарди. Ҳатто аллақачонлар бу ерга келиб ўрнашиб олган Усама бин Ладен ҳам мулла Умарни рағбатлантириб турди. Унинг ғалабаларидан илҳомланган ва руҳланган бин Ладен ўзининг қизларидан бирини мулла Умарга никоҳлаб берди. Бу эса уларни бир-бирига янада яқинлаштириб, қон-қариндошлиқ ришталари билан жипслаштириб boglab ташлади.

Халқнинг кўпчилик қисми Гулбиддинни ўзларининг халоскори сифатида қабул қилганди. Саркарда одамларни ўз ортидан эргаштириш қобилиятига эга эди. Аммо мағлубиятга учрашини сезган Гулбиддин Ҳикматёр ва унинг разведка ишлари бўйича маслаҳатчиси Башир ўзларининг ҳаётлари ҳақида қайфурниб қолишиди.

Мулла Умарнинг мамлакат тепасига келиши Одилов учун кутилмаган баҳт эди. Толибонларнинг ҳар бир ғалабаси унга катта тантана ҳисобланарди.

Юрагида Мулла Умарга ўзини яхши кўрсатиш истаги уйғонганди. У жануб сари юриш бошлаган толибонлар тез кунлар ичиди Мозори Шарифни эгаллашларига шубҳа қилмасди. Толибонлар шаҳар ва қишлоқларни ҳеч қандай қаршиликсиз қўлга киритиб, олга интилишарди

Ярим тунда автоматлардан отилган ўқ овозларини эшитиб, чўчиб уйғонганди Эргашнинг хаёлида толибонлар яқин келиб қолищдимикин, деган ўй яшин мисоли чақнаб ўтганди. Ёнида турган автоматини қўлга олиб, ташқарига чиқди. Ухлаб ётган жангарилар ҳам отишма овозидан уйғонишганди. Худди икки қарама-қарши куч бир-бири билан курашиб,

жон олиб, жон бераётгандек. Эргашнинг юрагини қувонч эгаллаганди. Уларни қандай тантана билан кутиб олсан экан, деб ўлади. Аммо орадан кўп ўтмай, отишма тўхтаб қолди. Борлик яна тунги сукунат қўйнига чўмди. Бу орада Саманганга яқин бўлган қишлоқ хонадонларидан бирида ўғил туғилганилиги муносабати билан кўкка ўқ узилганлигини билди ва бўшашган ҳолда хонасига кириб кетди.

## САМАНГАН

Йўлда Чўтирни тутиб олишди. Худди оёғи остидан чиққандек тўртга қуролли одам уни ўраб олди. Юзларига ниқоб тақишигани сабабли, уларнинг кимлигини билиш қийин эди. Чўтири йигитларнинг бошидаги салла ва устиларидаги кийимларидан «толибонлар бўлса керак», деб ўлади. Эргаш «толибонлар бизнинг яқин биродарларимиз», деб кўп гапирганини эслади. Колаверса, лагердаги жангаришларни озиқ-овқат билан айнан улар таъминлашдан хабардор эди.

- Кимсан? Қаёқقا кетяпсан?!

Нотаниш кимсалар бир-бирлари билан кўз уриштириб олишгач, Чўтирга шундай савол беришди. Унинг тили айланмади. Кўркувдан дағ-дағ титрарди. Ниқобли кимсалар иккинчи бор сўрашганда, жавоб беришга мажбурлигини ҳис этди.

- Эргашбойнинг йигитиман!

- Қайси Эргашбойнинг? - бегона одамлар ҳайрон бўлиб, яна саволга тутишди.

«Наҳотки, булар хўжайнин танишмаса ёки мени синашяптими», деган ўй Чўтирнинг хаёлидан ўтди. Қуролли кимсалар бир зум жим қолишли. Уларнинг сукутда туришини Чўтири ўзича таҳлил қилди

ва бошлигини толибонларга яқындан таништиrmок мақсадида қўшиб қўйди:

- Ўзбекистондан ўтган Эргашбойни-да!

Шундан кейин улар Чўтирга хавотирли нигоҳ ташлашди. Улар Эргаш тўғрисида эшишишганди. Ашаддий рақиблари бўлмиш мулла Умарнинг унга ҳамтовоқлигини билишарди. Ҳатто одамлари унинг аскарларига қўшилиб, жанг қилишаётганидан ҳам огоҳ эдилар.

- Қаёққа кетяпсан?

- Сизлар кимсизлар? - Чўтири уларнинг кимлиги-ни билишга қизиқди.

- Биз мулла Умарнинг йигитларимиз!

- Ўзимизники экансизлар-ку, нега шуни олдинроқ айтмадиларинг? - Чўтири ўзига келди.

- Биз сени танимасак, хавотирландик-да!

- Ҳа, эҳтиёт бўлган яхши, танимаган одамга ишониб бўлармиди?

- Лагердан қочдингми? - савол берган бояги новча йигит Чўтирининг мақсадини билишга қизиқди.

- Йўғ-е, нега қочар эканман, Эргашбойнинг содик йигитлариданман-ку!

- Унда ярим тунда қаёққа кетяпсан?

- Хўжайнин муҳим топшириқ бердилар, - деди овозини пасайтириб.

- Топшириқ, қанақа топшириқ? - қуролли йигитларнинг қизиқиши ортди.

- Бу сир, айтиш мумкин эмас!

- Аҳмоқ, ахир сен бизнинг одамимизсан-ку, мақсадимиз бир бўлгач, гап яшириб нима қиласан? Кўркмай айтавер. Кўлимиздан келса, ёрдам берамиз.

- Кўлларингдан-ку келмайди, аммо бир ишда

менга ёрдам беришларинг керак, - Чүтириң үзини дадил ҳис эта бошлади.

- Қандай ёрдам, айт, ҳозироқ бажарамиз!

- Гап ўртамиизда қолсин.

- Албатта!

- Мен Абдурашид Дўстумнинг олдига кетяпман.

Йўлни кўрсатиб қўйсаларинг.

- Дўстумнинг олдига? Нима, у билан сулҳ тузмоқ-чимисан? - ҳайрон бўлишди йигитлар.

- Пинҳона аскарларининг сафига кириб олмоқ-чиман!

- О, иштаҳанг карнай-ку, биродар. Биласанми, Эргашбойнинг одами эканлигингни билса, у сени нима қилади?

- Биламан, аммо сездирмайман. Гёёки Эргашбойдан жабр кўрган одамдай кўз ёш тўкаман, - болаларча фикрлаб деди Чўтири.

- Оғир ишни бўйнингга олибсан, йигит. Ҳай, бориб унинг йигитлари сафига қўшилиб ҳам олдинг дейлик, кейин нима қилмоқчисан?

Чўтири орқа-олдига қараб:

- Тинчитаман! - деди паст овозда.

- Тинчитаман? Қандай қилиб тинчитасан?

- Буниси сир!

- Майли, сенга ёрдам берамиз, яхши йигитта ўхшайсан, - деди ўрта бўйли йигит. - Биз сени Дўстумнинг аскарлари яшаётган қишлоққача кузатиб қўямиз.

- Раҳмат, биродарлар!

- Қани, кетдик!

Йигитлар Чўтирини ўртага олиб, йўлга тушишли. Улар довондан ошиб ўтишли. Кеча ойдин. Тоғ йўлларида юриш хатарли эди, шошилишмасди. Бироқ Чўтири қийналди, тошларга қоқилиб, йиқи-

либ тушарди. Тонготар пайтида манзилга етиб келишди. Пастда ёниб турган гулханлар кўринди.

- Етиб келдикми? - сўради Чўтири пастга қараб.

- Ҳа, етиб келдинг, биродар. Кўриб турганинг Дўстумнинг одамлари бўлади!

- Раҳмат сизларга, яхшиликларингни амиримизга айтаман!

Шу пайт олдинда турган йигит Чўтирининг қўлларини қайирди. У бақирди:

- Нима қиляпсизлар, қўйиб юборинглар!!

Йигитлар уни ерга ётқизишли, чўнтакларини тинтишиди. Ёнидан финларнинг кичкинагина тўппончаси ва шиша идишчада оқ кукун топишиди.

- Қўлимни бўшатинглар, бу ишларинг учун амиримиз сизларни жазолайди! - тинимсиз дод соларди Чўтири. - Қўйиб юборинглар деяпман, сизларга!

- Типирчилама, ҳозир Дўстумнинг олдига борсан! Сени шу ҳолда олиб борсак, ишонмайди. Қўлоғингни боғлаб, судраб борсак, ишонади, йигитларининг сафига қўшиб олади!

Бу иш Чўтирга маъқул келгандек бўлди, овозини ўчириди.

- Унда қўлимни секинроқ боғланглар, оғрияпти!

- Чида!

Йигитлар Чўтирининг қўлларини боғлаб, пастга ҳайдаб тушишиди. Аскарлар атрофини ўраб олишиди. Бу йигитлар Дўстумнинг разведкачилари эди. Улар душман жойлашган ҳудудларни аниқлаш мақсадида кузатувга чиқишиганди. Ўша куни генерал Шоҳ Маъсуд билан музокара олиб бориш мақсадида унинг олдига кетганди. Разведкачилар жосусни ёрдамчисининг ҳузурига олиб киришиди.

- Сардоримизни ўлдириш тўғрисида сенга ким топшириқ берди? - сўради Аҳмад Ризо.

Чўтир алданганини тушунди.

- Эргашбой, - деди асир гап яширишнинг фойда-си йўқлигини тушуниб. - У мени қийнади, азобла-ди!

- Бизда сотқинларни сўроқ қилишмайди, улар-нинг жазоси ўзи билан! - Аҳмад Ризо Чўтир билан музокара олиб боришни истамади.

- Нима, мени ўлдирмоқчимисиз?

- Бу бизнинг хоинларга берадиган ягона жазойи-миз!

Чўтир ўлимни кўз олдига келтирди. Ҳозир пешо-насидан отиб ташлашадигандек туюлди. Кўз ёш тўқди. Аҳмад Ризонинг оёғи остига йиқилди.

- Топшириқни бажармасанг ўлдирамиз, деб кўр-қитиши. Раҳм қилинг. Истасангиз аскарларингиз сафида сизларга хизмат қиласман!

Аҳмад Ризо бир сўзли одам эди. Оёғи остида юмалаб йиглаётган хоиннинг оҳу зорларига қулоқ солмади, қарорини ўзгартирмади. Ахир бунаقا со-тқин ва ёлланган қотилларнинг бу ерга биринчи келиши эмасди. Аскарларнинг генералга бўлган садоқати ва ҳушёрлиги сабабли, улар кўлга тушиб, ўз ниятларига етолмай, шарманда бўлиб, қатл эти-ларди. Чўтир рўпарасида турган одамнинг авзойини кўриб, қалбida раҳм-шафқат ҳиссини уйғотолмас-лигини тушунди. Йигитлар унинг қўлтиғидан олиб, ташқарига судрашли. Шунда у ўзининг сўнгти имкониятини ишга солиш фурсати келганлигини тушунди:

- Мени қўйиб юборинг, ахир ҳамма гапни рўйи-рост айтдим-ку. Сўзларимга шубҳа қилаётган бўлсангиз, ўзимни оқладиган далилим бор! - деди боягидан баландроқ бақириб.

- Яна қандай далилинг бор? - Аҳмад Ризо қизи-

қиб, унга боқди.

Чүтири ҳар ишга тайёр эди. Даилиини күрсатса, омон қоладигандек эди.

- Кўлимни қўйиб юборинглар! - деди соқчиларга.

Аҳмад Ризонинг ишораси билан бандининг қулларини бўшатиши. Чўтири шимиини ечди. Аҳмад Ризо унинг олати ўрнида қорайиб турган чандиқни кўрди. Юрагида уни қийнашган, деган ишонч уйғонди.

- Мен аввалига Эргашбойнинг шартига кўнмадим. Абдурашид Дўстум ўзимизнинг одам, унга ёмонлик қилмайлик, иложи бўлса ёрдам берайлик, дедим. Улар гапимга қулоқ солишмади. «Сен ҳали Дўстумга ёрдам бермоқчимисан, унинг аскарларига қўшилиб, бизга қарши жанг қилмоқчимисан», деб дўппослашди. Мен сўзимдан қайтмадим. Охири олатимни кесиб ташлашди. Яна рози бўлмасанг, тириклай кўмиб юборамиз, деб қўрқитиши. Кўзимга жоним кўриниб, таклифларига рози бўлдим.

Аҳмад Ризо дилдираб турган бу одамни ўлдириш ҳайф эканлигини тушунди. Кўрқоқ ва юраксиз одамларни отган билан наф топармиди? У йигитларига юзланди.

- Буни қандай жазолашганини кўрдиларингми?  
Йигитлар кулишди.

- Сен ўз бошлиғингга бориб, Абдурашид Дўстумнинг одамлари ҳийламизни сезиб қолиши, деб айтгин. Бундан кейин хузуримизга олати кесилмаган йигитларини жўнатсан. Биз уларни қандай кутиб олишни яхши биламиз! - деди кўнгли бироз юмшаган Аҳмад Ризо.

Чўтири унинг бу сўзидан жони омон қолишини ва лагерга қайтариб юборишларини тушунди. Юрагида умид уйғонди.

- Биз сени жазосиз Эргашбойнинг хузурига қай-

таролмаймиз, акс ҳолда бошлиғинг олдимизга келганингга ишонмайди! - деди бошлиқ ёрдамчиси..

Чүтири индамади.

Аскарлар жосуснинг икки қулогини кесиб, йўлни кўрсатиб, ҳайдаб юборишиди. Чүтири ерга юз тубан чўзилиб, ўкириб-ўкириб йиғлади. Эргашга қўшилганига минг бор лаънатлар ўқиди. Тонг гира-ширасида ўрнидан туриб, оёқларини зўрга судраб, лагерга жўнади.

- Уни қўйиб юборганимиз чакки бўлди, - дейишди йигитлар Аҳмад Ризога.

- Аксинча, биз тўғри иш қилдик. Эргаш бизнинг қўлимизга тушганини, сири фош бўлганини тушунади ва Чўтири жазолайди.

## ПОКИСТОН

Париж-Тошкент-Бангкок йўналиши бўйича парвоз қилаётган «Боинг-776» самолёти Карабида тўхтаб, сўнг яна кўкка кутарилди. Бу ерда саноқли йўловчилар тушди. Учта аёл бошқалардан ажраб турарди. Улар Тошкентдан чиқишиганди. Барно ўзининг янги дугоналари билан самолётда танишиди. Уччаласи ҳам бир ўриндиққа ўтиришганди. Уларни кузатиб келаётган икки нотаниш кимса аэробекат ичига кирмади. Эшик олдида ўзига таниш одам билан кўз уришириб, ташқарига чиқиб кетди. Аёллар ичкирида бўш ўриндиқларга ўтиришди. Уларни кутиб оладиган одам олдиларига келиши тушунтирилганди. Ташқарига шом қоронгулиги чўкарди. Аёлларнинг хавотирили кўзлари атроф-теваракка жовдираб боқар, келиши кутилаётган одамни излашарди. Ниҳоят, уларнинг қошида ҳижобга ўралган аёл пайдо бўлди.

- Сизлар Тошкентданми? - сўрали у.
- Шундай, - жавоб қилишди учалалари бараварига.
- Ортимдан юринглар!

Ташқарига чиқиб, машинага ўтиришди. Кўчалар қоронғу эди. Машина шаҳар томон кетди. Бир соат йўл босиб, кўримсиз бино олдида тўхтади. Ҳижобли аёл меҳмонларни ичкарига бошлади. Уй тор эди, ёқимсиз ҳид анқирди.

- Бугундан бошлаб, шу ерда яшайсизлар! - деди у меҳмонларга.
- Озиқ-овқатни ўзим келтириб бераман! Менга паспортларингни беринглар, қайтишларингга чипта олиб қўяман!

Уч аёл шоша-пиша ёнларидан ҳужжатларини олиб, аёлнинг қўлига тутқазиши.

- Мен эртага келаман!
- Аёл паспортларни сумкасига жойлаб, хонадан чиқиб кетди. Меҳмонларнинг юрагига ғулғула тушди.

- Қаерга келиб қолдик, нега бизни ёлғиз ташлаб кетди? - деди улардан бири.

- Назаримда, бизни тижорат ишига жўнатишмаган кўринади, - деди Барно юраги титраб.

- Ёмон ниятда олиб келишганда, бизга бошпана беришармиди? - деди иккинчи аёл. Унинг исми Кифоят эди.

- Кўнглим сезиб турибди, бизни бошқа мақсадда жўнатишган!

- Балки қайтиб кетармиз? - маслаҳат солди Барно.

- Қаёқقا? Паспортилизни олиб қўйди-ку, анови жодугар! Чиптамиз ҳам йўқ!

- Сабр қиласайлик, эртага олдимизга келади. Ёқмаса кетамиз! - бу ўзини Сарвиноз деб таништирган аёлнинг сўзи эди.

- Юртимни соғиниб кетяпман, ҳозироқ уйимга жүнагим келяпти. Қайдан ҳам келдим, - пушаймон бўлди Барно.

- Хавотирланманг, опоси, ҳаммаси яхши бўлади. Бизни жўнатган акаларимиз катта-катта пулларни ваъда қилишган. Нари борса, бир ой турамиз. Ўзимизга қолса, бир чамадон пул билан ҳам бу юртга келолмасдик! - деди Кифоят.

Шериклари индашмади.

Эрталаб бегона аёл келди. Юзи эркак кишиникига ўхшарди. Овози йўғон эди. У ўзини меҳмонларга Гули, деб таништириди.

- Мен бир ой давомида сизлар билан бирга бўламан, - деди Гули меҳмонларга. - Суҳбатлашамиз, маслаҳатлашамиз, дардлашамиз!

- Бир ой? - ҳайрон бўлди Барно. - Бир ойгача бу ерда нима қиласиз?

- Нима қилишни бугундан ўргатаман! - деди Гули қошларини чимириб.

- Кўчага чиқмаймизми?

- Мусулмон аёлнинг кўчага чиқиши ношаръийдир. Бу ернинг аёллари кўчага чиқмайди! Юзларини номаҳрам эркакларга кўрсатишмайди.

Шундан сўнг Гули қизларнинг ҳаётлари, яшашлари тўғрисида сўраб-суриншириди. Эртаси куни қишлоқлари, учинчи куни эса таниш-билишлари, яқинлари тўғрисида сўради. Кейин эса уларга мусулмон аёлларнинг бурчи, ҳақ-хукуки тўғрисида ваъз ўқиди.

- Дунёни динсизлар, меҳр-оқибатсиз, қаҳри қаттиқ инсонлар босиб кетяпти! Бу хатарнинг олдини олиш сиздек муслима аёлларнинг бурчидир. Эркакларимизни, бузук ва бетавфиқ аёлларни йўлдан қайтариш учун сизлар фидоийлик кўрсатишларинг,

лозим бўлса ўз жонларингни шу йўлда қурбон қилишларинг зарур. Бу ишда Тангри таоло сизларни қўллаб-қувватлагувчидир. Кимки шарм-ҳаё кўтарилаётган замонда бир динсизни йўлга солса, уни куфр йўлдан қайтарса, мақсади йўлида жонини фидо қилса, билингларки, беҳисоб ҳамду саноларга сазовор бўлади. Шу пайтгача қилган гуноҳлари тўкилади. Ўзи ва яқинлари учун жаннат эшиклари ни очади! Қиёмат кунига қадар роҳат-фароғатда яшамоғингиз, жаннатнинг энг гўзал гўшаларидан жой олмоғингиз учун сизларга фурсат келди. Зероки, сизлар жиҳод йўлида шаҳид кетсангиз, Тангрининг рағбатига мушарраф бўласизлар! Шу кунга қадар шармсиз, беҳаё ишлар билан шуғуллангансиз, шайтон сизларни йўлдан оздирган ва сочингизнинг толасигача гуноҳлар балчиғига ботгансиз. Кимки жиҳод йўлидан бўйин товласа, қилган гуноҳларини қиёматгача юволмайди. Мен кўзларингиздан сезиб турибман, сизлар шу кунга фаҳш ишлар билан шуғуллангансизлар! Ҳозир шу гуноҳлардан соқит бўлишни ўйлаяпсизлар. Буни ўйлашнинг ўзи қалбингизда имоннинг тирилишидан далолат берали. Эс-хушиңгизни йифинг! Дўзахни, жисми жонингиз оташда ёнишини, минг азобларда қийналишингизни кўз олдингизга келтиринг! Сезяпман, ўпкангиз тўлиб кетяпти. Билиб-билмай қилган гуноҳларингизнинг юки елкангиздан босиб турибди. Юрагингизни мижиғляяпти, азобляяпти. Йиғлагингиз келди, йиғланг, юрагингизни бўшатинг!

Гулининг сўzlари аёлларнинг кўз олдига дўзах азоб-уқубатларини келтирди. Юракларини кўзга кўринмас одамнинг қўли мижиғларди, азобларди. Гулининг сўзидан сўнг уч аёл ўкириб-ўкириб йиф-

лашди. Йиғлаган сайин ичларига нур киргандай күнгиллари ёришарди. Ўзларини қүш мисоли енгиз ҳис этишарди. Гули яна уларни юпатди. Бир меъёрда сўзида давом этди.

- Гуноҳларингизни ювишга, ўзингиз учун жаннат эшигини очишга сизда имконият бор. Бунинг учун жиҳод йўлини ихтиёр этинг. Ҳидоятга мушарраф бўлинг! Сизлар жиҳодга бел боғлашга аҳд қилиб, қасам ичган кунингизданоқ фаришталар омин дейди. Осмону фалакдан устингизга ҳамду сано нурлари ёғилади. Сизлар қўрқувни, ваҳимани ўйламанг! Улар сизга яқинлашмайди. Одамларга, болаларга меҳр қўйманг, билингки, улар йўлдан озган, адашган, шайтон гапига кириб кетган бандалардир. Покланган қалбингиздан иблисга жой берманг. У оздиргувчи, йўлдан ургувчи! Ичингизга кириб, аҳдингиздан қайтармоқчи бўлади. Душманларингизга раҳм-шафқат ва ачиниш ҳиссини уйғотади. «Бу ишинг гуноҳ», деб сизни қўрқитади. Кўз олдингизга азобларни, қийноқларни келтириб қўяди. Уни ҳайданг, покланган қалбингиздан жой берманг! Сиз фақат жиҳодни ва қиёмат кунига қадар роҳат-фароғатда яшашингиз мумкин бўлган жаннат шоҳсупасини ўйланг!

- Биз ўша жаннат висолига етишмоғимиз учун қандай ишларни бажармоғимиз керак? - сўради аёлнинг сўzlари таъсирига берилиб ўтирган Кифоятят.

- Жиҳод камарини белга боғлайсизлар! Бизнинг ашаддий душманларимиз, ғанимларимиз тўпланган жойларда уни ишга соласизлар!

- Биз ҳам ўлиб кетамизми? - юрагини ваҳима босган Сарвиноз чўчиб тушди.

- Буни ўлим деб билманг! - тушунтирали Гули. -

Бу ҳаммага ҳам насиб қиласвермайдиган бахт! Кечириб бўлмайдиган гуноҳларингизни ювиш учун берилган имконият. Жаннатнинг эшиклариға йўл очувчи бахт калити! Бир лаҳзалик азобдан сўнг руҳингиз жаннатнинг сўлим гўшаларига кириб боради! Қиёмат-қойимгача малаклар, ҳуру филмонлар хизматингизда бўлади!

- Муқаддас китобларда ўз жонига қасд қилган одамга жаноза ўқилмайди, деб айтилган, - яна савол ташланди Кифоят.

- Сиз жонингизга қасд қилмаяпсиз! - бироз аччиқланган Гули Кифоятга хўмрайиб қараб қўйди.

- Фанимларингиздан, динсизлардан қасос олиш мақсадида ширин жонингизни муқаддас динимиз йўлида, жиҳод йўлида беряпсиз!

- Жиҳод - бу ўлимми?! - сўради Барно.

- Жиҳод бу боқий дунёга элтувчи ёруф йўлдир. Бир дақиқалик азобни, жисмим йўқ бўлиб кетади, деган ваҳимани хаёлингиздан кувинг! Бундай ўйни миянгизга шайтон жойлаб қўйган! Кўз олдингизга чин дунё, жаннат боғларини, атрофингизда хизмат қиласидиган чўриларни, малакларни, роҳату фарогатни келтиринг! Ҳаммаси кўз очиб-юмгунча содир бўлади.

Бу аёл бир ой давомида, деярли ҳар куни шу сўзларни такрорлаб, ўз тоғасини уч аёлнинг миясига қўрғошиндек куйиб қўйди. Улар ҳар қадамда кўнгилларига ёпирилиб келаётган фикрларга қарши «Жиҳод - бу жаннатга элтувчи йўлдир», деган сўзни тилларидан қўймасдилар. Охир-оқибат юракларини ваҳима ва қўрқув тарқ этди. Ҳеч нарсадан қўрқмайдиган ҳамда чўчимайдиган бўлишди. Одамларга нисбатан заррача меҳр уйғонса, бу шайтоннинг иши, деб билишди. Ҳар бир одам, ҳатто гўдаклар ҳам уларнинг кўзига динсиз, имонсиз

бўлиб кўринарди. Агар Гули ҳозир «Белларингга жиҳод камарини боғлаб, ўзларингни одамлар орасига уриб, портлатиб юборинглар», деса асло иккиланиб ўтирумайдиган ҳолга келишганди. Гулида уларга нисбатан ишонч ҳосил бўлгач, аёлларга юртларига қайтишларига ижозат берди.

### САМАНГАН

Чўтири хавф-хатарни ва ўлимни ортда қолдириб, юраги фам-ғуссаларга тўлиб, лагерга қайтди. Эргаш унинг турқи-таравотини кўриб, нақ бўлмаса, хушидан кетаёзди. Чўтирининг кулоқсиз юзига кўзи тушганида, юрагида тиф санчилгандай оғриқ турди.

- Нима гап? Кулоқларингни ким кесди? - Тўдабоши қалтириарди.

- Мен алдандим! - Чўтири юзини чанглаб йиглаб юборди.

- Нега алдандинг? - Эргашнинг юрагини ваҳима босди.

Чўтири гапиролмади. Ўзини тўхтатолмай, йиглаб юборди. Тўдабоши унинг қўлга тушганини, сир фош бўлганини тушунди.

- Мени алдашди, амирим! - бояги сўзни такрорлади Чўтири. - Тўрт йигит ўзларини Дўстумнинг душманларимиз, деб таништиришди. Мен аҳмоқ уларнинг гапига ишониб, оғзимдан гуллаб қўйибман. Улар оёқ-қўлларимни боғлаб, Дўстумнинг хузурига олиб боришли.

- Уни кўрдингми? - Эргаш оёғи куйган товуқдек типиричилади.

- Йўқ...

- Унда сени кимнинг олдига олиб боришли, қанжиқ?!

## «АФОН ШАМОЛИ» 4

- Ёрдамчисининг қўлига топширишди. Қулоқларимни кесиб, қайтариб юборишли.

- Демак, бизни фош қилибсан-да, итвачча! - Эргаш Чўтирнинг юзига тупурди. - Дўстум энди бизни бу ердан ҳайдайди. Бир кечадаёқ лагернинг кулини кўкка совуради!

- Амирим, - деди Чўтир лаблари титраб. - Сизнинг одамингиз эканлигимни айтмадим.

- Унда ўзингни кимман, деб таништирдинг, қон кусгур?! - баттар ўшқирди Эргаш. - Улар қулогингни бекорга кесиб, жўнатишмаган. Бошлигиннга сабоқ бўлсин, сенларнинг кимлигингни биламиз, деган мақсадда шундай қилишган! Оддимга тирик қайтгандан кўра, ўлигинг келганда бу қадар эзилмасдим, ҳаромдан бўлган! Сен муқаддас қасамимизни буздинг, сиримизни фанимларга сотдинг! Жазойинг ўлим!

Чўтир тиз чўкиб, ўкириб йиглаб юборди.

- Амирим, бир қошиқ қонимдан кечинг! Қасам ичиб айтаман, ўзимни оқлайман, ўша душманингизни барибири ўлдираман, қонини ичаман!

Эргаш елкаси оша юзларини чанглаб йиғлаётган Чўтирга нафратли нигоҳ ташлади. Унга тикилиб турар экан, хаёлидан ҳар турли ўйлар ўтди. Бир пайтлари тўда учун катта ишлар қилганлигини эслади. Уни деб эркаклигидан жудо қилишди, қулогини кесишиди, энди унинг учун яшашнинг маъноси қолдими? Булар унга бериладиган ўлим жазосидан камми? Тирик бўлиб тириклар қаторида эмас, ўлик бўлиб ўликлар сафида эмас. Яшашдан муроди борми? Юраги эзилиб, қийналиб, хорзорликда ўлиб кетади ёки бошини дорга илади. Энди кимга ҳам керак? Ўрнида бошқа эркак бўлганда ҳозиргача ўзини отган бўларди. Эргаш оёғи

остида тиз чўкиб, уввос солиб йиглаётган Чўтирга боқиб хаёлидан шуларни ўтказди. Уни ўлдириб, қонини тўккани билан бирор фойдага эришолмаслигини англади.

- Кўзимга кўринма, ҳароми! - жеркиб, этиги билан тепиб юборди тўдабоши.

Юмалаб тушган Чўтири ўрнидан турди. Қон қочган юзига қизиллик югурди.

- Қуллуқ, амирим... - У шундай деб орқаси билан юриб, чодирдан чиқиб кетди. Эргашдан узоқлашган сайин юрагидаги ўлим ваҳимасини унута бошлади.

\*\*\*

Бу пайтда Мирюнус ортидан шерикларини эргаштириб, Сора қулаган жар томон шошганча кетиб борарди. Нима қилиб бўлса-да, жасадни топиб, қизнинг ўлим сабабини ўрганишга ошиқарди. «Ишқилиб бўрилар ғажиб кетмаган бўлсин-да», деган сўзни гоҳ дилида, гоҳ тилида такрорларди. Ишни қанчалик тез ва соз уддаласа, Эргашнинг марҳаматига мұяссар бўлиб, ишончига кириб, каттароқ лавозимни эталлашига ишонарди. Қўлларини орқасига қайириб, ёғочга танғиб bogлаб ташланган Воҳиднинг тақдирини ҳал қилиш ўзининг чекига тушганидан баҳтиёр эди. Шу мақсадда тинимсиз йўл босарди. Ортидаги шериклари унинг изидан қолмаслик мақсадида итдай ҳаллослаб боришарди. Сўқмоқ йўлда юриш оғир ва азобли бўлиб қолмай, балки хатарли ҳам эди. Тепадаги кумуш қорлар эриб, сув бўлиб оқарди. Қор кўчкилари ўзи билан катта-кичик тошларни олиб тушган ва йўлни тўсиб кўйганди. Изқуварлар гоҳ оёқлари тойиб, гоҳида

сирпаниб ииқилиб тушишарди. Баданлари тошларга тегиб, оғриққа чидамай, инграб юборишарди. Бошқа пайт бўлганида ерга узала тушиб, лат еган жойларини чангаллаб,вой-войлаб ётиб олишарди. Ҳозир бунинг мавриди эмасди. Ахир лагерда уларнинг йўлига кўз тикиб, тўдабоши кутмоқда. У берадиган мукофот кутмоқда.

Ниҳоят, айтилган жойга ётиб келишди. Арча атрофини айланиб, ҳар бир тошнинг орасини синчилаб, кўздан кечиришди. Бу ердан одам иси келарди. Мирюнус оч қолган қашқирдек атроф-теваракка боқди. Биронта далилий ашё топиш илинжида тошлар орасини титди. Воҳиднинг изларини излади. Нигоҳи арча ёнидаги ялпоқ тош орасида қолиб кетган бир парча латтага тушди. Шошиб, уни қулига олди. Латтада қон доғлари қотиб қолганди. Мирюнус бу латта кимга тегишли эканини билди ва мийигида кулиб қўйди. Шериклари атрофдан қизнинг жасадини излашарди. Мирюнус топилмани шишадек авайлаб, қўйнига солди.

Изкуварлар атроф-теваракни қанчалик синчилаб кўздан кечиришмасин, жасадни топиша олишмади. Улар сўқмоқдан четга чиқиши, қирғоққа келиб, бўйинларини чўзиб, пастилкка қарашди. Ёмғир-у қор сувлари ювиб, ойнадек силлиқлаб ташланган тошли қоя тубидаги чуқур одамнинг кўзи тинадиган даражада чуқур эли. Остида шарқираб сутдек оппоқ сув кўпириб оқарди. Мирюнус сувга тикилиб турдида: «жасад шу ердан тушган бўлса, сув ўша заҳотиёқ оқизиб кетган», деб ўйлади. У шериклари билан кенгашиб, «Хўжайнга Соранинг ўлигини йиртқич ҳайвонлар еб кетган деймиз. Муҳими қўлимизда Воҳиднинг қотиллигини фош

қиласынан далил бор», деб ортга қайтишга қарор қилди. Ҳаммалари тепага күтарилиши. Үн қадам юришганида, жангарилардан бириңинг күзи сершох арчаниң тошларни ёриб чиқсан илдизига илиниб қолган ҳаворант матога тушиб қолди

- Бу ёққа келинглар! - овозининг борича үзидан бир неча үн қадам олислаб кетган шерикларини чақырди у. - Қиз бу ерда!

Мирюнус ва шериклари чопқиллаб келиши. Ҳаммалари томирда осилиб турған қызга қараши.

- Қани пастга туш! - буюрди Мирюнус боя қичқирған жангарига. Унинг белигі арқон боғлаб, пастга тушириши. Сора белидан илиниб қолғанди.

- Ылукми, тирикми?

Жангари унинг күксига кафтини босди. Юраги билинар-билинмас тепаётганини сезди.

- Тирик экан! - қичқирди у шерикларига қараб.

- Секин күтариб, бизга узат.

- Битталаринг түшинглар, үзим қийналаман!

Яна бир жангари белигі арқон боғлаб, пастга тушди. Икки кишилашиб, қызни тепага узатиши. Тошлар устига ётқизиши. Унинг рангыда қон қолмаганди, оқарыб кетганди.

- Шохлардан замбил ясанглар! - буюрди Мирюнус ёрдамчиларига.

Улар шох ва хода кесиш мақсадида тепаликлардағи яkkам-дуқкам арчалар томон кетиши. Сораниңг тепасида Мирюнус ёлғиз қолди. У қызның юзига тикилиб турди. Сора жуда гүзәл эди. Худди ухлаётгап фариштага ўхшарди. «Воҳид бекорга сенинг номусингга тегмаган», деган ўй күнглидан кечди. Тириклигини билиш мақсадида күйлаги йиртилиб, очилиб қолған оппоқ күкрагига қулогини босди.

Юзи баданига текканида эти жимирлаб кетди. Қизнинг танаси аста-секин исиб борарди. Юрагининг уриши тезлашарди. Мирюнус соқол босган юзини оппоқ сийнага ишқади, ўпди, роҳатланди. Кўзларини юмиб, «оҳ», деб энтикли. Эҳтиросга берилди. Ташна одамдек лаблари қизнинг сийнасидан бўйни остига, ундан яноқларига югурди. Қанча вақт шу иш билан машғул бўлди, қанча фурсат бўса олди, қанчалар энтикиб, оҳлар урди - буни билмайди. Бошини кўтарганида кўзи беихтиёр тепасида турган Нозимга тушди. Ўқ еган одамдай қотиб қолди...

- Нимани кўрдинг? - ранги бўзариб кетган Мирюнуснинг овозида фазаб, қаҳр, айни пайтда илтижо яширинлигини Нозим сезди. Мақсадини тушунди.

- Ҳеч нарса кўрмадим, хўжайин, - дея қўрқа-писа жавоб қайтарди.

Мирюнус чўнтагини кавлади. Зиндонга тушганида хонимнинг бармоғидан ечиб олган узукнинг бир донасини Нозимга узатди.

- Бирорга кўрсатма!

Нозим аввалига узукка чўчинқираб, тикилиб турди. Кейин ниманидир эслади чоғи, шошиб уни қўлига олди. Юраги патиллади. «Бир миллион сўмлик». Бу сўзни овоз чиқариб айтганини ўзи пайқамади.

- Менам бир ўпай, хўжайин! - деди кўзлари билан ерда чўзилиб ётган Сорага ишора қилиб.

Мирюнус йигитнинг тилига тузоқ қўйиш мақсадида:

- Фақат тишлама! - деди ўрнидан туриб. Ҳаёли узукда эди, уни қайтариб олишни ўйлади. Икки қадам нарида тубсиз жар турарди. Шайтон юрагига кирди. Орқасига қайрилди.

- Бери кел! - амр қилди Мирюнус.

Нозим лабини ялаб, ўрнидан туриб, қиздан кўзи-ни ололмай, бошлиқнинг олдига борди. Мирюнус йигитнинг елкасига қўл ташлали, қўли титраётгани-ни йигит сезмади.

- Иккимиз ҳам бирдай гуноҳкормиз, - деди Мирюнус Нозимни жар ёқасига бошлаб келар экан. - Хўжайин билса, қозиқقا ўтқазади...

- Биламан, ака, ишонинг, оғзим маҳкам!

Мирюнус тубсиз жарга кўз ташлади. «Қайси томондан сурсам, ўзим омон қоламан», деб ўйлади ва йигитнинг чап ёнига ўтишга қарор қилди. Шундай қилганида ўз хавфсизлигини таъминлаган, Нозимнинг қулаши жуда ўнгай бўларди. Бироқ яна икки қадам юришса бас, ҳаммаси хамирдан қил сугургандай осон кўчади. Ўша қисқа масофани жуда эҳтиёткорлик ва ҳушёрлик билан Нозимга сездирмасдан силжиди. Энди елкасидан қўлини олиб, салгина туртиб юборса, рақиби мувозанатини ўнглашга ултурмай, пастта шўнғиб кетади. Бунинг учун қўлини йигитнинг елкасидан тортиб олиш ва шубҳаланмаслиги учун биргина сўзни айтиши лозим.

- Ишонаман, лекин...

- Замбил тайёр! - орқа томондан келган овоз Мирюнуснинг нафақат сўзини, балки амалга ошироқчи бўлган ишини ҳам белига тепди. Қаршисида пайдо бўлган шеригига еб кўйгудек, ўқрайиб боқди.

- Сорани солинглар! - деди зарда билан.

Жангарилар ҳушсиз ётган қизни замбилга солиб, лагерга қайтишиди. Мирюнус ҳам шод эди, ҳам хавотирдан юраги беҳаловат эди. Нозим Сорани ўпганлигини тўдабошига айтмаслигига ишонди. Чунки бир миллионлик узук унинг қўлида эди. Хурсандчилиги шунда эди-ки, Воҳиднинг айбини фош қиласиган латтани эмас, ўлди, деб жарга

улоқтириб ташлаган қизни тирик топди. Хўжайининг қанчалар қувонишини кўз олдига келтирди. У лагерга келганидан бери Эргашнинг кўнглини олишга, ўзини яхши кўрсатишга, ишончини қозонишга қанчалар уринмади. Не-не жангариларнинг сирсиноатидан воқиф қилмади. Ёмон кўрган одамларни пичоқнинг домига рўпара қилди. Тўдабошининг оғзидан гап чиқмасдан, нима дейишини биларди ва ҳамиша унинг қошида қўлларини кўксига босиб, буйругини бажаришга ҳозир туради. Ёшига ярашмаган бачканга қилиқлари билан ташқаридан боққан одамнинг гашини келтиради. У фақат ўзининг мўлтонилиги билан кун кўрарди. Амал ва мансабдан айрилиб қолмаслик мақсадида ҳар қандай қабиҳ ишларни бажаришга шай туради. Мана шу ҳаракатлари билан Эргашнинг назарига тушди, шу садоқати билан ўнбоши бўлди. Эргашга ҳам шундай тилёгламачи, ўзгаларнинг сиридан огоҳ қилиб турадиган чақимчилар ҳаводек зарур эди-да. Уларни «садоқатли одамим», деб биларди.

Соралинг тирик топилиши Мирюнус учун омал эди. Бу янгиликдан бошлиқни хабардор қилиш мақсадида шерикларини йўлда қолдириб, оёғини кўлига олиб, лагерга чопди. Етиб келганида Сорани кўтариб келаётган шериклари йўлнинг ярмини ҳам босиб ўтишмаганди. Лагерда ўзини нималар кутаётганини, бошига қандай савдолар тушишини ҳали билмасди.

### МОСКВА

«Гўштингни тимсоҳларингга едирмасам, эркак эмасман», деб қасам ичган Фофур ўрмонда беркиниб юришга мажбур эди. Вадим Вольфовичнинг югурдаклари уни шаҳарнинг ҳамма томонида изла-

шаётганини биларди. Ниҳоят, ичған қасамини ижро этиш мақсадида ўрмондан чиқди. Ярим тунда меҳмонхонага кириб келди. Абдусамат уни кўриб, ҳайрон қолди. Қаерда юрганини сўраб суриштиromoқчи эди, ваъдаси ёдига тушиб, тилини тишлади. Фофур ўрмонда бўлган ишлар ҳақида унга оғиз очмади. Ваннага кириб чўмилди, соқолини олди. Бинойидек қиёфада чиқди. Лекин ётмади. Тонг ёришиб қолганди. Ойна олдига ўтириб, соchlарига, юз-кўзларига ишлов берди, қиёфасини ўзгартириди.

- Бошқа меҳмонхонага кўчамиз, - деди Абдусаматга. - Буюмларни йигиштир!

- Шу ер яхши эди-ку, хўжайин!  
- Бир жойда узоқ туриб бўлмайди! Анови ўриснинг лайчалари изимизга тушган.

- Бошқа шаҳарга кета қолайлик!

- Ундан ўч олмагунча, ҳеч қаёққа силжимайман!

Абдусамат ноилож буюмларни юқ халтага жойлади. Улар меҳмонхонани тарқ этишди. Шаҳарнинг четидан ижарага жой олишди. Вадим Вольфовичнинг қароргоҳи бу ердан олис эмасди. Фофур куни билан қасос олиш йўлларини ишлаб чиқди. Тайёр гарликни кўриб, ярим тунда Абдусаматни эргаштириб, мафия отасининг уйига жўнади. Барча хоналар унга беш бармоғидек аён эди. Соқчилар ухлашмаганди. Эшик ёнида иккита қоровул қарта ўйнаб ўтиради. Атроф темир панжара билан ўралган. Вольфович дам оладиган хонанинг чироги ўчганди. Панжарадан ошиб ўтиш хатарли эди. Сигнализация ўрнатилганини биларди. Фофур соқчиларнинг ухлашини кутди. Ярим соат ўтиб, улар пинакка кетишди. Дарвоза эшиги қулфланганди. Фофур чўнтағидан сим олиб, қулфга солди. Уни очиш сирини яхши биларди. Ичкарига кирди. Абдусамат ортидан

## «АФОН ШАМОЛИ» 4

юрди. Фофур дастрўмалга ҳашдан кетказадиган дори сепди-да, соқчилардан бирининг оғиз-бурнига босди. Соқчи бир-икки типирчилаб, тинчиди. Шериги уйғонди. Фофур унинг кўкрагига тепди. Кучли зарбадан стол остига кириб кетди. Абдусамат унинг устига ўзини ташлади. Фофур чўнтағидан дори сўрдирилган иккита шприц олди.

- Буларнинг қўл-оёғини боғла! Ярим соатда қайтиб чиқаман!

Фофур ичкарига кириб кетди. Эшик ёнида баҳайбат ит ётарди. У бегона одамнинг исини олди. Ҳуришга улгурмади. Ўрнидан тураётганида Фофур отган ханжар сопигача унинг пешонасига санчилди. У гингшиб-гингшиб йиқилди. Фофур ханжарни суғуриб олди-да, тепага кўтарилди. Эшик ичкаридан беркитилганди. Қулфга сим солди.

Вадим Вольфович ўйнаши билан тўшакда ухлаб ётарди. Фофур уни туртиб уйғотди, Мафия отасининг уйқусираган кўзлари тепасида кекирдагига ханжар тираб турган қасоскорга тушди. Ҳушидан оғиб қолаёзди.

- Нега келдинг?!
- Ичган қасамимни ижро этиш учун!
- Нима керак бўлса сўра?
- Сўрайдиганим кўкрагинг остидаги хиёнаткор юрагинг!
- Юрагимнинг баҳосини сўра?
- Сендан ҳам пул чиқаркан-да! - истеҳзоли жилмайди Фофур.
- Бир миллион доллар етадими?
- Жонинг чумолиникидан ҳам арzon экан!
- Сенга жон керакми ёки пул?
- Ҳар иккиси ҳам керак!
- Ўлдирганинг билан ҳеч нарсага эришолмайсан!

Яхшиسى пулни ол-да, бу ердан қорангни ўчир!

- Эргашнинг хатини сенга ким олиб келганди?
- Саволингга жавоб олишинг шартми?
- Тирик қолишни истасанг айтасан!

Вадим Вольфович уни ошкор қилишни истамади.

Фофор ханжарни уй эгасининг кекиртагига тиради.

- Учгача санайман, билиб қўй, бу ерда ўлганинг билан, барибир гўштингни тимсоҳларингга едира-ман!

Вадим Вольфович қасоскорнинг қўлидан омон чиқмаслигини тушунди. Териси шилиниб, қони чойшабга оқиб тушарди.

- Яхши, - деди зўрға ютуниб. - Пичогингни ол.
- Хўш, хатни ким олиб келди?
- Ҳикмат!
- У қачон келади?
- Шу ойнинг охирида!
- Аниқроғи?
- Ойнинг охирги ҳафтасида...
- «Дори» олиб келадими?
- Бошқа нимага ҳам келарди?
- Энди ўрингдан тур. - Фофор мафия отасининг кийимларини олдига ташлади.

Вадим Вольфовичнинг кучоғида ётган аёл ўртадаги гап-сўзлардан уйғонган, бироқ қўзларини юмиб ётарди. Қария кийинди.

- Кетдик!
- Қаёққа?
- Қонингга ташна бўлиб ётган тимсоҳларингнинг олдига!
- Ростдан мени ўлдирмоқчимисан?
- Тирик қолишни хаёлингга келтирма!
- Инжил ҳурмати қасам ичиб айтаманки, истаган

пулингни бераман! Одамларим сенга тегишмайди.

- Қасамни тимсоҳларнинг оғзида ичасан!  
Аёл ўзининг уйғоқлигини сездириб қўйди.  
- Қани, турингчи, хоним! - Фофур унинг билагидан ушлаб, ўрнидан турғазди. Шунда у дод солди.  
- Оғзингни юм!

Фофур унинг юзига тарсаки тортиб юборди. Сунг билагига игна санчди. Қўл-оёғини боғлади. Оғзига латта тиқди.

- Бир-икки кунга ўлиб қолмайсан, типирчиламай ёт!

Аёл шу заҳоти ухлади.

Фофур қарияни ташқарига судради. Соқчилар ҳамон чўзилиб ётишарди. Вадим Вольфовичнинг машинасига ўтиришди.

- Кўлга олиб борадиган йўлни ўзинг кўрсатасан, чол! - деди Фофур унинг иягидан чанглаб. - Бирор қадам ножўя боссанг, ўша заҳоти каллангни узуб ташлайман! Тимсоҳлар ўлган одам гўштидан жирканмайди.

Вадим Вольфович Эргашнинг одамларини «айтганидан қайтмайдиган каллакесарлар», деб эшиганди. Фофурни алдашдан, йўлдан адаштиришдан чўчиди. Унинг чангалидан кутулиш йўлларини излали. Бироқ калласига жонига оро кирадиган фикр келмади. Кўлга элтадиган йўлни кўрсатишга мажбур бўлди. Машина соҳилда тўхтаганида, тонг ёришаётганди. Абдусамат мафия отасини машинадан худди бир парча этни юлиб олгандай, зўрга туширди. Қариянинг кўзига ҳамон жони кўринди. Кутулиш йўлларини ахтарарди. Пастга тушганида, Фофурнинг оёғига йиқилди.

- Кечир, Гафурчик, Эргашнинг одамлари мени йўлдан оздирди. Рози бўлсанг, бундан бу ёғига

бирга инлаймиз. Англияга ўзинг қатнайсан, ҳисоб-китоб ишларимни юритасан! Топганим тенг арра!

Фофур унинг сўзларига аҳамият бермади. Абдусамат руснинг кўлидан маҳкам ушлаб, кўл томон судради. Улар кўл бўйига жуда яқин келишиди. Кумушдек мавжланиб турган сувдан бошини чиқариб, юмалоқ кўзларини одамларга тикиб, ялпок бурнидан иссиқ буг чиқиб турган йиртқичларга кўзи тушган Вольфовичнинг юраги шу қадар қатгик ўрдики, ҳолдан кетиб, хуши бошидан учайди. Кўзига ўлим кўринди ва безгак тутган одамдай қалтираб кетди. Ахир тимсоҳларнинг бир неча кундан бери қорни оч, қантариб кўйилганини, ҳар қандай ўлжани ўткир тишлари билан ғажиб, ютиб юборишини у яхши биларди. Барча тавбалар, ялиниб-ёлворишлилар Фофурнинг аҳидан қайтармаслигига ақли етган рус ўзининг сўнгги имкониятини ишга солишини ўлади.

- Ўз хоҳишинг билан сувга тушасанми ёки ёрдамлашиб юборайми? - масхара қилгандай сўради F оғур. - Қара, тимсоҳлар сенга кўзларини тикиб туришибди.

Фофур Вадим Вольфовичга жуда яқин келди. Мафия отаси кўлларини билан ўтларни, ажриқларни шу даражада қаттиқ чанглаладики, бармоқлари ерга ботиб, тирноқлари оғриб кетганини ўзи ҳам пайқамади.

- Мени ўлдириб нима фойда топасан? Кел, яхшиси, муроса йўлини танлайлик. Сўраган пулингни бераман! Беш миллион доллар етадими?

Бу катта пул эди. Фофур «қария омон қолиш учун оғзига келган суммани айтиётган бўлиши мумкин», деб шубҳаланди. Қолаверса, ўрмонда, кўл бўйида пул нима қиласарди?

- Бең миллион?! Бошланиши чакки эмас. Мана, энди қадрингга етяпсан, чол. Аслида бу пул жонинг олдида сариқ чақа, шундайми?!

Вадим Вольфович бошини силкитиб қўйди.

- Кўл-оёғингни боғлашимнинг ҳожати йўқ, тимсоҳга қара, худди бир ойдан буён овқат емагандай, иккиси ҳам оғзини очиб турибди.

- Раҳминг келсин, мен қари чолни ўлдириб, ҳузур топармидинг?

- Нима, ёшлар-чи, улар тимсоҳнинг оғзига кириб кетаверсингми? Ўша куни нега менга раҳм қилмадинг?

- Кечир, - Вадим Вольфович айтган пулим камлик қилди, деб ўйлади. - Яна бир миллион қўшдим.

- Олти миллион! Мен қуруқ ваъдаларга ишонмайман.

- Вольфович ҳамиша битта гапирган!

- Орқага қайтишга тоқатим ҳам, вақтим ҳам йўқ!

- Ҳаммаси шу ерда ҳал бўлади.

- Шу ерда?

- Шундай!

- Унда пулларни чўз!

- Аввал мени ўлдирмасликка ваъда бер?

Фофур ишонмади.

- Урмонда пул заводинг борми? Ё тимсоҳларингнинг баҳоси олти миллионми?

- Ўрнимдан туришга ёрдамлаш!

Абдусамат бошлигининг ишораси билан Вольфовични ўрнидан турғазди. У соҳилга яқинлашди. Ўтлар орасини титиб, қилдек симни топиб, тортди. Шарсимон цеплофан идиш сув юзига чиқди. Фофур уни тепага олди. Ҳанжар билан тилди. Бир кучок пул атрофга сочилди.

- Бекорга тимсоҳларни кўлда боқмас экансан,

Вольфович, - деди қарияга қараб.

- Инсофни ўзингга берсин, айтганимни санаб ол!

Қопда камила эллик миллион доллар бор эди. F оғур ундан ўзига тегишилсисини ажратди.

- Роппа-роса олти миллион, ишонмасанг сана! - деди қарияга.

Мафия отаси пулнинг бирор сўм ортиқ эмаслиги-ни кўзлари билан чамалаганди.

- Ишондим, - деди бош иргаб.

Фоғур долларларни Абдусаматга узатди.

- Машинага ташлаб кел!

- Энди мен озодманми?

- Берган пулингга рози бўл, қария. Унутма, қасоскор ҳеч қачон ўз қасамига хиёнат қилмайди! Мен уни буздим. Жонингни қайтариб бердим. Эслатиб қўйяй, сен билан қайтиб учрашишни истамайман, изимдан итларингни қўйма, хитланиб қолсам, бу пулларинг бошингни омон қолишига етмайди. Тимсоҳингдан ҳам даҳшатли маҳлуқлар ичига ташлаб юбораман. Ҳозирча шу ерда хайрлашамиз. Кучукларинг ҳали замон етиб келишади. Яна айтаман, изимга тушишни хаёлингга келтирма!

- Мафия отаси шу пайтгача битта галирган, одамларим сени қидиришмайди, хавотирланма! Талабим, ҳозироқ шаҳардан чиқиб кет!

- Оғир талаб қўяйсан, қадрдоним! Менинг бу ерда қиласиган ишларим бор.

- Унда менинг ҳам бир гапимни қулоғингга қуйиб ол. Башарангни қайтиб кўрсам, асабларимни жиловлай олмайман!

- Ташвишланма, мен бир сўзли одамман, сув остидаги пулингга ҳам хиёнат қилмайман!

Фоғур машина томон юрди. Вадим Вольфович ундан кўзини узмай, хўмрайганча қараб турди.

Омон қолгани учун Худога шукр қилди. Машина жойидан силжиди-ю яна түхтади. Абдусамат тушиб, қариянинг олдига келди. «Бу нимаси, мени ўлдирмоқчими? Наҳот ваъдасини бузган бўлса?»

Абдусамат кўйлагининг тугмасини ечди. Қария тўппонча олаётган бўлса керак, деб ўйлади ва бақириб юбораёзди. Абдусамат ўзи билан олиб келган икки килограммча «дори»ни белига боғлаб олганди. Уни Вольфовичнинг оёғи остига ташлади.

- Тозасидан, бир кунингга асқотиб қолар!

Абдусамат бурилиб кетди. Вольфович унинг ортидан қараб қолар экан, бирдан олтти миллион доллардан ажраганига чидаёлмади. У ерни муштлади. йўт-майсаларни чанглаб дод солиб, машина ортидан қичқирди.

- Босмачи! Инжил номи билан қасам ичаман, пулларимни ўз қўлинг билан шу ерга келтириб беришга мажбур бўласан! Оёғим остига тиз чўқтири масам, бошимга рўмол ўрайман!

## Ю Р Т Д А

Шариф чўлга келган дастлабки йили беш гектар майдонни боғ қилмоқчи бўлганди. Бироқ одамлар ернинг шўрлигини, кўчатлар саратоннинг иссиғида сувсизликдан, қишининг қаҳратонида совуқдан қуриб қолишини айтишди. У кўчат экмоқчи бўлган ернинг тепасига келиб, узоқ мулоҳаза қилди. Ерни оппоқ шўр босганди. Қўлингга бир сиқим олсанг, тузни ушлагандай ачиштиради. Шариф тупроқнинг таркибини ўрганди. Ерга қайтадан ишлов бериб, кўчат экишга қарор қилди. Паст-баландликларни текислатди. Сув оқизиб, шўр ювдирди. Сирдарё бўйларидағи эски тупроқлардан олиб келиб

тўқтириди. Гектар бошига юз тоиннадан маҳаллий ўғит солдирди. Ерниң ҳолати ўзгарди. Эрта кўклиамда беш минг туп мевали кўчат олиб келиб ўтқазди. Ниҳоллар илдиз отиб, бехато кўкарди. Одамлар яшил рангга кираётган кўчатларни кўриб, ҳайратда қолишли. Бироқ уларни жазирама иссиқдан ва қишининг совуғидан асраб қолиш ташвиши туради. Ёзда анҳорнинг суви қурийди. Шунда сувни қаердан олиб келиш керак, деган муаммо ҳамманинг бошини қотираради.

Шариф бир чақирим нарида сунъий кўл барпо қилди. Бу ерга балиқ ташлади. Кўлдан сув келтириш мақсадила ариқ қазиди. Кечалари кўлига кетмон олиб, бир ўзи ишлади. Қишининг чилласида ҳам тиним билмади. Ниҳоят, ариқ битди. Кўл сувга тўлди. Кўчатлар кун сайин барг ёзиб, кўкка бўй чўзиб, яшил рангга кириб бораётган кунларнинг бирида шамол турди. У қумларни тўзғитиб, осмону фалакни чанг тўзонга тўлдириб, одамнинг юрагига ваҳима солиб увилларди. Кўпчилик яқин орада бундай кучли шамол турганини эслай олмасди. У қутургандан қутурарди, ёш ниҳолларни қайириб, илдизи билан қўпориб, учириб кетди. Икки ой давомида қазилган ариқ яна қумга тўлди. Шамол туни билан оч бўридай увиллаб чиқди ва ниҳоят, эрталаб шаштидан тушди. У ўзидан одамнинг юрагини ваҳимага соладиган из қолдирганди. Ийл бўйларидаги дараҳтларнинг кўпини белидан синдириб кетганди. Айримлари қум остида қолганди. Шариф кетмон билан қумни кавлаб, кўчатларнинг қаддини ростлади. Бўш уяларни тўлдириш мақсадида, фарғоналик бобонлардан ниҳол олиб келиб, қайтадан экди.

Ўшанда чигит экиш ишлари бошлаб юборилган-

ди. Кундуз кунлари дала тепасида бўлса, кечалари боқقا келиб, қум тўлган ариқни қазирди. Кўчатларнинг танасига сув югурди. Қайтадан куртак чиқариб, барг ёзди. Ёзнинг бошларида яна ҳавонинг тузи ўзгарди. Осмонга қуюндай қоп-қора булат чиқди. Айнан боғ тепасида айланниб қолди. Ҳашпаш дегунча чеълаклаб ёмғир қуиди. Кейин жалага айланди. Ёғаётган дўлни кўриб, одамнинг юраги титрарди. Анҳорнинг суви ўзанига сизмай, дақиқа сайин кўтарилаарди. Шариф сувнинг важоҳатидан кўрқиб кетди. Дамбани уриб кетса, кўз қорачигидай асрраб-авайлаётган кўчатларини оқизиб кетиши ҳеч гап эмасди. Қолаверса, сув боғ ичидан тўпланиб, халқоб бўлиб, ниҳолларнинг илдизига жиддий зарар етказиши ва қуритиб қўйиши мумкин эди. Нима қилиш керак? Устидаги кийимлари жиққа хўл бўлиб, баданига ёпишиб қолган Шариф ҳам совуқдан, ҳам асаби бузилганидан дир-дир қалтираб, икки оёғи ерга ёпишгандай боши қотиб, қўллари икки ёнга осилганча туриб қолди. Капада элликта қоп борлиги бирдан ёдига тушиб, қоронғу дилини ёритиб юборди. У чопқиллаб қопларни олиб келди. Ерга тиз чўкиб, лойга айланган қумни қўллари билан сурисиб, қопларни тўлдирди. Ёмғир тобора шиддатли тус оларди. Анҳорнинг суви кўтарилиб, қирғоққа бош уриб пишқиради. Шариф қум солинган қопларни гоҳ елкасида, гоҳ кўкрагида кўтариб, тепаликка тирмашиб чиқар, сув тошиши мумкин бўлган жойларга уларни босарди. Лойга айланган тепаликка чиқиш гўр азоби эди. Сирпаничиқда гоҳ гойиб, гоҳ ўмбалоқ ошиб, пастга юмаларди. Шунда ҳаммасини қайтадан бошлашга тўғри келарди. Жиққа хўл бўлган кийимларига, юз-қўлларига қум ёпишарди. Ҳолсизланиб, танасидан мадор

кетиб, юраги гурсиллаб, нафаси кўксига сигмай ҳансираса-да, ишлади. Нафас ростлаб олишга имкон йўқ эди. Қутураётган сув тобора кўпайиб, дамбани уриб кетиш хавфи кучаярди. Ёмғир шиддатли тус оларди. Момақалдироқ гумбурлаб, чақин чақарди. Еру само ларзага келарди. Ниҳоят, анҳор тўлиб, дамбанинг устига сув чиқди. «Ҳаммаси таомом. Кўчатларни сув оқизиб кетади»...

Кутилмаган жойдан дамбани сув уриб кетди. Шовуллаб тушаётган оқим тупроқни ялаб, ўпириб, ўзанини кенгайтириб борарди. Шошилинч чора кўрилмаса, оқин пастликка - боғ ичига бурилиб кетиши тайин эди. Шариф ўқдай пастга отилди. Бир неча дақиқада олтита қопни тепага олиб чиқди. Кейин ўзи анҳорга тушди. Сув совуқ эди. Игнадай баданига санчилди. Аммо буни ўйлаб ўтириш мавриди эмасди. Қоллардан бирини даст кўтариб, сув остига шўнғиди. Тошқиннинг олдини олиш учун ягона йўл қолларни пастдан бостириб чиқиш эди. Оқим кучли. Шарифни тортқиларди. У дастлабки қопни кўндалангига қўйди. Иккинчисини унинг устига бостириди. Навбатдаги қопни қучогига олиб, шўнғиганда оёқлари тойиб йиқилди. Қоп кўкрагидан босиб қолди. Шарифнинг саксон килограммли юкнинг остидан чиқишига кучи етмасди. У ҳориб-толиганди. Қуввати қолмаганди. Кўкрагида қаттиқ оғриқ турди. Нафаси қайтди, бўғила бошлади. Йигитга ёрдам берадиган куч йўқ эди. Жон олиб, жон бериб, типирчиларди. Ва ниҳоят танасидан дармон кетди. Кўл-оёқлари бўшашиб, ҳолсизланиб қимирламай қолди. Шунда ўлимни эслади. Яратган боғлари, яшнаётган далалари, обод қилаётган қишлоқлари, қурилаётган кичик цехлари кўзига кўринди. «Наҳотки, орзуларим ушалмай ўлиб

## «АФОН ШАМОЛИ» 4

кетсам», деган ўй яшин тезлигидан күнглидан кечди. У яна типирчилади, бироқ кўкрагидан босиб турган юкни улоқтириб ташлашга қурби етмади. Бу унинг сўнги уриниши, сўнги ҳаракати эди. Ҳаёт билан ўлим оралигига қолган пайтда Эргашнинг соқол босган афти-ангари кўз олдидаги жонланди. Назаридаги тўдабоши унинг устидан босиб тургандай эди.

«Мендан қочдинг, барибир қўлимга тушдинг, энди чангалимдан сени ҳеч ким қутқаролмайди. Мен ғалаба қозондим, тантана қилдим».

Тўдабоши Шарифнинг кўкрагидан маҳкамроқ босар, бўғар, масхара қиласиди. Шарифнинг хира тортиб бораётган фикрлари бирдан тиниқлашди.

«Йўқ, сен ғалаба қозонолмайсан, сенинг қон ҳиди келаётган ёвуз ниятинг бу юртда тантана қилолмайди. Ҳаром қадамингни яратган боғларимга, адоқсиз пахтазору ғаллазорларимга бостиurmайман».

«Ҳаммасини вайрон қиласман, остин-устун қиласман. Боғларингни аввалги ҳолига келтираман. Менинг нималарга қодирлигимни шунда биласан».

«Барибир мени таслим қилолмайсан! Ўлаётган чоғимда ҳам сенга қараб, сенинг устингга йиқиласман».

Шарифнинг вужудида ноаён куч уйғонди. У бирдан қони қотиб, музлаб бораётган қўл-оёғини ҳаракатга келтириб, кўкрагидан босиб, томоғидан бўғиб турган Эргаш билан олиша кетди. Тўдабоши ҳам бўш келмасди. Уни остидан чиқармаслик мақсадида жон-жаҳди билан маҳкамроқ босар, бор кучи илин бўғзидан бўғарди. Сув остида эзгулик билан ёвузлик, яхшилик билан ёмонлик, зулмат билан нур, маънавият билан жаҳолат олишарди.

Шариф бўш келмади. Эргашни кўтариб, улоқти-

риб ташлади. Ҳудди бирор остидан кутаргандай сув юзига қалқиб чиқди. Оғзини катта очиб, ҳаво симириди. Күзларига зулмат босган олам бирдан ёришиб кетгандай күринди. Дамба устидан шу томон чопиб келаётган беш-олти одамни күрди.

## ҚИРГИЗИСТОН

Прокурорнинг жонини олиб, ташқарига чиққан қотиллар оллиндан ваъда қилинганидек, Қорасув томонга кетишлари лозим эди. Зудлик билан чегарадан ўтиш тайинланганди. Тонг оқариб келарди. Ҳали замон қуёш чиқади. Маъсуд эшикни очик қолганини эслаб, юраги хавотирдан ҳаприқди.

- Имилламай тезроқ юринглар, - деди шерикларига. - Тонг ёришгунча чегарадан ўтиб олайлик.

Шериклари кадамларини илдамлатишди. Улар изларига «Снайпер» тушганини, соядек эргашиб келаётганини ҳали билишмасди. «Снайпер» уларни эҳтиёткорлик билан кузатиб келарди. Қотиллар йўлда бирон ножӯя ҳаракат қилишмаган, бегона одам билан учрашмаган бўлишса-да, уларнинг пешонасига уч дона қўрошинни жойлаштириш фикрида эди. Қотилларни сойдан ўтказиб, ортига қайтиб кетиши ва бошлигига йўлда ҳеч қандай ножӯя ҳаракат бўлмаганлигини айтиши ҳам мумкин эди. Отиши шарт эмасди. Бироқ кўнглига шайтон кирганди. Қамбар уларнинг ҳар бирига ўн минг доллардан берганини кўрганди. Шу пулларни уларнинг чўнтагидан олиш истаги кўнглига ёмон ниятни солиб қўйганди. Ахир Қамбар ҳам, хўжайин ҳам бундан кейин улар билан учрашмайди. Шундай бўлгач, уларнинг кимга кераги бор? Шунча пулнинг четга чиқиб кетиши мумкин эмас!

Қотиллар Қорасувга етиб боришиди. Атроф-теваракда одам күрінмасди. Сойнинг суви шовуллаб, нурлари хира тортиб қолган ой ёргида мавжланиб оқарди. Улар пойабзалларини ечиб, бирин-кетин сойга тушишди. Шунда «Снайпер» құлидаги қутини очди. Милтиқни олиб, дурбинни ўрнатиб, «магазин»га беш дона ўқ жойлади. Бу пайтда учовлон бир-бирларининг құлларидан ушлаб, сувдан кечиб ўтишарди. «Снайпер» олдинда бораётган Маъсудни нишонга олди. Биринчи бўлиб уни тинчтиш керак. Қолганлар сойнинг у томонини яхши билишмайди. Дурбин нишонга олинган одамни «Снайпер»нинг шундоққина кўз олдига келтириб қўйди. Бир қадам нарида тургандай эди. Тепкини босса тамом, миясига қадалган қўрошин уни қайта ўрнидан турғазмайди. Сув билан бирга оқиб кетади. «Снайпер» тепкини босди. Ўқ мўлжалга тегди. Маъсуд тошдек сув тубига шўнғиб кетди. Шерикла-ри унга нима бўлганини билишолмади ҳам. «Снайпер» уларнинг қочиб кетиши мумкинлигини ҳисобга олганди-ю аммо муҳим бир нарсага зътибор бермаганди. Маъсуд гарқ бўлган жойда сув қизил рангга бўялди. Шунда шериклари уни орқадан кимдир отганини пайқаб қолишиди. Ўқ қайси томондан учиб келганини аниқлаша олмади. Бу орада мерган милтиқнинг учини иккинчи қотилга тўғрилади. Ўқ нишонга бехато тегди. Учинчи кимсанинг хаёлига сув остига яшириниш фикри келди. Шундай ҳам қилди. У шошиб шўнғиди. Қотил учинчи кимсани нишондан йўқотди. Уни тирик қолдириш мумкин эмасди. Ўрнидан турди ва соҳил томон чопди. Ҳаллослаб, қирғоққа етиб келди. Бироқ учинчи кимса күрінмасди. Оқин икки мурдани зарб билан тошларга уриб, оқизиб борарди. «Снай-

пер» соҳил бўйлаб чопди. Учинчиси қаерда? Қаёққа ғойиб бўлди - билолмасди. У ҳолдан кетиб, нима қилишини билмай туриб қолди. Милтигини бағрига босганча, тош устига ўтириб, хаёлга толди. Мурдалар аллақачон оқиб кетганди. Учинчи кимса билан овора бўлиб, икки мурданинг чўнтагидаги пулни ололмаганидан афсусланди. Энди нима қилиш керак?

Тонг ёришиб борарди. «Снайпер»нинг қулоғига ниманидир қирсиллагани эшитилди. Ўгирилди. Рӯпарасида коптожек тошни кўтариб турган одамга кўзи тушди. Шошиб милтиқнинг учини унга тўғриламоқчи бўлди, учинчи кимса уни тепиб юборди. Милтиқ сувга тушди. «Снайпер» тепасида дилдираб турган кимсани таниди.

- Ортиқ!! - У бошига тушуши мумкин бўлган зарбадан қўрқиб, ўзини четга олди.

- Изимизга тушган эканса-да, хунаса?!
- Айб менда эмас, Қамбар буюрди!
- Сен итвачча, пул дардидан изимиздан қувгансан!
- Пул хаёлимга келган бўлса. ўлай агар...

«Снайпер» секин-аста тошлар устидан силжиб, икки оёғини кериб, одамнинг калласидан каттароқ тошни кўтариб, дилдираб турган Ортиқнинг ёнига кўз илғамас ҳаракатлар билан яқинлашиб борарди. Оёғи етиб қолса бас, тепиб йиқитишга ишонарди. Бунинг учун гапга солиш, юрагидаги ғазабни босадиган сўзларни топиб айтиш лозим эди.

- Агар рози бўлсанг иккимиз бирга жўнаймиз...
- Бирга жўнаймиз? Қаёққа?!
- Биламан, сенинг шаҳарда қолишинг мумкин эмас. Бу ердан кетишинг керак. Менда керагича пул топилади!

Ортиқ бироз шаштидан тушди. Таранг торгилган

қўлларининг пайи сусайди. Боши узра кўтариб турган тош оз бўлсада, пастга тушди.

«Снайпер» унга яқин келиб қолганди. Оёғини чўзса бас, Ортиқ ўмбалоқ ошиб, сувга қулайди. Ортиқ «Снайпер»нинг секин-аста силжиб, яқинлашиб келаётганини тошлар устидаги намликтан пайқаб қолди. Ниятини тушунди.

- Пулинг бошингдан қолсин! - У том билан «Снайпер»нинг калласига урди. Калла қовоқдек ёрилиб, қон билан оқ суюқлик атрофга сачради. «Снайпер» юмалаб пастга йиқилди. Жон беришда кўп қийналди. Оёқ-қўлларини тинимсиз типирчилатиб, ётган жойида айланди. Кўзлари косасига симай кетди. «Хиқ-хиқ» деган товуш чиқарди. Қўлларини гоҳ тушириб, гоҳ кўтарди. Озғин гавдаси икки-уч бор ердан кўтарилиб тушди ва кейин тинчиди. Бу унинг ҳаёт билан видолашиб эмасди. Фақат ҳолсизланиб қолганди. Одам боласининг жон бериши бу қадар қийин кечишини Ортиқ шунда билди. Уни шу ҳолда ташлаб кетолмасди. Ҳали замон бу йўлдан одамлар ўтишади. У жони чиқмаган жасадни оёқлари билан тепиб, қирғоққа келтирди. Чўктириб юборишдан аввал чўнтакларини титди. Ҳамёни қуруқ эди. Шундан кейин уни сувга итариб юборди. Қорасув қип-қизил қонга беланганд жасадни бағрига олди ва оқизиб кетди.

Ортиқ қаёққа юришни билмай, ўйланиб қолди. Худди эртаклардагидек уч йўл бошида турган одамга ўхшарди. Ортга қайтай, деса ўлим кутмоқда, Қирғизистонга ўтай деса, бегона давлат - хатар. Биргина йўл Помир тоғлари ортидаги гумашталари томонга жўнаш. У шу йўлни танлади.

## САМАНГАН

Хонимнинг хушига келганини эшитган Эргаш ундан хабар олиш мақсадида у ётган чодирга кирди. Червон хоним уни оёқ товушидан таниди.

- Хайрият, тирик экансиз! - тилёғламалик билан сўради тўдабоши.

- Минг бор шукроналар бўлсинки, Яратган эгам жонимни қайтариб берди, - паст овозда шивирлади аёл. - Ўлимдан эмас, ўзга юрт тупроғида жасадим қолиб кетишидан қўрққандим.

- Сизни Қобулга - касалхонага жўнатаман, ўша ерда даволаниб келасиз!

- Менинг касалимга ҳеч бир табиб шифо тополмайди. Яхиси, она юртимга, туғилиб - ўсан қишлоғимга жўнатинг. Сиздан сўнгги илтимосим шу. Бутун гуноҳларингизни бўйнимга оламан. Майли, сиз учун дўзах ўтида ёнай, фақат менинг сўнгги илтимосимни адо этсангиз бас...

Бу сўзни бошқа одам сўйлаганда, Эргаш унинг тишини тўкиб, тилини сугуриб олган, бошини найзага илган бўларди. Бироқ хаста аёлнинг илтимосини у бошқа мъянода қабул қилди.

- Мендан ўпкалашга ҳақлисиз. Сизни шу аҳволга тушиб қолишингизга айборман. Бироқ, сиз тўғри тушунинг, одамларимга ишончим қолмаяпти. Улар менга панд беришяпти, хиёнат қилишмоқда. Сорани олиб келиш учун Воҳидни жўнатгандим, абрах, «қиз қорда сирпаниб, жарга йиқилиб тушиб ўлди», деб хабар келтирди. Текширгани Мирюнусни жўнатдим. Қарангки, у қизнинг номусини бузиб, жарга улоқтириб юборган экан. Бунга қандай чидай? Тоқатим қолмади. Сизни очиқда қолдириш

хатарлигини ўйлаб, зиндонга ташлатгандим. Ахир йигитларимнинг аёл зотини кўрмаганига узоқ йиллар бўлди. Ҳаммасининг кўзига қон тўлган. Мендан яширинча баччавозлик қилишмоқда.

- Зиндонга ташлатганингиз яхши бўлган экан, оппоғим! Ақлим кирди. Ўша ерда ётиб, Худони танидим. Ватан нималигини англаб етдим. Қилган гуноҳларимни эслаб, тўлғоқ тутган аёлдек виждоним азобланди. Яратганга тавба-тазаррулар қилдим... Юртга қайтишни, одамлардан кечирим сўрашни, жоним чиққунга қадар Ватанга хизмат қилишга аҳду паймон қилдим....

- Ваъда бераман, бундан кейинги ҳаётингиз яхши бўлади.

- Мен сиздан эмас, ўзимдан хафаман, оппоғим. Ўтмишимни эслаб, ўзимни ўзим кечиролмаяпман!

- Кечаги кунларни эсламанг, энди бу дунёning эгаси бизмиз! Уни биз бошқарамиз! Азалдан дунёning жиловини зўрлар ўз қўлларида тутиб келишган. Замон зўрларники! Одам боласи зўрларнинг ортидан эргашган, уларнинг этагини тутган. Ким зўрликка қарши турса, демак, у душманимизdir. Бизга итоат этмайдиганларнинг уруғини ер юзидан қуритамиз! Куч қўлимиизда эканми, демак, ҳокими-ят ҳам измимиздадир! Ҳоким бўлсанг, улар сенга эргашади, мансаб ва амаллар, куч-қудрат олдида қўлларини кўксига кўйиб таъзимда туришади. Ҳаммадан кўра бераҳм, ҳаммадан кўра шафқатсизроқ кимсани кўкларга кўтаришади. Ахир тарихдан маълумки, инсон қонини дарё-дарё оқизган саркардаларнинг номларини кўкларга кўтаришган, улар билан фахрланишган. Вақти келиб менинг ҳам арзимас ютуғимни одамлар оғиз кўпиртириб мақта-

шади, қўшиқ қилиб қўйга солишади. Авлодлардан авлодларга номим қолади. Мен қилган жиноятлар оқланади, зарурат эди, деб тушунтиришади. Амримиз бор бўлсин, тарих бундай адолатли ҳокимни кўрмаган, деб овоза қилишади.

- Лекин, оппоғим, хилқатлар гултожи бўлмиш инсониятнинг қонини тўкиб, бегоналар ютида туриб, ўзгаларнинг қутқуси билан Ватан ва ҳалқнинг тинчлигига, осойишталигига рахна солишни ҳеч ким, ҳеч қачон оқламаса керак? Бундай одамлар азал-азалдан тавқи-лаънатга дучор бўлишган! Тарих уларнинг номларини ўз саҳифасига қора ёзувлар билан битган. Инсоният шу кунга қалар бундай кимсаларга лаънат тошларини отмоқда. Келажак авлод ҳам ана шу тошларни отишда давом этади.

- Сиз адашдингиз, хоним, - деди тудабоши қовоқтумшуғи осилиб. - Коммунистик ғоялар сизнинг онгингизни заҳарлагани билиниб туриди. Инсон ҳамиша ўз манфаатларини қондириш учун интилади, курашади. Ўзгаларга ўз хукмронлигини ўтказиш, улар устидан раҳбарлик қилиш ниятида диёнат ва адолат овозини бўғади. Ахир, тўкилган қонларни ювиш учун ер куррасида сон-саноқсиз баҳоналар қоришиб ётибди-ку. Ёмонликка қарши ёмонлик билан жавоб беришга мажбур бўлдим. дейди. Шундай қилмасам, мени қатл этишарди, дейди.

- Сизнинг бу қадар ўзингизга бино қўйишингиз ва такаббурлик қилишингиз, зўравонлик ҳамда зулм кўрсатишга нима ундаётганини ўйлаб кўрдингизми, оппоғим? Қўлингизни инсоният қонига ботириб, юртни эгаллаганингиз билан авлод-аждодларимиз сизни кечирмайди!

- Мен сизни тушунмай қолдим, хоним. Нечук бу қадар одамзодга ачинасиз? Ахир, кечагина улардан жабр ва зулм кўрганингиз ёдингиздан кўтарилими? Куни кеча улар сизни кўрганда хоҳолаб, қотиб-қотиб устингиздан кулишмаганмиди? Бузук деб, масхара қилишмаганмиди?

- Сиз ҳақсиз, дўмбоғим. Қани энди ҳаммамиз ҳам кеч бўлса-да, ўз айбимизни тушуниб етсак, қилаётган ишимизнинг оқибатини ўйласак. Аллоҳга тавба қилсан, истиғфор айласак, ўзимизни ҳаром ишлардан тийсак, Тангри таоло берган умрнинг ҳар лаҳзасини савоб ва ҳидоят ишларига, Ватаннинг гуллаб-яшнашига, фаровонлигига баҳшида этсак, бу билан Аллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлардик. Сиз айтгандек, мен ҳаётимнинг кўп қисмини гуноҳ ишлар билан ўтказдим. Шайтон қалбимга кириб, эзгуликни зулмат пардасига ўраб ташлаган экан. Зиндонда ётганимда куну тунлар ухламадим. Парвардигор оҳу-зорларимни эшитган бўлса ажаб эмас! У мени очликдан, ташналиктан халос этди. Фаришталар қуриб қолган оғзимни оби замзам билан намлаб туришди. Кўксимдаги зулмат пардаларини кўтариб ташлади. Қалбимдаги иймон гўё қаҳратон қишининг қалин қорлари остида қолиб, баҳор оғобининг тафтини эмиб, ер бетига чиққан майсалардек куртак ёиб, дилим яхшилик ҳамда эзгуликларга, инсониятга меҳр-муҳаббат билан лиммо-лим тўлди. Шунда мен яшашнинг маънисини англадим. Ўша умримнинг қолган онларини Аллоҳга тоат-ибодатда, инсониятга эзгулик ва яхшиликка, юртимга ва ҳалқимга ҳалол ва вижданан хизмат қилиш ила ўтказишни ихтиёр қилдим. Кўзимни очиб, ҳушимга келганимдан бери мана шу олижаноб ниятларимни амалга ошириш йўлларини ўйлаяп-

ман. Ҳаётимда бирдан-бир қиласиган улуғ иш - бу адашган одамларни йўлдан қайтариш!

- Бошқа ниятингиз йўқми? - ўзини зўрга босиб, хонимнинг мақсадини билиш илинжида муҳомбирлик билан сўради Эргаш.

- Ниятим кўп, жуда катта мақсадларим бор, оппоғим! Юртимга қайтишга ижозат берсангиз, шу ердан токи киндик қоним томган жойгача эмаклаб, тупроқни ялаб, кўзларимга суртиб борардим. Йўлимда учраган ҳар бир одамга, «Эй, мўминлар! Сизу бизни Тангри жаннатда яратган экан. Юртни севинг, обод қилинг, ардоқланг, алданманг, хиёнат қилманг, бир-бирларингга меҳр-оқибатли бўлинглар», деган бўлардим.

- Демак, имонингиз покланибди-да? - заҳархандалик билан яна сўради Эргаш.

- Иншооллоҳ, айтганингиз келсин!

Хоним шу сўзларни айтиб, ўйга толди. Фикрларини жамлаб бошини кўтарди ва яна тўдабошининг синиқсан юзига тикилиб, тилга кирди:

- Имони бўлмаган ёки имони заиф кимсалар таназзулга юз тутади. Охират кунида ҳамма одамлар қайта тирилиб, бу дунёда қилган яхши-ёмон амалларининг зарра-заррачасигача мукофот ёки жазо олишади. Имони йўқ кимсадан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Агар унинг миасида «Одам ўлгандан кейин чириб йўқ бўлади, қайта тирилмайди», деган фикр хукмронлик қилса, ер юзида кучлилар кучсизларни еб битирарди. Золим зулмига жавоб бермаса, ёлғончи, фирибгар ўз ёлғони ва фирибига жавоб бермаса, ўғри айшини суреб, золим қиличини яланғочлаб юраверса, бу фоний дунё матоҳи учун ҳар қандай ёмонликдан, зулмдан, ифлосликдан қайтмаса, туғилиб ўсган, вояга етказган она-Вата-

нини севмаса, уни ёвлардан асрамаса, гуллатиб яшнатмаса, обод қилмаса, ўзи ганим бўлиб, қиличини ялангочлаб бостириб кирса, бу дунё қандай дунё бўлади? Кучсизларнинг, мазлумларнинг, бечораларнинг ҳоли не кечади? Одамлар Ватансиз қолиб кетмайдими? Ҳаёт кечириш ўз-ўзидан азобга айланиб, жамиятда ноумидликлар кўпаймайдими? Ёмонликларни қилмаслик, олам гултожи ҳисобланмиш инсонга меҳр-муҳаббат билан қараш, Ватанинни севиш, асраш, обод қилиш Аллоҳга имон келтириш эмасми? Сизнинг ва одамларингизнинг катта хатоси «Аллоҳ мени кўриб турибди», деган ишончнинг йўқдигидадир.

- Бас! - қичқириб юборди қўли мушт бўлиб тугилган Эргаш. - Индамасам ҳаддингдан ошяпсан! Кимнинг қўлида, қаерда турганингни унутма, кампир! Ҳозир бўйнингга арқон солиб, дорга оссам, жонингга Худо ҳам оро кирмайди!

Эргаш эшикни оёғи билан тепиб, чодирдан чиқиб кетди. Унинг ортидан қараб қолган хоним чуқур хўрсинди...

- Бугун бўлмаса эртага, албатта, қилган ишларингдан пушаймон бўласан, - дея шивирлади.

\*\*\*

Мирюнус лагерга қайтганида Воҳид ҳамон ёғочга боғланганча боши қўкрагига осилиб турарди. Томчилаб тушаётган сув кийимларини шалаббо қилганили. Унинг асаблари адо бўлганди. Ҳолсизланиб қолганди. Билинар-билинмас нафас олар экан, ёнида Мирюнус пайдо бўлганини ҳам сезмади. У бандининг иягидан чангллаб, бошини орқага қайриб, кўзларига тикилди. Шунда Воҳид нур кетиб

бораётган күзларини базур очди.

- Энди онангни топиб келишингга тўғри келади, даюс! - деди Мирюнус иршайиб.

Воҳид оғирлашиб қолган бошини зўрга кўтариб, киртайган кўзларини Мирюнусга тикди. У туман ичидаги жуда ҳам йироқларда тургандек кўринди. Мирюнус қонли латтани тутқуннинг кўзига яқин келтириди.

- Танидингми? Қаерда тушириб қолдирганингни эсладингми? Бу кимнинг қони?

Воҳид унинг сўзларини эшитди-ю бироқ латтани кўрмади. Унинг охирги умиди ҳам сўнганди. Боши яна шилқ этиб, кўкрагига осилиб тушди.

- Бахтингга Сора ўлмабди, ҳозир йигитларим олиб келишади! - деди Мирюнус тутқуннинг пешонасига мушт уриб.

Шундан кейин у Эргашнинг чодирига йўл олди. Эшик ёнида турган соқчилар тўдабошини касаллар ётган чодирга кириб кетганини айтишиди.

- Тинчликми, ким жон беролмай қийналяпти? - сўради Мирюнус ҳайрон бўлиб.

- Червон хоним тирик экан, уни чодирга ётқизишди.

Мирюнус бирор устидан совуқ сув қуйгандай сесканди. «Хоним бор гапни айтса, тўдабоши мени соғ қўймайди», деган қўрқинчли ўй миясига мих қоққандай таъсир қилди. Зинлонга тушиб, узугини олгани, бир кеча кучогимда ётасан, деб мажбурлагани, қолаверса, қорақуртга чақтириб ўлдирмоқчи бўлганини айтса, тўдабоши ҳамманинг олдида босига итнинг кунини солади. Нозим қўрққанидан узукни кўрсатиб, Сорани ўпганини ҳам айтиб қўяди. Қўрқувдан юраги титраётган Мирюнус шошиб ортига қайтди. Шитоб билан тоф томон чопди. Энди

## «АФОН ШАМОЛИ» 4

Эргашнинг кўзига кўринмаслиги, кўринса, ўлиши-ни биларди.

Мирюнус ярим тунгача йўл юрди. Ортидан бирор кувиб келмаганига, келганда ҳам уни тополмаслигига ишониб, ҳориб-толиган оёқларига ором бериш мақсадида тош устига чўқди. У терлаб-пишиб кетганди. Бошидан, юзидан тер оқарди. Салласи билан юзларини артди. Аллақанча масофани ортда қолдирганди. Бироқ бу йўл уни қаерга элтади - билмасди. Инчунин, ўзининг қаерга боришини, бундан кейинги ҳаёти қаерда, кимлар орасида кечишини ҳам билмасди. Ватанга қайтай деса, аёlinи ўлдирган, жангариларга кўшилиб, кўплаб бегуноҳ одамларнинг қонини тўкканини халқ билади. Уни кўришлари биланоқ тутиб, қамашади. Қайтмай деса, бошпанаси йўқ. Умри шу тогу тошлар орасида, форлар ичида, худди йиртқич ҳайвонлар каби кечади. Бундан ўзга макон йўқ! Бундан ўзга нажот йўқ! Мирюнус аламдан ҳўнграб йиғлади, бошини тошларга уриб йиғлади. Ўз-ўзидан нафратланиб йиғлади. Адашганидан, алдангганидан, қилган айбу гуноҳларидан пушаймон чекиб йиғлади. Олисларда қолган, киндик қони томган, ота-боболари севиб ардоқлаган Ватанни қўмсаб йиғлади. Энди уни ҳеч қачон кўролмаслигини билиб, юраги тутдай тўкилиб, ҳўнграб юборди. Алдаганларни, жаннатда туриб жаннатни ваъда қилганларнинг шаънига лаънат тошларини отди. Узини овутишга, садпора қалбига таскину тасалли берадиган бирор баҳона-ю-сабаб тополмади. Ва ниҳоят кўз ёшлари қуриди. Шунда қулоғига олис-олислардан увиллаётган бўрининг аламили ва дардли овози эшитилди. Унинг товуши Мирюнусга таниш эди. Бу ўз маконидан айрилган қулранг бўри эди. Уни лагерга янги келган пайтлари учратганди. Ўшанда қайсиdir қишлоқдан қайтаёттанди. Жар

бўйида бир зум нафас ростлаб, ҳориган оёқларига ором бериш мақсадида тўхтади, ҳаддан ташқари чарчаганди.

Бошини совуқ тошларга қўйиб ётар экан, ҳорғин кўзлари икки тош орасидан калласини чиқариб турган бўрига тушди. У ҳайбатли бошини оёқлари устига қўйганча, ўзидан икки қулоч нарида турган одамга тикилиб ётарди. Йиртқичнинг катта-катта кўзлари чўғ мисоли ёнарди. Мирюнуснинг эсхонаси чиқиб кетаёзди. Кўлидаги автоматни тўғрилашга ҳам кўркди. Қимирласа, устига ташланиб, ғажиб ташлайдигандек туюлди. Бироқ у қуролини ишга солмади. Бўрига қарамасликка ҳаракат қилди. Вуҷуди титраб, ўрнидан туриб, оҳиста пастликка тушиб кетди. Кулранг қишиқир уни таъқиб қилмади. Лоақал одам ўрнидан тураётганида, ириллаб ҳам қўймади. Ўшанда унинг қайгу ва гамга ботган, қовоқлари ичига кириб кетган кўзлари бир умрга хотирасида муҳрланиб қолганди. Шундан кейин Мирюнус бўрини яна икки бор учратди. Аниқроғи, у билан юзма-юз келди. Негадир у одамга ҳамла қилмади. Оч бўлса-да, сўйлоқ тишларини шақиллатмади. Ўзининг тугилиб - ўстган кулбаси томонга тикилганча увларди. Жангарининг назаридаги бўри нимадандир азоб чекаётгандек, қийналаётгандек туюлди. Бироқ унинг ноласини, қалбини ўз ошёнини кўришга бўлган иштиёқ, соғинч азоблаётганини Мирюнус қаердан билсин? Яқинлашиб қолган ўлими олдидан ота-боболари яшаган ва киндик қони томган, илк бор кўз очиб, оламни таниган кулбасига сўнгги бор бош суқиб, бир кеча оёқ узатиб, кун сайин хотирасидан узоқлашиб бораётган болалигини эслаб ётгиси келаётганини ва шу ниятда фарёд чекаётганилигини юрт қадрини билмаган юртфуруш

## «АФГОН ШАМОЛИ» 4

қаёқдан ҳам ҳис этсин? Унинг назарида Ватанга, юртга бўлган меҳр, соғинч, интилиш йиртқичларга хос бўлмаган туйғу эди.

Ха, юрак-багри садпора бўлган, вужуди хирмонини аламли изтироблар ёқсан, нола-ю афгон чекиб, уввос солиб йиғлаётган кулранг бўрининг қалбини ўз инини кўришга бўлган соғинч ўртарди. У қор босган сарбаланд тоғлар чўққисидан пастга тушиб, туғилган ошёнини қўмсаб, соғиниб келарди. Бу ердан одамлар кетган бўлса керак, деган умидда, қадрдон инини кўриш иштиёқида келмоқда эди. Унинг аламли ва дардли овози тогларнинг ўлик сукунат чўккан тошларига урилиб, садо таратарди.

-Уввв!.. - фарёд унинг музтар кўкрагидан отилиб чиқарди.

Мирюнуснинг назарида қутурган бўри шу томон келаётгандек туюлди. У лагердан қуролсиз чиққанлигини, кимсасиз тоғларда ўзини ҳимоя қиласидан ҳеч нарсаси йўқлигини англади. Юрагини қўркув эгаллади. Мирюнус тепалик сари тирмашмоқчи бўлди. Тепада ўн беш кунлик ой балқиб, қор босган икки чўққининг орасидан мўралаб, паст-баланд кенгликлар узра нурини сочиб турарди. Бирдан унинг қулогига гувиллаган товуш чалинди. Мирюнус қўрқиб кетди. Худди бомба портлагандек эди. Шунда у тепадан тушиб келаётган қор кўчкиларини кўриб қолди. Ҳайбатли парчалар тўлқин мисоли кўпирашиб, бири иккинчисини қувиб, қархисида учраган тошу дараҳтларни хасдек учириб, янчиб, шовқин-сурон солиб пастликка тушиб келарди. Мирюнус нима қилишини билмай, қўркувдан қичқириб юборди. Бу ерда уни ҳимоя қиласидан, паноҳига оладиган, қочиб кутуладиган бирон бошпана йўқ эди...

## ЮРТДА

Ҳамдам каллани чақириш фурсати келганди. Қамбар «Ўзим чақираман», деб чўнтағига пул солиб, уйига қайтариб юборганига бугун ўн бир кун бўлди. Эртагаёқ йўлга чиқиши керак. Ҳаш-паш дегунча, уч-тўрт кун ҳам ўтади кетади.

Қамбар Ҳамдам каллага қўнгироқ қилди. Зудлик билан етиб келишини тайинлади. У кечки пайт бораман, деб сўз берди. Қамбар «жони омонат» кимсанинг газетадан қирқиб олинган суратларини бир четга яшириб қўйганди. Ҳаммасини топди. Ҳамдам калла келганида шу суратларни унинг кўлига топшириди.

- Яхшилаб таниб ол! Қулоғининг ортида нўхотдек холи бор. Ўзингни асло бизга алоқадорлигингни сездирма. Эргашбой ҳақида ҳам, унинг ўтмиши ҳақида ҳам оғиз очма. Кўпчиликнинг кўзига ташланма. Хитланиб қолса, сени йўқотади.

Ҳамдам калла ёши олтмишдан ўтиб қолган бўлсада, чаққон, абжир одам эди. Ойлаб соч-соқолига тиф теккизмасди. Кўрган одам уни етмиш ёшлардаги чол, деб ўйларди. Қария айтилган пайтда йўлга чиқди. Эртаси куни кечки пайт Шариф яшаётган қишлоқقا етиб борди. Одамлар унга аҳамият беришмади. Устидаги кийимлари ва юриш-туришидан шу ернинг одами, деб ўйлашарди. Ҳамдам калла чорвачилик фермасини сўроқлаб, топиб борди. Шариф ишдан қайтганди.

Мўйсафидни унинг ўзи кутиб олди.

- Келинг, ота? Ҳизмат?

- Олисдан келдим, ўғлим, бир кеча уйингда тунаб

кетсам, жой берсанг! - деди қария атроф-теваракка кўз ташлаб. Улар бирон маротаба учрашмаган, ҳатто исмларини ҳам эшишишмаганди.

- Мусофирига нафақат жой, балки иссиқ овқатимиз ҳам бор! - деди Шариф қарияни ичкарига таклиф қилиб.

- Умрингдан барака топ, сен бизни ҳурмат қилсанг, Аллоҳ сени иззат қилсан! - деди ва адашмадимми, дегандек йигитнинг қулоғи ортига кўз ташлади. Холини кўриб, кўнгли жойига ту shedi.

Шариф меҳмон учун овқат буюрди. Бир товоқ гўштни қовуриб, қариянинг олдига қўшишди.

- Бу жойлар сеникими, ўғлим? - сўради Ҳамдам калла кўрадаги молларга ишора қилиб.

- Ҳукуматимиз фермер хўжаликларини йўлга кўйиш тўғрисида қарор чиқаргандан кейин шу ерда чорвачилик фермасини ташкил этдим.

- Бир ўзинг қилдингми шунча ишларни?

- Ҳамқишлоқларим билан!

- Дуруст...

Улар анча вақт суҳбатлашиб ўтиришди. Шариф ишчиларига жавоб берди. Улар яна бир муддат гурунглашиб ўтиришди. Ётиш олдидан Шариф молхонани айланниб чиқди. Кўнгли хотиржам бўлиб, қайтиб келганида қария ёстиққа бош қўйиб, хаёл суриб ётарди.

- Давлатимиз раҳбарининг бутун умиди биз ёшлардан. Ватан тараққиёти ва фаровонлигига қанчалик кўп ҳисса қўшсак, юртимиз бундан-да обод ва кўркам бўлади. Мен бутун қуч-ғайратимни униб-ўстирган, тарбиялаган она-юртимнинг гуллаб яшнашига, ҳалқимнинг дастурхони тўкин-сочин бўлишига, ҳеч бир юртдан кам бўлмаган озод, обод Ватанини барпо этишга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Шу пайтгача чет давлатларга ҳавас қилардик. Энди улар юртимизга ҳавас қилишмоқда, халқимизнинг нималарга қодир эканлигини кўриб, қойил қолишмоқда! Бу ерлар икки йил аввал қумлоқ ва қамишзорлардан иборат эди. Давлатдан катта миқдорда қарз олдим. Ўн йил муддатга! Фермерларга берилаётган бундай имконият биронта давлатда бўлмаган. Олган маблагимни нафақат чорвачилик ва пахтачиликни ривожлантиришга, балки ишлаб чиқариш корхоналарини куришга сарфладим. Янги технологияларни олиб келиб, ишчи ўринларини кенгайтироқдаман. Ҳозир қўлимда юздан ортиқ ишчи бор. Ҳаммасининг уйига кирсангиз, ҳавасингиз келади. Тураг-жой бинолари замонавий типда қурилган. Ўзимизнинг заводимизда ишлаб чиқарилган, ҳозирги замон талабига тўлиқ жавоб берадиган, хорижникидан ўтадиган гишталар билан бунёд этилган. Бундай гишталар йигирма йилдан кўп таъмирсиз рангини йўқотмайди. Ишчиларнинг болалари фермер хўжалиги қошида ташкил этилган боғчада тарбияланмоқда. Уларга уч маҳал иссиқ овқат бепул бериляпти. Қумлоқ ерда боғ яратдик. Келгуси йили ҳосилга киради. Мевасини ўзимизнинг қишлоқ болаларига тортиқ қиласиз. Икки-уч йилдан кейин бегона одамга бу ерлар чўл бўлганди, атрофи кум тепаликлардан иборат эди, десангиз ишонмайди. Одамларимизнинг кайфияти яхши. Колхоз-совхоз йўқ бўлиб кетса, иш излаб қайга борамиз, деб ваҳимага тушганлар ҳозир шу фермер хўжалигида ишлаб, колхоздан беш-үн баравар кўп ҳақ олишмоқда. Яқинда буғдой ўрдик. Ҳар гектар майдондан саксон икки центнердан ҳосил кўтардик. Режадан ортигини ишчиларга тақсимлаб бердим. Биласизми, ота, битта ишчининг уйига икки ярим тоннадан

ортиқ ғалла кирди. Бу дегани ишчи бир йиллик нон билан ўз оиласини ўзи таъминлади, дегани. Мақтанияпти деманг, ҳар куни бошим ёстиққа текканида ўзимга бир саволни бераман, «юртимга, халқимга қандай нафим тегди, бугун нима қилиб бердим, ўтган кунимдан ўзим, қилган ишимдан Ватаним, халқим розими?» Назаримда, мен қилаётган ишлар камдек, кўп нарсаларга улгурмаётгандек бўламан. Ахир ҳукуматимиз бизларга ишлаш, меҳнат қилиш учун яратиб берган бундай шароит ва имконият қайси юртда, қайси давлатда бор?! Шундай пайтларда билиб-билмай қилган хатоларим кўз олдимдан ўтади. Ўзимдан ўзим нафрatlаниб кетаман!

- Қандай хато қилгансан, ўғлим? - атайин сўради Ҳамдам калла йигитнинг сўзини бўлиб.

- Сиз сўраманг, мен айтмай! Бир-иккита нияти бузуқларга эргашиб, Ватандан чиқиб кетгандим. Хор-зорликда умрим ўтди. Бир амаллаб қочиб ўтдим. - Шариф ўзи тўғрисида кўп гапиришни истамади.

- Шунча ишларни қилибсан, армонинг ҳам қолмагандир, болам?!?

- Армонларим кўп, - деди Шариф ширин энтикиб. - Юртбошимизнинг «фермер бугунги жамиятнинг фаол аъзоси бўлиб қолмай, балки жонкуяри ҳамдир», деб айтган муборак сўzlари мени ишлашга, халқим ва юртимга кўпроқ нафим тегишига даъват этмоқда.

- Мен диёримни дунё осмонида қанот қоқиб, тинчлик ва эзгулик, қут-барака олиб юрган кабутарга ўхшатаман. Собиқ иттифоқ республикаларининг бирортаси бизнинг давлатимиз мисоли қисқа муддат ичидаги оламга танилиб, машхур бўлмади. Ўйлаб қарант, Шўро даврида Ўзбекистонданман десангиз,

биров бу қанақа юрт, деб бош қашларди. Бугун Ватанимизнинг байроғи Африкада ҳилпираб турибди, мадҳиямиз Японияда айтиляпти. Америкадай давлат тилимизни ўрганяпти. Манаман деган мамлакатларнинг вакиллари Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш истагида юртимизга оқиб келишмоқда.

Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон қисқа фурсат ичидаги дунёнинг тарақкий топган давлатлари қаторидан ўрин олди. Ўзимизда қурилиб ишга туширилган ўнлаб завод ва фабрикаларимизда ишлаб чиқарилётган маҳсулотларимиз, енгил автомашиналаримиз, автобусларимиз билан дунёни лол қолдирдик. Шундай юртда туғилиб ўсган, вояга етган инсон бекор туришга ҳақлами? Шу Ватан довругини дунёга танитишда мен ҳам ўзимизнинг озми-кўпми, ҳиссамни кўшгим келади, ота! Фермер хўжалигим маҳсулотларига «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган», деган белги кўйиб, дунё бозорларини эгаллашни хоҳлайман! Яқин кунларда, албатта, бунга эришаман ҳам!

- Бой бўлмоқчи экансанда, ўғлим, - деди Ҳамдам калла чуқур хўрсиниб.

- Йўқ, бой бўлишни эмас, мулкдор бўлишни истайман! - деди ишонч билан Шариф.

Ҳамдам калла бошқа сўз айтмали. У бошини ёстиққа кўйди-ю бироқ кўзига уйқу келмади. Шарифнинг сўзларини эслаб ётди. Вақт эса ярим тундан оғиб қолганди. Ишни бажариб кетадиган фурсат келганди. У қўлинини тез-тез кўйнига солиб, олмос тифли ханжарнинг совуқ дастасидан ушлаб қўярди. Уни сууриб, ёнида пишиллаб ухлаётган йигитнинг кекиртагига санчса, бошини узиб, хуржунга солиб, жўнаб кетса ким кўриб ўтирибди? Эрталабгача борадиган жойига етиб боради. Бош-

ни Қамбарнинг оёғи остига ташласа, нақ йигирма минг доллар чўнтағига киради. Бунча пулни топиш осонми? Кексайганда, бели букчайиб, кучдан қолганида бу пуллар унинг жонига оро кирмайдими? Белини баққуват қиласидиган нарса ҳам шу пул-ку!

Ҳамдам калла ханжарни чанглаб ётар экан, ўрнидан туришга шошилмади. Нимадир унинг бошини кўтаришга йўл қўймасди. Яқин атрофда хўroz қичқирди. Энди туриш керак, ишни бажариб, тезда жўнаш керак. Ҳали замон соғувчилар, ишчилар келишади. Биронтасининг кўзи тушиб қолиши мумкин.

Ҳамдам калла ханжарни қўйнидан олиб, ўрнидан турди. Уй эгасининг бош томонига ўтиб, тиз чўқди. Овоз чиқармай, калимасини ўгириди. Шариф бошини болишга ташлаб ётарди. Чарчаганидан қотиб ухларди. Ҳамдам йигитнинг калласини орқага қайириб, бўйнига пичноқ солиб, тортиб юборса бас, Эргаш кутаётган бош қўлида. У Шариф томон бурилди. Шунда кимнингдир иссиқ, аммо кўзга кўринмас қўллари унинг билагидан тутди. Ҳамдам калла ҳолсизланиб, пичноқни қўлидан тушириб юборди. Юрагида алланарса уйғонди. «Нега, нега сен унинг калласини олишинг керак? Ўз юрти ва элининг эртанги порлоқ куни учун кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ишлаётгани учунми? Бир пайтлар ким эди? Эргашга илакишиб, юртни ташлаб чиқиб кетган, жиноят кўchasига кириб одамларнинг тинчини бузган бу йигит ўз хатосини тушуниб, Ватан ва ҳалқи олдидаги инсоний бурчини англаб, чўлда кўзига қум тўлиб, чанг ютиб ишлаётгани учун бошини олиш керакми? Бу бош Эргашга нима учун керак бўлиб қолди? Ҳа, ғаламислар уни кўролмаётган, адашиб сафига қўшилганлар Шарифга эрга-

шишини истамаётган. Шунинг учун ҳам Эргашга унинг боши керак бўлган. Бошни одамларига кўрсатади. «Мендан юз ўгирганни, ташлаб кетганнинг ҳоли шу», дейди. Бир пайтлар ўзим ҳам адашиб, алданиб, унинг этагидан тутдим. Одамларнинг гуноҳи борми, йўқми, суриштирумай калтакладим. Лекин нима топдим? Одамларда ҳам, давлатда ҳам инсоф бор экан. «Сен бир пайтлар бегуноҳ одамларни савалагандинг», деб ҳеч ким юзимга солмади, жабрланганлар шикоят қилиб, мелисага ҳам боришимади. Кечиришди. Юртимга, ҳалқимга қандай нафим тегди? Мен бугун уларга нима қилиб бермоқдаман?! Эргаш унутмабди, яна ўзининг ифлос ишларида фойдаланмоқчи, ўз хатосини тушуниб, юрт ва элига жонини фидо қилаётган бир ватанпарвар йигитни менинг қўлим билан бўғизламоқчими? Унинг калласини ўз йигитларига кўрсатиб, «кўриб қўйинглар, мен нималарга қодирман, юртдаги одамларим истаган топшириғимни бажаришади», деб ўзини кўрсатмоқчими?»

Ҳамдам калла аҳдидан қайтди. «Агар одамнинг қонини тўкиб, Ватанга хиёнат қилиб, жаннатга кирадиган бўлсан, ўша жаннатдан юз ўгирдим. Охиратгача дўзах ўтида ёнганим афзал! Мен сенек ватанфурушларни эмас, юрти ва элининг эртанги порлоқ кунини ўйлаб, шу чўлда меҳнат қилаётган йигитнинг этагини тутаман. Сен қашқирлар қанчадан-қанча одамларни йўлдан оздирдинг, киндик қони томган юрти ва элига душман қилиб қўйдинг! Аслида сенларнинг бошингни узишум керак! Худо ажалга омонлик берса, Қамбарнинг ҳам, Эргашнинг ҳам калласини оламан! Энди сенларнинг кунинг битди. Бу азиз ва мукаррам Ватан тупроғига ҳаром оёғингни бостиурсам, Аллоҳнинг ғазабига

дучор бўлай!».

Ҳамдам калла сўнгти сўзларини овоз чиқариб айтиб юборганини ўзи кеч билди.

Шариф кўзини очиб, тепасида турган меҳмонни кўрди. Унинг ёноқларидан оқаётган ёшлар эндиғина уйфонаётган қуёшнинг шуъласида шабнамдай ялтиради.

- Мени кечир, ўғлим! - Ҳамдам калла шундай деди-ю йиғлаб юборди.

\*\*\*

Эргаш Исмоилнинг тўйига совға жўнатишни унумаганди. У ҳақда ўйлаганида худди итна устида ўтиргандай бўларди. Тожикистонда юрганида, Исмоил тўғрисида газеталарда босилган мақолаларни ўқиб борди. Бир неча бор телевизорда кўрди. «Начот, шу Исмоил бўлса», деб хаёли ҳар томонга кетди. Камбағалгина йигит эди. Мустақилликдан сўнг тадбиркорлик билан шуғулланди. Укалари билан тунукасозлик цехини очди. Икромбой пақир, тоғора ва бошқа рўзғорбоп буюмлар ишлаб чиқариб, қишлоқда обрў қозониб, эл ҳурматини қозонди. Исмоилнинг ўзи қўшни тумандаги тўхтаб қолган нон ва макарон цехини ишга туширди. Элликка яқин қиз-йигитларни иш билан таъминлади. Ҳоким Исмоилга имкониятлар яратиб берди. Буларни кўриб, эшишиб, Эргашнинг пайтавасига қурт тушди. Учар йигитларини жўнатди.

- Ойига беш юз доллардан узатиб турасиз, бу хўжайнинг буйруги! - дейишиди улар.

- Мени кўчада қолган пулим йўқ, ҳар бир тийинни пешона тери билан топяпман! - деб очиқ айтди.

- Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир, деганлар. Бу

сўзларингиз Эргашбойнинг қулогига етиб борса, нима бўлишини биласизми?

- Хўш, нима бўлади?
- Нима бўлади деганингиз нимаси? Бир кечада жонингизни суғуриб олади!
- Азроилмиди, жонимни суғириб олса?
- Азроил эмас-у, аммо Азроилдан шафқатсиз! Сизга ўхшаган оғзи полвонларнинг кўпини белини букиб қўйган!
- Мен фақат Худодан қўрқаман. Бориб Исмоил бизга берадиган пулини хайрли ишларга сарф қиласкан, деб айтинглар!
- Шундайми?
- Шундай!

Тўдабошининг одамлари унга ўқрайиб қарашди-да:  
- Кейин пушаймон емасангиз бўлди, - деб чиқиб кетишиди.

Исмоилнинг бу гапини ўша пайтнинг ўзидаёқ Эргашнинг қулогига етказиши. Тўдабоши тиф еган одамдай ингради. Алам ўтида юраги ёнди. Ўч олишни дилига тугди. Изига кўп тусиди-ю аммо мавридини тополмади.

«Аждар фор»да Қамбардан Исмоилнинг катта мулкдор бўлганини эшлитиб, юрагида ёнаётган алам чўғига яна мой сепилди. Одамлари тўй бошлаганини хабар қилишганида, ўша аланга баттар туриллади. Ўйламай-нетмай уларга топшириқ берди.

- Эшлишимча шу ойнинг ўртасида тўй қиласмиш. Тезда етиб боринглар. Менинг номимдан гулдаста совға қилинглар!

Ўша кунлари Исмоил ўғли Анваржонни уйлантириш тараддуудида елиб-югуарди. Яқин-йироқдаги таниш-билишларига таклифномалар жўнатиб юрганди. Тўй куни кўча бошида милиционерлар пай-

до бўлиб қолди. Нотаниш эди улар.

- Ҳужжатингизни кўрсатсангиз? - илтимос қилди милиционерлардан бири ўзини танишириб.

- Мен шу маҳаллада яшайман, - Исмоил аччиқланди. - Қишлоқда мени ҳамма танийди!

- Айбга буюрмайсиз, ака, хизматчилик! - деди милиционер.

Исмоил асабийлашиб, уйига кириб келди.

- Тинчликми, кўча бошида милиционерлар турибди? Бирорта одамнинг уйини ўғри урдими? Ўтгандан ҳам, кетгандан ҳам хужжат сўрашяпти, - деди аёлига.

- Нимасини айтасиз, уйга ҳам келишди, - Зулфия норози бўлиб деди. - Ҳаммамизнинг паспортимизни кўриб, бегона одам яшамайдими, деб сўрашди.

- Булар маҳалла-кўйга ишонишмаяптими?! - тўнфиллади Исмоил. - Ҳозиртacha қишлоғимиздан бирорта ўғри, безори чиққанини билмайман.

Эртаси куни ҳам милиционерлар кўчада айланиб юришли. Тўй кунлари уларни атрофда юришганидан Исмоил баттар аччиқланди. Қўни-қўшнилар ҳам норозидек эди.

- Худога шукр, шу пайтгача маҳалламиздан бирорта безори, ўғри чиқмаган. Мелисалар нимага бу ерда пайдо бўлиб қолишли, ҳайронман, - деди қўшнилардан бири.

- Нимасини айтасиз, Эгамберди, иккита мелиса уйимизга кириб, оғилимизни кўриб, бегона одам яшамайдими, деб сўрабди.

- Эсимни танибманки, бирор мендан бошпитингни кўрсат демаган! Уйимизга киришганда хужжатимни тополмай, хўп қийналдим.

- Тўйга узоқ-яқиндан меҳмонларни таклиф қилганман. Уларни кўча бошида тўсиб, паспорting

қани, деб сўрашса, юрт «Исмоил кўчасининг бошига мелиса кўйиб, тўйга келган меҳмонларнинг ҳужжатини текшириб киритяпти», дейишмайдими? - деди қарияларнинг сұхбатини тинглаб.

Тўй куни Исмоил чидамай милиционерларнинг олдига борди:

- Бугун тўй, узоқ-яқиндан меҳмонларни айтганинан, улар олдида мени хижолатга қўяяпсизлар?
- Дикқат бўлманг, ака, юқоридан буйруқ бўлган, тадбир ўтказилмоқда, - деди милиционерлардан бири.
- Тадбирни бошқа кунга қолдирса бўлмайдими?
- Буни бошлиқлар ҳал қиласди, биз буйруқ бажа-рувчимиз!
- Менга ўша бошлиқларингни кўрсатинглар!
- У кишининг ўзлари келиб қолсалар керак!.

Базм бошланди. Тўйхонага одам сиғмасди. Таниқли хонанда ўртада кўшиқ айтарди. Ёш-яланглар рақс тушарди. Одамнинг қучоги етмайдиган гулдаста кўтариб кирган икки одамга ҳеч ким аҳамият бермади. Уни саҳнанинг ўртасига кўйиб кетишди. Гулдаста чиройли, нозик дид билан безатилганди. Қараб одамнинг кўзи қувонади. Беш дақиқа ўтиб, яна икки нотаниш киши гулдаста кўтариб кирди. Улар бояги гулдастани идиши билан кўтариб чиқиб кетишди. Бунга ҳам ҳеч ким эътибор бермади. Тўй охирлаб қолганида милиционерлардан бири Исмоилни кўпини ҳовлига таклиф қилди. Ичкарида тўрт-бешта оддий кийимдаги одамлар ўтиришарди.

- Аввало сизни безовта қилганимиз учун узр, ака,
- деди уларнинг бошлиги. - Эргашбой тўйингизга «совға» жўнатмоқчи бўлганлиги тўғрисида маълумот олгандик.

- Қайси Эргашбой?
- Эски танишингиз - Одилов!
- Мен унинг совғасига муҳтоҷ эмасман!
- Биламиз, аммо ўша «совға»ни сиздан беруҳсат биз тўйхонадан олиб чиқиб кетдик.
- Гапингизга тушунмадим!
- Буни идорага борганингизда тушунасиз.

Исмоилни милиция бўлимига олиб кетишиди. Бошлиқнинг хонасида қўлига кишан солинган иккита бегона одам ўтиради.

- Тўйингизга «совға»ни шулар олиб келишган. Буларни танийсизми? - деди бошлиқ.
- Биринчи кўришим. Эргашнинг мендан қарзи йўқ эди. Қанақа совға олиб келдиларинг? - қизиқди Исмоил.

Бошлиқ устига мато ташланган бомбани кўрсатди.

- Булар тўй авжига чиққанда қўлбола бомбани ишга солмоқчи бўлишган. Агар у портлаганида тўйхонангизда бирорта тирик жон қолмасди. Нафакат сизнинг, қўни-қўшниларнинг уйи ҳам теп-текис майдон бўларди.

Исмоил олов ичидаги қолгандай вужуди қизиб кетди. Стол устидаги турган кулдонни қандай қўлига олганини ва нотаниш одамларга улоқтирганини сезмади. Кулдон деворга тегди. Милиция бошлиғи уни ушлаб қолди.

- Ўзингизни босинг, aka! Конун уларнинг жазосини беради, - деди.

Исмоил уйга қайтиб, Зулфияга шу сўзларни айтди:

- Эртага эллик кишилик дастурхон тайёрла!
- Тинчликми? Яна меҳмонингиз борми?
- Тўйни қайтадан ўтказмоқчиман. Туман мелиса-

ларининг ҳаммасини зиёфатга таклиф қилишни унуган эканман!

- Тушунтириброқ гапиринг, ахир кеча ҳамма мелисалардан хафа бўлиб юргандингиз!

Исмоил аёлига Эргашнинг одамлари бомба қўйишмоқчи бўлишганини, мелисалар уларни ушлаб олишганини гапириб берди.

- Ҳужжат сўрашганидан хафа бўлибмиз-а? Яхши ям уларнинг бори. Бўлмаса, бу оғзингдан қонинг келгурлар бутун маҳаллани дўзахга айлантиришаркан! Дадаси, бирорта мелиса қолмасин, ҳаммасини таклиф қилинг, уйимизнинг тўри шуларники! Анови Аҳмаджонни ҳам айтишни унумтранг. Бечора қишлоғимизнинг тинчлиги, осойишталигини таъминлаб, туну кун ухламай чиқади.

- Мен Наби қассобнинг олдига кетяпман, қора кўчкорни сўйдираман, мелисалар билан бир отамлашаман-да, хотин!

### САМАНГАН

Чўтири Червон хоним ётган чодир атрофидаги айланниб юради. Эргаш чиқиб кетгач, ичкарига кирди. Хоним кўзларини юмиб, зўрға нафас олиб ётарди.

- Опажон, - қўрқа-писа деди Чўтири. - Опажон, мен келдим...

Мадорсиз кўл-оёқларини чўзиб ётган аёл кўзларини очди. Лекин, унга мурожаат қилаётган кимсани кўрмади. Кўзлари дарчадан кириб турган қуёш нуридан қамашганди. Овозидан таниди.

- Азизим, бу сизми?
- Ҳа, менман, опажон!
- Қачон қайтдингиз?
- Яқинда, сизга нима бўлди?

- Сўраманг, азизим! Дардим айтсам, тошлар ёнади!

Хоним бошини кўтарди. Кўзларини ёруғликдан олиб қочди. Ёнида турган Чўтири кўриб, кўрқиб кетди.

- Вой, ўлмасам! Не бўлди сизга, азизим, ким сизни бундай аҳволга солди?

Чўтирининг хўрлиги тутди, йиғлаб юборди.

- Мени Худо урди, опажон! Бу кунимдан ўлганим яхши эди!

Хоним мадорсиз қўлларини чўзиб, йигитнинг юзини силади.

- Йиғламанг, азизим! Жонингизнинг омон қолганига шукр қилинг! Сизни беайб шу аҳволга солгандарга Аллоҳнинг жазоси бордир. Бу дунёда бирор ёмонлик жазосиз қолмайди!

- Уларни қарғаманг, опажон. Улар ўрнида мен бўлганимда ҳам шундай қилган бўлардим. Ёмонлик жазосиз қолмайди, деган гапингиз ҳақ экан. Ёмонлигимга яраша жазойимни олдим.

Чўтири бошига тушган мусибатлар тўғрисида Червон хонимга ҳикоя қилиб берди. Аёл унинг сўзларини жимгина тинглади. Лекин йигитнинг юрагига таскин-тасалли берадиган сўз тополмади.

- Мен амиримиздан уйга жавоб беришларини сўрадим, - деди ниҳоят ўртага чўккан жимжитликни бузиб.

- Рози бўлдиларми? - қувониб кетган Чўтири аёлнинг олдига янада яқинроқ келди.

- Кетсан, сизни ҳам олиб кетаман!

Чўтири хўрсинди.

- Мен юрга қайтолмайманда, опажон, - деди юраги туз сепгандай ачишиб.

- Нечук бундай сўзлайсиз?

- Юзим қаро!

- Менинг ҳам юзим шувут!
- Гуноҳларим тоғдан оғир! Гўдакнинг қорнига пичоқ санчганман! Мелисанинг бопини узиб, халтага солиб, бошқа мелисанинг дарвозасига илиб кетганман...
- Иккимиз Аллоҳдан кечирим сўраймиз!
- Тавба билан гуноҳни ювиб бўлармикин, опажон?
- Элдан кечирим сўраймиз?
- Сизни-ку, афв этишар, бироқ мени тилсиз гиёҳлар ҳам кечирмайди.
- Дунёда кечирилмайдиган айб йўқ, иним!
- Бобом раҳматликдан эшигандим, Ватанга қилинган хиёнатни Аллоҳнинг ўзи ҳам афв этмасмиш!
- Яхши ният қилинг, азизим, ҳали ёшсиз, адашгансиз! Ўзингиз каби йўлдан озган дўстларингизга юртга қайтиш кераклигини, Ватанга қилинган хиёнатни Аллоҳ ҳам кечирмаслигини тарғиб қилинг! Уларни қайтишга, элу юртдан кечирим сўрашга даъват этинг! Қўлларидағи қуролни ташлашса, чин юракдан тавба қилишса, албатта, ҳукуматимиз уларни кечиради...
- О, опажоним, панду-насиҳат, маслаҳатга муҳтоҷ бўлмаган бу одамлар орасида яхшиликни, эзгуликни тарғиб қилиб бўлармиди? Бойлик, ҳокимиятни эгаллаш мақсадида юрган ватангадолар менинг ваъзимга зормидилар? Тақдирларини нурли томонинг буриш, юракларида Ватанга меҳр-муҳаббат уйғотиш иштиёқида ёнганинг билан уларнинг неча пуллик ишлари бор? Ёмонлик яхшиликдан устун бўлолмаслигини уларга тушунириб бўлармиди?!
- Унда иккимиз тушунирамиз! Биз юртга қайтатётганимизни ҳаммага айтамиз! Оптимиздан уларни ҳам эргаштирамиз. Барчамиз шундай қарорга кел-

сак, Эргашбойнинг қўлидан ҳеч иш келмайди. Зора у ҳам бизга қўшилса!

- Ватанга қайтиб борганим билан одамларнинг юзига қандай қарайман? Қайси тил билан улардан кечирим сўрайман? Менинг қулоқларимни кесгунча, тилимни сууриб, кўзларимни ўйиб олишганида, минг бор рози эдим, опажон! Мен тугадим, адо бўлдим, бу дунёда яшашнинг маъниси қолмади. Юртдан ҳайдалдим, элдан ажралдим, эркаклигимдан жудо бўлдим. Хоин бўлиб, қулоқларим кесилди. Биттагина дард-аламларга тўлган хаста юрагим қолди. Ватанга қайтсангиз, мендек юртфуруш укангизни ёдга олиб, бир ҳовуч тупроқни кўзларингизга суртиб қўйинг! Қани эди, бир бор юртнинг ҳидини исказб ўлсам. Қани эди, азиз тупроғига бошимни қўйиб жон берсам! Дунёдан армонсиз кетган бўлардим... Кечириб бўлмас хатога йўл қўйганимни, янглишганимни энди англадим. Бу ўйинда Эргашбой ютди. Унинг қора иши тантана қилди.

- Йўқ... йўқ... у ҳали тантана қилмади! Биз ўзимизни оқлашимиз керак, иним! Вақт бор, имконият бор!

- Йўл кўрсатинг? - Чўтири хонимнинг қонсиз юзига ёшга тўлган кўзларини тикиди.

- Қасос! - қатъий ва чин юраклан отилиб чиққан бу сўз хонимнинг қуруқшаб қолган лабларини зўрға ёриб чиқди.

Чўтири қўлларини мушт қилиб, кўкрагига урди, билакларини тишлаб ташлади, юзларини тирнади. Охири чидамай фарёд кўтарди, унинг фифони кўкдан ошди. Кўзларидан аламли ёшлар қонли жала бўлиб оқди.

- Онажоним, меҳрибоним, бошимга тушган бу аччиқ савдолардан хабардормисиз? Ў, юртни ҳимоя

қиладиган ўғил топдим, деб қувониб, элга ош берган отажоним! Сизларнинг юзларингизни қаро қилдим! Маҳалла-кўй олдида бошларингизни эгдим! Одамлар сафидан чиқариб кўйдим. Эй, Парвардигор, мени қийнамай жонимни олсанг, мингдан - минг розиман!

Бу пайтда Эргаш ўзининг тошли уйчасида Сора билан суҳбатлашарди. Қиз Воҳид қўрқитиб, қийнаб, номусига текканидан сўнг, жар ёқасига келтириб, тепиб, пастга тушириб юборганини, баҳтли тасодиф туфайли кўйлаги дараҳт шохига илиниб, осилиб қолганини сўзлаб берди.

- Менда гуноҳ йўқ, мен сизники эдим. Воҳид «бўриларга едираман, мана шу тоғлар орасида бир ўзингни ташлаб кетаман», деб қўрқитди. Бошимга мушт тушириб, хушимдан айирди. Ҳузурингизга бокира бўлиб келолмаганимни дараҳт шохидаги осилиб ётганимда билдим.

- Ишонган одамимнинг хиёнат қилганига қандай чидайман? - ўкириб юборди тўдабоши. У яқин орада бу қадар қутурмаганди. Ўзига инъом этилган қизнинг номусига тажовуз қилганлиги учун Воҳидни осиб ўлдириш фикридан қайтди. У соқчиларига ҳамма йигитларни тўплашни буюрди ва ўзи бироз ўтиб, ташқарига чиқди. Унинг ишораси билан Воҳидни тошли уйча олдига олиб келишди. Тутқун Эргашнинг оёғига йиқилди. Тик туришга ҳоли қолмаганди. Тўдабошининг югардакларидан иккитаси келиб, Воҳиднинг қўлтиғидан олиб, ўрнидан турғазиши ва бошини қайериб, юзини тўдабошига қаратишиди. Эргаш унинг юзига тупурди.

- Итдан тарқаган ҳароми, тузимни ичиб, тузлиғимга тупурибсан-да!

- Амирим, мени афв этинг, шайтон йўлдан оздир-

ди. Нима қилганимни ўзим ҳам билмай қолдим! Гуноҳимни юваман! - зўрға тилга кирди Воҳид.

- Гуноҳингни ҳеч нарса билан юволмайсан, ит! Менга қилган хиёнатинг бир умрга мана бу юрагимда тошдек қотиб қолади! - тўдабоши алам билан кафтини кўкрагига уриб бақирди. - Сени шундай азоблайки, эркак бўлиб дунёга келганингга пушаймон бўласан! Билиб қўй, ўлигингни ҳам тинч қўймайман! Каллангни уздириб, қозонда қовуриб, ми янгнинг чаноғида шароб ичмасам, Эргаш отимни бошқа қўяман!

Эргаш ўт чақнаган кўзларини йигитларига қадаб, шундай амр қилди:

- Бу ифлос билан кўнгилларинг тусаган ишни қилинглар! Аяманглар! Раҳм-шафқат қилманглар! Улими олдидан терисини шилинглар, бошини узинглар, қозонда қайнатинглар! Бош суягини менга олиб киринглар!

Бемазаликка кўнгли мойил йигитлар қичқириб юборишиди. Наша чекиб, маст бўлган беш-олти баччавоз югуриб келди-да, Воҳидни кўтариб, жарлик томон олиб кетишиди.

Аламзада Эргаш уйчасига киришга улгурмаганди, ортидан айгоқчиларидан бири кирди.

- Нима гап?
- Икки оғиз муҳим гап бор, амирим...
- Гапир!
- Четга чиқайлик.

Эргаш айгоқчининг ортидан эргашиб, уйча ортига ўтди.

- Чўтири билан Червон хонимнинг суҳбатини эшитдим.

- Нима ҳақда гаплашиши? - Эргашнинг қулоғи динг бўлди.

Айғоқчи улар ўртасида бўлиб ўтган гаплардан тўдабошини огоҳ қилди.

- Иккиси бир бўлиб одамларни сизга қарши исён кўтаришга, юрга қайтишга даъват этишмоқчи...

Тўдабошининг соchlари тикка бўлди.

- Қанжиқ, одамларимни йўлдан урмоқчи бўлибдими? - Эргашнинг қўллари мушт бўлиб тугилди.

- Шундай, амирим...

- Жалол! - қичқирди амир.

Бадбашара, узун бўйли Жалол худди ер остидан чиққандай тўдабошининг ёнида пайдо бўлди.

- Буюринг, амирим? - деди қўлларини қўксига босиб.

- Чўтири Ватанни соғинибди, анови қанжиқ одамларимизни бизга қарши исён кўтаришга даъват этмоқчи бўлибди. Чўтирининг миясидан Ватан деган тушунчани чиқармагунча дарра билан савала! Этини нимта-нимта қилиб, бўлакларга ажратиб ташла!

- Бир оғиз сўзингиз, амирим! Агар изн берсангиз, тилини кесиб ташлайман.

Эргаш Жалолга ўгирилди.

- Тилини кесиб олсанг, у қандай кечирим сўрайди, тўнка?

Жалол хохолаб кулди ва қўлини қўксига қўйганча, тўдабошидан узоклашди. Эргаш хуфяга буюрди.

- Қанжиққа кўз-кулоқ бўлиб тур. Олдига кимлар кириб-чиқаётганини аниқла! Қочса, орқангга қозиктиқаман!

Жалол тўдабошининг амрини бажариш учун ўша заҳотиёқ икки йигитга Чўтири тутиб келишни буюрди. Бу пайтда у хонимнинг олдидан чиқиб келаётганди. Жангарилар унга яқин келдилар-да, бирдан ташланиб, қўлларини қайириб, арқон билан боғлаб, бири бошига мушт уриб, иккинчиси орқа-

сига тепиб, Жалолнинг олдига судраб келишиди. Чўтири телбалардек тинмай типирчилар, ўзини дуч келган томонга ташлар, оёқлари билан шерикларини тепарди. Уни Жалолнинг олдига олиб келишиди ва елкасидан босиб, тиз чўктиришиди. Жалол оёқларини кериб, тутқунга меровланиб боқди. У ёрдамчиларига амр қилди.

- Кўлини маҳкам боягладиларингми? Ечилиб кетса, шайтонлаган буқадай ҳамма ёқнинг расвосини чиқариб ташлайди. Ҳой, Тоштемир, қайдасан, падарингга лъяннат, тезда чодирдан чилвири олиб чиқ, бу арқон чириб қолган, узилиб кетади. Ҳошим, қон қусгур, сен тепага чиқ, оёғи ердан узилгунча кўтариб турасан. Шермат, нега оғзингни очиб турибсан, ушламайсанми, бадбаҳт?

Азалдан буйруқ беришни ёқтирадиган Жалолнинг куни туққанди. Ураган одамга оғзидан тупук сачратиб, топшириқ берарди.

Зерикиб қолган йигитлар Чўтири қандай қийнашларини томоша қилиш мақсадида атрофни ўраб олишиди. Кийимлари йиртилиб, юzlари қонга беланган Чўтири қўллари билан ниқтаб, қотибқотиб кулишарди.

- Афтини қаранглар! Қулоғи кесилган одам бошқача кўринарканми?

Чўтири охир-оқибат ҳолдан кетди. Қулоқларидаги яра шилиниб, қора пўрсилдоқлар кўчиб, қип-қизил эти кўриниб қолганди. Сизиб чиқаётган қизил қон юзига оқиб тушарди. Кўпчилик уни нимага ва қандай гуноҳи учун қийнашаётганидан бехабар эди. Айримлар «бизнинг сиримизни фош қилганлиги учун хўжайин жазолаётган», деб ўйлашарди. Жалол боши кўксига осилиб тушган, юzlари қонга беланган Чўтирининг қошига қайтди.

- Сен ҳароми, ҳали юртга қайтмоқчи, йигитларимизни бизларга қарши қўзголон кўтаришга даъват этмоқчи бўлдингми? Қишлоғингни согиниб қолдингми? Бизни ташлаб, бир ўзинг қочмоқчимисан? Сени қулоғингни адашиб кесишган экан! Аслида юрагингни сууриб олиш керак эди!!

Жалол қўлидаги резина таёқ билан ёғочга осилган, оёқлари ерга тегиб-тегмай турган Чўтирнинг танасига ура бошлади.

- Тавба қил! Бугундан бошлаб юртимни эсламайман де, уни юрагимдан сууриб ташладим, унудим де! Мана шу ер мен учун Ватан, де! Юртимни яна тилга олсан, забонимни кесиб ташласанглар, розиман де! Гапир, итдан тарқаган! Нега соқовдек жим турибсан? Оғзингга тош солғанмисан? Тилингни тишлаб олдингми?! Ёки бирортасидан қўрқяпсанми, қанжиқ?!

Жалол ҳар савонни айтганда бандига аёвсиз таёқ уради. Шу қадар қаттиқ савалардики, гўёки тошни ураётгандек эди. Кўллари оғриб кетди, кейин оёги билан тепди. Бироқ Чўтирдан садо чиқмади. «Илгари айтсан ҳам энди айтмайман. Сенларнинг кимлигингни билдим. Ватандан тонсан, нимам қолади?!» дея дилидан ўтказарди.

Унинг сукут сақлаши Жалолнинг қаҳр-ғазабини баттар оширди. Қўлидаги резина таёқча эрк берди. Тутқуннинг бадани ёрилиб, қонга беланди. Атрофни ўраб олган жангарилар ҳамон қотиб-қотиб кулишарди.

- Жонинг темирданми, тавба қилсанг-чи, аҳмоқ?!
  - Бунақада ўлиб қоласан-ку, тентак!
  - Тилинг узилганми, унудим де!
  - Мана шу ер менга юрт, дея қол!
  - Амиримизга сифин, у кишини Ватан деб бил!
- Уларнинг бақириб-чақириб айтган сўzlари Чў-

тирнинг қонга ботган қулоқларига кирмасди. У фақат яратгандан мадал сўрарди: «Менга куч ато этгин, оғзи қон, нияти бузук юртфурушларнинг қўлида ўлиб кетишдан ўзинг асрарин, бегона жойда жасадим қолиб кетмасин! Хиёнатимни кечиргин, Аллоҳим!»

Қора терга ботган, оғзидан кўпик келган Жалол эллик даррани уриб бўлди. Бироқ Чўтирдан нидо чиқмади. Кўпчилик уни «хушдан айрилган, шу сабабли галиролмаяпти», деб ўйларди. Жалол ёрдамчисининг қулоғига нимадир деди. У ханжарини қинидан суғурди. Тўпланганлар бир-бирларига қарашди. Энди уни сўйиб ташлашади, деб ўйлашди. Ёрдамчи Чўтирнинг ёнига келди. Қонга беланган юзларига, ёшлар оқиб тушаётган кўзларига боқди. Банди шу тошлар орасида, шу бегона юрт тупроғида, шу ватангадолар ичидаги ҳаёт шами сўнишига амин бўлди. Жаллод қошида ўлимдан қўрқаётганини, қалтираётган оёқларидаги титроқни сездирмаслик мақсадида қаддини гоз тутишга уринди. Иккиси кўзларини бир-бирига тикканча туриб қолишиди. Жангарилар нафасларини иchlарига ютиб, шериклари шўрлик сўроқ қилингувчининг қаерига пичоқ уришини кутишарди. Ёрдамчи ханжарини кўтарганида айримлар юзларини терс буриб олишди. Бироқ у Чўтирнинг бўғзига санчилмади, арқони кесди. Шунда банди гурсиллаб ерга йиқилди.

Жалол Эргашнинг хузурига кирди.

- Айтилган даррани урдим, амирим, - деди ҳар доимгидек қўлини кўксига босиб.
- Хўш, тавба қилдими, кечирим сўрадими?
- Индамади, баттол...
- Индамади? - Эргаш игна устида ўтиргандай сапчиб ўрнидан турди. - Нега индамайди?!

- Жони темирдан қаттиқ экан, амирим!
- Сен ҳароми, гапиртиришни билмагансан ёки дарра уришни эплолмагансан!
- Баданини моматалоқ қилиб ташладим, амирим, териси шилиниб, гүшти чиқиб кетди. Ўрнида бошқа одам бўлганида ўлиб қоларди.
- Бор, ит!! Ўша яраларга туз сеп, ишқала, мушукдай мижиғла! Жони қийналсан, азоблансан, дод солсан! Овозини эшишиб, манови ўт бўлиб ёнаётган юрагим таскин олсан, хуморим босилсан! - қўлларини мушт қилиб бақирди тўдабоши.
- Бош устига, амирим, - кўрқа-писа зўрға тили калимага келган Жалол хонадан чиқиб кетди.

Йиқилган жойида тўнтарилиб ётган Чўтирганинг бадани ҳақиқатан ҳам ёрилиб, моматалоқ бўлиб қонга беланганди. Ҳеч нарсани ҳис этмасди. Вуҷудига азоб бераётган оғриқдан эшитилар-эшитилмас инграпарди. Бақириб-чақираётган жангариларнинг уни ўчганди. Бу орада Тоштемир Чўтирганинг қулоғига шивирлади:

- Бир оғиз гапни айта қол. Юртимдан воз кечдим, мен учун амиримиз Ватан, дея қол. Бунақада сени ўлдириб қўйишади...

Чўтирик юзларини зўрға очди. Қонга бўялган оғзи ни очиб, бир оғиз сўз айтишга аранг куч топди:

- Кечир мени, Ватан...
  - Шермат, - қичқирди Жалол нарироқда турган ёрдамчисига. - Қайда юрибсан хунаса, ёнимга ке!
- Шермат югуриб келди.
- Нима дейсан?
  - Физиллаб ошпаздан бир ликоп туз опке!
- Шермат у айтган нарсани келтирди.
- Манови итваччанинг юзини ерга қаратиб ётқиз!
  - Томошаталаб жангариларнинг айримлари қай-

тишди. Улар Жалол яна қандай жазони ўйлаб топдийкин, деб ўйлашди.

- Баракалла, - деди Жалол тутқунни ётқизган Шерматга. - Энди кийимини еч!

Шермат Чўтирия яланғочлади.

- Энди тузни бу баттолнинг ёрилган жойларига сепиб ишқала!

Буйруқ бажаравериб, бунақа ишларга кўнишиб қолган Шермат ҳовучини тузга тўлдирди-да, Чўтирининг қон оқаётган баданига сепиб, ишқалашга тушди. У бироз ўзига келганди. Ёрилган жойларига туз кириб, шу қадар ачиштирди-ки, чидаёлмай ётган жойида сапчили. Жангарилар унинг типирчилашини кўриб, кулишди. Тоштемир Йиглаб юборди.

- Ҳа, қалайсан, жонинг ширин эканми? Мана шунақа, биз одамнинг жони қаердалигини, гапиртириш усулларини яхши биламиш! Ҳеч ким хаёлига келтирмаган жазоларни ўйлаб топамиш. Боя тилинг айланмаганди. Энди эсинг киргандир, а? Қани, бўла қол! Ҳамманинг олдида амиримиздан кечирим сўра!

Чўтири бошини чайқади. Жалол унинг нима демокчи бўлганини тушунди. Чўтирининг юзига мушт туширди.

- Ҳе онангни!.. Барибир сен хунасани ё сайратаман ёки ўлдираман!

Тоштемирнинг сабри чидамади:

- Бир оғиз сўзни айтсанг ўлиб қоласанми!

- Гапир! - яна бир жангариининг овози эшишилди.

- Юртимдан тондим, у менга бегона, шу ер Ватаним де! Амиримизнинг раҳм-шафқат қилишларини илтимос қил!

Аlam ва ғазаб йўғрилиб айтилаётган бу сўзлар

Чўтирнинг қулоғига гўё олислардан келаштандек эшитиларди. Тилга келиб, бир оғиз сўз айтишга қурби етарди. Аммо индамасликка аҳд қилди. Яраларига сепилган туз жонига шу даражада азоб берарди-ки, додлаб юборишдан ўзини зўрга босарди. Жалолнинг қаҳр-ғазаби ошганди. Иигирмадан ортиқ шерикларининг олдидаги аллақачонлар одам сафидан чиқариб ташланган бир кимсанни гапиртиrolmasa, тавба қилдиролмаса, нима деган одам бўлади? Булар унинг устидан калака қилиб кулишмайдими? Эргаш-чи? У қўлидан иш келмайдиганларни азалдан ёқтирамайди. «Бир одамни гапиртиrolmading», деб ўзидан четлатиб, эгаллаб турган мансабидан ҳайдаб юбориши тайин! Амал ва мансабсиз ким бўлибди у? Гапи кимга ўтарди? Ким ҳурмат қиласарди? Жангарилар олдидаги сариқ чақачалик қадр-қиммати қолмайди! Амалдан айрилиш хаёлига келганида у жазавага тушиб, қутурган буқадай бўкириб, қонига халқоб бўлиб ётган Чўтирнинг тепасида яна пайдо бўлди. Эркини қўлидаги резина таёққа берди. Боши узра доира ясаб, чийиллаган овоз чиқарган таёқ Чўтирнинг баланига тарсиллаб урилди. Ўрнида қонталаш излар пайдо бўлди. Шу заҳотиёқ қон сизиб чиқди. Жалол алам ва ғазаб билан уни саваларди. Душманини аяб ўтирасди. Нима қилиб бўлса-да, гапиртиришни, ҳамманинг олдидаги ҳамма эшигадиган овозда «тавба қилдим, мени кечиринглар, Ватан номини тилга олсан ўлимимга розиман», деган сўзни айтишини кутарди. Бироқ у ҳамон лом-мим демасди. Жалолнинг қўллари толиқди, қонли таёқни улоқтириб, инграб ётган Чўтирнинг тепасига келди. Кўкраги худди темирчининг босқонидек кўтарилиб тушар, ҳаво етишмаётгандек ҳирс-ҳирс нафас оларди. Қавариб,

ачишиб кетган құллари билан бандининг титилиб, қонга бүялған сочидан чангаллаб, юзини үзига қаратди.

Уни эс-хүш тарк этмаганди. Қаҳр-ғазаб учқунлары ялтираб, косасидан ирғиб чиққудек катта-катта бўлиб кетган кўзлар билан зулм, зўрлик, калтаклар азобидан ёшга тўлган кўзлар учрашди.

- Гапирасанми, йўқми, итдан тарқаган?! Юртими ни тилга олсан, Аллоҳнинг ғазабига учрай де, хунаса! Бўла қол!! Ҳе, онангни... нега кўзларингни бақрайтириб турибсан! Еган калтакларинг камми?! Ё яна дўпласлайми?! Билиб қўй, агар сени гапиртиrolmasam, тавба қилдирmasam, юртдан тондирмасам, энам хотиним бўлсин!!

Чўтири ёрилиб, қонга ботган бошини зўрға кўтарди. Атрофини ўраб олган, аллақачон ўлди, деб ўйлашган жангариларга шишиб кетган қовоқлари остидаги ёшли кўзларини тикди. Шунда ҳамманинг нафаси ичига тушди. У вужудидаги кучни жамлаб, суяклари зирқираб оғриётган кўлларига тиралиб, ўрнидан турмоқчи бўлди. Аммо ҳолсиз кўллар унинг гавдасини кўтаролмади, йиқилди. Яна туришга уринди. Туролмади. Бир амаллаб бошини кўтарди. Атрофдагиларга бирма-бир қаради. Ҳамма унинг ниманидир айтишини кутарди. Нафасларини ичга ютишганди. Жалол кўкрагини бироз кериб, «Кўриб қўйинглар, охири тан олдирдимми, юртдан тонишга мажбур қилдимми», дегандек, шерикларига мағрур боқди. Ҳамманинг қойил қолдиришни истаётгани ялтираб турган кўзларидан билиниб турарди. Шунда... шунда ҳеч ким кутмаган ва ўйламаган ҳодиса содир бўлди. Чўтири юзини юрт томонга бурди. Оғзини очди, тилини чиқарди. Шунда Жалол сўзини эшишиб қолай, деган умидда вужудини

кулоққа айлантириди. Нафасини ютиб, айтилиши лозим бўлган гапни кутди. Чўтири тилини ўткир тишлари орасига олиб, худди этни чайнагандай ғажиб ташлади. Лахта-лахта қон билан бир парча этни Жалолнинг юзига қарата туптурди. Жангарилар ҳайкалдай қотиб қолишиди. Ҳозиргина табассумдан ёришган юзлар даҳшатли қиёфа касб этганди. Жангарилардан бири бу ҳолатга чидаёлмади. Олдинга отилиб чиқди-да, Жалолнинг ёқасидан олди.

- Котил! Ватанфуруш! Бир одамни юртидан тондириш учун шу қадар азоблайсанми?! Шунчалар қийнайсанми?! Сенлар одам эмас, йиртқичсан! Махлукдан беш баттарсан!! Сенларни инсон туғмаган! Она сут бериб боқмаган! Ҳамманг мана шу ерда киндик қонинг томган қишлоғингни қўмсаб, хорзорликда итдай қийналиб ўласанлар!! Минг лаънат сенларга!!

Жазавага тушиб, овозининг борича қичқириб йиғлаётган йигитнинг фарёди Эргашнинг қулоғига ҳам етиб борди. Бу пайтда у ўз кулбасида ўйга толиб ўтиради. Қулоғига чалинган овоздан чўчиб, ўрнидан туриб, туйнук олдига келди ва ташқарига боқди. Бақираётган йигитни таниди. Икки йил муқаддам уни мардикор бозоридан олиб келишганди. «Ҳамманг хор-зорликда итдай қийналиб ўласанлар», деган сўзи унинг қулоғига момақалдироқнинг гумбурлашидек ваҳимали эшитилди. Вужуди қалтираб кетди. Жаҳл ила кўйнидан револьверни сугурди. Титраётган лабларидан шундай сўзлар учеб чиқди. «Итдан тарқаган, ҳароми! Казисан, қартасан, наслингга тортасан, барибир сен бизга эл бўлмайсан!»

Револьвердан отилган ўқ нишонга бехато текканди. Йигит кўксини чангллаб, бегубор осмонга тикилиб, Чўтирнинг ёнига йиқилди...

\*\*\*

Кексайиб қолган бўрининг юрагига ўзи туғилиб ўсган, ота-онасининг иси тошларда ўрнашиб қолган уясига қайтиш орзуси тинчлик бермасди. Соғинч уни йўлга соларди. Туну кунлар тоғлар этагидаги ўнгирга тортарди. У сўниб бораётган ва ўз интиҳоси сари яқинлашиб қолган умрининг охирги дамларини дунё юзини кўрган, болалиги кечган охир-оқибат одамлар томонидан қувиб ҳайдалган горда ўтказишга қарор қилганди. У мадорсиз оёқларини судраб, ошёни сари лўкиллаб борарди. Юраги кулбасига қайтиш ишқида ёнган бўри тоғларнинг баланд-паст чўққиларидан ошиб, товоналариға чақир тиканаклар ботиб, уйига яқин келиб қолганди. Йўлда бирор хавф-хатарга йўлиқмаганидан мамнун эди. Чўққидан туриб, хаста юрагининг ҳаяжондан дукиллаб уришига қулоқ тутиб, болалиги кечган дала-даштларга ёшли кўзини тикиди. Салқин сабо олислардан унинг димогига таниш исни олиб келиб уради. Қашқир мадорсиз оёқларига ором бериш мақсадида дам олмоқни ихтиёр этди. Қоя устида, сувсизликдан қуриб-қовжираб қолган майсалар усттига туксиз думини тўшаб ўтириди-да, нур кетиб, хира тортган кўзларини пастга қадади. Тун пардаси кўтарилаётган дала, яйлов қучогидаги таниш чодирларда елкасига миљиқ осган кимсаларни кўрди. Уларнинг кетмаганлигидан ҳануз афсусланди. Юрагини аччиқ изтироблар ўртади, кўзларидан оққан соғинч ёшлари чўзинчоқ юзини ювиб тушди. Аламдан не қиласини билмай, совуқ тошларга бағрини бериб, хира тортиб қолган ёшли кўзларини кулбасига тикиб, соғинчдан садпора бўлган юрагини

тиглаб, ўкириб-ўкириб йиглади. «Ў, тоғлар, ў, тошлар, айтинг, одамлар менинг оху-нолаларимни эшитишяптимикин?! Эшитсалар, менинг тилимни тушунсалар, лоақал бир кунга, киндиқ қоним томган ошёнимни кўришга изн берсинлар! Бир кеча оёқ-қўлимини узатиб, отамнинг тошларда қолган исларини исказ, онамнинг бағрида ётгандай юмалаб, болалигимни хотирлаб, ака-сингилларимни ёдлаб, сўниб бораётган ҳаёт шамининг сўнгти онларини ошёнимда ўтказишга изн берсинлар! Ахир, мен отабоболарим каби ўлимим олдидан бу ерга қайтиб келишга, ўз кулбамда жон беришга онт ичганман. Ўзга жойда жасадим қолиб кетмасин!»

Кекса бўри жасади ёт жойларда, кузгун - зогларга ем бўлиб кетишидан қўрқарди. О, бу икки оёқли маҳлуқлар юрагини азоблаётган Ватан соғинчини тушунишармикин, англаб етишармикин? Қани энди улар пажмурда, шўридийда кекса бўрининг қалбидаги истакларини тушуниб етишса? Қани энди уни кўрганда, куролларининг учини ерга қаратиб, бақириб - чақирмай, ўз қўнағасига тушишига, бир кеча инида оёқ-қўлларини узатиб ётишига имкон беришса!

Кулранг бўри ғам ва ташвишлардан оғирлашиб бораётган бошини бир парча совуқ тошга қўйганча кўзларини элас-элас чалинаётган инига тикиб ётар экан, одамларнинг ғала-ғовуридан чўчиб тушди. Бошини кўтариб, қулоқларини чимириб уларга разм солди. Одамлар ярим яланғоч Воҳидни судраб, улоқни тортгандай тортқилаб келишарди. Гоҳ қўллари билан, гоҳ оёқлари билан юмшоқ жойига тепиб, маст одамдай қийқириб қулишарди, бақиришарди. Одамлардан безган она бўри ўрнидан туриб, уларнинг кўзига чалинмаслик учун бу ердан кет-

моқчи бўлди. Бироқ унинг ҳолсизланиб қолган юраги ўзига қадрдан бўлиб қолган бу жойларни тарк этишни сира истамасди. Туғилиб ўсган, қони томган заминга бўлган меҳр-муҳаббат уни ётган жойига михлаб қўйганди. Ҳатто юрагидаги кўркувни кўтарганди. Шу пайтда одамлар Воҳидни тошлар устига ётқизиши. Эгнидаги йиртилиб, нам бўлиб кетган кийимини ечиб ташлаши. Қип-яланғоч одам тош устида ўликдек чўзилиб ётарди. Бўрининг мустар юраги худди панشاҳа санчилгандай симсим оғриди. Икки оёқли маҳлуқларнинг уятли ва шармандали ишини кўришдан уялди. Лабини тишлаб, бошини орқага ташлаб ингради ва бу шармандали воқеани кўрмаслик учун ўрнидан туриб, думини чотининг орасига қисиб, тоғ томон йўл солди.

Баччавозлар муродлари ҳосил бўлиб, ҳирслари қониб бўлгандан кейингина тўдабошининг топширигини эслаб қолиши. Улардан бири ханжарини қинидан суғуриб, бехуш ётган Воҳиднинг тепасига келди. У ҳеч нарсани билмасди ва ҳис этмасди. Ханжар тутган Шермат кўкка тикилди, қуруқшаб қолган лаблари пичирлаб бирдан сўз айтди:

- Ўзинг кечир, Аллоҳим!

У Воҳиднинг соchlаридан чангллаб, бошини орқага қайириб, кекиртаги остига ханжар солди. Ўткир тиф бошни узиб ташлади. Вишиллаб атрофга қон сачради. Тошлар қизил рангга бўялди. Жаллод бошни чангллаб, чак-чак қон томаётган каллани кўтариб, чодирга қайтди. Шериклари аллақачон бу ердан жуфтакни ростлаб қолиши. Ўчоққа қозон осиб, остига олов ёқиб, каллани қизиб турган ёғга ташлаши. Кўзлар очиқ эди, тилинган юзлар қон эди. Шу заҳотиёқ калла қорайиб кетди, соchlар тўкилиб тушди. Бу томошани кўришга ҳеч ким

келмади. Ҳамма чодирга кириб кетганди. Ҳавони одам этининг ҳиди туттанди. Каллани узоқ вақт қовурди. Эт титилиб, суяқдан ажраб чиқди. Мовий кўзлар косасидан ирғиб чиқди. Шермат бош суяқни сопол идишга солиб, тўдабошининг ҳузурига кирди.

- Амирим, буйруғингиз бажарилди! - деди таъзим билан.

- Арақни келтир! - Эргаш суяқка қарамай, амр қилди.

Соқчи бир шиша арақ келтириди. Тўдабоши суяқ ичига ичимликни қуиди.

- Ич! - буюрди Шерматга.

- Амирим...

- Ич! - боягидан қаттиқроқ ўшқирди тўдабоши.

- Сиз... сиз ичаман, деб қасам ичувдингиз, - тили зўрга айланди Шерматнинг.

- Ич!!! - тўдабоши кутурди.

Шерматнинг қўли қалтираб, суяқни ерга тушириб юборай деди. Ноилож уни лабига келтириди. Кўзларини юмиб, қултумлаб арақни симириди.

- Чиқ! - буюрди тўдабоши.

Шермат қўлидагини курсига қўймоқчи эди, Эргаш жеркиб берди.

- Ҳар куни шунда арақ ичасан! Билиб қўй, йўқотсанг, бошингни уздириб, ўзим арақ ичаман!

Шермат ташқарига чиқди. Атрофда одам кўринмасди. Ҳеч ким йўқдай, ҳамма қочиб кетгандай, атроф жим-жит эди. Қаёққа боришни билмасди. Каллани ташлаб юборай деса, тўдабошидан қўрқарди. Эртага яна сўрайди, деб ўйларди. Чодирига кирмади. Титраётган оёқлари уни жар томон судради. Бир шиша арақни ичган бўлса-да, кайф қилма-

ганди. Миясида ваҳимали ўйлар ари уясидай гувилларди. Ҳаёлини турли томонларга олиб кетарди. Кўзига шарпалар кўриниарди. Шермат суякни тошлар орасига беркитди. Орқасига қайтди. Икки қадам босмай, кўзига Эргашнинг алам тўнғиган юзи кўринди. «Бош қани?», деб сўради. Шермат қайтиб бориб, суякни олди. Олди-ю Воҳид кўз олдига келди. У қайсиdir тошнинг орасидан шу гапни айтди. «Бошимни қаёқقا олиб кетяпсан?». Кўрқиб кетган Шермат суякни ерга тушириб юборишига оз қолди. Қулогига кўзга кўринмас жойда турган Эргашнинг овози чалинди. «Бош йўқолса, ўзингнинг каллангда арақ ичаман». Шермат суякни бағрига босди. Бир ёнда тўдабошининг захил юзи, иккинчи томонда Воҳиднинг руҳи уни тинч кўймасди. Шермат қаёқقا боришни билмай қолди. Оёғини ердан узиб, қочолмасди. Тошга суяниб ўтириди. Суякни ўзи сезмаган ҳолда маҳкамроқ ушлар, бирор тортуб оладигандек бағрига босар, намсиз лаблари титраб, дилидаги сўзларни ўзи сезмаган ҳолда тилига чиқаарди. «Амирим, Воҳиднинг бошида шароб ичаман, деб эдингиз, мана, олиб келдим».

Эрталаб жангарилардан бири тўдабошининг олдига кириб:

- Амирим, анови Шермат ақлдан озган кўринади. Бош суякни бағрига босиб, «Амирим, Воҳиднинг бошида шароб ичаман, деб эдингиз, мана олиб келдим», деган сўзни тилидан қўймай такрорляпти. - деди.

Эргаш бу янгиликдан таажжубга тушмади.

- Унинг ақлдан озганини энди билдингми? - деди. - Соқчиларга айт, менинг кулбамга яқин келтиришмасин.

## КОРАТЕГИН

Жаҳонгир излаган одамини Қирғизистондан тошишга умид қилганди. Эртаси куни Баткенга жўнали. Чўпонлар билан гаплашиб, «Аждар гор»нинг қаерга жойлашганини аниқлади. Бир ҳафта тоғтошлар орасида юриб, горни топди. У икки тоғнинг оралигига, ит топмас тепаликда эди. Жаҳонгир горга элтувчи йўлни билмасди, тошларга тирмашиб, терга ботиб, тепаликка чиқиб борди. Лекин бу ерда тирик жонни учратолмади. Тепага чиқаётгандан арча дарахтининг шохига илиниб қолган одамнинг жасадига кўзи тушди. Унинг кимлигини билиб бўлмасди. Қонга ботган юзи мажақланганди. Юзларини, баданларини күшлар чўқиб кетганди. Жаҳонгир мурданинг кийимларини титиб, учта паспорт топди. Бири Ўзбекистонники, иккинчиси Қирғизистонники, учинчиси эса Афғонистонники. Бу ҳужжатлар унга нотаниш бўлган одамники эди. Бу ерга жангарилар келиб-кетиб туришини шундан билди. Жаҳонгирнинг боши қотди. «Нима қилиш керак? Ортга қайтиш керакми ёки қор босган чўққилардан ошиб, Афғонистонга ўтиш керакми?» Юрагидаги қасос ўти уни олдинга бошлади. «Барibir сенларни топаман», деб аҳд қилди. У сарбаланд тоғларни кўзлаб, йўлда давом этди.

Жаҳонгир йўлни яхши билмасди. Бир амаллаб сўқмоқни топди. Зўрга довондан ошиб ўтди. Қадами тегиб турган жойни Афғонистон, деб ўйлади. У ҳолдан тойғанди. Тошлар орасидан ўзига макон топди. Тушгача ухлади. Танасига тетиклик суви югарди. Қоя устига чиқиб, атрофга боқди. Бир чақиримча нарида юрган бир гала одамларга кўзи

тушди. Уларнинг барчаси қуролланганди. Чодирлар тикилган майдонни ҳалқа шаклида ўраб олишганди. «Бу жангариларнинг макони бўлса керак», деб ўйлади. Кечаси қоронгулик тушганда лагерга яқин келди. Кичкинагина фор ичида жон сақлади. Ичкаридан кимнидир чиқишини кутди. Иккинчи куни ёшгина жангари чиқиб, фор томон кела бошлади. Жаҳонгир ўзини панага тортди. Яқинлашганда унинг оғзини беркитиб, ичкарига судраб кирди.

- Кимсиз?
- Ўзинг кимсан? - Жаҳонгир ханжарни йигитнинг бўйнига тиради.
- Мен... мен Бурҳоннинг одамиман? - зўрға тилга кирди тутқун.
- Қайси Бурҳоннинг? - сўради Жаҳонгир.
- Танимайсизми?
- Танимайман?
- Бошлиғимиз!
- Менга Эргаш керак!
- Қайси Эргаш?
- Ўзини Худо деб, бандасидан устун деб юрган Эргаш!
- Адашибсиз, ака, бу ерда у яшамайди.
- Қайдан топаман? - Ханжарнинг тифи йигитнинг терисини шилиб юборганди.
- Илтимос, пичоғингизни олинг...
- Гапир, қаерда у?
- Аввал Тавилдарада яшарди!
- Ҳозирчи?
- Эшитишумча, бошқа жойга кўчиб кетганмиш!
- Анигини айт?
- Худо хайрингизни берсин, пичоғингизни олинг...
- Саволимга жавоб бер!

- Худо урсин, билмайман, ака.
- Билиб қуй, алдасанг, бошингни узиб ташлайман!
- Ёлгон гапираётган бўлсан, Худонинг газабига учрай, ака!
- Бошлиғинг қасрда?
- Қайсиdir давлатга кетган!
- Қачон қайтади?
- Бир ҳафтада келса керак...
- Унгача сенга топшириқ - шерикларинг билан гаплаш, Эргашнинг қаердалигини бил! Гапим тушунарлими?

Узоқдан кимнингдир овози келди.

«Хайрулло...oo!!»

- Мени чақиришяпти ака, - деди жангари. - Қуйиб юборинг, бормасам, ўзингизга қийин бўлади...

- Мен сени шу форда кутаман! Сотадиган бўлсанг, омон қўймайман!

Хайрулло кетди. Жаҳонгирнинг юрагига хавотир инди. «Шерикларини бошлаб келса, нима қила-ман», деган ўй кўнглидан ўтди. Бироқ унинг ортга чекинишга, юрагидан кўркув ва ваҳимага жой беришга ҳаққи йўқ эди. Форда тунаб қолди. Эртаси куни Хайрулло келди.

- Танишларим билан гаплашдим. Эргашнинг қаерга кўчганини улар ҳам билишмас экан...

- Ичкарига киришим керак, - деди Жаҳонгир бироз ўйланиб: - Йўлини топ!

- Иложи йўқ. Соқчилар бегона одамни дарров танишади. Кейин сизни кимсан, нимага келдинг, деб қийншади.

- Унда бошлиғинг келадиган кунни аниқлаб бер!
- Мен олдингизга қайтиб келолмайман. Соқчилар

шубҳаланиб қолиши мумкин. Сизга маслаҳатим бу ердан ҳозироқ кетинг!

Ҳақиқатан ҳам соқчилар Хайруллони иккинчи бор ташқарига чиққанидан шубҳаланишганди. Ўзига сездирмай, изига тушишганди. Форга кириб кетганини кўриб, шерикларини чақиришди. Ўн нафар куролли жангарилар етиб келди. Ичкарига бостириб киришди. Жаҳонгир қаршилик кўрсатиш фойдасизлигини тушунди. Жангарилар унинг қўлларини ва кўзини боғлаб, лагерга ҳайдаб кетишли.

- Ким бу? Нима мақсадда учрашдинг? Сенга қанақа топшириқ берганди?

Хайрулло ҳаммасини тўғри гапирди.

- Бу одамни биринчи кўришим...
- Сенга қандай топшириқ берди?
- Эргашнинг лагерини сўради...

- Алдаяпсан, итвачча! - соқчилар Хайруллонинг ичган қасамига ишонишмади. - У билан мунтазам учрашиб, биз тўгримизда маълумот бериб тургансан. Сен қасамёдингга хиёнат қилдинг! Жазойинг ўлим!

Хайрулло ўзини оқлашга сўз тополмади. Кўз ёшлари соқчиларнинг тошга айланган кўнглини юмшатмади. Бошига қоп кийдириб, дор остига олиб келишиди. Ўлиги бошқаларга ибрат бўлсин, деган мақсадда жасади тўрт кун осилганча қолди. Сасиб-бижига кетгач, кўмиб келишиди.

Жаҳонгирни эса Бурҳоннинг ўзи сўроқ қиласиди, деб зиндонга ташлаши. У бу ерда ёлғиз эмаслигини билди. Ёнида бир одам гужанак бўлиб ётарди. У икки соатлардан кейин уйғонди. Тиккадан оғиб қолган қуёшнинг бир чимдим нури ичкарини фирашира ёритиб турарди. Улар бир-бирларига қараб

туриб қолишиди. Жаҳонгир нотаниш кимсанинг кўзларига тикилиб, беихтиёр «филай» деб юборди.

## САМАНГАН

Сора тузалиб, ўзига келганидан кейин Эргаш уни ўз кулбасига олиб кирди. Бир ҳафтача тўшагида олиб ётди. Қиз ҳақиқатдан ҳам гўзал эди. Тўдабоши унинг қоп-қора соchlарини силаб, анордай диркиллаб турган сийнасига бошини қўйиб ётди. Лекин дилдан гаплашмади, эркаламади ҳам. Юрагининг туви зимистон эди. Томирларидағи қонни кўпиртирган ёввойи ҳирсни қондириш мақсадида тунларни бедор ўтказди. Шўрлик қизни ҳоли-жонига қўймай, хорижнинг шармсиз видеоларида кўрганларини қиласарди. Сора дастлабки кечада раъйини қайтарди:

- Бундай ношаръий ишларга мени мажбур қилманг, - деди йиғлаб.

- Мен нимани истасам шу бўлади!

Сора ялинди. Эргаш итдай кутурди. Ўрнидан дик этиб турди-да, қизнинг ўзига шапалоқ тортди.

- Яна бир бор айтганимни қилишдан бош тортсанг, йигитларимга қўшиб қўяман! Улар сени улоқдаги қўзидай тортқиласаб, дунёга келганингта пушаймон едиришади!

Сора йиғлай-йиғлай тўдабошининг айтганини бажаарарди. Наша чекиб, маст бўлган Эргаш тонг ёришгунча, қизни ҳоли-жонига қўймасди. Ниҳоят, ўзи ҳам ҳолдан кетиб, оғзининг суви келиб, ўликдай чўзилиб ухлаб қоларди. Уйғонганда, юрагини ёндириган ишқ чўги сўнгандада хаёлига Воҳид келарди. Тиржайиб турган совуқ юзи намоён бўларди. Назарида тўдабошининг устидан кулаётгандай, масха-

ралаётгандай туюларди. Шунда Эргашнинг юрагида оғриқ турар, қучоғида ётган Сора кўзига илондай совуқ кўринарди. Нафрат билан унга қааради. Қиз буни сезарди, кунларнинг бирида ёрилди.

- Биламан, мени ёқтиромайсиз, - деди кўз ёшларини тиёлмай. - Рухсат берсангиз, уйимга кетсам! Қишлоғимни, онамни соғиндим.

- Уйингга кетмоқчимисан? - жаҳлини зўрга босиб сўради тўдабоши. - Қишлоғингни эсдан чиқар, сенинг уйинг мана шу тоғлар ичида! Яна кетиш тўғрисида гапирадиган бўлсанг, тилингни мана шу қўлларим билан суғуриб оламан!

- Унда нега мен билан одамга ўхшаб гаплашмайсиз?

- Сен билан нимани гаплашишим керак?

- Эркаламайсиз?

- Сендан ўлган итнинг иси келяпти!

Эргаш бу сўзи билан нимага ишора қилаётганини Сора тушунмасди. Яна кўз ёш тўкарди.

Тўдабоши хаёлидан Воҳидни қувишга қанчалик чиранмасин, бунинг чорасини тополмасди. Қўйнида Сора эмас, Воҳид ётгандай бўлар, бирдан кўз олдини зулмат босар, юраги хаприқиб, ғазаб-нафрati бўғзига қадалар, ўзини тутолмай қизнинг бўйнидан бўғиб, қаҳрини сочарди.

- Нима қиляпсиз? - ранги оқариб, қўрқувдан дағ-дағ титраётган Сора жон ҳолатда унинг қўлларини гирибонидан бўшатишга ҳаракат қиласди.

- Ўлдираман, сен қанжиқ менга хиёнат қилдинг!

- жазавага тушган Эргаш қутурган итдай оғзидан кўпик сачратиб бақиради. Сора минг азоб билан унинг чангалидан чиқиб, ўрнидан туриб эшик олдига бориб қолар, бироқ ташқарига чиқишига юраги чопмас, яланғоч тиззаларини қучоқлаганча тошли

деворни муштлаб бўкираётган Эргашга ёшли кўзларини тикканча туриб қоларди. Тўдабоши анчадан кейин ўзига келиб ухлаб қоларди. Эрталаб уйғонганида остоңада ўтирган қайлиғига қайрилиб ҳам боқмасди ва бир сўз айтмай, оёғи билан туртиб ташқарига чиқиб кетарди.

Ўша тун Воҳид тушига кирди. Сорани қучогидан суғуриб олаётган эмиш. «Қиз бизники, хўжайн, уни бизга беринг, шунча кундан бери қучогингизда олиб ётдингиз, индамадик», дермиш. Эргаш ўтда ёнаётган одамдай ўрнидан сапчиб турди. Юраги кўксини ёриб чиқадигандек гурсиллаб тепарди. Ёнида пишиллаб ухлаётган қизга нафратли нигоҳ ташлади. Бошига мушт уриб уйғоттиси келдию негадир аҳдидан қайтди. Аламини ичига ютиб ташқарига чиқди. Ҳамма ухлаганди. Фақат соқчиларгина бедор эди. Улар елкасига чакмон ташлаган тўдабошини кўриб, ўринларидан туришди. Эргаш ҳеч ким билан гаплашмади. Қовоғини солиб, жар томон ўтиб кетди. Жар бўйига келганда тўхтади. Қўлини белига тираб, оёқларини бироз кериб, олисларда порлаб турган чироқларга боқиб қолди. Унинг бундай туриши худди тошдан ясалган ҳайкалга ўхшарди. Тўдабоши ҳар гал шу жойга келганида, нигоҳини юрт томон бурганида юраги бирор мижиглаётгандай, ачишиб оғрирди. Ўзини камси-тилган ва хўрланган, дунёда ҳеч кимга кераги бўлмаган кимсадан баттар ҳис этарди. Қонида мудраб ётган соғинч тирилди ва бутун танасига ёйилиб кетди. Ич-ичидан фарёд келди. Бир амаллаб ўзини қўлга олишга, овоз чиқармаслик мақсадида дўрдоқ лабларини тишлади. У ўзини қўлга олишга қанчалик уринмасин, барибир бунинг уддасидан чиқолмади. Юрагини чақир тиканакдек босиб олган

хўрликлар уйғонди. У фақат ва фақат йиғлади. Оғзидан бир сўз чиқса, тошлар сирини жумлаи жаҳонга фоп қиладигандек туюлди. Қонсиз лабларини маҳкам тишлади. Инграган товушгина унинг тишлари орасидан чийиллаб чиқди ва чакмонининг барини, юзидағи соқолини, юмалоқ бошидаги соchlарини тортқилаётган эпкин ўзи билан эргаштириб, олисларга олиб кетди. Тўдабошининг оёқларидан мадор кетиб борарди. Охир - оқибат Эргаш тошлар устига ўтиради. Бошини чангллаб, жарнинг ой нури ёритмаган қоронгуликларига кўзини тикканча туриб қолди. Бир пайт ана шу зулмат қўйнидан Воҳид чиқиб келаётгандай туюлди. Шунда «Ярамас, итдан тарқаган ҳароми! Яхшилигимни билмадинг, тузимни оқламадинг, аслида сени бошқача йўл билан жазолашим керак экан», деган сўзларни дилидан ўтказди. Воҳид гўё унинг сўзларини эшифтмагандай, кўз олдига янада яқинроқ келар, қорайган, ялпоқ юзи тўдабошига аниқ-тиниқ кўринарди. «Хўжайин, Сораҳон бизники, уни қайтариб беринг, шунча пайт кучогингизда олиб ётдингиз, етар» деяётгандай бўлди.

Эргаш чидамади. Ўрнидан туриб кетди. Осмонга боқди. Энди рақибининг кулиб турган башараси кўқдан унга қараб турарди. Қай томонга боқса, ўша ёндан Воҳид кўринаверди. Масхара қилаверди. Устидан кулаверди. Охири овозини қўйиб қичқирди:

- Ҳу, онангни!!

Хонасига қайтди. Сора тўшакда гужанак бўлиб ухларди. Тепиб уйғотди.

- Тур, қанжиқ! - алам билан қичқирди тўдабоши.

Сора чўчиб, бошини кўтарди.

- Нима гап, тинчликми? - уйқисираган қизнинг

оғзидан шу сўз чиқди. Эргаш ярим яланғоч ҳолда ётган қизнинг сочидан судраб, ташқарига олиб чиқди.

- Қаёққа? - яна сўради қўрқиб кетган Сора.

- Энангникига! - бақирди тўдабоши.

Сора бу гапни чин билди.

- Кийиниб олай!

- Кийинишингга ҳожат йўқ!

Сора баттар қўрқди. Эргаш уни жар томон судраб кетди. Ортидан соқчилар соядек эргашиб борарди. Улар жар ёқасида тўхташди. Жарнинг туби кўринмасди.

- Мени нима қилмоқчисиз? - қўрқиб кетган қизнинг тили зўрға айланди.

- Сен қанжиқ бир мишиқидан ўзингни ҳимоя қилолмадинг! Номусингни сақлай олмадинг! Қучоғимга бокира бўлиб кирмадинг! Шунинг учун жазоламоқчиман!

Сора тўдабошининг мақсадини фаҳмлади. Йиглади.

- Мени ўлдирманг, ака, раҳм қилинг, сизни деб шу ерларга келдим!

- Мени деб келмадинг. Мени деб келганингда покиза бўлиб келардинг, қанжиқ!! Воҳидга кўзингни сузмаганингда у сени тагига босиб ётмасди, манжалақи!!

- Мажбуrlади. Ўлдирман деди! Бўриларга едирман, деди, амирим!

- Қўрқдингми? Номусдан ўлимни устун қўйдингми, исқиrt?! Уят ўлимдан қаттиқмасми?! Жувон бўлиб ёнимга келганингдан кўра ўлиб кетганинг, бўриларга ем бўлганинг дуруст эди!

- Бундай қилманг, яххиси қўйиб юборинг, мана шу тоғу тошларга чиқиб кетай, бўриларга ем бўлсам

ҳам майли. Фақат ўлдирманг, амирим. Сизнинг қўлингизда ўлишни истамайман!

Сора ерга ўтириб, ўкириб йиғларди. Унинг овози жар тубидан акс - садо бериб қайтарди. «Сизнинг қўлингизда ўлишни истамайман».

Эргаш белига қистирилган тўппончасини олди. Унинг учини Соранинг кийдиги остига тўғрилади. Тепкини босди. Варанглаб отилган ўқ тунги жимжитликни бузди. Ўн қадам нарида турган соқчилар хўжайин нега уни отганини тушунишмай, бирбирларига қараши. Ўқ мўлжалга текканди. Сора оғир зарба егандай гандираклаб кетди. Ўқ тешган жойни қўллари билан чангллади. Ичидан отилиб чиқаётган қон қўлини қизил рангга бўяб, бармоклари орасидан оқиб, ерга томарди. Сора ҳам қўрқувдан, ҳам оғриқдан додларди. Оғзидан узук - юлук сўзлар чиқарди.

- Мени... мен...

Тўдабоши яна тепкини босди. Ўқ қизнинг кафтини тешиб, бояги жойга тегди. Сора букчайиб ўтириб қолди. Аммо жовдираған кўзлари Эргашда эди. У қизнинг қўрқувдан катта-катта бўлиб кетган ёшли кўзларига қарай олмасди. Учинчи ўқни узишни негадир истамади. Қорнини чанталлаб, тошлар устига ўтириб қолган Соранинг тепасига келди.

- Бу дунёда қилган хиёнатинг учун мендан насибангни олдинг!.. Нариги дунёда жазойингни Худо берсин!

Соранинг қархисида қоп-қорайган жар турарди. Бирдан тўдабошининг қўзига яна Воҳиднинг совуқ афти кўринди:

- Йўқол, йўқол кўзимдан !!!

Кутуриб кетди. Оёги билан Сорани тепиб, суриб, жар ёқасига келтирди. У Эргашнинг оёқларидан

маңкам қучоқлаб олганди. Оғриқни унугтанди. Ўлишни истамасди.

- Ўлдирманг, ака, уволимга қоласиз! - илтижо қиласарди қиз.

- Сени жойинг жаҳаннамда, энди тошларни кучоқлаб яшайсан! Менга хиёнат қилганларнинг жазоси шу! - телбалардек бақиради түдабоши.

У Сорани тиззалари билан туртиб, жар ёқасига келтирди. Бирдан қиз уни ҳам жар остига тортиб кетиши мумкинлиги эсига тушиб, қуролини Соранинг пешонасига түгрилади.

- Оёқларимни қўйиб юбор, акс ҳолда пешонангдан отиб ташлайман!

- Мени ўлдирманг, ака, айтганингизни қиласман!  
- Ялинарди кўзёшлари юзини ювиб тушаётган шўрлик қиз.

- Майли, розиман, - деди Эргаш хаёлига келган ўйдан ўзига келиб. - Қани, тур ўрнингдан!

Соранинг ярасидан ҳамон қон оқарди, ҳолсизлануб борарди. Юрагида умид уйғонгач, қўлларини Эргашнинг оёқларидан бўшатди. Қонли панжалари билан совуқ тошларни чанглаб, ўрнидан турди. Шунда түдабошининг оёқлари ҳаракатга келди. Соранинг кўкрагига тепиб юборди. Қиз гандираклаб кетди-ю аммо ўзини ўнглаб олишга, жар ёқасидан қочишга улгурди. Эргаш унинг йўлини тўсди. Бу гал қизнинг пешонасини мўлжаллаб тегди. Сора ёнбошига йиқилди. Боши тошга тегди. Оёқлари пастликка тушиб кетганди. Жон-жаҳди ила тошларни чанглади. Бирор ёрдам бермаса, пастга шўнғиб кетишини билиб додлади.

- Ака, акажон, қўлларимдан тортинг! Ўлиб кетсам, онажонимга қийин бўлади!! Мен унинг ёлғиз фарзандиман. Сизга ишониб, олдингизга жўнатганлар!

Эргаш унинг юзига оёғини қўйди. Худди қоғозни мижиглагандай товонини айлантириб, кейин тепди. Соранинг қўллари тошдан чиқиб кетди. Чарх-палақдай айланиб-айланиб, жар тубига шўнгиди. Фақат овозигина жар остидаги сукунатни бузди.

- Онажооо...ннн!!!

Эргаш ортга қайтмоқчи бўлди. Ердан чиқдими, осмондан тушдими, қаршисида Шермат турарди. Кўлида одамнинг бош суяги.

- Хўжайнин, сўраган эдингиз, шароб ичаман, деб эдингиз, Воҳиднинг бошини олиб келдим, - деди суякни Эргашга узатиб.

Тўдабоши қўрқиб кетди. Шерматнинг ақлдан озганини эшигтан бўлсада, кўпдан бери ўзини қўрмаганди. Узун соч-соқоллари, қорайиб кетган башараси, устидаги йиртилиб кетган кийимлари уни даҳшатга солди. Орқаси билан юриб қичқирди:

- Йўқотинглар буни, кўзимга кўринмасин! - деди.

Соқчилар жиннини қўлтиғидан тутиб, олиб кетишиди. Ўзи кетса-да, овози Эргашнинг қулоғи остида қолди.

«Хўжайнин, Воҳиднинг бошида арақ ичаман, деб қасам ичувдингиз, олиб келдим»!!

Эргаш қўллари билан қулоқларини беркитди ва чодир томон чопиб кетди.

\*\*\*

Зебонинг ой-куни яқинлашиб қолганди. Ранги-рўйи олиниб, уй ишларини бажаришга ҳам ҳоли қолмаганди. Қони кам бўлганлиги сабабли, кучли таомларни истеъмол қилиши лозим эди. Бу ҳолда кўз ёриши кўнгилсизликка олиб келиши мумкинлигини билиб, юрагимга муз тушиб, бошим

қотганди. Тўйимли овқат сотиб олиш учун ёнимда сариқ чақа ҳам қолмаганди. Крамаренко берган пулларни аллақачон ишлатиб бўлгандим. Эргаш эса иш ҳақимни тўламасди. Келганимга икки йилдан ошган бўлса-да, арзимаган пул олгандим. Пул топиш тўғрисида қанчалик бош қотирмай, хаёлимга бирор фикр келмади. Ўчакишгандек, Валий ҳам ишлагани қайсиdir шаҳарга кетиб, икки оидан бери қорасини кўрсатмасди. Қарз кўтарай десам, танишим йўқ. Юрагим сиқилиб юрган кунларнинг бирида хаёлимга Қобулдаги хазина келди. Бу ердаги ишлар ва ташвишлар билан бўлиб, уни унугаёзгандим.

Эргаш уйланганимдан хабар топганди. Аёлимнинг оғироёқлигини айтсам, бир-икки кунга рухсат берса, Қобулга бориб, хазинани олиб, изимга қайтаман. Буюмлардан бирортасини сотиб, пулини озиқ-овқатга, дори-дармонга ишлатаман, деб хаёл қилдим. Бу айбим учун командиримнинг руҳи мени безовта қилмас.

Булоқдан қайтиб, тўдабошининг ҳузурига кирдим. Эшик олдида тўқнашдик.

- Аёлим бетоб, Мозори Шарифга тушиб, дори-дармон олиб келсам, - дедим.

Эргашнинг қошлири чимирилди. Кўзларида ўзимга нисбатан ёмонлик сезмадим. Кўнгли нимадандир хуш эди.

- Ўрнингга кимни қолдирмоқчисан?
- Бирорта ёрдамчи топилиб қолар.
- Илгари сен билан ким ишлаганди?
- Шокир!
- Унга от-аравани топшир!
- Раҳмат!
- Узоқ қолиб кетмагин!

- Икки кунда қайтаман.  
Эргаш ҳамёнини ковлади.  
- Қайтишингда менга иккита кўйлак, труси, пайпоқ олиб келгин! - у қўлимга икки юз доллар тутқазди.

Хўжайнининг кайфияти яхшилигидан фойдаланиб қолишим лозим эди.

- Сизга арзимас илтимосим бор, - дедим.  
- Нима дейсан? - тўдабошининг қошлари чимирилди.

- Озгина пулдан ёрдам қилсангиз.

Эргаш келганимдан бери ҳақ тўламаганини яхши биларди. У хўмрайиб, ҳамёнидан ўн минг афоний олиб, қўлимга тутқазди.

- Бўлар-бўлмасга сарф қилмагин.

У берган пулга ярим қадоқ гўшт ҳам келмасди. Йўлкирага ишлатарман, деб ўйладим.

Қобулга кетаётганимни Зебодан яширмадим. Қайтгунимча кўчага чиқмаслигини тайинладим. Вақтдан ютиш мақсадида ўша куниёқ йўлга тушдим. Боримдан айрилиб, Эргашнинг пулини ҳам ишлатиб, пойтахтга етиб келдим. Ҳар қадамда қулаг тушган, ер билан битта бўлиб ётган, ёниб вайронага айланган бинолар одамнинг юрагига ғулғула соларди. Деворларда автомат ва снайперлардан отилган ўқларнинг изи қолганди. Снаряд тушган жойлар худди суви қуриган ҳовузни эслатарди. Шаҳар осмонида нафасни бўғувчи ис анқирди. Мен излаб келган бино узоқдан кўзга ташланиб турарди. Ўша томонга бурилдим. Ўзим сезмаган ва истамаган ҳолда қадамларим илдамлаб кетарди. Ҳаётимнинг икки йилини шу атрофда ўтказганман. Кўзим боғланган тақдирда ҳам йўлакни қийинчиликсиз топаман. Хизмат бурчимни ўтаб юрган кезларимда бу

жойлар одамлар билан ҳамиша гавжум бўларди. Чўтирни олиб келганимизда ҳам одамлар бугунгидан кўпроқ эди. Ўтган кунлар давомида шаҳар бир неча бор гоҳ толибонлар, гоҳ уларга қарши кучлар қўлига ўтиб турди. Минглаб одамлар ҳокимият, амал ва мансаб талашиб, бир - бирининг қонини тўкиб, мақсадсиз урушнинг қурбонига айланди. Миналар, снарядлар, шаҳарни яксон қилиб, тупроқ билан тенг қилиб ташлаганди. Уруш жафосидан безиган шаҳарликлар тоғларга кўчиб кетишганди. Пойтахтнинг ҳувиллаб қолганининг сабаби шунда эди. Бомба тушиб, пастки қисми нураб, бир ёнга қийшайиб қолган бинонинг қаршисида пайдо бўлдим.

Назаримда, кимдир мени кузатиб тургандек туюларди. Ўзимни эркин тутишга, ҳаяжонланмасликка, қадамимни ўйлаб босишга ҳаракат қилдим. Маълум вақтдан кейин қўлга киритишим мумкин бўлган қимматбаҳо хазинага эгалик қилиш ҳисси мени ҳаяжонга соларди. Юрагим кўкрагимни ёриб чиқкудек гурсиллаб уради. Кўзим атрофга жовдираб боқар, қулоқларим тиқ этган товушни илғашга шай турарди. Оёқларим ўзимга итоат этмасди. Улар танамдан илгарилаб кетарди. «Шошилма, ўзингни бос», деган ички нидо юрагим тубидан отилиб чиқарди. Вужудимни қамраб олган ҳаяжонни босишга қанчалик уринмай, барибир у устун келди. Оёқларим мени пастга судради, тезроқ чукурга тушишга ундаи. Олти ой бурун бинони томоша қилаётисиб, таниш одамни учратганимни эсладим. Қаерда у? Шу атрофда юрганмикин? У бу ерга бежиз келмаган. Қайтиб бормаганим учун Крамаренко уни жўнатган бўлиши мумкин. Яна ким билсин, балки у хазинани олиб кетгандир? Унда

минг азоб-уқубатлар чекиб, бу жойга келишимнинг маъниси қолмайди-ку!

Крамаренко айтган ер ости йўлини топдим. У тупроқ ва фиш синиклари остида кўмилиб қолганди. Тозалаб, ичкарига кирдим. Қоронғу ва зах хонани туйнукдан тушаётган қуёш нури ёритиб турарди. Икс шаклидаги темир тўсиқдан ошиб ўтдим. Ўзим билан курак олиб келмаганимдан афсусландим. Ёнимдаги ханжарни олиб, фиш синиклари қоришиб, қотиб кетган тупроқни ковлай бошладим. Ишим унмасди. Игна билан қудуқ қазиётганга ўхшардим. Икки соатдан кўпроқ тер тўклим. Аммо темир сандиқ кўринмасди. Жон-жаҳдим билан ишлашда давом этдим. Ўпкам томогимга тиқилгудек ҳансирардим. Ханжарнинг уни қаттиқ жисмга текканида суюнганимдан йиғлаб юбораёздим.

Ишга бошим билан шўнгигб кетганим боис, ат-роф-теваракка қарашни унугандим. Ҳансирашим, тупроқ ва фиш бўлакларининг товуши ўзга овозларни ютиб юборганди. Ниҳоят чарчадим, нафасимни ростлаб олиш мақсадида ерга чўзилдим. Фақат юрагимнинг дукиллашигина эшитиларди. Бир неча сония ўтиб, қандайдир жониворнинг вишиллаган овози қулогимга чалинди. Товуш оптимдан келаётганди. Ётган жойимда қотиб қолдим. Товуш такрор эшитилди. Бу тинчи бузилган, қаҳри қўзиган илоннинг овози эди. У менга жуда яқин турганини ҳис этдим. Одатда илонлар асабийлашганда ёки рақибиға ҳужум қилишдан олдин шундай овоз чиқаришади. Бу ерда одамлар учун хавфли бўлган заҳарли илонлар бисёр. Гарчи оптимдаги илонни кўрмаган бўлсан-да, заҳрини сочишга шай турганлигини ҳис этдим. Қимирласам, хазина олдида ўлигим қолиб кетади. Унинг қаҳридан кутулишнинг иложи йўқ

эди. Оёғимнинг тўпигигача тупроқ остида қолганди. Ҳаётимни сақлаб қолишининг биргина йўли аниқ ҳаракат эди. Шошқалоқлик баданимга заҳар юбориш билан баробар эди. Астагина қўлимни чўзиб, бир парча гиштни олдим. Крамаренко «чекистнинг ортида ҳам кўзи бўлиши керак», деган гапни кўп такрорларди. Шу сўз ёдимга тушди. Ортимда турган илонни кўз олдимга келтирдим. Масофанинг ҳисобини олдим. Унинг ўттиз сантиметр нарида, ердан бир қарич баландда бошини кўтарган ҳолда турганини ҳис этдим. Овозидан кўзойнакли илон эканини сездим. Яшин тезлигида ҳаракат қилдим. Фишт илоннинг бошига текканди. Бироқ у узун эди. Бир қулоч нарига учеб кетган бўлса-да, думи жойида турарди. Илон абжирлик билан ўзини ўнглаб олди. Пишқириб, қоптоқдек сапчиб, жойига қайтди-ю аммо бошига теккан зарбадан бир муддат ўзини ўнглай олмай, чайқалиб турди. У боягидан қаттиқроқ вишиллади. Типирчиладим, уюб ташланган тупроқ оёғимни қисиб турарди. Тортиб ололмадим, аммо кўлларим илондан илдамроқ ҳаракат қилди. Иккинчи фишт парчаси ҳам бошига тегди. Энди у қайтиб турмади.

Душманимдан қутулгач, яна ишга шўнғиб кетдим. Пичноқнинг уни темирга тегди. Бу мен излаётган граната яшиги эканлигини билдим. Хайрият, у жойида экан. Қувончдан чарчоқларим ёзилиб кетди. Ҳовучимни тўлдириб, тупроқни олиб ташладим. Яшиқ ер остида узоқ қолиб кетганлиги сабабли, чирий бошлаганди. Бир амаллаб тепага тортиб чиқардим. Юрагим кўкрагимни ёриб чиққудек гурсиллаб уради. Ҳазинани кўлга киритганимга ишонгим келмасди. Кўзларимдан дув-дув ёш оқарди. Ичидай қандай бойликлар борикин? Қалтираган

құлларим билан қопқоини зүрға күттардим. Күзим ялтироқ нурдан қамашиб кетди. Унинг ичи олтин, ёқут ва бриллиантларга тұла эди. Мен хазинани тасвиirlаб беришга ожизман. Уларни құлимга олиб күрганимда, қиймати Крамаренко айттан суммадан бир неча ўн баробар баланд эканлигини тушундим. Құлимга ёнғоқдек олмосни олиб, уни томоша қилдим. У ним қоронғы жойда ўзидан бир неча хил ранг таратиб товланарди. Мактабда ўқиб юрган кезларим тарих ўқитувчимиз Бобур Мирзо «Күхи нур», деб номланувчи бебаҳо ёқутни йүқотиб құйғанлигиги-ни сўзлаб берганди. Олмосни томоша қилаётib, шу ҳикоя ёдимга тушди. Мен ўша бойликни топиб олгандек эдим. Бошқа хазиналарни томоша қилиб бўлгач, қопқоқни беркитдим. Бу ердан зудлик билан кетиш керак. Бойликларни бундай ҳолатда кўтариб кетиб ҳам бўлмасди. Одамларнинг эътиборини тортмаслик учун бирорта эскироқ латтага ўраб олиш лозим. Лекин ўша латта ёнимда йўқ. Кутини қўлтиғимга қистириб, ўрнимдан турдим. Күзим оёқларини осилтириб турган одамга тушди. Уни кўрган заҳотим қути ерга тушиб кетаёзди. Бу кимса ким? Қаердан ва қаочон пайдо бўлди? Билолмай бошим гаранг эди. Нотаниш кимса қўлидаги револьвернинг барабанини айлантириб, менга тикилиб турарди.

- Биз ҳам шерикмиз биродар, ахир келишиングни бир неча ойдан бери кутиб ўтирибман-а! - деди жилмайиб.

Уни танимадим. Гарчи рус тилида сўзлаган бўлсада, талаффузи бошқа миллат вакили эканлигини ошкор қиласарди. Менинг бу ерга келганимни кимдан эшитган? Наҳотки, Крамаренко мен тўгримда унга айттан бўлса? Йўқ, назаримда генерал унга

хазина тўғрисида индамаган. Хабардор бўлганида, аллақачон олиб кетган бўларди.

- Сиз кимсиз? - сўрадим ундан.
- Сенга ўхшаб хазина излаб келтан одамман! - деди у.

- Бу ерда хазина борлигини кимдан эшигдингиз?

Нотаниш кимсанинг кимлигини билишни истардим. Гапларига жиддий аҳамият бердим ва талаф-фузидан инглиз миллатига мансублигини пайқадим.

Саволим ёкмади чоги, у жавоб беришни истамади, аксинча жаҳди чиқди.

- Кутини оёғим остига қўй! - буюрди нотаниш кимса револьвернинг учини менга тўғрилаб. У қутини олгач, албатта, мени отиб ташлашига кўзим етди. Миямга ярқ этиб урилган фикр жонимга оро кириши мумкин эди. Нега кутини оёғим остига ташла, деяпти? Пастга тушишга қўрқяптими? Унинг олдига борар эканман, оёғига кўз ташладим. Чап болдирини латта билан боғлаб олганди. Демак, оёғи лат еган, пастга тушолмайди, тушса тепага чиқишига қийналади. Унинг буйруғини бажариш, ўзимга ўлим тилаб олиш билан баробар эди. Бундай пайтда ҳийла ишлатиш ва душманинг кўзини чалғитиб, яшин тезлигига ҳаракат қилиш лозимлигини ҳаёт тажрибамдан ўтказганман. Мен ўзимни бепарво тутиб, нигоҳимни бошқа ёққа қаратдим. Орамиздаги масофа ярим қулоч қолганди. Қуролли одам бошим баробар тепада ўтиради. Ҳам ҳаяжон, ҳам қўркувдан юрагим гурсиллаб тепарди. Унинг оёғи остига кутини қўйишим биланоқ барабандаги ўқлардан бирини пешонамга жойлашга шай турарди. Гавдамни бурдим. Шундай қиясам, ўққа чап бериппим осон бўларди. Рақибим иккинчи ўқни узгунча

Құлидаги қуролни тортиб олишим шарт. Күтини узатаётіб, бошимни чап томонға ташладим. Уни ерга қўймасымданоқ, ўнг қўлимни ишга солдим. Зарб билан пастга тортдим, рақибим оёғим остига йиқилди. Бироқ тепкини босишга улгурғанди. Ўқ қулоғим ёнидан ўтиб кетди. Қайта ўқ узиш имкони қолмаганди. Револьвер қути олинган ўрага тушғанди. Рақибим ўрнидан туриб, қаршилик кўрсатишга ожиз эди. Оқсоқ оёғи бунга имкон бермасди. Яқин борганимда кўрқиб кетди.

- Ўлдирма, - деди у кўзларимга мўлтираб боқар экан. - Менда айб йўқ!

- Бу ерда хазина борлигини сенга ким айтганди?

- деб сўрадим.

- Сени жўнатган одам!

- Ёлғон, у аллақачон ўлиб кетган. Қолаверса, у сенга айтиши мумкин эмасди. Агар тирик қолишини истасанг, ростини гапир!

- Ўрнимдан турсам майлими?

Бир қадам ортга чекиндим.

Нотаниш кимса ўрнидан туриб, ерга ўтирди. Оёғидаги оғриқ босилмагани буришган афтидан сезилиб турарди.

- Мен Ефим Егоровичнинг аёли билан танишиб қолдим. Аниқроғи, бизнинг Москвадаги офисимизда хизмат қиласын жияни учраштириди. Турмуш ўртоғи ўлимидан аввал унга васият қилган экан. Аёл хазина яширилган харитани кўрсатди. Икки йил аввал кетиб, бедарак йўқолганлигингни ҳам айтди. Менинг ваколатим тутаганди. Бир ойдан кейин юртимга жўнашим лозим эди. Аввалига унинг таклифига кўнмадим. Хазинанинг қийматини эшитганимдан сўнг рози бўлдим. Ватанимда бир ойчадам олиб, кейин Афғонистонга жўнадим. Қийинчи-

лик билан бу ерни топдим. Харитадаги белгилар хотирамдан күтарилганди. Бинони топдиму, хазина күмилган жойни топишга келганда қийналдим. Атроф-теваракни күздан кечириб, яқын орада бу ерга ҳеч ким келмаганини тушундим. Ҳар куни пастга тушиб, ер қазиши ишлари билан машгул бўлдим. Бу орада рус йигити билан танишиб қолдим. У бу ерга нима сабабдан келганини айтмасада, мақсадини тушундим. Уни йўқотиш лозим эди. Ярим тунда қўлимга қуролимни олдим. У пастда - айнан мен ётган жойда ухлаб ётарди. Тепасига келганимни сезиб қолди. Ўқ узаман деганимда уйғониб кетди. Рус анча чаққон ва абжир эди. Қўлимдаги қуролни тепиб юборди. Олишаётганимизда оёғим темирга тегиб, қайрилиб қолди. Ўшанда оғриқ унчалик сезилмаганди. Бир амаллаб қуролимни қўлимга олдим ва русни отиб ташладим... Сенинг келишингни билардим. Келмасант, бошқа бирор келади, деган умидда яшардим.

- Сенга қанча ваъда қилганди?
- Бир миллион доллар!
- Хазинанинг нархини айтишганмиди?
- Йўқ! Сен ҳам бир миллион долларга рози бўлган экансан-ку?
- Бунга ишондингми?
- Ишонгандим!
- Ҳозир уни кўрсатаман, - дедим ва яшиқни кўйган жойимдан олиб келиб, қопқоғини кўтардим. Нотаниш кимсанинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.
- Сенингча бу олтинлар ва мана бу олмоснинг нархи қанча?
- Олтинларни-ку билмадим, аммо қўлингдаги олмос юз миллион доллардан қимматроқ бўлса керак!

## «АФГОН ШАМОЛИ» 4

- Нега бўлса керак, деяпсан?
  - Чунки бу буюннинг баҳоси тенгсиз.
  - Булар менинг халқимга ва Ватанимга тегишли.  
Мен буларни ўз юртимга жўнатмоқчиман!
  - Тентакмисан?! - деди у оғзидан тупук сачратиб.
  - Шунча бойликни давлатга топширасанми? Яхшиси, иккига бўламиз. Сени ўзим билан юртимга олиб кетаман. Кошоналар сотиб оламиз. Умримиз роҳат-фароғатда ўтади.
  - Буларсиз ҳам роҳат-фароғатда яшайман. Жаннатдай обод диёrim бор. Шунинг ўзи менга битмас-туганмас бойлик!
  - Фирт аҳмоқ экансан!
  - Кечир, сени ташлаб кетишга мажбурман, - дедим хайрлашиш олдидан.
- Рақибим менга тикилиб турарди. Кейинги гапидан у жонлангандек бўлди.
- Раҳминг келмайдими?
  - Ҳаётингни қайтариб бердим-ку. Ҳаракат қилсанг бу ердан чиқиб, юртингга кетишинг мумкин!
  - Мени масхара қилма? - хафа бўлди у. Ҳазинадан умидини узмаганлиги кўзларидан сезилиб турарди.
  - Бойлик ҳаётингдан азизми?
  - Бу ерда анча кундан бери оч-наҳор, бит босиб ётганимни биласанми? - деди у қовоқ-тумшуғини осилтириб. - Бир оёғимдан айрилаёздим.
  - Муҳими тириксан, шунисига шукр қил!
- Мен тепага тирмашдим. Темирга осилган эдим, қулогим остидан визиллаб ўтган овоз мени пастга тушишга мажбур қилди. Рақибим отган гишт мўлжалга тегмаганди.
- Барибир чаёнлигингни қилдинг! - дедим унга ўқрайиб. - Мен сента ёмонликни раво кўрмагандим.

Рақибим важоҳатимдан кўрқиб кетди. Отиб ташласа керак, деб ўйлаганди. Бу ердан осонликча чиқиб кетолмаслигига ақлим етарди. Ортиқча зулм не ҳожат!

- Билиб қўй, мен қўлимни қон қилишни истамайман! Сенинг бу қилмишинг учун ҳаётнинг ўзи жазолайди, - дедим-у бошқа сўз айтмай, тепага кўтарилдим. Ташқарига чиққанимда қуёш ботиб, қоронгулик чўкканди. Осмонга юлдузлар чиққанди. Шаҳар четидан ўқ овозлари эшитилиб турарди. Бу шунчаки отишма эмасди, гуруҳлар ўртасидаги жангнинг бошланиши эди. Тўрт томон очиқ бўлганлиги сабабли дайди ўққа нишон бўлишим ҳеч гап эмасди, мени ўқлардан асрайдиган жой йўқ. Зудлик билан бу ердан фойиб бўлишим даркор. Пастлик томон чопдим. Тўғрига юриш хатарли бўлиб, бирбирини отаётган гуруҳлар орасига тушиб қолишим эҳтимолдан узоқ эмасди. Қўлимдаги кутини худди юрагимни кўтариб кетаётгандек авайлаб, бағримга босиб чопардим. Аждодларим қолдирган мерос қўлимда. Уни кўз қорачиғидек асраб, Ватанимга етказишим лозим. Мана шу бурч мени эҳтиёткорликка, ҳұшёрликка даъват этарди. Ярим йўлга етганимда отишма авжига чиқди. Ўқлар гоҳида бошим устидан учиб ўтарди.

Рўпарамдан суви қуриган ариқ чиқди. Иргиб пастга тушдим ва ариқ ичидан тоғ томон чопдим. Кутини латтага ўраб олмаганимдан, бегона одамнинг кўзи тушиб қолса, шубҳаланиб, қўлимдан тортиб олиши мумкинлиги эсимга тушди. Кутилмаганда оёғим нимагадир илиниб, ерга йиқилдим. Юзим майда-чуйда тошларга урилди. Тиззамнинг кўзи ачишиб, оғриқдан инграб юбордим. Ўрнимдан турмасимданоқ кимдир устимга миниб олди. Кўрқ-

иб кетдим. Ертўладаги одамнинг қуролини олмаганимдан афсусландим. Ахир бу ўлкада қуролсиз юриш мумкин эмаслиги ҳаммага аён. Мени босиб турган одам бақувват эканлиги унинг вазнидан билиниб турарди. Ҳамон ўқ овозлари, одамларнинг бақир-чақириги эшитилиб турарди. Тепамда турган ким бўлди? Қайсиdir гуруҳнинг аъзоларидан бирими? Ишқилиб кўпчилик бўлмасинда, деган совуқ ўй миямга урилди. Вужудимни қақшатган оғриқни унугтандим. Қандай қилиб бўлмасин, рақибимнинг чанталидан чиқишим, уни енгиги, йўлимда давом этишим зарур. Ўлсан ўламанки, хазинадан айрилмайман.

- Кимсан? - тепамда турган одам ниҳоят тилга кириб сўради.

- Ўзинг кимсан? - дедим мен ҳам бўш келмай.

Миям яшин тезлигида ишларди. «Кимсан» деган сўзнинг қайси қабила шевасига мансублигини ўйладим. Буни билиш рақибим билан тиллашиш имконини берарди. Бироз зардали оҳангда айтган сўзим унинг кўнглида инсоф ҳиссини уйғотди чофи, бўйнимдан бўғиб турган қўлларини бўшатди. Бағримга қутини босганча ётар эканман, қопгоғи очи-либ кетмаганидан мамнун бўлдим.

- Лаънатилар кўпчилик эканми? - нотаниш кимса ўрнидан туриб сўради.

- Сен нега қочдинг? - унинг сўзидан хulosа чиқариб, шундай дедим. Мен уни мужоҳидлардан озор чекканини тушундим.

- Нима, ўлиб кетишими керакмиди?

- Ҳамманинг жони ўзига ширин-да!

- Аҳмоқ ҳам яашани хоҳлайди.

- Энди нима қиласиз?

- Бу ерни мен яхши билмайман, ўзинг йўл кўрсат!

- Шаҳардан тезроқ чиқиб кетишимиш керак! - дедим нотаниш шеригимнинг юзига тикилиб..
- Тонг ёришса, барибир бизни тутиб олишади.
- Тоққа қочамиз!

Мўъжиза рўй бериб, гапларимиз бир жойдан чиққанидан баҳтиёр бўлдим. Иккимиз тоғ томон юрдик. Одам бўйи баробар келадиган чуқур бизни кўздан яшириб турарди. Шеригимнинг қўлимдаги кутидан шубҳаланиб қолишини истамасдим. Жағим-жағимга тегмай, унинг фикрини чалфитадиган гаплар айтиб борардим.

Эрталабгача йўл босдик. Тоғлар ичига кириб бордик. Пойтахт олисда қолди. Ўқ овозлари ҳам тинганди. Одамлар кўринмасди. Аммо бу хавфдан кутулдим, дегани эмасди. Энг катта хатар ёнимда, мен билан ёнма-ён борарди.

- Сен қаёққа бормоқчисан? - сўраб қолди шеригим.
  - Уйга, - дедим.
  - Уйинг қаерда?
  - Мозори Шарифда! - мен ўзим яшайдиган манзилни айтиб, хато қилдим.
  - Мен эса Жалолободда тураман.
  - Йўлимиз бошқа эканда.
  - Шунақага ўхшайди.
  - Шу ерда ажралишамиз.
  - Яхши қол! - мен бошқа сўз айтмадим, тезроқ ундан узоқлашишни хоҳлардим. Бироқ шеригим негадир мендан айрилиб кетолмасди, изимдан эрганиб келарди. Юрагимга гулгула тушди.
  - Тўхта! - деди кутилмаганда қўлимдан ушлаб.
- Юрагим орқага тортиб кетди. Узимни йўқотмасликка, қўлимдаги ҳазинага нисбатан шубҳа уйғотмасликка ҳаракат қилдим.

## «АФОН ШАМОЛИ» 4

- Нима дейсан?!

- Кутыда нима бор? - сүраб қолди у.

Кутылган савол ниҳоят берилганди.

- Буюмларим! - бамайлихотир жавоб қайтардим.

- Нега темир қутига солиб олдинг?

- Отишма пайтида шошиб қолдим.

- Илтимос, кийимларингдан бирортасини қарзга бериб тур, бу ахволда қишлоққа қандай кириб бораман? Кўрганлар мени ўғри дейишлари мумкин!

Нима дейишни билмай қолдим. Ҳақиқатан ҳам шеригимнинг кўйлаги йиртилиб, бадани кўриниб турарди. Кутини ерга қўйдим-да, устимдаги кўйлакни ечдим. Хато қилган эканман, шеригимнинг қизиқиши ортдими ёки янги кийим кийишни истаб қолдими, ҳарқалай, у қопқоқни кўтаришга улгурганди. Олтин буюмларни кўриб, тахтадек қотиб қолди.

- Ўғирладингми? - деди бироздан кейин ёниб турган кўзларини тикиб.

Тилим қотиб қолганди. Жим туриш айбни тан олиш билан баробар эканлигини тушунардим. Тезда кўнглимга келган сўзни айтдим:

- Йўқ, бобомдан қолган мерос, уйимга олиб кетяпман!

- Шунча бойлик қайси бобонгдан қолган ёки бирорта шоҳнинг боласимисан?

Шеригимни сўзимга ишонтиrolмадим. У ҳамон буюмларга тикилиб, қалтираб турарди. Ҳазинани тортиб олиш учун кўлини одам қонига ботиришдан ҳам қайтмасди.

- Тенг иккига бўламиз, - таклиф қилди шеригим. - Ярмини менга ташлаб кетасан. Рози бўлмасанг ўзингдан кўр! Икки-уч йилдан бери толибонларга эргашиб, уйга қуруқ қўл билан киришни истамайман!

Шеригимни муросага келтириш мақсадила босиқлик билан дедим:

- Боя айтдим-ку, булар бобомдан қолган, уни сенга беришга ҳаққым йўқ!

- Яхшиликча кўнмадинг, энди ўзингдан кўр! - леди рақибим ва ердаги қутини олиш учун пастга энкайди. Мен ундан чаққонроқ ҳаракат қилдим. Шеригим фирромлик қилди ва кўкрагимдан итариб юборди. Гандираклаб, хазинадан нарироққа бориб қолдим. Шу бойлик деб, бу ерга келдим, икки йилдан бери жангарилар ичиди яшадим, кўп бор ўлимларни доғда қолдирдим ва ниҳоят аждодларимдан қолган меросни қўлга киритиб, уни юртимга олиб ўтиш мавриди келгандা, наҳотки, бир безорига икки қўллаб топшириб қўйсам?! Аждодларим руҳи, келажак авлод олдида мен тавқи лаънатга учрамайманми?

Шеригим ханжарни қорнимга суқиб олмоқчи бўлиб, олдинга ташланганида, чаққонроқ ҳаракат қилиб, зарбани ўтказиб юбордим. Қайта зарба бериш учун у ортга қайрилиши лозим эди. Бунга имкон бермадим ва белига тепиб юбордим. Рақибимнинг қўлидаги ханжар ерга тушди. У бақувват эди. Менинг зарbam паشا чаққанчалик таъсир қилмади. Тезда ўзини ўнглаб олди. Оёги билан юзимга тепди, йиқилиб тушишимга оз қолди. Йиқилиш мағлубият эди. У тишларини гичирлатиб, менга нафратли кўзларини тикиб, қутининг олдида хезланиб турарди. Қутини олиб, қочиб қолиши ҳам мумкин эди. Бироқ йиқилмадим. Яна унга ташланмоқчи бўлдим. Рақибим юзимни мўлжалга олиб, оёғини кўтарди. Тезда ерга ўтирдим. Зарба ҳавони кесиб ўтди. Муштим билан қовугига урдим. Нишонни хато олмаган эканман, йигит ерга ўтириб

қолди. Иккинчи зарбани бериш имкони туғилди. Келиштириб бүйни аралаш юзига тепдим. У йиқилди. Бошидаги салласи ариқ ичига тушди. Ўзига келиши учун бир муддат лозим эди. Бу гал қорнига тепдим. Афсуски, зарбам оёғига тегди. У йиқилди. Шоша-пиша кўйлагимни кийдим. Тезда қочишим, ўзимни тошлар орасига уришим, шу тариқа рақибимнинг кўзига кўринмаслигим лозим эди. Кетаётаб саллани ҳам олдим. Шеригум оптимдан қичқирди:

- Кафанлигимни ташлаб кет!!

Йигитнинг додига қулоқ солмай, чопдим. Овози узоқ-узоқларгача оптимдан эшитилиб турди. Чопиб борар эканман, унинг кўзига кўринмасликка, ўзими панага олишга шошардим. Аллақанча масофани босиб ўтгач, оптимга қарадим. Не кўз билан боқмай, шеригум оқсоқланиб келарди. Овози тошларга урилиб, акс-садо таратарди.

- Салламни ташлаб кет!!!

Довондан ошиб ўтгач, нотаниш қишлоқдан чиқдим. Шу ердан машина ёллаб, Мозори Шарифга етиб оламан, деган фикр хаёлимдан ўтди. Бугун охирги муддат эди. Эрталаб лагерда бўлишим шарт, акс ҳолда Эргашнинг газабига дучор бўлишим тайин. Аммо чарчагандим. Оёқларимни кўтаришга мадорим қолмаганди. Бир зум нафас ростлаб олиш мақсадида қовжираб қолган бўта остига ўтиридим. Тинимсиз чопганимдан терга ботгандим. Кутини бағримга босиб, тошлар устига чўзилдим. Кўзим илиниб, қанча ухлаганимни билмайман, тошларнинг овозидан уйғониб кетдим. Кўзимни очиб, атрофга қарадим. Не кўз билан кўрайки, мен салласини олиб қочган Йигит яқинлашиб қолганди. Лекин кўзлари бошқа томонда эди. Кўлида

кагтагина таёқ. Турқи-тароватини кўрган одам қўрқиб кетади. Ўрнимдан тургудек бўлсан, сезиб қолиши мумкин.

Ётган жойимдан қимириламадим. Муштдек тошни кўлимга олиб кузатдим. У оқсоқланиб, довон ортига ўтиб кетди.

Бир амаллаб одамлар яшайдиган жойга етиб келдим. Кутини қўлтиқлаб юриш хатарли эди, хазинани саллага жойлаб, белимга ўраб олмоқчи бўлдим. У мен кўрган ва билган оддий саллалардан эмасди. Атрофи ип билан тикилганди, узиб ташладим. Салланинг ичидан икки боғлам доллар чиқди. Бу йигирма минг дегани. Шеригим бежиз изимдан кувиб келмаганлигини шунда тушундим. Шунча пули бор одам бой ҳисобланади. Пулларни чўнтағимга солдим. Олтинларни матога ўраб, белимга боғладим. Юрагимдаги хавф кўтарилиганди.

Қишлоққа кириб келганимда бир тўда одамларга дуч келдим. Улар ғала-ғовур кўтариб, кимнидир сўкар, кимнидир лаънатлашарди. Аёллар дод солиб йифларди. Уларга яқин бордим. Ўртада беш-олти нафар қуролли одамлар ўн ёшлар чамасидаги иккита болани ушлаб турарди. Кўркувдан ранглари оқариб кетган болалар безгак тутгандек дилдишар, катта-катта бўлиб кетган кўзлари билан атрофдагиларга жовдираб боқишаарди.

- Аҳмад сардорнинг қотили кимлигини айтмасаларинг, билиб кўйларинг, мана шу болаларни оловга ташлаб, ёқиб юбораман! - бақиради қуролли одамлардан бири. - Сенларга ўн дақиқа муҳлат!

- Раҳм қилинг, Сайдбек, сардорни ким ўлдирганидан биз бехабармиз! Билганимизда ўзимиз олдингизга бориб айтардик! - деди орқароқда турган оқсоқоллардан бири.

- Сенлар шу гапга мени ишонади, деб ўйлайсанларда, а?! Мени алдамаларинг, сенлар ҳаммасини биласан, қотилни яширяпсанлар! - маст түядек бўкирарди Саидбек.

- Аллоҳнинг номи билан қасам ичамиз, биз ростдан ҳам бехабармиз!

- Болаларимизни қийнаманг, уларга раҳмингиз келсин!

- Она сути оғзидан кетмаган бу норасидаларнинг гуноҳи не? Қасдингиз бўлса, мана, биздан олинг!

Одамларнинг ялиниб-ёлворишлари Саидбекнинг юрагидаги қаҳр музини эритмади.

- Ҳа, болаларингга ачиняпсанларми? - деди у иршайиб. - Биз эса Аҳмад сардорга ачиняпмиз! У бизнинг яқин маслаҳатгўйимиз эди. Сенлар уни ўлдирдиларинг!

Саидбек ўз одамларига юзланди.

- Гулханни ёқларинг!

Куролли одамлардан иккитаси гулханга ўт қўйишиди. Аланга кўкка ўрлади. Аёллар дод солишиди. Саидбек болалардан бирининг қўлидан тутди ва уни олов томон судради. Қариялардан бири олдинга чиқиб, унинг йўлини тўсди.

- Бошқа шартинг бўлса айт, бажарайлик, лекин болаларни ўтга ташлама! Халқ сени бир умр лаънатлади!

Саидбек қариянинг юзига тикилиб турди-да, шундай деди:

- Унда йўлбошчимизнинг хуни учун юз миллион афғоний тўлайсанлар!

- Биз бундай катта пулни қаердан топамиз, бек? Инсофинг борми? - деди орқароқда турган одамлардан бири.

- Бу сенинг муаммойинг, менга айтилган пулни

тўлайсанлар, акс ҳолда болаларни гулханда ёқиб, кул қиласман!

Аёллар йиглашарди. Болалар додлашарди. Оналари томон талпинишарди. Сайдекни аҳдидан қайтариб бўлмасди. Айтилган талаби бажарилмаса, болаларни оловга ташлаб юборишдан тап тортмасди. Кўлларим ҳамёнимдаги пулларга югурди. Болаларни озод қилиш учун Сайдекнинг олдига борсам, мендан шубҳаланиши мумкин. Ёнимдаги пуллардан беш-олтитасини олиб қолиб, қолганини оқсоқолга узатдим.

- Болаларни қутқариб олинг!

Қария худди Хизр бувага дуч келгандек менга боқди. Шошиб пулни олди. Сўнгра Сайдек томон юрди. Мен одамлар орасидан чиқиб, тезроқ бу ердан фойиб бўлиш мақсадида жўнаб қолдим.

Киракаш машиналардан бирини ёллаб, Мозори Шарифга жўнадим. Барча хавфу хатарни ортда қолдириб, уйга кетаётганимдан баҳтиёр эдим. Кўлим ўзимга итоат этмасди, тез-тез белимдаги хазинани ушлаб қўярдим. Уни Тошкентга жўнатиш тўғрисида ўйлардим. Шаҳарга келиб, Зебо учун озиқ-овқат, кийим-кечак сотиб олдим. Эргашнинг илтимосини ҳам унутмадим. Бозор дарвозасига етганимда, де-ворга суюниб турган йигит эътиборимни тортиб қолди. Бу ўша - мен салласини олиб қочган ва ортимдан таъкиб қилаётган танишим эди. У газаб чақнаган қўзларини жовдиратиб, атрофга олазарак боқарди. Ортга қайтишнинг иложи қолмаганди. Ягона йўл унинг ёнидан ўтиб кетиш. Саноқли қадамларгина орамиздаги масофани ажратиб турарди. Ўзимни қўлга олдим. «Мен унинг олдидан ўтиб кетаман», деб ўзимни ўзим ишонтирдим. Диққатимни бир нуқтага жамладим. Ўзимни бегона одам

қиёфасида күрсатишга бутун вужудим билан ҳаралат қылдым. Эмин-эркин қадам ташлаб, бошимни баланд күтариб, шундоқ ёнидан ўтиб кетдим. У мени күрдими ё күрмадими, билолмадим. Энди белимдаги хазинадан хавотир олмасам ҳам бўларди. Бу ерда уни ҳеч ким тортиб ололмайди. Бугуноқ Тошкентга хабар қиласман, эрта-индин уни олиб кетишади. Мен ширин ўйлар гирдобида уйга кириб келдим.

Ховлида Зебо кўринмасди. Остонага қадам босишим билан инграган товуш қулогимга чалинди. Эшикни очиб ичкари кирдиму, серрайиб туриб қолдим. Тўшакнинг устида чалқанча тушган Зебо тўлғоқ азобида қийналиб, оҳ уриб ётарди. Аҳволини кўрибоқ, эсхонам чиқиб кетди. «Зебо!» деб унга ташландим. Аёлим анчадан бери тўлғоқ азобида қийналаётган бўлса керак, кўзлари катта-катта бўлиб кетганди. Оёгини ушлаганимда, биячиллаб қонга ботган тўшак билагимга урилди. У юзлари кўкариб, кўзлари олайиб, нафас ололмай ҳиқиллаб менга тикилди. Назаримда кўп қон йўқотганди. Нима қилишимни билмасдим. Бундай пайтда фақат унинг жонига дўхтир оро кириши мумкин эди.

Кўчага чопиб чиқдим. Кўшни уйнинг деразасини тақиллатдим.

Уй эгаси чиқди. «Опажон, уйга юринг, Зебонинг аҳволи чатоқ», деб уни ичкарига бошлаб кирдим. У Зебога чой ичирди. Қалт-қалт этиб, тиши тишига тегмай аранг ичди. Афтини кўриб, аёл ҳам қўрқиб кетди. «Мана ҳозир ўтиб кетади, бир зум чидаб тур», деб тасалли берди. Кейин менга юзланиб, «шаҳарга олиб бориш керак, аёлингиз кўп қон йўқотибди», - деди.

- Нимада олиб бориш керак? Қишлоқда машина бўлмаса, - дедим.

Кўнни аёл «ҳеч бўлмаса арава топиб келинг», деб мени чиқариб юборди. Бир амаллаб арава топиб келдим. Аравага кўрпа-тўшак солиб, ёстиқ қўйиб, уч кишилашиб, Зебони зўрға кўтариб ётқиздик. Бу орада аёлимнинг тўлгоғи қайта хуруж қилганди, беш букилиб-беш ёзилиб, устидаги ёпинчиқларини ирғитиб, одам чидай олмайдиган товуш билан чинқиради. Аравакаш тинимсиз отини қамчиларди. Қани энди йўл текис бўлса, қани энди арава тезроқ юрса. Филдираклар катта-катта тошларга урилиб, худди бўронда қолган кемадай чайқалиб борарди. Зебонинг бошини тиззасига қўйиб олган қўшни аёл унга тинимсиз тасалли берарди. «Жоним, бироз сабр қил, ҳозир етиб борамиз. Худо ҳоҳласа, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасан». Зебо оғриққа чидамай қичқиради. Мен филдиракка яқин жойда арава билан теппа-тeng чопиб борардим. Бағрим эзилиб, вужудим оғриқдан зирқираб аравакашга ялинардим. «Тезроқ ҳайданг, Худо хайрингизни берсин». Аравакаш йигит мендан анча ёш эди. У ҳолимни тушуниб турарди. Оғзидан «чу» деган сўз тушмасди. Қўлидаги қамчи тинимсиз отнинг сағрисига тушарди. Ориқ ва нимжон от олдинга интиларди. Бу пайтда Зебо чалқанча ётиб, кучаниб, қорни яна сиқила бошлади. «О, бегим, қанисиз, берироқ келинг». Тўлғоқ азобида қора терга ботиб кетган Зебонинг аламли овози қулоқларимга чалинди. «Мен шу ердаман, азизам, ёнингдаман, хавотир олма, ҳаммаси ўтиб кетади. Худо ҳоҳласа, дардан фориғ бўласан, фақат бироз сабр қилгин», дея ўзимча уни юпаттган бўлдим. «Бегим, ичим куйиб-ёняпти, қўлингизни беринг. Аравани бирпас тўхтатинг. Сизга айтар

икки оғиз сўзим бор. Илтимос, аравани тўхтатинг, ўляпман, тирик қолмайман», дея йиғлаб, энтикиб илтижо қиласарди Зебо. Қўшни аёлнинг ишораси билан аравани тўхтатдик. Аёл Зебони кўтариб, қорнини босди. Кейин менга юзланди.

- Аравага чиқинг!

Мен дик этиб аравага чиқдим. Бу пайтда чақалоқнинг қўли чиқиб қолганди. «Уялманг, боланинг қўлидан тортинг», буюрди аёл. Ўзи эса Зебонинг қўлтиғидан кўтариб, қорнини босди. Қон ва суюқлик тинимсиз оқиб турарди. Мен боланинг қўлчасидан тутиб тордим. «Инга» деган овоз тун билан тонг учрашаётган бир пайтда олис-олисларга таралиб кетгандек бўлди. Қувонганимдан ўзимни қўярга жой тополмасдим. Зебонинг соғ-саломат қутулиб олганидан ўзимда йўқ хурсанд эдим. Аёл болани қўлимдан олди. Ҳаво совуқ эди, чақалоқни иссиқроқ буюмга ўраш керак, акс ҳолда шамоллаб қолиши мумкин эди. Аёл иккимиз бола билан андармон бўлиб қолгандик. «Ўғил экан», - деди қўшни аёл болами бағрига босиб. Мен ўзимда йўқ хурсанд эдим. Шодлигим кўксимга сифмасди. Шунда бу хабарни аёлимга айтиш мақсадида унга юзландим. Зебонинг афтига қарасам, юзи оппоқ бўлиб, дунёning яхши-ёмонига рози бўлгандек тинчиб, кўзи юмилган экан. Унинг музлаб қолган оёқларини ушлаб, йиғлаб юбордим.

### Ю Р Т Д А

Тижоратчилар Покистондан қайтишли. Уларнинг қиёфалари ўзгармаган бўлса-да, дунёқараашлари, фикрлари бегона эди. Бу ердаги аёллар ҳам, эркак-

лар ҳам кўзларига бошқача кўринди. Улар динсиз, имонсиз одамларга ўхшарди. Аёлларни аэропортда Қамбарнинг одами кутиб олди. Уларни ўз уйларига, қишлоқларига, ҳатто одамлар орасига қўшиш мумкин эмасди. Хорижда олган «сабоқ»лари остин-устун бўлиб, ҳаммасини қайтадан бошлишга тўғри келарди. Бир ой давомида мияларига қўрғошиндек қуйилган ғоялар таъсири сўниб, берилган топшириқни бажаришдан воз кечишлари мумкин. Улар ҳақиқатни англаб етмасдан, ўзликларига қайтмасдан, режани амалга ошириш шарт эди. Қамбарнинг одами аёлларни аввалдан тайёрлаб қўйилган шаҳар марказидаги уйлардан бирига олиб келди. Бу ерда улар учун ҳамма нарса муҳайё эди. Эртаси куни Қамбар келди. Ҳар бир аёлга бир донадан наша ўралган сигарета совға қилди.

- Энди сизлар Аллоҳ йўлида жиҳодга киришларинг зарур. Бединлар, шарм-ҳаёсиз одамларни орамиздан йўқ қилишларинг шарт. Бу ишларингиз билан фоний дунё азобларидан қутулиб, охиратнинг роҳат-фароғатларига киришларинг учун жаннат эшикларини очган бўласизлар!

- Биз жаннат висолига етишмоғимиз учун қачон жиҳод камарини белимизга боғлаймиз? - сўради наша таъсирида боини айланиб ўтирган Кифоят.

- Жиҳод камарини белга боғлайдиган қутлуг кунга оз қолди, синглим! - худди телбалардек қўлини мушт қилиб ваъз ўқирди Қамбар. - Бизнинг ашаддий душманларимиз, ғанимларимиз тўпланган жойларда ана шу камарни ишга коласизлар!

- Биз биз учун чўт эмас. Ахир, бу ишни анчадан бўён орзиқиб кутмоқдамиз, - деди иккинчи жувон.

Аёлларнинг кўзига Қамбар айтаётган чин дунё роҳат-фароғатлари кўриниб кетди. «Дори» ўз таъси-

рини күрсатганди. Юракларида адоват ва қасос ҳисси уйғониб, уларни одамлар гавжум жойларга боришга чорларди. Улар ўзларини ўша жаннат боғларида юргандек ҳис этишарди.

- Менинг сабрим чидамаяпти, тезроқ жаннат боғларида юргим келяпти? - деди Кифоят бетоқатланиб.

- Баракалло, синглим, бу гапларингиз рағбатта лойиқ! Сизнинг жиҳодга ошиқаётганингиз қалбингиздан шайтони лаъинни қувиб солганингиздан, имонингиз покланганидан, охиратга элтувчи одил йўлни қўра билганингиздан далолат бермоқда. Билингки, имони пок, мақсад йўлида курашга чоғланган банданинг барча эзгу-тилакларига фаришталар омин дейишади. Бошингиз узра кўқдан раҳмат нурлари ёғилади. Сиз Тангрининг мукофотига сазовор бўлдингиз. Малаклар дилингизга нур олиб киргани бизга аён. Сиз ёмон ўй-хаёлларни, қўркув ва қийноқларни, азобларни, ўткинчи дунёning ҳоюҳавасларини унутгансиз, қалбингизни шайтон тарк этган. Шу пайтга қадар у сизни йўлдан оздирганди, эзгу ишларингиздан қайтаришга уринганди. Энди «мен жиҳод жангид шаҳид бўламан, Тангри йўлида бу курашга тайёрман», деган сўзни тилингиздан қўйманг! Унутманг, бўш ва заиф қалбга шайтон макон қуради, сизни муқаддас ишингиздан қайтармоқчи бўлади.

Камбар берилиб, жон куйдириб, аёлларни худди сеҳргардек авраб ташлади. Улар юраклари юмшаб, кўзларига ёш олиб, унинг сўзларини жон қулоқлари билан тинглашарди. Ҳар бир гап аёллар қалбига кириб борар ва мияларига қўрғошиндек қуюларди. Мазмунан ўхшаш бундай гаплар уларнинг кўз олдига бир неча минг чақирим олислда қолиб кетган

Гулининг қиёфасини келтириб кўярди. «Мен жиҳод жангида шаҳид бўламан, бу курашга тайёрман», деган гапни тилларига олганларини ўзлари билмай қолишарди. Гўёки бу калимани унтиб қўйишса, елкаларини битмас-туганмас даҳшатли гуноҳ юклари босаётгандек бўларди. Шайтон бизни йўлдан оздирмоқда, деб ўйлашарди. Шоша-пиша ўзларини ўнглаб олишарди.

Нотиқ маърузасини тугатиши биланоқ, хонага йўриқчи кирди. «Жиҳод камари»ни қандай тақиша ишлатиш, лозим бўлган пайтда мосламани ишга тушириш тўғрисида қуйиб-пишиб тушунча берди. Токи аёллар хатога йўл қўйишмасин, деган мақсадда бир неча бор мосламани кийиб кўрсатди.

Ниҳоят, уч аёл «жиҳод камари»ни белга боғлайдиган кун ҳам етиб келди. Ўша куни ҳаво очиқ эди. Йўриқчи эрталаб уларнинг белларига мосламаларни боғлади. Кифоят ориқ эди. Мослама кўриниб қолмасин, деб қалин кийимни кийинтириши. Уч аёл кўчага чиқишли. Уларнинг ортидан кузатувчи ва суратга олувчи одамлар қўйилганди. Кифоят бозорнинг ичига кириши, Сарвиноз шаҳар ички ишлар бошқармасига бориши, Барно эса истироҳат боғини портлатиши лозим эди. Оралиқ масофа яқин бўлганлиги учун Барно истироҳат боғига вақтироқ келди. Дам олиш куни бўлганидан отоналар фарзандларини бу жойга олиб келишганди. Болалар тўп-тўп бўлиб ўйнашарди. Уларнинг қийчуви, ўйин-кулгуси еру кўкни тутганди. Яқин орада боғ бутунгидек болалар билан гавжум бўлмаганди. Барно бўш ўриндиқча ўтирди.

Аёзда қолган одамдек қалин кийиниб олган Кифоят йўлакчадан бозор томон кетиб борарди. Худди аёзда қолган одамдай кийиниб олгани учун ўтган-

кетганлар унга қизиқиш билан қараб қўйишарди. У дарвоза олдига етиб келганида тўхтаб, ортига ўтирилди. Таниш чехрани учратмади. Йўлида давом этди. Одамлар гавжум эди, юриш учун йўл топилмасди. У бозорнинг истаган жойида қорнидаги ипни тортиб юборса бас, ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетади. Лекин унга мосламани роппа-роса соат ўн бирда ишга тушириш топширилган. Бунга эса ярим соатдан мўлроқ вақт бор.

Кифоят ичкарига кириб борди. Мослама қаттиқ боғлангани сабабли, белини оғритар, юришини қийинлаштиради. У четга чиқиб, камарни бироз бўшатишга қарор қилди. Шунда ортидан келаётган одамга кўзи тушди. Унинг қиёфаси таниш туюлди. У одамлар орасида кўздан йўқолди. Аёлнинг қўркув ва хавотир акс этган кўзлари ўзига тикилиб турган милиционернинг нигоҳи билан учрашди.

- Опажон! - милиционер аёл томон юрди. Кифоят қўрқиб кетди. - Мазангиз қочдими, бирор ёрдам керакми?

Кифоятнинг тили қотиб қолди. У терга ботганди. Бир ойдан бери қулогига «душман» деб тушунтирилган формали йигитнинг ширин сўзи, меҳрибонлиги кўнглида илиқлик уйғотди.

- Бошим оғрияпти, - тилига келган сўзни тезда айта қолди аёл.

- Унда юринг, хонамга кирайлик, дўхтири чақираман!

Милиционер унинг қўлидан ушлади. Кифоят беихтиёр унга эргашди. Икки қадам босганда тўхтади.

- Керак эмас, ҳозир ўтиб кетади! - деди.  
- Рангингиз оқариб кетибди, опажон, дўхтирга кўринмассангиз бўлмайди!

Милиционер аёлнинг қўлини қўйиб юбормай, хонасиға бошлади. Кифоятни кузатиб келаётган кимсалар шубҳаланиб, зудлик билан орқага қайтишиди.

Сарвиноз ички ишлар бўлимига етиб келганида формали зобит икки-учта йигитлар билан гаплашиб турарди. Сарвиноз соатига қаради. Яна ўн дақиқа бор. У вақтли келганидан нима қилишни билмасди. Бир четда туриб, кўз қири билан бояги зобитни кузатди. Сарвинознинг ичини ит тирнарди. Ахир хорижда ҳам, Қамбарнинг ўзи ҳам унга милиционерлар тўғрисида қанчадан-қанча ёмон гапларни қулоғига қўйганди. Нега одамлар зобитнинг олдига келиб, ўзларининг яқинлариdek салом-алик қилиб кетишимоқда. Ҳатто уларнинг «Ўғил муборак, Фарҳоджон», деган сўzlари қулоғига чалиниб турарди. Уч қиздан сўнг ниҳоят ўғил кўрган Фарҳоднинг кувончини тушунган Сарвиноз дилидан шу сўзларни ўтказди. «Хурсанд бўлмай қўяқол, яна ўн дақиқадан сўнг тупроқ билан битта бўлиб кетасан. Дўзах алангасида ёнасан!».

Барно атрофида ўйнаб-кулаётган болаларни кузатиб ўтирас экан, бирдан ўзининг ёшлик чоғларини эслаб қолди. У ҳам ҳув анови жингалак сочли қизалоқдай шўх ва ўйинқароқ эди. Эсида, беш ёки олти ёшларда эди. Нимадир сабаб бўлиб, ярим тунда уйлари ёниб кетди. Отаси қаёққадир кетганди. Онасининг бағрида қолганди. Кўзини очганда ўзини. қоп-қоронғу тутун ичиди кўрди. Дод солиб, онасини чақирди. Бироқ онаси кўринмасди. Ташқарида қип-қизил тилини чўзиб, осмонга аланга ўрларди. Осмон ёришиб кетганди. Одамларнинг бақир-чақирлари, гуриллаб ёнаётган тўсин ҳамда хашакларнинг чирсиллаган товушига қўшилиб кет-

ган қизчанинг додини ҳеч ким эшитмасди. Барно ўзини қаёқقا уришни билмасди, ҳар томондан ўраб келаётган аланга уни исканжасига оларди. Қизча иссиққа бардош беролмай, юзини қўллари билан тўсиб, чинқириб, дод соларди. Олов ичига юрак ютиб кирадиган одам топилмасди.

Ўт ўчирувчилар етиб келишди. Кимдир уларга уй ичиди ёшгина қизча қолганини айтди. Ўт ўчирувчи йигит ўзини гуриллаб ёнаётган олов ичига урди. Ичкари тутун эди. Кўз бир қадам нарини кўрмасди. Тепадан хашак, тўсинлар ёниб тушарди. Қаерга бош уришни билмаган аланга узун тиллари билан ўт ўчирувчининг юз-кўзига игна мисоли санчилди. Лекин у ортга қайтмади. Қўлларини чўзиб, қизчани ахтарарди. Тепадан тушган ва чўяндек қизиб кетган тўсинни ушлаб қолди. Шунда йигитнинг бармоқла-ри куйиб, эти шилиниб, қип-қизил гўшти чиқиб кетди. Олов унинг юзида бир нечта пўрсилдоқлар ҳосил қилди. Йигитнинг кўзи кўрмасди. Қўллари билан атрофни пайпаслаб, қизни ахтарарди. Бар-нонинг чинқиригини гуриллаб ёнаётган оловнинг товуши ютиб юборганди. Ниҳоят, йигитнинг қулоғига овоз эшитилди. У тандирдай қизиб кетган Барнони қучоқлаб, орқага қайтди. Эшикка етмас-дан ёнаётган тўсинлардан бири йигитнинг елкаси аралаш бошига туши. У йиқилди. Тутун ичини ёриб келаётган иккинчи ўт ўчирувчи буни қўриб қолди ва шериги томон чопди. У қизни бағрига олиб, илондай вишиллаб тилини чўзиб келаётган оловдан ҳимоя қилиб ётарди. Шериги бир қўли билан қизчани кўкрагига босиб, иккинчиси билан ҳамкасбини ташқарига судради. Барно эртаси куни касалхонада ўзига келди. Уша кундан бошлаб ҳаё-тини сақлаб қолган йигитни унупотлмай юрди. Қаттиқ

тан жароҳати олган ўт ўчирувчи касалхонада вафот этганди.

Одамлар унинг жасоратини унтишмади. Маҳаллага номини беришди. Фуқаролар йигини идораси олдига бюстини ўрнатиши. Барно ёши улғайиб, эсини танигандан кейингина бу йигитнинг исми Икром эканлигини билди. Маҳалла аҳолиси ҳар байрамда ҳайкал пойига гуллар қўярди. Ҳурмат билан номини тилга олишарди. Барно ҳам бир-икки бор бюст остига гулдаста қўйиб кетганини эслайди. Ўша йигитни ўз жонини хатарга қўйиб олов ичига киришга ҳеч ким мажбур қилмаганди. Уйнинг ёниб тугаганини, тўсинлар қулаг тушаётганини, том босиб қолишини била туриб ўзини ичкарига урди. Унинг мақсади қизчанинг ҳаётини сақлаб қолиш бўлганди. Ичкарига киришга бошлиқлари буйруқ бермаганди. Бироқ ўзбекона инсонгарчилик, одамийлик, виждан уни шунга ундалганди...

Ҳозир ҳам Барно ўт ўчирувчининг алангадан териси шилиниб, пўрсилдоқ босган, чугундек қизиб кетган юзини кўз ўнгидан кетказолмайди. Бундай одамларни оқибатсиз, динсиз, имонсиз, дейиш мумкинми? Наҳотки, уларнинг жойлари дўзахда бўлса?

Ўшандай мард, эли ва халқи учун жонини фидо қилишга шай йигитларнинг жасоратини нега покистонлик аёл, ўзимизнинг заминда туғилган Қамбар билмайди?! Наҳотки, улар кофир бўлса? Дўзахга ҳукм этилса?

Барно Покистонга борган куни бир манзаранинг шоҳиди бўлганди. У шаҳар кўчаларидан бирида шундоқ йўлнинг ёқасида олти-етти ёшли яrim яланғоч, очликдан қовурғалари саналиб, пашшаларга таланиб ётган болани кўрганди. Ўтган-кетган йўловчилар унга қайрилиб ҳам қарашмасди. Ўшан-

да Барнонинг ичи ачиб, болага раҳми келганди. Ким уни бундай аҳволга ташлаб кўйди? Ота-онаси қаерда, деб ўйлаганди. Шу болани бағрига олган, бир бурда нон берган одам жаннатга тушмайдими? Буни улар билишмайдими?

Барнонинг хаёли бўлинди. Атрофида бир-бирларини қувлашиб, чопқиллашиб юрган болаларни кўриб, кўзлари ёшланди. Уларнинг ўз юртларида бу қадар баҳтли ҳаёт кечиришаётганини белига жиҳод камарини боғлашга ундан кимсалар билишармискин? Бизда қайси бола ота-онасининг қаровисиз қолган, қайси гўдак очликдан шишиб кетган? Нега энди мен ўз халқимнинг фарзандларини жонига қасд қилишим керак? Жаннатга киришим учун шу норасида гўдакларнинг қонини тўкишим, ҳаётига зомин бўлишим шартми? Жаннат агар улар таърифлагандек боги эрам бўлса, нега ўша покистонлик аёл ёки Қамбар у жойга киришга ошиқишмайди? Барно ота-оналаридан кўп эшиттан: «Бировга заар келтирган, бир инсоннинг қонини тўккан кимса ҳеч қачон Аллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлмайди». Барча муқаддас китобларда қон тўкиш қораланмаганми? Қайси дин қотилликни шарафлаган? Қайси дин Аллоҳ яратган инсонни ўлдиришни тарғиб қилган? Қолаверса, Барно шу юртда туғилиб, шу ёшга кириб, бирор кимсадан ёмонлик кўрдими? Ёнгинда қолганида, ўлим чанг согланида етти ёт бегона йигит ширин жони кўзига кўринмай, уни қутқарди. Отаси бетоб бўлганида давлат ўз ғазнасидан пул сарфлаб, хорижда даволатди. Онаси вафот этганида шу инсонлар жигаримлаб йиғлашди, тобутни елкаларида кўтариб, қабристонга элтишди. Шуларга қарши энди у жиҳодга кирадими? Оғанисицек бўлиб кетган одамларнинг қонини тўкиб,

кун сайин обод бўлиб бораётган юртнинг тинчини бузиб, жаннатга кирмоқчими?

Барнонинг бошига келаётган фикрлар унинг мақсаду ниятларини остин-устун қилиб ташлади. Ўша юзига ҳижоб тортган покистонлик аёл ҳам, Қамбар ҳам унинг учун қўлида қилич яланғочлаган жаллод қиёфасида гавдаланди. «Йўқ, - деди қиз ўзига. - Мен сенлар айтган йўлдан бормайман. Ватандошларимнинг қонини тўкмайман. Юртимнинг тинчлигини, осойишталигини бузмайман. Сенларнинг кимлигингни энди тушундим. Билиб қўй, менга ўз халқимнинг қонини тўкиб, тинчлигини бузиб кирадиган жаннат керак эмас. Қўлимни қон қилиб, жаннатга кирадиган бўлсан, дўзахда ёниб, азоб чекканим афзал».

«Қасам! Қасам ичгансан-ку, нобакор!! Бунинг учун нариги дунёда жавоб берасан». Гулининг овози қулоқлари остида жаранглагандек бўлди.

«Қасам?! Мен қасамни сендай юртфуруш, халқнинг тинчини бузадиган Ватан хоинларидан қасос олиш учун ичганман!»

«Дўзахда ёнасан!!»

«Одамларни ўлдирган эмас, балки Ватан йўлида жонини фидо қилган кимса жаннатидир».

«Биздан олган пулларингни қайтарасан?»

«Пулинг бошингдан ордона қолсин!»

Барно ўрнидан турди. У Қамбарнинг хонаси томон кетди. Бу пайтда соат бешта кам ўн бир бўлганди. Яна саноқли дақиқалардан кейин шаҳарнинг уч жойида қиёмат қойим бошланишини кутиб турган Қамбар ўз шериклари билан соатига қараб ўтиради. У Барнонинг қайтиб келганидан ҳайрон бўлди. Мослама ишдан чиқдимикин, деб хаёл қилди. Шу пайтда Кифоятнинг изига тушган икки нота-

## «АФОН ШАМОЛИ» 4

ниш кимса ҳам кириб келишиди. Улар Қамбарга шундай дейиши:

- Кифоят құлға тушди. Уни мелиса хонасига олиб кириб кетди!

Қамбар аланга ичидә қолғандай типирчилади.

- Қанжиқ, құлға түшдими?! Бизни сотдими?! Уни изига түшинглар. Мелиса хонадан чиқиши биланоқ ўлдириб ташланглар!

- Энди нима қиласыз?

- Сарвиноз қаерда?

- Биргина умидимиз ўшандан!

- Тезда бу ердан кетишимиz керак! - деди учинчи одам.

Қамбар Барнога ғазабдан буришган юзини бурди.

- Сен нега топшириқни бажармадинг?!

- Мен топшириқни бажаргани келдим, - деди Барно. - Сен муттаҳамнинг ниятини энди билдим. Ёлғон гапларинг билан бизни илондай аврадинг! Бегуноқ юртдошларимнинг қонини тұқтирмоқчи, тинчлигимизни бузмоқчи, обод Ватанимизни вайрон қилмоқчи, шу йүл билан ўзингни, мана бу ювуқсиз ғаламис келгиндиларни ғараз мақсадига эриштирмоқчи бўлдинг! Аслида Ватан инсон учун жаннат! Билсанг биз мустақилликка эришган қуни миздан бошлабоқ, жаннатда яшамоқдамиз! Сендай юртфуруш, қонхўрлар, хоинлар жаннатмакон юртимни дўзахга айлантирмоқчи бўлгансанлар! Мана бу ичи қора, халқимизнинг яқдиллигини кўролмайдиган, бойликларимизга кўз олайтирган мана бу ифлос келгиндилар учун Ватанни сотмоқчи бўлгансанлар! Сенларнинг жазойинг менинг қўлимда! Шундай жазолайки, токи ер юзида сенга ўхшаган бирорта ғаламис қолмасин! Сен каби ватанфуруш-

ларни итдай ўлдирган, жисмингни ёндириб кул қылган одам ҳақиқий жаннат эгасидир!

Барнонинг кўзлари чўғдай ёнарди. Важоҳатини кўрган одам уни ҳеч нарсадан қайтмаслигини билиши қийин эмасди. Қамбар деворга суюниб, оҳиста юриб, дераза ёнига яқинлашиб келарди. Деразанинг илгаги солинмаган, хиёл очиқ турарди. Хориждан келган уч нафар келгинди ҳайкалдек қотиб қолганди. Портловчи мосламаларни олиб келган кимса ҳам худди ақли-хушидан айрилган одамдай қалтиради. Ҳеч ким, ҳеч қандай куч ва ваъдалар аёлни аҳдидан қайтаролмасди.

- Сенларнинг жазойинг ўлим!

Бу сўз ҳамманинг қулоқлари остида қайта-қайта жаранглади. Бирдан қаттиқ уйқудан уйғонган одамдай ўзларига келишди. Жонлари қаршиларида турган қизнинг қўлида эканлигини тушунишди. У ҳеч нарсадан тап тортмаслигини, белидаги «жиҳод камари»ни ишга солиб юбориши мумкинлигини сезишиди. Хорижликлардан бири ўзини ерга ташлади. Иккинчиси чўнтағидан бир чангаль пулни чиқариб, Барнонинг оёғи остига улоқтирди. Учинчиси эса бўйнидаги энг қимматбаҳо олтин тақинчоқни ташлади.

- Ақлингни йиф, буларнинг ҳаммаси сенга! Ол! Тортинма, олавер! Камлик қылса яна берамиз! Факат белингдаги чилвирни тóрта кўрма! Биз ҳозир чиқиб кетамиз!

Уччалалари оғзига келган сўзларни айтиб, ердан оёқларини узиб, аста эшик томон силжишарди.

Барно ўзининг ҳукмини ўқиди.

- Сен келгиндиларнинг жазоси ўлим!

Қиз кийимининг орасидан чиқиб турган портловчи мослэманинг ипини ушлаганида Қамбар ўзини

деразадан ташлади. Оёғи ерга текканида гумбурланган овоз уйнинг деворини бузиб, фиштларини учирив, томини кўчириб юборганди.

### С А М А Н Г А Н

Зебони дафн этиб, маъракасини ўтказиб, лагерга қайтдим. Эргаш бошимга тушган савдодан огоҳ экан (Буни сув ташиёттан шеригим айтганига ишонардим). Мени ўн кун фойиб бўлганим учун койимади. Тасалли берган бўлди. Ишимни давом эттирудим. Хазинани булоқ олдидаги тошлар орасига яшириб қўйгандим. Уни тезроқ Ватанимга жўнатишни ўйлардим. Ишга қайтган кунимоқ, Тошкентта хабар жўнатдим. Зокир икки кун ичиди этиб келишини маълум қилди. Вақтни ўтказиш қанчалик оғир кечганини сўз билан изоҳлаб беролмайман. Юрагим сиқилиб, ўзимни қаерга қўйишни билмай, маст одамдек бошим гангид юрардим. Бир ёнда Зебонинг вафоти, иккинчи ёнда Ватан соғинчи, боламнинг тақдиди ич-этимни кемирарди. Ўғилчамни қўшни аёл парвариш қиласарди. Унинг учун сут топиш ҳам муаммо эди. Ёнимдаги пулларнинг ҳаммасини қўшни аёлнинг эрига бериб қўйгандим. У қишлоқ кезиб, янги соғилган эчки сутини топиб келарди. Бошимда ташвишлар ари уясидек гувилларди. Ниҳоят, биз учрашадиган кун этиб келди. Бир ҳисобдан олганда мен Афғонистонда ўз ишимни бажариб бўлгандим. Излаб келган хазинани топдим. Эргашнинг Ватандаги ҳамтовоқларини фош этдим. Энди юртимга қайтсам ҳам бўлаверар, деб ўйлардим. Бироқ...

Тўдабоши қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг қонини тўқди, кўплаб ёшларни алдаб, бу ерга олиб

үтди. Одамларни Ватанга қарши қуролли исёнга тайёрлади. Бу қилмишлари учун эл олдида, қонун олдида жавоб бермас экан, у барибир ўзи танлаган йўлдан қайтмайди. Чаён яқиндами, йироқдами, қачондир нишини санчиш пайида юради. У ҳам мисоли бир чаён. Даф қилинmas экан, туғилиб ўсган она юртига, халқига бўлган душманлик ҳисси уни тинч кўймайди. Пайт пойлаб халқимизнинг тинчини бузади, тараққиёт чўққиси сари одимлаб бораётган Ватанимиздаги ўзгаришларни издан чиқармоқчи бўлади. Уни ниш санчишига имкон қолдирмаслигим даркор. Бирор иложини топиб, Ватанга қайтаришм ёки шу ерда одамларини бир - бирига душман қилиб тарқатиб юборишим лозим. Шундагина мен ўзимни «она Ўзбекистоннинг фарзандиман», дейишга ҳақлиман. Зокир билан учрашганда бу ҳақда маслаҳатлашиб олишни дилимга тутиб қўйдим.

Белгиланган соатдан аввалроқ булоққа етиб келдим. Отни аравадан бўшатиб, чўмилтирдим. Фидиракларни созладим. Вақт бу қадар имиллаб ўтишидан юрагим тарс ёрилиб кетаёзди.

Ва ниҳоят, у келди. Биз анчадан бери кўришмагандик. Бир-биrimизни бағримизга босиб, тик турган жойимизда омонлашдик. Бир неча йил ўзга юрт тупроғида яшаб, бугунгидек Ватан соғинчини ҳис этмагандим. Димоғимга она юртнинг ҳиди урилгандек бўлди. Жисми жоним эриб, юрагим сув мисоли оқиб·кетди.

- Юртни соғиндингми? - сўради Зокир елкамга қўлини қўйиб. - Сабр қил, насиб қилса, бир-икки ой ичida Ватанда кўришамиз.

У бу гапни нимагадир ишониб айтаётганига амин эдим. Шу сабабли ортиқча савол бергим келмади.

- Яқинда Қобулга бориб келдим, - дедим кўри-

шиб бўлганимиздан сўнг.

- Хазина жойида турган эканми? - Зокир мени нима мақсалда борганимни дарров тушунди.

- Хазина-ку жойида, аммо уни мендан бошқа излаётганлар ҳам бор экан, - дедим ва бошимдан ўтган воқеаларни унга сўзлаб бердим.

- Худонинг ўзи асрабди, - Зокир ҳикоямни тинглаб бўлгач, бошини чайқаб қўйди.

- Лекин Зебодан айрилиб қолдим. У қайтиб келган куним кўп қон йўқотиб вафот этди.

- Ўғлинг кимнинг қўлида?

- Уни қўшни аёл парвариш қилмоқда.

- Рози бўлсанг, ўғлингни Ватанга олиб ўтиб кетамиз!

- Уни бериб юборолмайман. Одамлар шубҳаланиб қолиши мумкин. Қолаверса, Эргаш унинг тириклигидан хабар топган.

- Мени кечир, анчадан бери сенинг иш ҳақингни етказиб беролмадим.

Зокир бир боғлам долларни қўлимга тутқазди.

Иккимиз хазина яширилган жойга ўтдик. Тошқарни кўчириб уни олдик. Шеригим офтоб нуридан ялтираб-тovланиб турган тилла тақинчоқларни, зерузабарларни кўриб, ҳайратдан лол қолди.

- Командиринг бекорга сени бу ерга жўнатмаган экан. Ҳайронман, нега Ефим Егорович бўндей қимматбаҳо буюмни ўзи билан бирга олиб кетмайдийкин?

- Балки қўлга тушиб қолишдан қўрққандир?

- Бўлиши мумкин!

Зокир тарихдан яхшигина хабардор экан, буюмлар ҳақиқатан ҳам Бобур Мирзога тегишли эканлигини гапириб берди.

Мен ўз режаларим тўғрисида уни хабардор қилдим.

- Ўзингни эҳтиёт қил. Сен бу ерда ёлғизсан. Эргашнинг одамлари кўп. Салгина шубҳаланиб қолса, аяб ўтирамайди. Эшитишимга қараганда, ундан ҳомийларининг ҳафсаласи пир бўлганга ўхшайди.

- Худди шундай, бир ойдан бери олдига ҳеч ким келмай қўйди. Лагерда озиқ-овқат тугаган. Жангрилар очликдан азоб чекишмоқда. Кўпчилик касал. Биргина йўл «дори» сотиб, тирикчилигини ўтказиш. Агар шу ишни ҳам уддалолмаса, раҳнамолар унга бир мири ҳам беришмайди.

- Биз қўшни давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан ҳамкорликда наркотик моддалар олиб ўтиладиган барча йўлларни тўсдик.

- Унда Эргаш раҳнамоларининг ишончини оқладай олмай, ёлғизланиб қолади.

- Бизга шу керак!

- Мулла Умар жуда катта хатоларга йўл қўйди. Унинг салтанати узоқ яшамайди. Ёлғизланиб қолган Эргаш йигитларини ташлаб, қочиб кетиши мумкин!

- У қаерга қочмасин, ортидан ўқ қувиб боради.

- Мирюнус қочиб кетди, баччавозлар Воҳидни қийнаб ўлдиришди. Тўдабошининг икки қўли кесилди.

- Чўтири нима қиляпти?

- Дўстумни ўлдириш учун борганди, сири фош бўлиб, қулогини кесиб қайтариб юборишибди. Ватанга қайтмоқчи бўлганди, Эргаш дарра билан калтаклатди. Тилини ўзи узиб ташлади. Червон хоним ҳам шу ерда! Эшитишимча, у юртга ўтиб кетмоқчи. Эргаш рози эмиш?

- Буларнинг ҳаммаси у ўйлаб топган найранг, бирорта одам ўз ихтиёри билан юртга қайтмоқчи

бўлса, ўлдирмай қўймайди... Сен берган маълумот тасдиқланди. Етимхонадан қиз олган Эргашнинг одами ундан камикадзе тайёрлагани фош бўлди. Юртимизга ўтган ўн беш нафар жангари форда қўлга олинди. Аммо уч-тўрт нафар милиция ходимларини ўлдиришгани ёмон бўлди.

- Холдорни топдиларингми?

- Уни ушладик.

Суҳбатимиз узоқ давом этиб, қош қорайиб қолганини сезмабмиз. Зокир кетиш олдидан мени бағрига босиб, шу гапларни айтди:

- Сенга подполковник унвонини беришди, табриклайман...

- Бутун кучимни, иқтидоримни она-Ватанимнинг барқарорлиги, осойишталиги, фаровонлиги, кўп миллатли халқимнинг тинчлиги йўлида сарф қиласман!

Бу қалбимда қайнаб-тошаётган қасамёдим эди.

Мен лагерга қайтдим. Етиб келганимда борлиқ узра гира-шира қоронгулик чўкканди. Чодирга яқинлашганимда, чуқур ичиди судралиб юрган одамга кўзим тушди. Яқин борганимда танидим. Бу - Чўтири эди. Отнинг тизгинини тортиб, аравани тўхтатдим. Чўтири қўли билан аравани кўрсатиб, фўнфиллади. Сув сўраётганини тушундим. Ҳамиша ўзим билан олиб юрадиган илишдаги сувдан ичирдим. Бир неча кундан бери туз тотмагани юз-кўзларидан билиниб турарди. Кўйнимдаги нонни олиб, ёнига қўйдим. Чўтири бир пайтлар устимдан кулиб, масхаралаб юрганини эсладими, ҳар қалай кўзларини ерга қадаб турарди. Шериклари уни эсдан чиқаришганди. Тириклигини билишса-да, ҳолидан хабар олишни, бир тишлилам нон беришни хаёлларига келти-

ришмасди. Мен уни азобларга чидамай, ўлиб қолса керак, деб ўйлагандим. Бироқ қулоги, тили ва олати кесилган бу йигит ҳаммани ҳайрону лол қолдириб, тошлар орасида, одамлардан йироқда яшарди. Лекин нега бу ердан кетмаяпти? Буни билмасдим...

Лагерга кириб келганимда соқчилардан бири олдымга келиб, тұдабоши сүраёттанини, зудлик билан ҳузурига киришимни маълум қилди. Нима учун Эргашга керак бўлиб қолганимни билмадим. У ҳар доимгидан бошқачароқ тарзда мени кутиб олди.

- Тайёргарлигингни кўр, сени Башир сўрайяпти,
- деди.
- Тинчликми?
- Тўғриси мен ҳам ҳеч нарсани билмайман..
- Қачон жўнашим керак?
- Одамлари келиб, олиб кетишади. Унгача аравани ёрдамчингга топшири!

Эргашни нимадандир хавотирланаёттанини сешиб қолдим. Чиқиб кетмоқчи бўлганимда у мени тўхтатди.

- Билиб бўлмайди, у лагердаги аҳвол тўғрисида сўраб қолиши мумкин. Сендан илтимос, бу ердаги ишлар ҳақида ёмон фикрларни билдирмагин!

Юрагимни ўзим тушунмаган хавотир чулғаб, ташқарига чиқиб кетдим...

\*\*\*

Жалол Эргашнинг олдига кирди.

- Червон хонимни нима қиласиз, амирим?  
Тұдабоши бошини кўтарди, қизариб кетган кўзларини Жалолга тикди.

- Тузалиб кетдими?
- Ўзи ташқарига юриб чиқяпти.
- Гаплашдингми?
- Сиздан берухсат олдига кирганим йўқ, амирим!
- Юрагига қўл сол, мақсадини бил, ҳали ҳам юртга қайтиш фикрида бўлса, ўзинг кузатиб қўясан.

- Нима, унга рухсат бердингизми?
- Тентак, гапимни тушунмадингми?

Жалол мийифида кулди.

- Тушундим, амирим.

- Лекин ўзи хитланмасин!

Жалол хаёлига келган фикрни айтди.

- Амирим, сиздан бир нарсага изн сўрамоқчиман.

- Нима дейсан?

Жалол ийманиб, юзини буриб деди:

- Шу, хоним ёшлигига жа гўзал бўлган бўлса керак, а?

- Юрагингдан уриб қолдими?

- Энди, нима десам экан, ахир бу ерга келганимдан буён аёл кишининг ҳидини димогим ҳам унутганга ўхшайди. Изн берсангиз бир кеча ёнида ётсам.

- Нафсинг қурсин, тўнғиз, ахир энанг тенги аёлку, уял!

- Нима бўпти, каттами-кичикми, барибир аёл-да.
- Билганингни қил. Аммо ўзингга эҳтиёт бўл.

Чўтирнинг куни бошингга тушиб қолмасин.

Ташқаридан йигитларнинг қийқириқлари эши-тилди. Жалол туйнук олдига борди.

- Нима гап, тинчликми? - сўради тўдабоши.

Жалол ортига қайтиб, Эргашнинг ёнига ўтирди.

- Хоним ташқарига чиқсан экан, шунга йигитла-рингиз бақиришяпти.

- Ҳаммасининг кўзига қон тўлган. Қўйиб берсан уни нимта-нимта қилиб ташлашади.

- Fap қариса отин бўлади, деганлари рост экан, амирим. Бошига рўмол ташлаб, юзини йигитлардан яшириб олибди.

- Кўз-кулоқ бўлиб тур, яна бирор кори - ҳол содир бўлмасин!

Жалол қўлинин кўксига босиб, ташқарига чиқиб кетди.

Шу кундан бошлаб унинг ороми бузилганди. Тўдабошининг амрини кутарди. Хонимни кўрганда юраги ёниб кетгудек бўларди. Ўзини қўярга жой тополмасди. Вужудидаги эрлик ҳирсини жиловлай олмасди. Телбанома бўлиб, хоним ётган чодир ёнига бориб қолганини ўзи ҳам пайқамасди. Балои нафс барибир устун келди. Хонимнинг ҳузурига кирди.

- Опа, қачон юртга қайтасиз? - деб сўради.

Аёл рўмолининг учи билан юзини тўсиб олди. «Қачон қайтасиз?» деган сўз қалбида ўлиб бораётган Ватан соғинчини уйғотиб юборди. Демак, Эргаш уни алдамабди, рози бўлибди. У Жалолга бу ҳақда айтган. Ҳўжайин ёмон ниятда бўлганда оғиз очмасди.

- Бу хабарни кимдан эшитдингиз, эй, яхши одам?

- Амиримиз айтдилар, хоним?

- Аллоҳ у кишининг қалбларига меҳр солибдида?

- Сизни чегарадан ўтказиб қўйишни каминага топширдилар!

- Аллоҳ муродингизга етказсин, эй, яхши одам. Қачон йўлга чиқишини ихтиёр айладингиз?

- Бу сизга боғлиқ, опажон.

- Ундей бўлса, мен ҳозироқ сафарга тайёрман, иним.

- Йўлга ярайсизми, қийналиб қолмайсизми?

- Ҳавотир олманг, эй, Аллоҳнинг яхши бандаси! Тангримдан куч-қувват сўрайман, мадад берса, йўл азобидан қийналмасмиз.

- Унда сизнинг розилигингизни амиримга етказай!

- Шундай қилинг, эй, яхши одам.

Жалол хонимнинг ширин сўзларидан кулиб юбормаслик учун лабини тишлаб турди. Ташқарига чиқди-ю қаҳ-қаҳ отиб кулди. Шерикларига унинг сўзларини айтиб берди. Бундан кулмаган одам қолмади. Эртаси куни Жалол Эргашнинг олдига кириб хонимнинг сафарга тайёrlигини билдириди.

- Яхши, тушдан кейин йўлга чиқасанлар. Тоққа чиқишиларинг билан тубсиз жарларга дуч келасизлар. Бирортасига итариб юборгин-да, тезда изингга қайт.

- Бир оғиз буйруғингиз, амирим. Топширигинизни сиз айттандан зиёда қилиб бажараман.

- Ўзингга ҳушёр бўл, у ўлгудек тулки, муғомбир, нафсингнинг гапига кириб, бошингга кулфат тушмасин!

Жалол кулди, нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфлади-ю бироқ айтмади. Тушдан сўнг яна хонимнинг хонасига кирди..

- Тайёrmисиз, опажон? - деди мулойимлик билан.

- Қани, йўл бошланг, иним! - деди Червон хоним ҳозиржавоблик билан.

Ташқарига чиқишилари билан атрофда юрган йигитлар бўкиришиб, қичқириб юборишли. Хоним уларнинг сўзларига аҳамият бермади. Қулоги-

ни кар, күзини күр қилиб, қадамини илдамлатди.

- Эргашбой билан хайрлашмадик, иним, - деди хоним чодирдан узоқлашгач, олдинда кетаётган Жалолга.

- У киши ҳозир лагерда эмаслар, мұхым иш билан қаергадир кетғанлар, - ёлғондан жавоб қилди Жалол.

- Мендан гина-кудурат қылмасмекинлар?

- Ўзлари изн бердилар-ку, опажон, хотиржам бўлинг, узрингизни етказиб қўяман.

Хоним тоғ йўлини яхши билмасди. Шу сабабли Жалол бошлаган сўқмоқдан юришга мажбур эди. Улар чўққиларини қор босган тоғ томон боришарди. Жалолнинг юрагига ўрнашиб олган шайтон қутуртириб юборганди. Бироқ бунинг учун лагердан узоқлашиш, тезроқ анови довоннинг ортига ўтиб олиш зарур эди. Акс ҳолда хоним ортга қайтиши, шаллақилик қилиб, талабини қондирмаслиги мумкин...

Улар тоғ-тошни оралаб, тепаликка тирмашиб, доvonдан ошишди. Тогнинг совуқ ҳавоси баданларини жунжиктириди. Аёлнинг эгнидаги кийими юпқа эди.

- Чарчамадингизми, опажон! - сўради Жалол ортидан келаётган хонимга ўгирилиб.

- Чарчасам ҳам иложим қанча, иним? Чидайманда! Ахир, мен Ватанга кетяпман-ку! Назаримда юрт мени ўзига оҳанрабодек тортмоқда. Шу сабабли чарчоқни ҳам ҳис этмаяпман. Бутун фикри-зикрим она юрт тупроғини тавоғ қилишда! Ўтган кунлар ичida юртимни қанчалик соғинганимни сўз билан тушунтириб беролмайман. Сизга маслаҳатим, мен билан юртга қайting. Иккимиз халқимиздан, ҳукуматимиздан узр сўрайлик. Қилган гуноҳларимизга тавба-тазарру қиласлий!

- Болаларча хаёл сурасиз-да, опажон, - истеҳзали жилмайди Жалол. - Ўйлайсизки, ҳукумат бизни кечиради, деб. Адашасиз, улар бизни тутиб олишган заҳотиёқ товонимизга мих қоқишиади. Электр курсига ўтқазиб, сўроқ қилишиади. Ватан бизга эрк бермайди!

- Ватанга тил теккизманг! - хоним Жалолнинг сўзини кесди. - Дунёда ҳеч ким Эргашбойдек одамларни ўз Ватанига ва халқига қарши қуролли исёнга тайёрламаган. Отани болага, болани эса отага қарши қўймаган. Одамларни алдаб, уларнинг кўлига қурол тутқазмаган. Юрт бесаранжом бўлса, одамларнинг қони тўкилса, у шунчалик кўп қувонади. Роҳатланади! Шармандали ишлари билан оламнинг азал тартиботини бузмоқчи, инсониятнинг ёруғ кунини тунга айлантирмоқчи бўлади. Ҳозир айшини суради, охиратда кулфатини тортади!

Бу сўзларни эшитиб, Жалолнинг ғаши келди. Аммо босиқлик билан шундай жавоб қилди:

- Сиз нечук бизга қозилик қиляпсиз? Биз нима қилишни, қандай яшашни ўзимиз яхши биламиш!

- Мени тушунмадингиз, балки тушунишни ҳам истамагандирсиз. Мен фақат...

- Нима фақат, - Жалол хонимнинг беадаблиги учун ҳозироқ жазолашга тайёр эди, бироқ ўзининг нафсини қондирмагунча ранжитмасликка қарор қилди.

- Фақат ҳаммамизning бошимизда, қалбимизда раҳм-шафқатнинг олий ҳаками - Аллоҳ борлигини унутмаслигимиз лозим. Унинг қаҳрини қўзғатишдан қўрқишимиз керак.

- Бу гапларингиз билан менинг кулгимни қистатяпсиз, опажон. Ахир, сиз қачондан бери Худони

таниб қолдингиз? Қачондан бери Аллоҳнинг но-  
мини тилга олиб, одамларга ваъз ўқийдиган бўл-  
дингиз?

- Сизга гап уқтириш мушкул экан. Маслаҳатим,  
бу йўлингиздан қайтинг, тавба қилинг. Инсонни  
инсонга қарши гижгижламанг, уларнинг қўлига  
қурол тутқазманг. Ватанидан айирманг! Тўкилаёт-  
ган бир томчи қон учун ҳам вақти келиб жавоб  
берасизлар. Қонли қўл билан эгаллаган салтанатла-  
ринг ҳеч қачон сизларга вафо қилмайди. Қалбин-  
гизга Аллоҳни, унинг муқаддас қаломини, юртга  
бўлган адоқсиз муҳаббатини жо қилинг. Ватанга  
қайтиб, унинг хокини кўзларингизга суртинг. Хал-  
қдан узр-маъзур сўранг. Шунда яратган Тангри-  
таоло ҳам, Ватан ҳам, эл ҳам сизлардан рози бўлади!

- Хоним, - деди алам билан Жалол. - Сиз кеча  
ким эдингиз? Сохта пулларни чиқариб, давлатни  
алдаб, халқни лақиллатиб юрмаганмидингиз? Биз  
жўнатган пулларни давлатга қарши ғояларни тар-  
ғиб қилиш ишларига сарфламаганмидингиз? Шу-  
ларни ҳеч эслайсизми? Бу ерга келиб, ақлингиз  
кириб қолдими?

Жалол аччиқ-аччиқ гаплар билан Червон хоним-  
ни узиб олмоқчи бўлди. Аммо унинг аччиғи чиқ-  
мади. У бироз жим қолди. Кейин тўхтаб, Жалолга  
юзланди.

- Мусоғир бўлмагунча одам Ватан қадрини  
билмас экан. Шу ерга келиб мен ўзимнинг кимли-  
гимни, нима ишлар қилганимни узоқ мушоҳада  
қилдим. Қилган хатоларимга минг бора надомат-  
лар чекдим. Ҳечдан кўра кеч, деганларидек, ақлим  
кирди. Қолган умримни инсонларга яхшилик  
қилиш, мени камолга етказган Ватанимнинг гул-  
лаб-яшнаши учун сарф қилмоқчиман!

- Яна Ватан дейсиз-а, опа, - кинояли жилмайди Жалол. - Сиз борадиган Ватан яқин кунларда бизнинг қўлимизга ўтади. Унга биз эталик қила-миз! Яна сиз бизга хизмат қиласиз, шундайми?!

- Асло! Ватан халқники! Сизлар ҳеч қачон халқ бўлолмайсизлар. Билиб қўйинг, халқимиз шу пайтгача бирорга қарам бўлмаган, бош эгмаган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ўзбекнинг қонида Тўмарис, Широқ, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби юраги ватан ишқида ёнган халқнинг баҳти, эрки учун курашган мард инсонларнинг қони оқмоқда. Узига бек бўлган бундай мағрур халқни енгиб бўладими?

Улар анча йўл босиб қўйишганди. Жалол айтилган манзилдан узоқлашиб кетганини сезди.

- Шу жойда бироз дам олайлик, оёқларим толиқди, вужудимда мадор қолмади, - деди атрофга аланглаб.

Жалол тош устига ўтирди. Бу пайтда қорайиб кўринган қир ортидан ой балқиб, юлдузлар чақнаб, осмон чараклаб туарди. Изғирин яхлаб қолган қорларни ялаб, қуриб-қовжираб қолган ўтўланларнинг қаддини букиб, ҳуштак чалиб, телба бошини қаерга уришни билмай изғирди...

Кулранг бўри икки оёқли маҳлуқларнинг ўша кунги ишидан надоматлар чекиб, алами ортиб, жазавага тушиб, яна сарбаланд тоғлар бағрига қайтишга мажбур бўлганди. У афтодаҳол, боши оқсан томонга кетиб борарди. Жалол бўрининг овозини эшитганда уни шу атрофда увиллаётганини билди. Қолаверса, ҳозир бўрини эслашни, ҳатто ундан ўзини эҳтиёт қилишни хаёлига ҳам келтирмади. Бутун диққат-эътибори ёнидаги аёлда эди. Кўнглини олишни, юрагига тинчлик бермаётган

нафсини қондириши үйларди. У олдиндан белгиланган жойга етиб келганди, хонимнинг ҳаёт шамини шу ерда сўндириши лозим эди. Ёнида тубсиз жар қорайиб кўринарди. Бирор нарсанни баҳона қилиб, итариб юборса бас, жувон чархпаклакдек пилдираб тушиб кетади. Ҳеч қачон бу ўрадан қайтиб чиқолмайди, суяклари парча-парча бўлиб, жасади қурт-қумурсқаларга ем бўлади. Шуларни хаёлидан ўтказганида Жалол бир хонимга, бир жарга боқиб қўйди. Ортиқ йўл босишга унинг тоқати ҳам, хоҳиши ҳам қолмаганди. Тезроқ ҳирсини қондириб, изига қайтиши даркор. Акс ҳолда хўжайиндан дакки-дашном эшитиши тайин.

- Опажон, менинг тобим қочган кўринади, оёқларим қалтирамоқда, шу ерда тунаб қолсак, тонг ёришса, йўлда давом этсак.

- Бу ер совуқ, музлаб қоламиз, иним. Яхиси, йўл юрганимиз дуруст.

- Мен совқотяпман, - нимани баҳона қилишни билмай, оғзига келган гапни тилига чиқарди Жалол. - Кейин чарчаганман.

- Худодан куч сўранг, иним, шайтоннинг гапига кирманг. Эшитяпсизми, яқин атрофда бўрининг увиллагани эшитилмоқда.

- Нима, бўридан кўрқасизми?

- Ҳар қалай йиртқич ҳайвон, одамга дўст бўлармиди?

- Кўрқманг, ёнингизда мен борман, - Жалол шу баҳона аёлнинг ёнига сурилди. Унинг силлиқ ва юмшоқ баданига суйкалди. Хоним ўзини тортди.

- Нега ўзингизни олиб қочасиз, опажон? Мен бўримидим-ки, сизни еб қўйсам.

- Бўри бўлмасангиз ҳам номаҳрамсиз, иним.

- Номаҳрамдан қўрқасизми? - Жалол хонимнинг

сонига кафтини босди. Аёл яна сурилмоқчи эди, орқаси тошга тегди.

Жалол қўлларини хонимнинг белидан ўтказди ва уни ўзи томон тортди.

- Нима қиляпсиз? Нари кетинг. Уялмайсизми?
- Иситиб қўйинг, опажон.
- Нари сурилинг! - росмана жеркиб берди аёл ва ўрнидан турди. - Уялмайсизми, ўзингиздан катта ёшдаги аёлга тегажоқлик қилгани?
- Нега уялай, бу ерда иккимиздан бошқа одам бормидики, уялсан. Келинг, бирпас шакаргуфторлик қилайлик, кейин йўлга отланамиз.

Червон хоним индамади, тепалик сари йўл олди.

- Хой, тўхтанг!

Хоним ортига қарамай, йўлида давом этди.

- Бир ўзингиз кетмоқчимисиз? Бўриларга дуч келиб қолманг, улар раҳм-шафқат қилишмайди, суякларингизни ғажиб ташлашади.

Хоним Жалолнинг сўзларига аҳамият бермади, йўлида давом этди.

Ноилож қолган Жалол ўрнидан турди. Чопқиллаб, хонимнинг ортидан етиб борди ва унинг қўлидан ушлаб тўхтатди.

- Мени ташлаб, бир ўзинг қаёққа кетяпсан, кампир? - у хонимни сенсираб юборганини ўзи сезмади. - Билиб қўй, таклифимга рози бўлсанг, бу ердан саломат кетишинг мумкин, акс ҳолда жасадинг шу тошлар ичидаги қолиб кетади.

- Бир бошга бир ўлим! Пешонамга ёзилганини кўраман, сизнинг сассиқ қучоғингизга кириб, омон қолгандан кўра, гўштим бўриларга ем бўлгани афзал.

- Аҳмоқ кампир! Ахир сен туғилиб ўсган юртингга кетяпсан-ку! Сенинг бирдан бир орзуйинг

Ватанга қайтиш эмасмиди?

- Шундай!
- Нега унда ўзингни бўрининг ихтиёрига топ-ширмоқчи бўляпсан?!
  - Номус ўлимдан кучли. Ватанга талпиниб ўлиш эса баҳт!
  - Ў, шоирона гапларни қаердан ўргандинг, кам-пир? Яхшиликча рози бўлмадингми, ўзингдан кўр!
  - бақириди Жалол. - Сен бошингга ўзинг ўлим соясини солдинг!
  - Аллоҳ неники пешонамга ёзган бўлса, шуни кўраман. Ахир тақдирдан ким ҳам қочиб қутилибди?
  - Догулилик қилма, кунинг битди! Сен учун ўлим яхшими ёки кайфу-сафо қилиб дам олиши? Ҳой, тентак кампир, атрофга боқ, бу ерда жонингга оро кирадиган ҳеч зоғ йўқ. Сенинг ҳаётинг қўлимда. Мен истаган нарса бўлмас экан, бу жойдан бир қадам нарига силжиёлмайсан! Ўлигинг бўриларга ем бўлади. Ёки ўлимдан қўрқмайсанми? Бу дунёда яшашни истамайсанми?
  - Яшагим келади, ўлимдан ҳам қўрқаман, фақат менга озор берманг. Мен билан қовушишни ха-ёлингизга келтирманг. Биз номаҳрам одамлармиз, Аллоҳнинг қаҳр-ғазабига учраймиз. Охиратимиз куйиб кетади. Яхшиси, юрагингиздаги раҳиму раҳмонни ҳайдаманг, лаъиннинг сўзларига алданманг. Калимангизни ўгиринг. Зора шайтон қалбингиздан чиқиб кетса.
  - Ҳадеб шайтонни, худони ўртага солаверма. Уларни тинч қўй. Ахир бу ерда фақат иккимиз турибмиз, иккимиз бир-биrimизга талпинсак, биз қиласидиган иш гуноҳ ҳисобланмайди.
  - Бекор қиляпсиз, эй, яхши одам, - бошини

## «АФОН ШАМОЛИ» 4

сарак-сарак қилди хоним. - Нафснинг гапига қулоқ солманг. Кейин пушаймон бўласиз!

Улар бир зум жим қолишиди. Кулранг бўрининг увлаган овози яна бир бор тоғларнинг совуқ сукунат чўккан ўлик тошларига урилиб садо таратди.

Ув...ув!!!

- Ўйлаб кўр, кампир, балки аҳдингдан қайтарсан? Талабимга кўнарсан. Ахир сен юрга боришини, одамларга яхшилик қилишни, гуноҳларинг учун тавба-тазарру қилишни истасанг, очикдан фарёд чекаётган қашқирга ем бўлишни хоҳламасанг, бу тоғлардан соғ-саломат ўтиб кетмоқни ихтиёр этган бўлсанг, талабимни бажо келтир. Беш дақиқага бағримга кир, бир-бири мизни маҳкам кучоқлаб, совуб қолган вужудимизни ишқ-муҳабатнинг ҳарорати ила иситайлик. Ахир, мени ҳам тушунгингнда, беш йилдан бери тўдабошининг изидан итдай эргашиб, чўлу саҳрова аёл зотини кўрмадим! Сенинг қора ўтмишингни бошқалардан кўра, мен яхшироқ биламан. Не-не йигитларни йўлдан ургансан. Ҳатто ўзингдан ёшлиарни ҳам тўшагингга тортгансан. Энди мендан ҳазар қиляпсанми? Энди отинбуви бўлиб, жаннатга киргинг келиб, бизларга ваъз ўқияпсанми? Худонинг номи билан қўрқитмоқчимисан, эй, нодон кампир??

- Ҳақ гапни сўзладингиз, Аллоҳнинг бандаси. Тонмайман. Қилган гуноҳларимга Аллоҳнинг ҳузурида жавоб бераман. Бироқ зинданда ётган кунларим Яратган эгамга чин дилдан истиғфор айладим, тавба-тазарру қилдим. Унинг яккалигига имон келтирдим. Ӯшанда қолган умримни елкамдаги гуноҳлар юқидан халос бўлгунча одамларга савоб ва хайрли ишлар қилишга, зино йўлига кирмасликка онт ичдим. Ўзимдаги гуноҳларни Аллоҳ

мағфират қилишини тилаб, унга йиглаб-сигинганымдан буён виждоним ҳам ором топди. Рұхим енгіл!

- Шундай улуғ ниятлар қилибсанми, демак, ҳеч иккиланмай, бағримга ўзингни ташла, қовушайлик, сен озод, хур бұласан! Худо бу галги гунохингни ҳам кечиради. - масхараомуз тиржайиб деди Жалол.

- Тилингизга олган сүз учун тавба қилинг, эй, шайтонни ўзига ҳамроҳ билған банда. Ўткинчи дунёning ҳою-ҳавасларига, шайтон томирингиздаги қонни жунбушга келтирған оний ҳирсларга берилманг. Юрагингизга уя қурған шайтонни қалбингиздан кувиб солинг. Раҳмон үз маконида султонлик қылсин. Ният ва мақсадларингиз әзгулиқка йүгрилсін. Шунда иллатларга тұлған юрагингиз инсон боласига меҳр-муҳабbat билан лиммо-лим бўлади. Шунда сиз Тангри таолонинг даргоҳига пок ният, пок қалб, пок имон билан борасиз!

Жалол хонимни яхши гап билан йўлга сололмаслигини тушунди. Вақт эса ўтиб бораради. Ахир тўдабоши уни кутиб ўтирган-ку. «Тезроқ ишни битириб орқангга қайтгин», деб тайинлаганди-ку!

- Афсус, сен билан шу ерда ажралишга мажбурман! - деди ҳафсаласи пир бўлган Жалол. - Яхши гапга қулоқ солмадинг, ўзингдан кўр. Хўжайнин сени шу ёргача кузатиб қўйишимни буюрганди. Унинг топшириғини бажариш мен учун қонун.

Жалол қўйнидан ханжарни олди. Унинг тифи ой нурида ялтиради. Хонимнинг қўзлари қўрқувдан катта-катта бўлиб кетди.

- Нима, мени ўлдирмоқчимисиз? - сўради овози титраб.

- Шундай, кампир!
- Мен ожизанинг бир қошиқ қонини тўкиб, не фойда топасиз?
- Мен фойда кўрмайман, бироқ амиримизнинг буйругини бажаришга мажбурман!
- Аҳдингиз қатъийми?
- Қатъий!
- Унда бир оз сабр қилинг, эй, яхши одам. Хуфтон намози бўлди. Шуни ўқиб олай, дилимдаги сўнгги сўзларимни Парвардигоримга муножот айлай, унга етказай. Сўнг жонимни олсангиз, минбаъд розиман!
- Яна вақтни чўзиб ўтирганин. Ортиқ кутишга тоқатим йўқ! - ҳафсаласи пир бўлган Жалол тўнгиллади. - Ахир ўлиминг яқин қолди-ку, кампир! Худога нола қилганинг билан жонингни сақлаб қоларми!

Хоним қўлтиғига қистириб олган жойнамозни ерга тўшади.

Бетоқат бўлган Жалол аёлнинг тезроқ тоат-ибодатини яқунлашини кутарди. Шу ерда шайтон яна унинг мудроқ қалбга ғулгула солди. «Намоз ўқиб бўлишини кутиб ўтирасанми? У вақтни чўзиш учун атайлаб шундай қилмоқда. Ўлимини билган одам намоз ўқиб нимага эришарди? Бўйинини узиб, жарга улоқтиргинда, орtingга қайт. Ахир, Эргашбой сенинг йўлингга кўзларини тўрт қилиб ўтирибди. «Балки бу манжалаки ханжарни бўйнига тирасам, қўрқиб талабимга рози бўлар».

Жалол юрагини қитиқлаётган шайтоннинг топширигини бажариш учун ўрнидан туришга хезланди, шу пайт болалигига ота-онасидан эшитган бир сўз ёдига тушиб, ўша шайтонга ҳайф берди. «Намоз ўқиётган одамга халақит бериб бўлмайди».

Жалол ортида нимадир шитирлаганини эшитди. Кулранг бўри одам ҳидини олиб шу ерга келиб қолганди. У Жалолнинг шундоқ ортида турарди. Уларнинг кўзлари учрашди. Шунда кулранг бўри одамнинг қўрқувдан қотиб қолган кўзларига тикилди. У бу одамни таниди, инидан шу кимса қувиб солганди.

Кулранг бўрида қасос олиш иштиёқи уйғонганди. Уни ҳеч нарса аҳидан қайтаролмасди. У орқа оёқларини букиб, хумдек калласини жунли елкаси орасига қисиб, ўқ мисоли учеби келди-да, Жалолнинг кекиртагига ўткир тишларини ботирди. У бақиришга ҳам, лоақал қўлидаги ханжарни ишга солишга ҳам улгуролмади. Бўри Жалол ерга йиқилганида, қон отилиб чиқаётган бўғзидан тишларини суфуриб олди. Ўзидан икки қадам нарида тоат-ибодат қилаётган Червон хонимнинг ёнидан ўтиб кетди.

Червон хоним довон ошибб ўтганида тун пардаси оҳиста кўтарилаётганди. Осмон шу қадар тиник, шу қадар бефубор эди-ки, табиат унинг жамолини илк бор кўрсатаётгандай эди. Яйловлар, кенгликлар, боғу роғлар, пахтазору фаллазорлар этагидаги осмонўпар бинолар кўзга ташланарди. Червон хоним кўзи илғаган жойлар ўзининг она юрти эканлигини ҳис этди. У соғ-омон Ватан остонасига етиб келганидан, унинг жамолини кўраётганидан баҳтиёр эди. Яна бир неча юз қадам юрса кифоя, Ватан тупроғида бўлади.

- Ўзингга шукр, Аллоҳим, юртимнинг жамолини кўрсатганингга шукр! Энди жонимни олсанг розиман! - деган сўзларни ҳар қадамда

такрорлаб, энтикиб борарди. Юраги шодлигу қувончдан гурсиллаб тeparди. Кўзларидан оқиб тушаётган севинч ва соғинч ёшлари юзини ювиб тушарди. Бирдан юрагининг туб-тубидан нимадир кўтарилиб, бўғзига қадалди. Ёрга йиқилди. Юзини заминга босиб, овозининг борича йиғлаб юборди...

**ТЎРТИНЧИ КИТОБ ТУГАДИ**

## МУНДАРИЖА

Саманган.....	3
Юртда.....	7
Киргизистон.....	11
Самантан.....	14
«Сим» операцияси.....	28
Киргизистон.....	34
Самантан.....	40
Юртда.....	48
Москва.....	54
Юртда.....	64
Мулла Умарнинг утмиши.....	71
Саманган.....	79
Покистон.....	85
Самантан.....	91
Москва.....	98
Юртда.....	106
Киргизистон.....	111
Самантан.....	115
Юртда.....	125
Саманган.....	137
Қоратсигин.....	157
Саманган.....	161
Юртда.....	190
Саманган.....	202

*1000 суръ*

Адабий-бадиий нашр

Исҳоқжон НИШОНОВ

# «АФГОН ШАМОЛИ»

РОМАН СЕРИАЛ

СҮНГТИ ТОПШИРИҚ

## 4 КИТОБ

Мұхаррір:

Тех.мұхаррір:

Дизайнер:

Мусаҳдиҳ:

Нұрбек Абдуллаев

Собитхон Абдуҳамитов

Дилмурад Алимов

Улугбек Умаров

2012 йилнинг 3 январь куни теришга берилди. 2013 йилнинг 13 январь куни босишга рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 16 босмаТобоқ.

Газета қофозига оғсет усулида босилди.  
Алади 1000 нұсха. № 068-сонли буортма  
Баҳоси келишилган нархда.

«Наманган» нашриёти, Наманган шаҳри,  
Навоий кӯчаси, 36 - уй.

Китобнинг оригинал макети «ЗАКОВАТ МЧЖ» нашриёт уйи  
босмахонасида газета қофозига оғсет усулида босилди.

Корхона манзили: Косонсой шаҳри,  
«Чорбоғ» кӯчаси, 17-уй.